

Омон Матжон ИЙМОН ЁҒДУСИ

Шеърлар, дostonлар

Сайланма

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
www.ziyouz.com kutubxonasi

Y32
M31

M $\frac{4702620202-47}{M352(04)-94}$ 17-94

ISBN 5-635-01437-9

„Қуш йўли“ китобдан, 1993

* * *

Доим шу иштибоҳ, доим шу гина,
Хаёнинг олдида дупё кичкина.
Бир сазо қутибсан мендан жимгина,
Мен олдга бир қадам ўтақолмабман.

На элчим бор менинг, на таржимоним,
Тилсизлигим боис ортар армоним.
Хаёдан бўлакка етмас фаршоним,
Юрагимни вакил этақолмабман.

Бори эл барибир сўзларлар биздан,
Ёлғиз ўй сурсак-да, келарлар биздан.
Ҳечса, борлигимни гизлаб ёт кўздан,
Соянгни бир нафас тутақолмабман.

1992

УЎ

Бу не ойина уй, не биллур қаср,
Нурлар, шарпаларнинг бу қандай рақси?!
Ҳар бир нафасингга бунда бор тасвир,
Ҳар юрак зарбининг кўринур акси.

Бу не ойина уй, ҳар битта кўзгу —
Саъйи аъмолингга аниқ шаҳодат.
Томонлар тўртман деб солмайди қутқу,
Кўзларга ҳоқимлик қилмас маҳобат.

Жимир-жимир чашма ё қуш кўзлари,
Устунда титраган сезимли симоб,
Барида бир руҳнинг бордир излари,
Айни пайт саволдир, айни пайт жавоб.

Энди мен аминман, шу ойдин уйда,
Яъни аён жойда ҳар битта самар,
Одамзод яшайди — кўзи уйқуда,
Умр не, мазмун не, буткул беҳабар.

Е олис қуёшнинг элтиб тафти,
Е ойгача бордай шай тахтиравон,
Юлдузга пайвапдай умр дарахти,
Лоқайд абадийлик сизинар инсон!

У билмас, бу кўзгу нечоғ ғаройиб,
Ҳатто нафас тегса хира тортишин!
Салга дарз кетиши, салга қорақиб,
Бунда қоронғулик яна ортишин.

Билмас, на ул ҳар кеч юлдуз ёлғирини,
Билмас, кимлар боис қолиб жабрга,
Бутраб ўн саккиз минг оламнинг бири,
Биллур куқунлари тўкилув ерга!

Нега ҳушёр этмас уни бу фалак,
Койнот — улуғвор ойна эрур.
Унда нени кўрсак, нени илгасак,
Бу — ўзга оламлар оша келган нур!

Бу уйдаги ҳар барг, ҳар гул япроғи,
Оқми-қора булут, ё томчи ёмғир,
Бари ҳисобдадир, бордир сўроғи,
Бари бир-бирининг сувратчисидир.

Ўйланг, бул маконда меҳр ё қаҳр,
Ғазаб ё муҳаббат — кетарми изспиз?!
Бирин ҳам қолдирмай бу кўзгу ахир
Одамнинг ўзига қайтарар, сўзсиз!

Билмас, билмайди, бу ойнакор уйда
Миллион расми бор — тан олмас одам!
Ғофил, ким не қилар деган бир ўйда,
Ўзига ҳукм ёзиб боради, нодон.

Мен энди сезаман — жисми кўзгудир,
Минг-минг биллур юлдуз сузар қонимда,
Тафаккурим — кўзгу, исми кўзгудир,
Яратганинг расми бордир жонимда!

Эй дўст, эй сафардош, эй сен ҳамхона,
Ҳаётимиз! Биргамиз! Бахтимиз кўлди!
Сенга ишонаман! Тик боқаман, ҳа!
Сен ҳам Ҳақиқатдан қўрқмасанг бўлди!

1992

2—3 ЯНВАРЬ, ХОРАЗМ

Хоразмда қор юкидан оғочлар синди.
Кун-тун фалак тегирмони муз сенди гўё.
Қуриб,
 кўкка учиб кетган Жайхуннинг энди
Булут бўлиб, тушишидан борми бир маъно?!

Оёқларин муз новдалар қўйвормай, ушлаб,
Парвозлари қотишгандек совуқ темирга,
Шохлар аро паноҳ топган жунжиккан қушлар,
Дарахтларга қўшилишиб қулашди ерга...

Ўзбекистон! Сенинг ўктам оёқларингни
Юз йил шундоқ қўйвормади Шимол музлари.
Юкинг — оғир, шамоллар — оч...

 Ва шохларингда
Жон қушларим минг жовдираб боқар кўзлари...

Қаҳратонда ҳимоятсиз қолади муҳит,
Йиқилганлар, тўхтаганлар, сўзсиз — ўладир,
Ўзбекистон, эрк дарахтим, ўзни бардам тут,
Парвозга шай қушлар билан елканг тўладир!

1992

* * *

Кузда мен ҳар ҳолда табиатда ҳам
Бир тинчлик борини сезаман осуд.
Жилга тинч узалар, тепа олар дам,
Ечиб қўйилгандай қилич ва совут.

Қани ул баҳодир, наҳот жанг тинган?!
Анҳор узра кўприк кенг нафас олар.
Фақат қайрилишда, ўзни тутолмай,
Мавжлар бир-бирини шапатлаб қолар.

Ху узун қирларнинг сўнгига боқсанг,
Хотирадай хира кўринар тоғлар.
Фасл тугаб борар. Ё балки аср.
Мезонлар бўшлиқдан бир видо хоҳлар.

Гап ҳув ботаётган қуёшда эмас,
Бутун сир ва жумбоқ кузнинг ўзида.
Гоҳ у бир-икки ҳўл булутни ушлаб
Савалаб қолади юзу кўзига.

Бир тўрва олмани уйга элтгувчи
Деҳқон қиз ўйламас олди-сотдини.
У тезроқ ва тезроқ уйига кириб,
Тўлдиргиси келар кўзгу сатҳини.

Ундаги босиқлик, ҳаё олмаси
Кузакнинг кимиға балки қариндош.
Ўз қизлик режаси билан ишлайди
Унинг қалбидаги бокира қуёш.

Куз. Тунни кутмаймиз. Лекин уфқлар
Ғалаён қоңқоғин ковшарлар алвон.
Энди тунги бозор уйғона бошлар,
Сомон йўли бўйлаб келар юз қарвон.

Юлдузлар, заргардан янги чиққандай,
Само растасида ёрқин ёйиғлиқ.
Бу ҳафта безовта юрди андак ой,
Кемтиклигин ўйлаб юраги доғлиқ.

Ўз. Тунни кутмаймиз. У ўзи келар,
Бир не олиб келар башар тинчига.
Тун, қора турнадек, жўжаларини
Титроқ парларининг олар пинжиги.

Ўз. Тунни кутмаймиз. Чунки осмон
Бугун теран ва соф. Бугун мукамал.
Тақдир, эҳтиросли умр ишларин
Доим шундай қўлла! Ва шундай эт ҳал!

1992

НУР ҚИССАСИ

Уни севиб қолганман мен жуда ёшлик чоғимда,
Ҳозиргача у жон дўстим, ҳозиргача ёнма-ён.
Эркаланиб бошим узра жой тутар у гоҳида,
Юрагимга кириб олиб гоҳи солар ғалаён.

Гоҳ у олтин ханжар каби тикка тушади ерга,
Гоҳ жим қириб деразамдан, ёстиғимни сийпалар.
Гоҳ оппоқ, ёруғ саҳна, неча-неча тақдирга
Мўъжизалар ваъда этиб, унсиз сирли куй чалар.

Бир пайт бирам тантиқ, гўё ширинликка ўч бола,
Турфа ранга ийлаб ўзин, сочилади минг алвон.
Тортигидан бебаҳр қолмас чаман, гулда ҳар тола,
Капалаклар қанотларин бўяб чиқар у шодон.

Гоҳ у нечоғ салобатли! Тонг маҳали кўрганман,
Чўққиларнинг зирҳларини эговлайди ёндириб.
Сўнг Аму ва Сир устига ёйилади дафъатаи,
Тўлқинларни ёруғликка, саховатга қондириб.

Олис фазо тубидан у гоҳо ёриб чиқади,
Гўё Аршнинг оқ мактубин элтган самовий элчи.
Гоҳо шамга қўниб, тунни бурчакларга тикади,
Қора қалам остида у — ҳам тарихчи, ҳам тилчи.

Ёлғизлатиб қўймас лекин одамни у ҳеч қачон.
Гоҳ қуёшдан қараса, гоҳ ойдам йўллар оқ аксин.
Уни шимол осмонида қузатганман не замон,
Узун қутб кечасига чизганида тонг расмин.

Баҳор чоғи қалдироқлар ваҳм юриш қилганда,
Қўшилишиб кетганида замин, замон ва фалак,
Келгинди ва каж булутлар қақшаб хуруж қилганда,
Ер кемасин елкан бўлиб юргизган шу — камалак!

Тушларимга киради у, кифтимга пар улайди,
Идрокимда ўн саккиз минг олам бўлади пайдо.
Гоҳ бошқалар юрагидан туриб мени имлайди,
Тушунуксиз сувратларда тилга киради гоҳо.

У аслми? Бизгача ё етганми синиб-синиб?!
Йўқ, йўқ, у ҳеч узилмасдир! У — бутуннинг давоми!
Майли, бизга келган бўлсин, ўз чин юлдузи сўниб,
Кўп улғудир ҳаёт учун ҳар лаҳзалик инъоми.

Мўъжизакор не нурдир бу? Не бу илоҳий хабар!
Вақтдек, нороҳ ўчиб баъзан бар туттирмай кетади...
Уни таниб улгурганим, суйганим — қутлуғ самар,
Умримнинг шу қисмини ҳам умрим десам етади!

1992

* * *

Бу боғлардан бизлар ўтдик,
бизим издан кимлар ўтар?!
Бу йўлларга бизлар етдик,
вафо фалак, кимлар етар?!

Эй одамзод, қалбингдаги
чаманларнинг ҳолин сўра!
Оғиз очдинг, мақсад учун
сўзларингнинг болин сўра!

Адил тоққа суянганлар,
қўллардаги тошлар нечун?!
Эгилмаса Ҳаққа бўйининг,
ғурур нечун, бошлар нечун?!

Тонг лаҳзасин қонли кўриб,
бағрингни сен қон этмагил!
Қилич тутган ҳар нокаси
ботир билиб жон тикмагил!

Назар этгил, ёшу кекса
бир малҳамга зордир бу кун.
Ғазабни қўй, фақат меҳр,
фақат меҳр кордир бу кун!

Бу боғлардан бизлар ўтдик,
бизим издан кимлар ўтар?!
Бу йўлларга бизлар етдик,
вафо фалак, кимлар етар?!

1992

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАРИМ

Хориждаги ўзбекларим,
Ўлмай қолган ўзликларим,
Қани энди юртга келинг,
Ўз хонларим, ўз бекларим,

Юртга келинг, юртга келинг,
Ичга келинг, сиртга келинг,
Майли, чилвир сочга келинг,
Ё бурама муртга келинг.

Хориждаги ўзбекларим,
Сизга йўқдир ҳеч кекларим,
Келиб уйимни тўлдиринг,
Қувғинда юрган эрklarим!

Кўчаларни гув тўлдиринг,
Гулларни ҳидлаб сўлдиринг,
Хориждаги ўзбекларим,
Худди ўзимиздекларим.

Ғамларимни баёз тортди,
Деманг ким кўн, ким оз тортди?!
Денгизларнинг оғир юкин
Дур излаган ғаввос тортди.

Ой чиққани ростдир бу кун,
Кун туққани ростдир бу кун,
Қора кўзлар ёши тиниб.
Ғанимлар ер ости бу кун.

Келинг, танда бу жоп бирдир,
Умид бирдир, имон бирдир,
Ўзбекистон бўлинмайдир,
Она Ўзбекистон бирдир!

Хориждаги ўзбекларим,
Худди ўзимиздекларим,
Қани энди юртга келинг,
Ўз хонларим, ўз бекларим.

БУ — МАШРАБ, МАШРАБ!

Фалак дарахтидан айши тонг чоғи
Оқ-қора қушларни ҳуркитган ким у?!
Ез базми олдидан ўн саккиз оқшом
Булбулга шўх куйлар ўргатган ким у?!
Ким у, сўзларига сира йўқ тараф,
Бу — Машраб, Машраб!

Бу нечук манзилдир, тоғлар соқчидир,
На бешик — кўк-яшил байроқ ёпинчи?!
Бу қандоқ гўдақдир, алласи — бўрон,
Юлдузлар — ўйинчоқ, яшин — овунчи?!
Ким у, булутларни йиртган бир қараб,
Бу — Машраб, Машраб!

Ким у, теурийлар хонадонининг
Учоқларин қучиб, қўр титаётган?!
Йўллар тикланишин, тож ярқирашин,
Миллат уйғонишин зор кутаётган?!
Ва зулматни бузган наъралар бошлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Ким у, юпун миллат дарди қаёну
Бири бирига ёв беклардан безган?!
Мансаб, ҳою ҳавас эркидан кечиб,
Ҳоқимлар, тақиқлар, чеклардан безган?!
Бу қандай мактабдир, бу нечук матлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Ўғри-қароқчини арзанда тутган
Қўрқоқ қозилардан ҳазар этган ким?!
Кунимиз шу-да, деб, ҳар кўйда қолган
Кўнган, розилардан ҳазар этган ким?!
Ким у, ҳақсизликка отилган ғазаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Хў-хў, ким йиқилди фитнадан ногоҳ,
Лекин қўлидаги ҳақ жоми бутун?!
Имони бутундир, севгиси бутун,
Кўнгли бутунларга саломи бутун,

Ўлса ҳам кетмаган қизларни ташлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Кўзлар мўмиёвий, ким у, меҳрибон,
Мингбулоқ олови устида пайдо?!
Ким у, Ҳаж йўлида юртдошлар билан
Умидлари каби кийган оқ ридо?!
Ким у, ишқ аҳлини куйлар кўз ёшлаб,
Бу — Машраб, Машраб!

Неча бор элангай ерда жисмлар,
Неча бир эврилгай замину замон,
Неча ўзгаргайдир рубобда симлар,
Аммо абадий нур, абадий исён —
Тангрига ҳам суюк ташлайолган гап,
Бу — Машраб, Машраб!

Ҳали кўп ухларсан, огоҳ бўл, юрак,
Ахиран уйқудир оламнинг кори.
То кўмиб кетмасин яна минг-минг йил
Майдалаб ёғувчи гафлат губори.
Юр, юр, шамолнингдан туманлар тарқаб,
Эй Машраб, Машраб!

Кел, бугун, эй шоир, гумроҳ тўполон,
Турли гуруҳлардан нифоқни кўтар!
Ўмгани оҳиста тикланаётган
Халқнинг-ла бу озод байроқни кўтар!
Сувратинг бир шараф, руҳинг бир шараф,
Эй Машраб, Машраб!

1962

БОЗОР ҲАЗИЛИ

Юртимдаги бир ҳолатни кўриб кўз ҳайрон,
Не бозор бу, ё не савдо қарвони келмиш?!
Ўз жойида муқим нарса қолгани гумон,
Алиш-алмаш, айирбошлаш замони келмиш.

Балки Ипак йўли қайта жонланган дерсиз,
Бунақаси лекин сира сизмас ақлга:
Наҳот, фойда, тама яшар миллатсиз, ерсиз,
Катта-кичик алишмоқда не тушса қўлга!

Пахтаи борми — мана темир!
Пиллага — шакар!
Ана ўрмон, кесиб обкет қовун қоқига!
Агар жиндек хавфинг бўлса,
унга ол хатар!
Юлдузингни алиш ану фалак тоқига...

Аммо қаранг, боларилар гулзорларда жам,
Йўлбошчиси қаровида ўз иши-ла банд!
Ё гулдами бу қавми жипс этган малҳам,
Сал хавф сезса, бир-бирига қалқону вобанд.

Халқим! Агар истиқболнинг тагин булутли,
Ўтолмасанг олди-сотди, нафдан нарига —
Алишаман, сотвораман сени
бир қути,
Бир жамоа, бир аҳил уй асаларига!

11.03.92

* * *

Болаликда ўч олишга ўч эдим, жуда,
Тинмас эдим бир туртгани икки туртмасам.
Кейин билдим, не кўп — нокас кўпдир дунёда,
На сўз айтиб улгурасан, на ичиб қасам.

Одам ёруғ хаёлларга хожа экан чин,
Кўнгилда кин, гараз сақлаб юрмаги хато.
Емонларни бир кун албат жазолаш учун
Ўчга ўзи ҳакам экан Тангри Таоло.

1992

ИЛОҲИЙЛИК ХУСУСИДА

Менга тақдир бўлди бир суҳбат илоҳийдин,
Муножот бандадандир, рағбат илоҳийдин.

Бул ёмонат жон ўзи олий мукофотдир,
Не яна келмиш менга навбат илоҳийдин.

Дилда суврат акс этиб, дийдор талаб бўлдим,
Не наво бу, не чирой, ҳайрат илоҳийдин.

Бир кўнгилни овламоқ андоқ мўъжизаким,
Етти иқлим сайрига рухсат илоҳийдин.

Бул на ўткир игнадир, боғланди турфа ип,
Кийди сўз жондин либос, хилъат илоҳийдин.

Умри гулдан қисқадир, капалак гул севди,
Гар қанот қоққунчалик фурсат илоҳийдин.

Кўксингизда навбаҳор сеҳрин асранг, ёшлар,
Чунки огоҳ фасли бу, муҳлат илоҳийдин.

Зулф ол юзни тўсиб беркитди дўзахни:
Номусу, иффат, ҳаё, жаннат илоҳийдин.

Менда оз деб, унда кўп, кўзларда кир йиғманг
Асли ганж иймон эрур, нусрат илоҳийдин.

Нафси устун кимсадин тоғ ҳам йироқ тушар,
Чунки инсонга шараф, маснад илоҳийдин.

Тўлиб элди жон ийгиб беҳосиятларни,
Ул муатлим, дўзахийдир, лаънат илоҳийдин.

Бериёлар давраси битна-фасод эрур,
Бешкарига ўч ёмур албат илоҳийдин.

Икки олам ташвиши юк бўлса, гам чекма,
Қаҳрни енгсанг, келур шафқат илоҳийдин.

Ҳақ эсанг эл олдида, ҳақ олдида ростсан,
Эл қўзи бирлан боқур қисмат илоҳийдин.

Шоҳи одилни азал куйлайди аҳли шеър,
Тожни толе кийдирур, давлат илоҳийдин.

Шоҳга фарзанддек турур турфа маслакли эл,
Барчасин тенг тутгали санъат илоҳийдин.

Тўқсон икки бовли юрт, тўнларни фарқ этманг
Чунки миллат биттадир, миллат илоҳийдин.

Балқди олам тоқида байроқ яловмиз,
Эрк деганлар олди эрк албат илоҳийдин.

Кўнгли оқ халқим учун Макка эшик очди,
Келди истиқлол куни раҳмат илоҳийдин.

Ўттиз икки қуш, Омон, елкангда исендир.
Асрадинг ўзлукни сен, рағбат илоҳийдин.

1992

* * *

Ишқдан ҳол сўрдим, ул:
«Ишқ — ҳол эрмас!» — деди.
«Ишқ, айтгил қисматим?!»
«Ишқ — фол эрмас!» — деди.

«Ишқ, суврат ҳади эт!»
«Ишқ, бу — маъно!» деди.
«Ишқ, дардинг ўлдирур!»
«Ишқ, бу — даво», деди.

«Ишқ, ҳамроҳ ўл!» — дедим,
«Ишқ — сорбон!» — деди ул,
«Ишқ, кел, соғиндим-ай!»
«Ишқ — армон!» — деди ул.

«Ишқ, сея қалбимдасан!»
«Хотиринг камму?!» — деди.
«Ишқ! Дийдор истадим!»
«Ишқ ўзи камму?!» — деди.

ҚИСҚА МУЛОҚОТЛАР

* * *

Бу ғурбат даштидан нечук ўтдим мен,
Кимларга ишониб жадал этдим мен?!
Изимга қарасам жилмайиб турган
Ишқ билан Имоини идрок этдим мен.

* * *

Кўкдаш ерга бир не туташ кўринар,
Умр — ўз бурчингни ўташ кўринар.
«Авлодлар алмашар!» деган гап бекор,
Бу — ҳар кимни бир-бир синаш кўринар.

* * *

Ўзни чаманларга ураркан одам,
Саҳролар ҳавасин қилар камдан-кам.
Кўрдим, Қизилқумдан синанд гул очмиш,
Нодир уруғлари панжасида жам.

* * *

Сув ҳам одамлардек яшаб, ўлади,
Руҳи булут бўлиб кўкда елади.
Елкасидан охир жой бергач тоғлар,
Оқланиб-покланиб қайтиб келади.

* * *

Қай куни синчиқлаб боқдим бир қушга:
Нафси деб тутилди олақўз Мошга!
Минг шукр, ҳудойим, қорин бермабсан
Мендаги қанотли хаёлга — ҳушга!

* * *

Иккига бўлинди бир гуруҳ ўртоқ,
Интилиш озаёди — тораёди сўқмоқ.
Бир ялов остида эдилар, энди
Чити мунда қолди, мунида — таёқ.

* * *

Юмалоқ осмондан айтсам каломни,
Ҳар кимга хос қилиб азиз бир номни,
Бизни ким қузатар гир айлантириб,
Шундоқ устимизга тўнкариб жомни?!

* * *

Бул ўт ўзи ичиша ичинда маҳкум,
Ўзни ўтга урмоқ не сирли таълим?!
Нурсиз гўшаларда бу парвоналар
Жон фидо қилурлар кимга, номаълум?!

* * *

Ўт билан синади кўп худовандим,
Сувдан ҳам ўтқарди бардошу бандим.
Ишқ учун ҳозирлик экан барчаси:
Ишқ келди, ҳам тўлқин урдим, ҳам ёндим!

* * *

Садоқат илмига толиб бўламан,
Мен вафо кўргузиб голиб бўламан.
Қонимни бузса ҳам минг бир хиёнат,
Яна ўз аслимга бориб, ўламан.

* * *

Терс феълли кимсалар кимнинг зурёди,
Тағин ҳар бирининг бордир устоди!
Покдил эл «Ё ҳақ!» деб ружу қилганда
Буларнинг нимада бўларкан ёди!

* * *

«Эҳ, бир шайтон урди», дейсан ҳар сафар,
Ўзинга олмайсан айбни ҳеч маҳал.
Мундоқ қараб турсам, бутун вужудинг
Шайтанатга ўнглаб қурилган шаҳар.

* * *

Нега ҳар бир голиб киявермас тож,
Нега ҳар мағлуб ҳам қолмас беилож?!
Билдимким, осмоннинг эшиги битта,
Дардли муножатга очилар Меърож.

* * *

Бу замин халқимнинг тираги эрур,
Бу эрк миллатимнинг юраги эрур.
Бу байроқ, тикланган гурурга инъом,
Зангори осмоннинг бўлаги эрур!

* * *

Мен босган қадамни ерим тушунди,
Ҳар бир нафасимни шеърим тушунди.
Тилимда гоҳи гул унди, гоҳ тибан,
Лекин ҳар сўзимни элим тушунди.

* * *

Қимнингдир бошида доим қора дуд,
Қимнинг бору йўғи на зарар, на суд.
Қимдир, тугилгандаш нисбаси нурдир,
Ҳаёт шундай рангин ва шундай мавжуд.

* * *

Ул кўчгувчи қушлар на деб чекар зор,
Ҳатто шамолнинг ҳам туққан жойи бор.
Минг йил бир гўшада яшару инсон,
Нега тил беқарор, имон беқарор?!

* * *

Бу дунё устма-уст бир дўкон чиқар,
Усти — зар, остидан устихон чиқар.
Бунда оппоқ жилдли китоб олсанг ҳам,
Ё ости, ённки усти қон чиқар.

* * *

Қўлларда интиқиб, илиб қолди жом,
Нотиқда чўзилиб кетди-ку калом.
Нодон, ибтидодан бошламоқ нечун,
Бошланиш ўзи йўқ, бўлмас ҳам тамом!

* * *

Неча йил ухлабман, жон-тан қотибди,
Қарасам тепамда тонглар отибди.

Сас келди: «Ер қаърин қоқ марказида
Бир қуёш қамалиб порлаб ётибди!»

* * *

Бу не чиркин гурур, тийиқсиз ҳаво,
Бурнингнинг учига илинмас дунё!
Шошма, неччи пулсан, билиниб қолар
Нариги паллага тош тушган асно!

* * *

Ўзга сайёрада бир шоир гўдак
Бешигин мақтарди тўқиб куй-эртак.
Наҳотки шу қадар қўмсар, соғинар
Қўл-оёғи боғлиқ пайтларни, тентак!

* * *

Ўзга сайёрада кўрдим бир қаср,
Гавжум бозор ичра пицца уй, па сир?!
Атроф олди-сотди, бегам алало,
Оқиллар — иш ичра, оқиллар — асир,

* * *

Бемаза бир қавм пайимда доим,
Шунча вақт беҳуда излар гунойим.
Мен — майли, бошқалар тигч юрсин энди,
Буларга бўлак иш бер-да, худойим.

* * *

Бирин қўлида тиг, бирида темир,
Бир хон дер ўзни, бириси амир.
Икки тўп уришар. Қизиқ, бормикан
Буларда урушдан кейинги умр?!

* * *

Қуёш ботган сайин узайди соя,
Абадий зулматга кўмилди қоя.
Ернинг нурга бўлган буюк соғинчи
Тоғларни юксалтиб турибди гоят.

* * *

Хажрингда ой каби йироққа ботдим,
Қора ғамим билан чироққа ботдим.
Йиғидан кўзларим булоғи қуриб,
Фарҳод тешасидек мен тоққа ботдим.

* * *

Ойдин тун. Яхмалак. Дала-туз эди.
Тўлин ой булоғи яхлит муз эди.
Осмон шишасига тирик нақш солган
Сен менга айтган бир илиқ сўз эди...

* * *

Пахта баїрамига чунон айтасиз,
Қовун сайлига-ку ҳар он айтасиз.
Майли, ачиб-бурчиб қолган бўлса ҳам
Узумнинг тўйига қачон айтасиз?!

ҚУШ ЙҮЛИ

(ДОСТОН)

Савол:

Йна бир сойил деди: «К-эй илмкеш,
Бу сафарким кўнглумизни қилди реш.

Қать ўлуб шаҳ базмига бўлсак анис,
Тухфае вожибдурур беҳад нафис.

Шаҳни кўрмак тухфаи мақбул ила,
Бизни ондин огоҳ эт маъқул ила».

Жавоб:

«...Сен ўзунг бирла ниязу дард элт,
Жисми зору жони гампарвард элт,

Онда еткур сўз ила дарду фано,
Истар ўлсанг ўзни қилмоқ ошно».

*Алишер Навоий,
«Лисонут-тайр».*

Муддао:

Кел, эй кўнглим қуши, ҳаво эт бу дам,
Нечун безовтасан, сазо эт бу дам?!

Несан, ким учунсан, нени истарсан,
Надин гоҳ кўкдасан, гоҳи бистарсан?!

Тафаккурнинг уйин, қани, тафтиш эт,
Уйғот, юракка ҳам муносиб иш эт.

Ташвишинг не эрур, ҳолимиз нечук,
Қийналмоғинг недин, йўлимиз нечук?

Ақл — ойдин кечада ярқираган кўл,
Шул нурга элтади бунда барча йўл.

Юрак — ногоҳ, кузги момоқалдироқ,
Олма шоҳидаги энг сўнгги япроқ.

Бул икки инни, эй кўнглим қуши,
Яқин эт ва эл эт, ўнг бўлсин иши...

Дерлар, ҳар одамга юлдузи ёрдир,
Дейман, унинг ўз хос қуши ҳам бордир.

Гарчи юлдуз ўрни тайин, ярқироқ,
Қушни жойин топмоқ — қийиндир бирроқ.

Балки «Кўнглим қуши» дея, суйганим,
Ё, узоқ эсламай, бефарқ қўйганим,

Шулмиқан, кўринмас Тақдирим қуши,
Руҳимнинг парвозга мангу хоҳиши?!

Балки билмай уни, ул — ўзим дерман?!
Ул сўз айтса, сезмай, ўз сўзим-дерман?!

Ё, балки, инсоннинг иккидир жони:
Кўнда юлдуз эса, ерда — қуш, яъни.

Балки, икковин ҳам шаҳри юракдир?
Балки... Ким билади, буткул бўлакдир?!

Эслайсиз, ўқувчим, беш юз йил аввал,
Олтмиш баҳорига юзланган маҳал,

Шоирнинг кўнглига гулгула тушиб,
Ғойибдан қанотли зўр шуъла тушиб,

Қушлар дунёсига юзланиб ногоҳ,
Уларнинг ҳолидан чекиб чексиз оҳ,

Ҳу деса юз минг қуш дувва йиғилган,
Уч минг матал, минг беш қўшиқни билган.

Сулаймон шоҳни ҳам ёд этганини,
Аттор руҳини-да шод этганини!¹

¹ Алишер Навоийнинг «Инсонут-тайр» («Қуш тили») асарини кўзда тутлади.

Сабаби, ўшанда саросар қушлар,
Ўз умри йўлидан беҳабар қушлар,

Ўз ҳаёт мавқеин ва жойин билмай,
Яшаш ҳикматларин ҳам тайин билмай,

Овора пайтлари — Худҳуд келганди!
Худҳуд эмас, балки умид келганди!

Ха, Худҳудда кўриб ўз ҳалоскорин
Қалбга солгандилар Ҳақнинг дийдорин,

Воқиф бўлиб тождор Симург шонидан,
Ҳаммаки қушларнинг меҳрибонидан!

Роҳрав топилганди рост диёр сари,
Йўқлик-гумроҳликдан энди Бор сари!

Не-не бало-офат, қуюнни енгиб,
Каж ақл, ёр бермас бўйинни енгиб,

Ахийри, қушларнинг ўттиз нафари,
Хайру яқун топиб қийин сафари,

Симург миръотига етган эдилар,
Ул кўзгуга ўзни тутган эдилар!

Ул ўттизин ўттиз гўшада, ўттиз,
Неча ўттиз мишлар, йўлсиз, худҳудсиз,

Зор кутган, ниятга етган эдилар,
Ҳақ йўлига бирга кетган эдилар!

Хўш, бугун мўътабар ул қушлар қани,
Фидойилар қани, балқишлар қани?!

Беш юз йил ўтибди, қолганми самар?
Қолларидан кимса олганми хабар?

Бугун мен шуларни чорлаб тураман,
Юртим осмонидан борлаб тураман.

Қалайдир ўз Она юртда қоллари,
Йон қуши титраган Туркда қоллари?!

Бугун давроннинг йўл, майдонларида,
Ўрмонлар, ҳатто тинч сайҳонларида.

Бот-бот ўлиқ қушлар бошин кўрамиз,
Оғир бир фожиа тошин кўрамиз!

Ҳатто қай вилоят олий қасрига,
Гала гирён каптар, ҳу-ҳу, қасирга,

Ахтариб келишиб озиқ, бошпана,
Ўлмишлар беомон ўқлардан яна...

Фарёд, фарёд! Боқманг қушларга бугун,
Кўзингиз тўлмасин ёшларга бугун!

Ул Буюк уйғонши, ул Улуг юриш,
Ғафлат қалъасига қилинган уруш,

Ҳайҳот, яна бари ерга тенг бўлмиш,
Замон қузғунлари учун ем бўлмиш!

Ҳаққа восил, нурга ҳожӣ бўлганлар,
Ўттиз қуш қавмининг тожи бўлганлар

Бугун, шоҳ на, элнинг хаёлида йўқ,
Чунки у бул даврон мақолида йўқ!

БИРИНЧИ БОБ

1990 йил март ойининг охирилари, яъни, Наврўз кунларида қим қанча қушлар Ғаллаорол чўллари яқинида — Бахмал тоғлари пинжида йиғилдилар. Юртимизда уларнинг қўнув, тўхтов, кечув, ўтув, яшов, урчув, ўйнов жойлари авваллари қўн эди. Иқлим, йўналиш, муҳит ва ўз турларига қараб жой танлардилар. Аммо...

Халқлар тарихига қилсак эътибор,
Наврўз хусусинда талай гаплар бор.

Ушбу кун, елкатенг бўлиб кун ва тун,
Қишининг қаҳратони топади яқун.

Одамнинг жам бўлиб шодлиги чексиз:
Гўё бор гуноҳи ювилиб ўксиз,

Барча бир-бирова барабар боқар,
Хоҳлаган унвонин ўзига тақар,

Истаклар айтилар баланд овозда,
Кўкдан акс-садоси қайтардай тезда...

Қани, одамга — дин, тузумга — қонун
Қайтса-ю, жаҳолат, зулм топиб якун,

Утган йўлларига солиб назарни,
Қилмишига этса тавба-газарру,

Аминман, муҳит ҳам элга юзланиб,
Табиат ҳам энди турмай гизланиб,

Ҳақсизликдан кўзлар қолмай хонакўр,
Адолат ҳам ётмай пешанаси шўр,

Барҳақ очгай эди ўз чиройини,
Уйғун, юксак этиб мавқе-жойини!

...Наврўз хуш-энтикиш солиб дилларга,
Пинҳоний ҳасратлар чиқиб тилларга.

Кўз тавҳари қайта ювилди гўё,
Тун лашкари ортга қувилди гўё!

Одам энди секин гирдига боқиб,
Кўзидан шашқатор ёшлари оқиб,

Кўрди: бир ўзимас эзилган, ожиз,
Шунча йиллик зулм ўтмабди бенз!

Ниҳоят, инсон ўз ҳасратларидан,
Барчага еткизган касратларидан

Ночор, пушаймондир — қушлар билдилар
Ва ҳур ўйнамоққа қарор қилдилар!

Кўкда оҳанрабо хабар йўли бор,
Бунинг сири фақат қушларга ошқор.

Йигидиб келдилар турфа томондан,
Бири Фарғонадан, бири Сурхондан,

Қашқа, Намангандан элчилар келди,
Олис Хоразмдан йўлчилар келди.

Ҳа, огоҳ бўлишиб қутлуг байрамдан,
Бобо Туркистондан, момо Сайрамдан.

Самарқанд, Ташканду Бухоро ҳозир,
Бор қушлар қавмидан фуқаро ҳозир!

Ғарчи келганлардан келмаганлар кўп,
Бундай қушлар насиб қилмаганлар кўп...

Қуёш айланиши, ойнинг ҳалланиши, юлдуз жилла-
нишига қараб Сайёрада қушларнинг йўллари ҳам тартиб
топади. Уларнинг қанотлари Ернинг қутбларидан тарқа-
либ турувчи оҳаврабо майдони тўлқинларини антенна-
лар каби илғайди ва шу йўлакдан ҳаракат қилади.

Наврўзда — нур ва зулмат тенг келганда қушлар учун
буюк уйғониш, уларга буюк сафар учун қадимий йўл-
лари очилди. Одамларнинг «ипак йўллари» каби уларнинг
ҳам, ҳар минтақада «қўналга»лари, сардобалари, бозор-
лари, сайлгоҳлари, висолгоҳлари, никоҳ «сарой»лари бор,
«тўй»лари бор...

Қушларнинг улуғвор Наврўз ўйинининг бошлани-
ши:

Табнатнинг ноёб ҳизмати — Бахмал,
Ўзбеклар ертининг жаннати — Бахмал.

Оқ сочиқ ёпилган кўк поввот — тоғи,
Кўк чойнақдан оққан гулоб — булоғи.

Ойна сувлар, боҳсанг, тиниқ фол очар,
Тоғ қизи, лолалар — юзин ол очар.

Кийикбоғ ёнда — қоплончакалак,
Ҳар майса пинжида — дунё, чархпалак.

Шундадир оғочнинг, тошнинг тур-тури,
Садонинг тур-тури, саснинг тур-тури.

Феруза водийдан юксалиб агар,
Ғаллаорол сари солсангиз назар,

Шундай кенг манзара бўлар намоён:
Яшил дастурхон ва унда олтин чон...

Ушбу руҳафзо ва жобтортар маъво,
Олам яралгандан ҳанузгача то,

Ҳар йилмас, балки, ҳар ўн икки йилда,
Шунга имкон бўлса осмонда, ерда,

Қушларнинг дастурий сайлгоҳидир,
Саломгоҳи, балки, хайргоҳидир.

Ана, одамларнинг кўзидан ниҳон,
Қушлар, тўртми-беш кун тутишиб макон,

Ҳар бири ўз жами, ўз тани билан,
Новдаси, тугилиб ўсгани билан,

Гоҳи ер, гоҳ кўкда доира тузиб,
Учишнинг минг турли шакли кўргизиб,

Гўё ёзадилар, бизга сир матни,
Кўринмас тахтага кўринмас хатни...

Бирлари ўз кучин этиб намоёиш,
Бирини бериб ортиқ ўзга оройиш,

Бирини сайроқилик илмида шоввоз,
Бирини сузиш-шўнгиш бобида ғоввос,

Бирини даррандани овлашга моҳир,
Бирини бўрини ҳам қувлашга ҳозир...

Мана, ахийр, турли сафлар, қаторлар
Олидан бир-бирин таниб боқарлар.

Дарров яқинлашмоқ, чуғурлашмоқ йўқ,
Сир-асрор айтишмоқ, «чуғурлашмоқ» йўқ.

Чунки, кечагина босилган тамга —
ХАВОТИР ўрнашиб қолганки танга,

Яъни, ўзингдан ҳам изламоқ душман —
Қуш қушга ишонмай, деса ҳам: «Қушман!»

Ҳозиргача ҳатто мўъжиза — Бахмал,
Қўрқинч макон эди қушларга, муҳмал.

Қачон қай томондан қирғин келишин,
Қай томондан офат, қувғин келишин,

Ҳатто жаннатда ҳам билмас эдилар,
Хуш кунлар умидин қилмас эдилар.

Ҳай-ҳай, шунча йиллар сўнгида бугун
Гуё сарсонликлар тошгандай яқун,—

Тозариш балққанин оламлар ичра,
Недир юз берганин одамлар ичра,

Қушлар англадилар ушбу Наврўздан,
Шундан йигилдилар, кўп қўрқмай ўздан.

Яқинлаб, бир-бирин билдилар, охир.
Сулҳ, эл белгиларин қилдилар, охир.

Масофа, яқинлик ройини сақлаб,
Ҳар ким ўз мавқеи, жойини сақлаб,

Ҳол сўрай бердилар бири-биридан,
Кўрган-кечганидан, ўз тақдиридан...

Шунқор, Тўти, Лайлак, Чағалай, Кабутар, Булбул,
Қирғовул, Ҳудҳуд, Оққуш ва бошқа бир қанча қушлар
очиқ давра, тўғрироғи, ярим айлана қурдилар. Ола қарға
билан Чумчуқ булардан бир оз нарида, лекин ҳамма гап
эшитиладиган жойда тўхтаган эдилар. Йигилганларга
Ҳудҳуд мурожаат, сўров билан юзланди.

ҲУДҲУД СЎЗИ

Наврўз қушлар учун минбардир бугун,
Фурсат ўзи чин қушпарвардир бугун.

Бугун ҳолингизни мен билай дейман,
Умрингизга мадад, эш бўлай дейман.

Очиқ сўзлашмақдан ҳеч ким панд емас,
Кўрдим, аҳволингиз сарбаланд эмас.

Бир пайт ўттиз эди ҳаққа етганлар,
Бугун ўнми-тўққиз чоғли келганлар...

— Ҳой, сизлар-чи, — боқди Чумчуққа Худҳуд,
— Олақарга, қани, сал олдинроқ ўт!

Икков тисарилиб бу гапдан баттар,
Қаловланиб ҳарён солишди назар.

— Ишлар яхши эмас, ўзимдан маълум,
Сўнгги юз йилдаги изимдан маълум.

Қавмимиздан энди қолдик жуда кам,
Эртандан умид ҳам эмас мустаҳкам.

Бундан буюғига нима қиламиз,
Ҳоли-зоримизни кима қиламиз?!

Келинлар, билайлик таъбиримизни,
Дарди-касалимиз ва сиримизни.

Бирга ахтарайлик плинж йўлини,
Бир-бировга чўзиб ёрдам қўлини...

Шу гапларни айтиб Худҳуд бемадор,
Шунқорга юзланиб деди: «Эй тождор!

Даврамизда ўзинг сарварсан аниқ,
Биламан, гапинг бор, кўзларинг ёниқ.

Сен бошла, қалайсан, ҳаётингдан айт,
Таянчинг, гуруринг, қанотингдан айт...»

Бу гаплардан сўнг қунишиброқ турган қушлар давраси андак жонланди. Кўнглидаги гапларини кимдир ҳеч бўлмаसा эшитиши, кўнгил бериши мумкин эканлигини сездилар. Шунқор мағрур кўкрак тиклаб, қушларни вазмин йузатиб чиқди. Орқароқда турган олақарга билан чумчуқ ҳам назаридан четда қолмади. Гапни шундан бошлади.

«Олақарга, махов одатингни қўй,
Кел, даврага қўшил, бугун улкан тўй...»

Олақарға зимдан чумчуққа қараб,
Бирдан учиб кетди сирли қар-қарлаб,

Чумчуқ ҳам пир этиб тисланди четга,
Бекинди яқинроқ жойда, хас-чўпга.

ШУНҚОР СЎЗИ

«Қушлар! — давом этди Шунқор, тин олиб. —
Биз доим зўр эдик, ҳар доим голиб.

Чангал темир эди, кўз ўткир эди,
Бегимнинг панжаси мөнга ер эди!

Аmmo бобом айтган: сўнгги юз йилда,
Барака қочгандир ердан ва элдан,

Босиб бошдан-оёқ қуроолланган ёв,
Элни қирғин этган, янчган беаёв,

Одамларни қирган ваҳшийлар учун
Қуш деганнинг жони — арзимас учқун.

Бу ернинг тақдирин ўйлов камайиб,
Пахтазор кўпайиб, яйлов камайиб,

Ҳатто, чўлларга ҳам келган қиёмат,
Чўпон-чўлиқни ҳам тарк этиб омад.

Айниқса, эллик йил чамаси аввал,*
Одамлар кўлига тегди бир амал:

«Отилсин, дедилар, ёввойи қушлар!»
Бошланди беомон қирғин-тутишлар.

Авлодимга менинг етди паторат,
Қавму қардошлар ҳам топдилар офат.

Итолғи, Тасқара, Бургут, Турмтой,
Лочину Жағалтой, Қарчиғай, Қумой.

* 1939—40-йилларда совет давлатининг ёввойи қушларни қириш ҳақида махсус қарори чиққан.

Бирлари бутунлай қирилиб кетди,
Бирларининг буткул кунлари битди.

Уззукун тин олмай, излаб озиқни
Тутсанг товушқонми, юмронқозиқни,

Бари заҳарланган бўлиб чиқади,
Еганлар шу кеча ўлиб чиқади...»

Шунқор ҳикояти солиб дилга ғаш,
Худхуднинг кўзига қалқди илиқ ёш:

«Сенингки — қушларнинг подшосин ҳоли
Бўлса яраланган ботир мисоли,

Ҳай-ё, эй Сулаймон пайғамбаримиз,*
Рангимизга қара, ол хабаримиз...»

БУЛБУЛ СЎЗИ

Ҳамма орзуларим — кичик қалбимда,
Шундан, кўринмасман балки ҳар кимга.

Менинг қавмимнинг вой ҳолига, минг вой,
На учишга жой бор, на қўнишга жой.

Қишлоқда деярли қолмади боғлар,
Қолган сайхонларга эгадир зоғлар.

Темирлар ўкирар, саҳардан шовқин,
Шаҳар баттар гавжум, шаҳар ҳам шовқин.

Узоқ қариндошим Чумчуққа маза,
Қарғага эл бўлиб олгандир тоза:

Бизнинг уямизни кўрсатар унга,
Тухму жўжамизни ем этар унга.

Одамнинг буларга сира иши йўқ,
Бизни тингламоққа ҳеч хоҳиши йўқ.

* Қуръонда Сулаймон алайҳис-салом Оллоҳ таолонинг пайгамбари бўлиш билан бирга жамки инсу жип ва парранда-ю дарранда оламига подшоҳ ҳам қилинганли айтилади.

Жарқонат, Саъванинг баттар бағри қон,
Шундоқдир Жаннатқуш, Оқ жиблажибон...

Бу дунёда энди қачон яйраймиз,
Юртимизда қачон тўлиб сайраймиз?!

Худҳуд кўксин ушлаб деди: «Бас, бўлди,
Ғамли достонингдан дил қонга тўлди...

«Мантиқ ут-тайр»ни битган, пирим, ҳой,
Бизни бир сўроқла, ҳолимизга вой...»

ЧАҒАЛАЙ СУЗИ

Боболарим айтган, момоларим ҳам,
Шу жойларда экан чин Боғи эрам.

Тўлиб-тўлиб оққан дарёлар шунда,
Қамишзор қуршовли маъволар шунда!

Кўлмақдан ҳатто сув олсанг тавоққа,
Тўлиб чиқар экан балиқ-чавоққа!

Энди Амударё — халоскорим йўқ,
Шўрли Оролда ҳам энди ярим йўқ.

Уён ёндошишга аммо йўл бўлсин:
Ўқлар овозига еру кўк тўлсин!

Гўё қизганибми биздан балигин,
Юз «посбон» кўтариб чиқар милтигин.

Биз, ахир, заиф, пуч чавоқни еймиз,
Бутунни бузмаймиз, ушоқни еймиз.

Қавмим қушларининг шундоқдир куни,
Бошланган офатнинг недир якуни?!

Атрофда ҳеч жўжа очарга жой йўқ,
Наинки яшашга, қочарга жой йўқ!

Қайда лойхўрақлар, Қиз қуши, Торғоқ,
Қайда Балиқчи қуш, ё Қизилоёқ?!

Бари пешларини йиғиб кетгандир,
Видолашмоқ гали бизга етгандир...

— Ҳай-ё, Сулаймоннинг дўсти, Осафжон!¹
Қайдасан, биз нимжон қушларга посбон?!

Ўзинг гунг юрсанг ҳам билардинг бизни,
Тилимиз, феълимиз ҳам дилимизни...

Чағалайнинг мунгли ҳикояти ҳали хаёллари кўкда бўлиб турган бошқа кўп қушларнинг ҳам кўнглини анча чўктириб қўйди. Орага қора жимлик тушди. Анча пайт ўзини анча пурдимог тутган, лекин ненидир албатта таъкидлагиси келиб турган Тўти жонланди. У кўп нарсани биладигандай оҳангда, ҳар гапни уч-тўрт такрорлаб, анча ваъз айтдиким, биз унинг нутқидан мухтасар парча келтирамиз.

ТЎТИ СЎЗИ

Тўти аввал Шунқор сари юзланди:
«Эй улуғ шоҳимиз, эй кўк дилбанди!

Жанобим, афандим, соҳибим, хоним,
Сиз борсиз, мен борман, фидойи жоним!

Тушқундир лаҳжалар, сўзлар ҳам оғир...
Бу ерда қолибман қаровсиз, сағир.

Менинг қардошларим Америкада...
Миср, Ҳиндистонда... Мен эса зада...

Мен мўъжаз қафасга ўрганиб қолдим,
Учишни унутиб, қанотим толди.

Бор бизнинг уч юздан ортиқ туримиз,
Эрк деб сарсон бўлди қанча биримиз.

Оқибат олис ва қоронғи ўрмон
Улар учун бўлди безовта макон.

Бугун, қайғунгизга мен ҳам шерикман,
Ногоҳ келиб қолдим, балки керакман?!

¹ Осаф — Сулаймон пайгамбарнинг вазири, қариндоши.

Тўтининг лутф-лаҳжаси кўпчилиكنи анча ғаш этган бўлса-да, аҳвол оғир эди, унинг феъл-ҳолини билганлари учунми, қушлар жим қулоқ тутдилар. Балки сўзининг охиридаги маънос хайрихоҳлиги қушлар кўнглини юмшатди.

ҲУДҲУД СЎЗИ

Ҳудҳуд гап юкини ўлчашга уста,
Унда ҳар ҳолатга мисол минг-юзта.

«Биродарлар, қанот — ҳали ҳеч гапмас,
Агар Куч ва Ақл бир-бирин топмас!

Кимда бор ақлда, кучда ожизлик,
Руҳда, продада, ичда — ожизлик.

Бугунги фожиа сабаби, балки,
Қанотсиз инсоннинг шуури — салқи!

Бизни ўз қардоши дея билмайди,
Баримизни бирдек суя билмайди.

Одам қириб етса қушларни агар,
Ўз руҳин ҳам айлар беқанот, бешар..

Бизга келган бало — туб бизникимас,
Ҳаттоки дарё ё денгизникимас,

Балки одамга ҳам помаълум важдир,
Меҳрга, суёвга ул ҳам муҳтождир?!

Бир-бир босиб олдинга Лайлак чиқди. Унинг одамларга анча яқин ўз уруғидек қўшни яшаганини билганлари учунми, қушлар жим қулоқ тутдилар.

ЛАЙЛАК СЎЗИ

— Мана шу ўртада Чумчуқ юрибди.
У одамлар аро очиқ юрибди.

Мусича ҳам шундай, Қалдирғоч ҳам шу,
Олақарғага-ку тегмаслар, ёҳу.

Балки ор қиларлар, балки қўрқарлар,
Қарға-чи, кундуз ҳам, кеч ҳам қар-қарлар.

Қарға ташрифига юз йилдан ошди,
Келди-ю, Ватандан барака қочди.

Бизнинг бой ўлкада қолай деб яшаб,
Совуқ, оч ерларин қочдилар ташлаб.

Уларни кун тафти, дерсиз, қондирди,
Бизнинг уяларни улар ёндирди...

Ўғирлик йўқ эди қушлар ичида,
Оқибат бор эди улли қиччида,

Қушларнинг тухмини ейди обқочиб,
Уясин эгаллар очиқдан-очиқ...

Улар бор — сизмаймиз ўз юртимизга!
Чанг солар пасиба, ем-қуртимизга.

Бизлар ташлаб кетган гумбаз-минорни
Улар ифлослашар, билмаслар орни..

Қаерда яшаши бўлгач барибир,
Қадрларми бизнинг жойларни, ахир?.

Ёт тупроқда ногоҳ ўлсак ҳамки биз,
Юртимизни қўмсаб ётар хокимиз...

Агар изга боқсак юзми, эллик йил,
Умрида қушларга тош отмаган эл,

Бир-бирин қиришга тушди, беаёв,
Ота, бола, ини—бир-бирига ёв,

Тиф солди биз қўнган қанча дарахтга,
Боғлар «қиз» тувдилар, «ул» тувди Пахта.

Қора ва қичқириқ темир гулдираб,
Ағдариб ташлади ерларни кураб.

Сўнг гувиллаб келди кўп «темир қушлар» —
Аввал кўрганимиз экан хуш тушлар!

Булар қора ёмғир нуркаб учдилар,
Борлиқни заҳарга буркаб учдилар.

Дейманки, қушларга руҳ этган ато, —
Барқдек келса эди Навоий бобо.

Аmmo учиb ўтсам кеча Ҳиротдан,
Ўлаёздим ордан, қўрқув, уятдан:

Бобонинг хоки ҳам тинч эмас энди,
Наҳот зўравонлар тинчимас энди?!

Афғоннинг қалбига ким солди офат,
Ким боис юз берди машъум жиноят?!

Ким у, эл-халқларга таққувчи «унвон»,
Ўзбек босмачидир, афғонлар — душман?!

Ким боис биздаги фожиа такрор?!
Ким боис заминда не халқлар абгор?!

Ким боис қон қусди Осид ҳам кўп,
Ҳатто Африқога ёғилди ғам кўп?!

Оврунони қизил жумбушга солиб,
Амриқони қора ташвинга солиб,

Оёқ босган ерин кўрксиз этган ким,
Ерин — занг, элини эрксиз этган ким?!

Гар йил совуқ келса, Наврўзда айб йўқ,
Хўрлик — кўп, ёш тўккан кўзда айб йўқ...

Лайлакнинг ёҳуси даврани ларзага солди. Қушлар ҳақида дoston ёзган, улуг бир мақсад сари даъват этолган ёрқинчеҳр, буюк инсон уларнинг ёдига мадад қуёшидек муҳрланди. Чунки, қушлар малака туйғуси бирла юқорида ёдлашган Сулаймон, Осаф, Аттор ва Навоий тимсоллари хира бир тасавwurда бўлса ҳам буларнинг қонларида сақланган эди! Қушлар хаёлида, шулардан биронтаси ё ушбу давронанинг ўзидан зўр Қушчи чиқиб, қанотли житарбандлар ҳолидан хабар оладиган кимдир бордек туюлди. Барчалари оғир тин олдилар. Лайлакнинг тарихи Қирғовулнинг ҳам кечмишига уйғун эди, у ҳам дарди ҳасратларини бир тўккиси келди. Зотан бу унинг сўнгги неча ўн йиллар давомида биринчи бор очиққа ошкора ва сал-пал беҳадик чиқиши эди. Кези келганда ташланиб қоладиган Шунқордан ҳам қўрқайтгани йўқ эди...

ҚИРҒОВУЛ СЎЗИ

— Азизим Лайлакбой, — гап бошлади ул, —
Мен ҳам минг газабга дучор — Қирғовул...

Юз йиллар нарисин сен бўйлаб қайтдинг,
Худди менинг фоже ҳолимни айтдинг.

Эсла, олтмиш-етмиш йил сўнгги гапни,
Одамзод ғалати тошиб матлабни.

Чангалзор, тўқайга ҳарб бошладилар,
Ҳатто тошлоқларни тарашладилар.

Бари пахта учун экан, билинди,
Ғамлар ҳукмдори бошларга минди.

Учишимиз — андак.. Ўзинга маълум..
Ва бизни овламоқ бўлган ҳар маълум.

Ҳатто, кесак билан уриб олдилар,
Дерсан, шунинг билан тўйиб қолдилар?!

Йўқ, йўқ! Одамзоднинг нафсига чек йўқ,
Қанотимиз калта ва демак эрк йўқ!

Турач, Улар қани, Тустовуқ қани,
Еинки Болғабош хастовуқ қани?

Чил, Булдуруқ қани, Оқбовур борми?
Бизга бир яхшилик, меҳр, ҳовур борми,

Тулқан тухмимиз пўсти юлқариб,
Курк бўлсак, босишга ярамас, ғариб...

Мен кимман? Қавмим ким? Тақдиримиз не?
Келажак олдида тақдиримиз не?!

Қушларнинг қон ва ғирон билан қилган шикоятлари
хас-хашакка бекиниб, гап тинглаётган Чумчуқнинг ё
юрак-бағрини эзди, ё тоқатини тоқ қилди. Пир-пир сак-
раб, анжуман устида чарх уриб, бир қанча сўзларни қан-
чалик тез айтган бўлса, шундоқ тез кўздан ғойиб бўлди.

ЧУМЧУҚ СҮЗИ

Қандоқ ношукрлик?! На захму зардоб?!
Наҳот ҳолларингиз шу қадар хароб?!

Сабаб ким? Ўзингиз! Буткул ўзингиз?
Дунёни кўрмайди чунки кўзингиз!

Тайёрга айёрсиз, ғайратингиз йўқ,
Сувратингиз бору сийратингиз йўқ.

Қарғани қарғайсиз бахтсизлик учун,
Ҳой, ўзни сўроқланг ҳақсизлик учун!

Эркинлик эмиш! Эрк — менинг қорнимда!
Нимага етарсан мудраб тор инда?

Каттани катта де, кичикни кичик,
Шерлик етишмаса, бўл оддий кучук.

Куни ўтганга кун ортиқ эмасми,
Бир тўйгани улуғ тортиқ эмасми?

Фақат совға бериш — Ҳотамда кетган,
Ялқовлик сизларга одамдан ўтган:

Ери бор, экишни унутган ўша,
Суви бор, денгизни қуритган ўша.

Ҳақин билмаганининг ери қул бўлар,
Хотиши чўрию эри қул бўлар.

Ҳеч гапмас қанотда таннинг учгани,
Ақлинг парвоз этса — манзил қучганинг!

Мингта мажлис қурсанг, пишмас бир патир,
Уэр, айтган бўлсам қилмай юз-хотир...

Чумчуқнинг масхара хитоби уларни бир оз аросатга қўйди. Қушлар ўзларига келиб бўлгунларича Чумчуқ гум бўлган эди. Қушларда унга нисбатан нафрат бор эди, гап таъсир этмади...

Қушлар, баттар изтироблари етти фалакка туташиб, Худуд ҳам ўз дардларидан гапирмоқчи эди, энди гап ор-

тиқчалигини билиб бас қилди. Аммо кўк каптар одамларнинг болалари ҳам шафқатсиз бўлиб қолганини, эрмакка кесак-тош ё чўзмадан ўқбўрон қилишга доим тайёр, тузоқ қуришга ҳам айёр эканликларини, энди уни «Тинчлик жарчиси!» деб, эъозлаб чақиришларига ҳам ишонмай қўйганини айтди! Уялари титилиб, жўжаларини олақарға ва мушуклар бемалол даф қилиб кетаётганини тапирди. Оққуш эса йигирма-ўттиз йиллардан бери одамлар сувсар деган махлуқни кўшайтириб, унга махсус «қалъа»лар қуриб берганларини, Бирқозон, Оққуш каби қушларни тутиб, парлари ва момикли териларини шилиб олиб, гўштарини эса ўша сувсарларга ташлаётганликларини, Орол, Амударё бўйларидан оққушлар зоти буткул оёқ узиб кетиб қолганини, уя қуришга ҳам жой йўқлигини йиғлаб-йиғлаб сўзлади. Худҳуд сўз қўшишга ожиз ва лол эди. Бир замонлар улуғ бир бобоси йўлсиз қолган қушларга сарбонлик қилганини ўйлар, бугун ўзи, мерос фидоийлик, бир яхшилик этгиси бор, қўлида эса бу дам ҳеч вақо йўқ! Қушларнинг қаторлари кўп сийрак тортибди. Шунинг ўзи катта фожианинг дарағи эди.

ХУДХУД СЎЗИ

Дардларингни тинглаб кўн ошди ғамим,
Сизнинг тақдирларга тутанди ғамим.

Бир жойда ер тегиб қолибди тақдир,
Нима қилмоқ керак? Бормикап тадбир?

Ўлим икки: бири — ҳаволаб кетмак,
Бири оёқларнинг остига йитмак.

Дунёда қавм йўқ катта ё кичик
Қўрқоқ қавмлар бор, хор, тили қисик...

Билдимки, кўн қушлар хитоби аро,
Фахр ила эсланди Навоий бобо!..

Лайлак: «Бугун Ҳирот уруш, жангдадир...»
Тўти: «Илмоғи Самарқанддадир!»

Булбул: «Хоразмга тушган назари».
Шунқор: «Туркистонда пири сарвари!»

Худхуд айтди: «Бу хил қарасак ишга,
Яна йўл қўямиз талаш-тортишга!

Худ шул макон ул зот учун туққан жой,
Бир хаттида қуёш, бирисида ой!

Қирғиз, қозоқ, туркман, тожикда меҳри,
Чуқур, баланд, ёниқ, очиқча меҳри!

Асли, Самарқандда тўхталсак создир,
Ҳазрат Абуллайс унга устоздир...»

«Создир! Создир!» Тўти айтади такрор,
Шунқор дер: «Шундадир Темурхон шунқор!

Қул Хўжа Аҳмадга у қурган мақбар...»
«Дарвоқе,—қўшилди гапга Кўк каптар:

— Самарқандда бордир ғалат вайрона,
Улуғбек оламни солиб ҳайрона,

Али Қушчи икков тикиб устурлоб,
Юлдузларга бермиш ерий дастур, тоб...»

Бунда тўпланишган қушларнинг ҳозир,
Ҳар бирин кўнглида ўз юрти зоҳир.

Муносиб маскан деб мақтар, қолмай кеч,
Меҳрдан она юрт увоқланмас ҳеч.

Худхуднинг аввалги огоҳи ёдда
Ва улуғ шоирнинг нигоҳи ёдда.

Савқи табиийга қушлар бериб тан,
Ўз халоскорларин ёдлаб дафъатан,

Яна ёлвордилар ул зот руҳига,
Мадад, даво истаб ғам-андуҳига!

Шу аснода Кўк каптар тезда ул зотнинг таваллуд кунларини нишонланиши, Ўзбекистонда тантаналар бўлажagini эслатди. Ҳамма қушларни тўйга боришга ундади. Кўк каптар таклифидан қушлар гоят таъсирландилар. Зора, меҳрибон падарнинг Руҳ қушлари тўйда намён бўлса?! Зора, мазкур нотавон гала билан яна бир гал Қуш тилида сўзлашса...

Нақадар дилтортар орзу, нақадар тиниқ ва соғинчли ёғду, нечук бир ларзакор чалғу, безовта ва ишвакор туйғу...

Тўй ҳали қаерда, қачон бўлишини ўйламай: «Самарқандга тўйга борамиз!» дея, қушлар тартибсиз рақсга тушабердилар. Аммо қўққисдан Тўти: «Совғачи, совға!» деб такрорлаб қолди. Ҳамма бир-бирларига яна ҳайрон ва лол боқдилар.

Кўк каптар шод деди: «Лисон ут-тайр »
Қушлар Ҳақ йўлига этганда майл,

Кимдир эслатганга совғани, қуллук,
Ҳудҳуд, бутун ўзинг бергил кафиллик!»

Ҳудҳуд: «Бу саволинг яна муаммо,
Асли дунё иши «аммодан аммо».

Гарчи жисмимизда тўлуғдир алам,
Гарчи ҳар дам энди — бизга сўнгги дам,

Рух шодон кунлари, биз-да ҳам элтмай,
Осмонни тўлдириб минг мотам элтмай,

Ўйлайлик, муносиб армуғон даркор,
Ҳали ўлмадик-ку, бор-ку жон, мадор!

Қушлар! Яна баҳсу силташув шартми!
Ўзича фикр этиб кўрмаган — мардми?!

Нэ дейсиз? Жонга жипс айлаб имконни,
Кутсак тўкин кузни ва Меҳржонни?!¹

Андак қувват йиғиб тану болу пар,
Сахий байрам ўзи бўлиб чип хабар,

Яна йиғилишсак ушбу маконда,
Бор гапни ҳал этсак ўша замонда!

Турфа совғани-да бир-бир кўрардик,
Агар ками бўлса, тадбир кўрардик!

¹ Меҳржон байрами назарда тутилмоқда.

Ўи қандоқ борармиз, ким билан, нечук?!
Сўнг яна жам бўлиб каттаю кичик,

Сафар тадоригин роз айлаяли,
Лойиғу йўригин соз айлаяли!»

Қушларга бу таклиф маъқул келди. Ёзда совға та-
йинлаш, куч йиғиш учун ўз жой — ўз вилоятларига
қайтиб кетдилар. Кузда — Меҳржон кунда яна Бах-
мал тоғлари пинжида Ғаллаорол адирларининг бир ёнида
баҳамжиҳат учрашишга келишиб олишди.

ИККИНЧИ БОБ

Қушлар ўз масканларига умидвор кетаберсинлар, энди
Чумчуқ бекинган жойидан чиқиб, Олақарга қошига шо-
шилаётгани.

Чақимчилик, тухмат, ялтоқлик, ғараз,
Одамзод шаънига ёпишган мараз!

Чарх минг бир эврилиб, минг бир янги дин,
Минг дўзахни қурса яна яшгидин,

Дейман бандасини қўрқита олмас,
Мазкур иллатини йўқ эта олмас.

Наҳот шум пасткашлик, қабих сотқинлик,
Наф ё нафс билан қилса яқинлик?

Дерсиз, барча офат жигилдондадир!
Йўқ! Имон ўрни пуч туғилгандандир!

Чумчуқ нақ қайнади: «Ҳой, Қарга оға,
Қулингни яхшилаб бир терга, оға!

Дейдилар: сендирсан дунёни «бузган»,
Яъни, бу жаннатий маъвони бузган!

Юртнинг бор қушлари сен боис хормиш,
Уларга қишлоқмас, шаҳар ҳам тормиш.

Сен сари найзадир ҳар бирин пари!
Қўрқаман, эртага бирлашиб бари,

Бу жойлардан сәни җайдаши аниқ,
Буни Чумчуқ уканиг айтмоқда ёниб..»

Камида уч юз йил яшар-ку қарға —
Ақли ҳуши совуқ эмас бекорга!

Қайда куни ўтса, шу ер макони,
Текин ўлжа, қонни тусайди қони.

«Чумчуқта! — деди у. — Куз келсин ҳали,
Шимолга оч совуқ, муз келсин ҳали,

Эҳ-ҳе, қора қарға, гўнг қарға, қузғун,
Бу ерларни босар нақ қора тутун.

Қисинма! Ўзингдан кўрқсанг нетади,
Мен кетсам, сенинг ҳам кунинг битади!

Ўзин эплай олмай қолса элатлар,
Қонун шу, уларни бошқарар ётлар!

Мангуга меники бўлибди жаннат,
Тирноқ урган жойим — маҳримдир абад.

Хўш, улар совғага кетишди дегин,
Уни ким бош бўлиб элтади лекин?

Шунқорми? Тўтими! Ё Чағалайми?!
Ё бу вазифани ўзим олайми?!

Узр айтиб, ўзимни дўст-ёр кўрсатиб,
Ҳар не хизмат бўлса тайёр кўрсатиб?!

Ё, дейлик, орага солиб ғавғони,
Сен ўзинг элтсанг-чи ўша совғани?!

Ахир бирон бисот олиб қайтарсан,
Ё барига бошлиқ бўлиб қайтарсан!

Аҳмоқлар! Ҳадяни тез унутарлар!
Қарз ол! Шунда кўпроқ эсда тутарлар!»

Тахминини айтиб Олақарға шод,
Зўр қаҳқаҳ урдикки, силкитиб қанот,

Чумчуқнинг юраги ёрилди гўё,
Оғасининг турфа гапидан аммо,

Анча вақт ҳеч маъно тополмай турди,
Ақли калталигин ёполмай турди...

Қарга буни кўриб яйради чунон,
Уни бошқа ишга қайради чунон...

Олақарға содиқ укасининг нафсини яхши билар эди.
Қуюққина зиёфат қилди. Бу эса чумчуқвойни гоят ғу-
рурлаштириб юборди. Шубҳасиз, жўн ва оддий топши-
риқ олди, сўнг шод чирқиллаб учиб кетди.

Чумчуқ сирли сафарга чиқди, тезда йўлда кетаётган
Тўтининг изидан етди.

Ўтган анжумандан Тўти вақти чоғ,
Ҳали кетмагани унча ҳам йироқ.

Қаноти рангину қувватли эмас,
Ўзича фикр айтиш ғамини эмас.

Ўзини кўрарди нақшин саройда,
Қурч давра, аъёнлар йиғилган жойда!

Биров масхаралаб ёки эркалаб,
Сўз айтса такрорлаб, қўлига қараб,

Қандиллар нурида товланиб гулгун,
Базмдан чиқмасам дерди куну туң,

Майли, солсалар ҳам кейин қафасга,
Барин алишарди ушбу нафасга...

«Ҳа, Тўтижон!—унинг хаёл давлатин
Чумчуқ бўлди, гўё юлгандек патин.

— Юкни олаверма мунча ўзингга,
Лаққа тушиб қолма, ўйнаб тизгинга...

Мени хуш кўрмайсан, биламан, аммо
Бошлаган ишларинг чала, муаммо...»

«Не гап,—қизиқсинди Тўти.—Тинглабсан?!»
«Ҳа-ҳа, ичим қизди... Сен совға топсанг,

Устозингга шахсан топширсанг маъқул,
Чиқмасидан бурун бошқа баковул!

Олий қасрларга ҳуснинг ярашуқ,
Одамнинг тилига тилинг чирмашиқ.

Аmmo шунқор бор-ку, буёқда! Булбул...
Бириси баҳодир, бири сайроқ тил...»

«Ҳай, Чумчуқ! Қисинма, бил, ўз йўлим бор:
Одамлар тушунар бўлган тилим бор...»

«Қара-да,— ўсмоқлар Чумчуқ бежорлиқ,—
Кўчада қобкетма, юрагинг доғлиқ.

Бўш келсанг, умуман, ким сенга ҳакам?!
Бундай воқеалар бўлар камдан-кам...»

Шундай деб пир этди, йўқолди чумчуқ,
Тўти тўғри сўзу сал суйри тумшуқ,

Такрорлади қолди Чумчуқнинг сўзин,
Улуғ маросимга хос кўриб ўзин...

«...Кўчада қобкетма, юрагинг доғ-ғлик...»

БУЛБУЛНИНГ ХОРАЗМГА САЁХАТИ

Бу орада уча-уча, Булбул Хоразм вилоятига етиб келди. Югурик вақт ҳам ўтиб борар, ул анжуманда қатнашмаган-қатнашган, лекин воқеани эшитган бошқа кўп қушлар ҳам Меҳржон кунигача бирон лойиқ ҳадя-ашё топиш кўйида эдилар. Бирларининг азал топқирлиги, бирларининг эҳтиёткор болажонлиги, бирларининг ўткир кўзи, таъм ё ранг сезгиси, бирларининг ярқироқ нарсаларга ўчлиги иш бериб, анча совғаликни саранжом ҳам қилиб қўйдилар. Бирлари эса мутлақо кулгили ва арзимас, ташландиқ буюмларни ҳам йиғиб юрдилар...

Бу борада Булбулнинг саргузаштини эшитинг.

Сизмай икки дунё оралиғига,
Борди икки дарё оралиғига.

Ўтди у шўр босган далалар оша,
Хароб, нураб ётган қалғалар оша,

Оролга талпинган кўш қилтириқ сув
Қуш қалбига солди кўшалоқ қайғу:

Бири — бир вақт обод шаҳарлар ёди,
Бири — бемор, сийрак қушлар фарёди.

Етди Хоразмнинг хароб жойига,
Кўнди Кўҳна Урганч — Кубро пойига.

Кейин кунчиқарга Хейвоққа учди,
Гўё тўзган ипак байроққа учди.

Албатта халқ ёди ўлганмас ҳали,
Хотирот ўлимин етмади гали.

Хейвоқ ўлса, деманг, тузнинг офати,
Денг, бу — манглайи шўр тузум офати!

Булбул билар бунда улуғ ҳикматни,
Куйга, ашулага бўлган ҳурматни.

Бу юртни қум босиб, йитса ҳам шонлар,
Мангу куйлаб қолгай ёйиқ барханлар.

Мана катта давра — улкан сир, сукут,
Мўъжиза туғувчи чўнг, замир сукут:

Ҳофиз кўнглин дарди ўтиб дуторга,
Мунг юқар қалбида жунуни борга!

Булбул куй бошлайди унга кўшилиб,
Торларга тор-тор гўё эшилиб.

Нажиб мусиқадан дил сурурланиб,
Дутор дастасига кўнар нурланиб.

Айтмайлик не куйдир, нечук ноладир,
Куй эмас, минг кўздан оққан жоладир!

Халқда кўз ёш қуриб, фақат кўз қолса,
Шундоқдир кўл қуриб, тубда туз қолса...

Ҳофиз тинди. Булбул учиб кетмасди,
Гўё ипак торнинг бўлганди масти!

Хофиз ҳам тўхтатиб мунгли зорини,
Шарт узиб дуторнинг битта торини,

Мот қолиб толенинг шан ўйинига,
Аста тақиб қўйди булбул бўйнига.

Мазкур русум недир, билди сайроқи!
Куй яшар, бузилса ҳам дайр тоқи!

Ва учди... мадҳ, қарсақ янграб ортидан,
Дардлар ватанидан, куйлар юртидан!

КАПАЧИ ҚУШНИНГ ТОПИЛДИГИ

Капачи қуш нима — зар ишқибози,
Ялтироқ не бўлса гар, ишқибози!

Ошиёнин жуда пинҳон қуради,
Ичи алламбало — порлаб туради.

Рангшиша увноғи ё синиқ биллур,
Феруза узуккўз ё ситилган дур,

Рангнур нарса кўрса ташир инига,
Бандани йўлатмай ҳеч яқинига.

Олифта Капачи қушгаким қаранг,
Африками қайдан келаркан фаранг,

Йўли Самарқанднинг устидан эди,
Ўзиям кўп ҳориб-тўзиган эди.

Тўхтади, овлоқ жой тортиб эътибор,
Чап ёни сойлиғу ўнг ёни мозор.

Ногоҳ сувга тумшуқ тикса довдираб,
Тошлар аро недир ётар нарпираб..

Омад-да, энг қиммат моллар аслида
Нархин билмаганнинг тушар хасмига.

Бу — хўб нодир келин узуги, аён,
Зирҳида ёзуви — битиги аён.

Қабристон тинч макон, сукутга сирдош,
Қаттиқ сўзламаслар, ҳеч ким отмас тош...

Аммо бўлак қуш ҳам бунда бор эди,
Қапачи қушдан-да кўп маккор эди.

Ҳа, Зағизгон кўрди ёт йўловчини,
Ўз шаҳрига тушган қитмир овчини.

Сойдан чиққан узук сочган йилдирим,
Кўзини олисдан олди, ё пирим!

Азза-базза келиб, қанот — тез қайчи,
Босди! Шошиб қолди довдир Қапачи.

Ўлжани олди-ю, қочди шу замон,
Тиллога бефарқмас ҳатто Зағизгон..

Ё раб, йигирманчи асрда балки¹
Эсласак, юраклар кетади қалқиб:

Шабли одам, ўзи нақ зағизгонлар,
Ўзни олим, ҳакам санаган жонлар.

Аёл қабрин бузиб олти аср тинчин,
Тингламай, англамай элнинг ўтинчин,

Лошни обчиқдилар сиртга — ёруққа,
Жиноят қилдилар такрор тарихга!

Жасад — мўмиёда! Бой қабр эди!
Темур давлатига зўр фахр эди!

Наинки давлати, муҳаббатининг,
Яъни, юрак отлиғ салтанатининг,

Тожи ётар эди бунда нурланиб,
Мўмиё ичинда пок ва ҳурланиб.

Фалак! Ким эди бу?! Эй, халқим, жоним!
Бу — Бибахоним-ку! Бу — Бибахоним!

Мўмиё очиққа чиққан ўша кун,
Уваланди-кетди, қолди қора ун!

¹ Бибахоним қабри очилиб, таланилган давр.

Тупроққа тўкилди ғуж уюм суяк
Ва бебаҳо нодир зийнатлар, безак...

Хўш, узук қай тахлит тушдийкин сувга?!
Хор бу тарих кимни собди қайғуга?

Не улуг ёдгорлар нурашда бўлиб,
Мероси, бойлиги талашда бўлиб,

Жаҳонгирнинг ҳатто ўзин суяги
Қабридамас бугун... Борми кераги?!

Узук нима бўпти шоҳга? Жўн тортиқ...
Бас, ровий! Бас! Чидаб бўлмайдди ортиқ...

ТУРНАЛАРНИНГ БУХОРОДА ЛАЙЛАК УЯСИГА ҚУНИШИ

Афғон диёридан учган турналар,
Термиздан Жайхунни кечган турналар,

Нечун куйингиздан эзилар юрак,
Нечун сафларингиз зада ва сийрак?!

Бухоро устига, мана, етибсиз,
Хуш кўрдик, юртимга яна етибсиз!

Хунхор ул диёрда тиндими ўқлар?
Бизнинг ўчоқларда сўнди кўп чўғлар...

Дарёнинг ортинда ҳеч қуш қолдими,
Жигар ўз жигарин отиш қолдими?!

Уй туби дарз кетса, таъмир суямас,
Биз қаттиқ турмасак, Помир суямас.

Турналар тушдилар гумбаз ёнига,
Минордаги эски лайлак инига!

Лайлак — йўқ! Бош олиб кетгандир мундан,
Қайтгайми, хавф-хатар ариса чиндан?!

Сарбон Турна қўниб бўш ошиёнга,
Чангалини очди... Учди осмонга.

Қўйгани зардўзи тумор эди, воҳ,
Инжа ёзув сўзи ҳам бор эди, воҳ:

«Ой бориб омон қайт!» Тиккан, ёзган ким?!
Куну тун авайлаб муни осган ким?!

Туморнинг эгаси қаёқда ўзи,
Еш тўкиб ҳордими онанинг кўзи?!

Тумор ипи қайси жангда узилди?!
Турналар саволдек кўкда тизилди...

Юз йилки, юртимда қувғинлар тинмас,
Қатағонлар тинмас, қирғинлар тинмас.

Чопилди «Ўз ерим!», «Элим!» деганлар,
Ўлди ўз миллатин «Шерим!» — деганлар.

Бойсан деб деҳқонлар қувилди ердан,
Зарар деб эртақлар ҳайдалди элдан.

Ўзга урушларга черик этдилар,
Ўзгалар айбига шерик этдилар.

Тонг зиёсин тўсди минг бебурд шиор,
Жоҳил хизматида қолди оқил хор...

Қайда гуноҳ борки, биз ҳам қўшилдик,
Қайда бир чоҳ бўлса, биз ҳам кўмилдик.

Лайлак, ўз уяшга яна қайтиб кел,
Туморнинг эгаси кимдир, айтиб кел!

Қайт, Лайлак, қайларга борсанг ҳам агар,
Келажагим сенга боғлиқ бир қадар...

МИРЗОҚУШ ТАШРИФИ

Ҳиндистондан сафарга чиққан Мирзоқуш одатдагидек, Андижон томонларига келди. Шаҳар марказида улкан чинорга қўниб, пастда тош ўйнаб ўтиришган болаларни кузатди. Улар бир бўлак рангли оҳанрабога мих, тугма, илгак ва бошқа пўлат-темир ашёларни торттириб ўйнашар, буюмларнинг кўринмас куч билан оҳанрабога шиқ этиб тортилиши Мирзоқушни ром қилиб қўйган эди.

Болалардан бири тикланиб шодон,
«Музқаймоққа!» — деди. Бари тўпалон,

Шошдилар даҳага яқин дўконга,
Ўйинни қолдириб бир полапонга.

Мирзоқуш фўрсатни англади тезда —
Боланинг ёнига қўнди оҳиста,

Қиличдев ўткир кўз, кенг қанотли қуш,
Бошида тож каби тўрт-беш патли қуш,

Эртақдан тушгандек, беҳад этди ром,
Ўғлон жажжи қўлин чўзди: «Тел, шалом!»

Мирзоқуш ҳам беҳад тавозе ила,
Дониш салобатли овози ила,

«Марҳамат!» — деб, битта оқ пар узатди,
Ширин болақайни зимдан кузатди.

Бола дарҳол сизди меҳрли илкни:
Дўпписига қадаб қуш берган «мулк»ни,

Сийпалаб кузатди болу патини,
Қушга таклиф этди бор бисотини.

Қуш оҳанрабони таплади фақат
Ва қанот силкитиб, дегандай: «Раҳмат!»,

Тиклади тождор бошин боизн,
Шамоли сийпалаб ёш дўстнинг юзин.

Музқаймоқчи тўда, лаби-лупжи оқ,
Болақайни кўп ҳам қилишмай сўроқ,

Бошқа ўйин билан машғул кетдилар,
Фақат кимдир деди: «Қара, уккипар...»

Ўғлон мамнун эди, дўпписи бошда —
Тож олиб қолгандай оддий бир тошга...

**ШУНҚОР ҚУШНИНГ
ТУРКИСТОН ШАҲРИГА КЕЛГАНИ**

Гавжум эл-юртларнинг чеккаси бўлган,
Ўрта Осиёнинг Маккаси бўлган

Туркистон гавжум — пур галаён бугун,
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, турк инсон бугун,

Тожиқ, татар, уйғур, қорақалпоқ ҳам
Бари келардилар тўда-тўда жам.

Қайтиб келтирилган қозон баҳона,—
Султоним¹ уйида меҳмон баҳона.

Пири хобгоҳига шошар эдилар,
Ки, чин эътиқодли башар эдилар...

Олтмиш беш йил бурун ҳибс бўлган қозон
Мўъжиза юз бериб, қайтмишди омон:

Ўз изига тушиб гўё Улуғ Ўз,
Юртга юзланмишди туб ўзлук ризқ-рўз!

Йўқотишлар ўрнин тўлдирмоқчидай,
Тоза алангани ёндирмоқчидай,

Келганлар қозонни ўтар ёқалаб,
Ичини тўлдириб танга-чақага...

..Туркистон — ўз юрти, кўп кезиб Шунқор,
Гумбазнинг зирҳига қўнди пурвиқор.

Пештоқда ин қурган минг-минглаб қушлар
Чарх урди шоҳ қушни гўё олқишлаб.

Уни кўрган эл ҳам қилдилар дуо:
«Султоним шунқори қайтди, салламно!»

Шунқор пастда «недир борини» англаб,
Одамлар устидан қиялаб, ўнглаб,

¹ Аҳмад Яссавийнинг халқ ичидан улуғланган номи.

Ичён кириб, қозон устига борди,
Ё недир ташлади, ё недир олди!

Қуш учиб кетгунча индамадилар,
«Насибаси бордир мунда!» дедилар...

Қушларнинг одатига кўра, «тўйга совға элтиш» анъанаси йўқ. Аммо уларни кўрдингиз, сёздингиз, кўпроқ одамлар орасида бўлиб, халқ тўпланган жойларда, кишиларнинг эътиборли ашёлари нималар эканлигига қаттиқ қизиқмоқда эдилар. Улуғ башоратчига беш юз йиллик «келажак»дан ҳади етказиш ҳайратланарли эди, хусусан, қушларнинг баъзан «ғайри қонуний» саъйи ҳаракатларига биз тушундик ва таъна қилмадик...

Модомики, Меҳржон тобора яқин келмоқда эди.

КҮК КАПТАРНИНГ МҶЪЖИЗАСИ

Тошкентда, тўқсоннинг айнаи ёзида,
Фоже зилзиланинг қоқ марказида,

Янги миноранинг шундоқ ёни бор,
Яъни, Кўрғазмалар ошиёни бор —

Япон ашёлари кўриги бўлди,
Олди-сотдиниңг мўл йўриги бўлди.

Тараққий кўзгуси — ойнайи жаҳон,
Бир тугмани боссанг — минг ранг намоен.

Олам яралгандан то шу кунгача,
Яъни, ибтидодан то яқунгача,

Жавоб берар эди ҳисобга олиб,
Одамзод ақлини шитобга солиб,

Ёввойи Кўк каптар таилаб соз ери,
Сирли кўзгулардан англаб тасвири,

Қузатар эди жим очиқ ойнадан,
Билмай мазкур рангу чиройлар надан?!

Воҳ, нима?! Қутида, ана, кўк осмон,
Гала қора каптар бўлди намоен,

Қуриллаб, гувраниб учдилар баланд...
Кўк каптар, бўйнига тушгандек каманд.

Бирдан ичкарига ўзини урди.
Бориб кўк қутига юзини урди.

Қийиқ кўзли бека ўша заҳоти,
Қўлида қорамтир дискет-сирхати,

Довдир қуш ёнига борди: «Кел, кел!» деб.
Ёрдам бермоқ учун қўлларин силкиб,

Қуш-чи, юла қочди ўша заҳоти,
Қизнинг қўлидаги қора матоҳни...

Гап шунда, бошқа бир симсиёҳ каптар,
Унинг ҳаётига кириб жилвагар,

Баҳордан буюғи эдилар бирга!
Жупбушлари сигмай осмонга, ерга,

Хиромон фаслини кечган эдилар,
Поклик ҳавзидан сув ичган эдилар,

Аммо кўп ўтмади, тақдири қарғаб,
Мушукми, одамми ё ола қарға,

Қирдан қайтиб келса, бахти — йиқилган:
Ёри йўқ, ин бузуқ, тухми чақилган...

Шундан, қайда қора кўрса Кўк каптар,
Кўксида жонланиб ул ширин пайтлар,

Тушарди ишқу жон талвасасига,
Балки Бурч ва Имон талвасасига...

Асли қора рангга ундаги ихлос
Ўзга Чўнг дostonнинг бир лавҳи холос:

...Уруғ бор қўнғирот ва қонгли номли,
Кийган тўни кўброқ тимқора рангли.

«Нега бундоқ?» десам, дедилар: «Ёроп,
Огоҳдир— дунёнинг ярми зимистон...»

Не бор қора рангда ва қандай сеҳр, —
Навоий ҳам қўймиш ошқора меҳр?!

Қаранг, Бойқаронинг тулпори — Қора,
Шу рангда эмасми қора фуқаро?!

Магар инсонга зўр инъом — Қорачиқ,
Қароқсиз, кўз кўрмас, бўлса ҳам очиқ?

Қора — ҳосилалар учун чўнг майдон,
Қорага белбоғлик қилар Қаҳқашон!

Қаттиқ қора тоғдан сирққан мўмийё
Ошпоқ устихонга даво-кимийё!

Туб умр ҳикматин билсин деб одам,
Оқ қоғоз устида жон берар қалам,

Оқшом боғлаб турар Шарқ билан Ғарбни,
Бағрида акс этиб плоҳий барқни,

Қаъбатиллодаги қутлуғ Қора тош —
Миллиард одам учун Қибла, Оқ Қуёш...

Сирдарё ўзани бўйлаб учиб кетаётган Чумчуқ, сув сокин айланаиб, орол ҳосил этган жойда дам олинаётган турли қушларга кўзи тушди. Эҳтиёткорлик билан бир қанча вақт пасту баланд учгач ва хавф сезмагач, улардан сал берироққа қўнди. Оққуш, Лочин, Қалдирғоч ва бошқа бир неча қушлар: баъзилари Шимолда, баъзилари шу ўлканинг ўзида ёзни ўтказишди. Меҳржон байрамидан кўнлар аллақачон хабардор, Оққуш, Лочин, Қалдирғоч эса аниқ таассурот ва совғага ҳам эга, байрамга боришга ҳозирлик кўрмоқда эдилар.

Оққуш сўзлар эди: «Сурхон, Қашқала
Бир гўзал жаннат бор, йўқдир бошқада!

«Пайгамбар ороли» — унинг ёрлиғи,
Жаҳон қушларига бахтдир борлиғи!

Ёзда шунда қолдим, совға танладим.
Бу жойларнинг доғи, шони кўп қадим...

Эли тулпор билан ўлчар ҳар ишин,
Қўшиқдир Алломиш, Бойчибор, Барчин.

Бобурий қавмлар сулҳ тузган жойдир,
Тоғлар удумини чўл узган жойдир...

Ичи ковак чинор, тикка турган қоп,
Бўғтарги гап шунда, шунда чину лоф.

Мен тоғу қирлардан уюр изладим,
Оқ оти бўлмаса, қийир изладим.

Эҳ, ул тулпорларнинг қолгандир ози,
Бойчиборлар — қарта, ғиротлар — қази...

Не сўз, мўл-кўл сувлар оқиб кетибди,
Подаларни шайтон боқиб кетибди!

Тимқора туғилган бир той кўрганда,
Дўнг пешана усти — бир ой кўрганда,

Қувдим, туттирмади! Етмади ҳолим!
Аммо чилпиб олдим бир тутам ёлин!

Яхши ният билан толганим шудир...»
«Ҳей, подон, тутам қил надир — бир пулдир!»...

Чумчуқни кўрдилар ҳаммаси қараб,
Роса ирkit ҳолда — тўзғин пар, хароб.

«Ҳаммаг бунда сарсон, оввора, абгор,
Шуқорбек уёқда сафарга тайёр!

Пири Туркистоний юртига бориб,
Сеҳрли тангани келди кўтариб...»

«Бўлса нима бўпти? — ёзғирди Лочин,
Ҳар ким ҳам ўзича кўрди иложин.

Совганинг кичиги бўлмайди, аҳмоқ,
Мана, мен қин топдим, аммо бепичоқ!

Одамга одамдек лозим армуғон,
Ул зот қилич таққан — амири даврон!

Олмос қилич излаш бугун бәғфойда...»
«Ҳой, қуруқ қинингдан кимга не фойда?!

Чопганларинг бекор, — жаврарди Чумчуқ,
Баринг қоласанлар сўллаиб, шумшук.

Шунқор тўйга ёлғиз ўзи кетмоқчи...»
Лочин галабланди: «Эй сэн, айғоқчи!

Сенга нима ўзи?! Тўйки Кўҳақда, —
Ўз тухумин овуртлаб йиғармиш Ҳаққа!

Яхшилар жаннатдан хабар етказар,
Ёмонлар дўзахдан самар етказар!

Бери кел! Сўзинг ҳам, ўзинг ҳам ҳаром,
Қонга ташна қилдинг, бўлгин-э тамом!»

Ва кескин даф қилди, тирноқлар ханжар,
Қочиб кетолмади чумчуқ шум хабар...

Ичига ваҳима тушган қалдирғоч,
Уч-тўртта сўз айтди сал жони киргач:

«Ҳар йил Наманганда уя қураман,
Таниш хонадон бор — яхши кўраман,

Ҳаммаёғи тоза, бежоғ, саришта,
Бобоси — ҳизрдай, момо — фаришта.

Оға-ни тотов, келинлар аҳил,
Бари ўз касбига берилган асил.

Унда бор ўспирин — закий, навқирон,
Чап қўлида «Ҳадис», ўнгида «Қуръон».

Замон тилларини билар мукамал,
Хориж юрт-эллари эмасдир масал.

Қанийди дунёга тенг бўлсак, дейди,
Оламга бир ёқа-енг бўлсак, дейди.

Халқимиз қул, дейди, еримиз қарам,
Яшашга ҳаққимиз борми, мукаррам?!

Ғафлатдан уёнмас эса қай миллат,
Уни ҳар қадамда пойлайди кулфат.

Заифлар кучлидан олмаса ҳақин,
Уларга тангри ҳам бўлолмас яқин!

Йигит бир ҳукми кўп айтар ғоят,
Қуръони каримдан келтириб оят:

«Ва қулли инсонин алзамнаҳу
тойириҳу фи униқиҳи.

Ва нуҳрижу лаҳу явмал қиямати
китобан ялқофу маншуро.

Иқро китобака қафа бинафсика
ял ямва алайка хасиба.»¹

УЧИНЧИ БОБ

МЕҲРЖОН БАЙРАМИ ХУСУСИДА

Сентябрь охирларида фалакда кун билан туннинг одатий тенглашуви юз беради. Ўзбекистонда бу кунлар жозибаси ўзгачадир.

Қуёш олтинлашиб, ёз ҳоври кетди,
Замин тоқусига тирамоҳ етди.

Сувларнинг юзида кўргандек юза,
Осмон кўзгуси ҳам тортиб фериуза.

Артай деб иккала кўзгу юзини,
Уч-тўртта оқ булут қолди кезиниб.

Боғларда олмаранг ёниб қониқиш.
Далалар юзига қалқди аниқ иш.

Ранглар — бўшаб қолган уйларга кирди,
Йўлларнинг қўш тори қуйларга кирди.

Очиққан қиш ҳақда ҳали миш-миш йўқ,
Қуз тўкин келмаса, унга емиш йўқ.

¹ «Иқра» сурасидан келтирилган ушбу оят мазмунига асар хулосасида қайтилади.

Қиш гарчи одамнинг ўз қайғусидир,
Кузақнинг ҳар кунин кўк қўйғусидир.

Орқасидан қувиб келаркан қишлар,
Қанотидан ўзга юки йўқ қушлар,

Гоҳи ўн жон — ишда, гоҳ юз жон — ишда,
Учдилар, кўзлари жонбахш Жанубда.

Меҳржон айёми бошланган маҳал,
Яна пойтахт бўлди уларга Бахмал.

Олдинги боблардан маълумки, кўп қушлар Наврўзда ҳасратлашиб, юз бериши мумкин бўлган фожя узилишнинг олдини олиш учун Самарқандга бориб, Алишер Навоий руҳларини зиёрат этмакка келишишган эдилар. Мана, уларнинг Бош учрашув қушлари етиб келди. Ким, қачон, ким билан, қандай боради, худди бугун, Бахмалда ҳал бўлиши керак! Токи бу умр ва тақдир, ҳаёт ё мамот ишидир!

Баҳор, ёз йўллари енгил бўлмади. Кўп қушлар қурбон бўлди, қанчаси йўлларини бошқа томонларга солиб кетди. Лекин йиғиндан хабар топган бошқа қушлар ҳам ҳозир шунда эди. Қавмлар толеида алоҳида, муҳим ўзгариш кутилмакда эди!

Мана, ранг-баранг, сирли ва тушунуксиз оҳангларга тўла давра. Гоҳ виқорли, гоҳо ташвишкор чехралар. Нолакор, умидли садолар, сайрашлар... Қизиги, яқинроқ жойда энди бир қанча чумчуқ ва қаргалар ҳам кўринмоқда!

Худуд бир оз безовта, чунки «Тўйга ким бориши керак?», «Кимнинг совғаси ёки ўзи шунга арзийди», «Кимнинг айби бор-йўқлиги» ҳақида чиққан гаплар қулоғига чалинган эди. Шунинг учун у даврани муросаю мадорага чорлаб, мулойимлик билан гап бошлади.

«Келинг, қадрдонлар, айём муборақ!
Тақдир бизга берган инъом муборақ!

Меҳржон байрами — тенглик байрами,
Тотувлик, бир ёқа-енглик байрами.

Омон келдингларми, қандай ўтди ёз,
Ҳамма фикрлашиб олайлик бор оз?!

Балки, совғаларни бир-бир кўрармиз,
Йўл олди пухтароқ тадбир кўрармиз?!

Бирдан Тўти жиғ-биғ: «АЙ-ЁМ МУБОР-РАК!»
Мен топган сўзим-ку, сассиқ попишак?!

Худҳуд изза бўлди: «Тўтижон, шошма,
Дарҳол иззат-ҳурмат сарҳадин ошма!

Ҳамма биладиган гап-ку... Хоҳласанг...»
Тўти тинмас эди ичгандай қасам:

«Худди шу табрикни ёз бўйи сарсон,
Неча қишлоқ кезиб, неча хонадон,

Неча тўй-базмда тинглаб ёдладим...
Биласанми, кимлар менинг авлодим?!

Амазонка, лори, ара, какаду,
Жако, нестор, яна товланма тўти...»

Қимдир гап ташлади: «Тавба, товланма...»
«Халойиқ! Хоҳ инон, хоҳи инонма,—

Тўти давом этди:—Худҳуд ва Шунқор
Икков бекитиқча қилишиб қарор...»

Бирдан уни бўлди Ғоз — ўткир овоз:
«Тўтижон, ҳар жойда бор тошу тароз.

Бобонг жаҳонгирлар йигинин кўрган!
Кўпчиликни ҳурмат қилмоқни ўрган:

Бугун тўпланганмиз мақсад танишга!
Менга қўйиб бер-а, сен, мақтанишга:

Эмиш, кўкда ҳоким пайти юлдузлар,
Оламга ким ато этган кундузлар?!

Ёлгон айтсам, бошга ёғсин минг-минг тош,
Катта Момом туққан тухуммиш Қуёш!»

«Тўғри, — деди Ўрдак.— Нечук кибр-ҳаво,
Агар мен фахр этсам, сиз турган дунё.

Ерни сув босган пайт — яралди қайдан,—
Урдаклар шўнғишиб чиқазган лойдан!»

Шунқор қўшилишиди гапга пурвиқор:
«Балли, мақтангулик гап ҳар кимда бор!

Аммо ҳолимизга боқайлик бирров:
Дерларки, ёвлашган элдан кетар дов!

Одамлар бизни ўз байроқларига,
Тожларига, қаср пештоқларига,

Разм тасвир эшитиб, туғро қилишиб,
Бошга кўтарганлар, аъло билишиб...

Ким ўз ҳақлигини этса намойиш,
Шартми бошқаларни булғаш ё койиш?!

Қушлар одамнинг ҳам асармиш жонин,
Шундай бўлса бордир, қандайдир қонун?...»

Аммо тўти яна бозиллаб, тақрор,
Таъкидларди: «Қонун сизлар учун бор-р!!!

Бизга — йўқ! Не фойда қуруқ ўғитинг,—
Яширин гапи бор Шунқор, Худхуднинг!»

Энди Лочин ёнди: «Бас-эй, чинқироқ!
Ҳали мен айтмадим гапимни, ўртоқ!...»

Аммо нутқин бошлаб улгурмай Лочин,
Тўнолон қўзғалди, бузилди очун:

Жиртаки чумчуқлар тўдаси пайдо —
Уча-қўна солди батаиғ вовайло:

«Лочин — қотил! Тинглаиғ фарёдимиғни,
Яқинда ўлдирди у отамизни!

Тўй эмас, азага эткизди насиб...
Бизга подшоликка Қарға муносиб!

Қаранг, қишми-ёзми, унга фарқи йўқ,
Уч юз йил яшайди, Шарқи-Ғарби йўқ!

Қарға бошлаб борсин қайга бўлсаям,
Самарқандми, ерми-ойга бўлсаям...»

«Қарға-я! Гўнгхўр-а?! — Ғоз қилди хиром.
Еганиям ҳаром, гўштиям ҳаром...»

Лочин сапчиб кетди, ҳезлади қанот:
«Чумчуқ, нима дединг? Чақимчи авлод!..»

Шундай деб солди каж тўдага зарба,
Хайҳайлашларга ҳам қарамай зарра.

Бошқа жанжал чиқди — тинмасдан жанжал,
Зағизгон ҳақиллай кетди бермай гал:

«Мунда қотил эмас — ўғрилар ҳам бор!
Хув ана қароқчи Итолги, маккор!

Мен топган узукни ўғирлаган у...»
Унга Капачи қуш заҳар қотди қув:

«Сен ўзинг оқмисан?! Узук кимники?
Кимники эгрию тузук кимники?..»

«Ўзим билувдим-а, — кесатди Тўрғай,
Шунқорбек ҳам лойиқ, Худҳуд ҳам ўнғай.

Беш ой сарсон этиб қанча авомни,
Зимдан обкетсалар совға-саломни...»

Шундоқ, қушлар ичра чиқди ёмон жанг,
Рози-норозилик юзланди тажанг,

Ақл ўрнини жаҳлу ҳарорат олди,
Таъна-гина жойин ҳақорат олди,

Попишакнинг сассиқ ини айтилди,
Лочиннинг пичоқсиз қини айтилди,

Парга алишилган оҳанрабо ҳам,
Қалдирғоч ўғирлаб қочган дуо ҳам..

...Булбулнинг ҳар ерда овози ҳар хил,
Товусда, ақл эмас, пар эмиш сархил,

Бедана узоққа учолмас эмиш,
Какликлар тузоқдан қочолмас эмиш.

Укки учар эмиш овоз чиқармай,
Жиголтой бой эмиш — ўзи ин қурмай.

Каптар сотқин эмиш, мусича ирkit,
Эр-хотин босармиш тухумни бургут,

Чумчуқнинг бурди йўқ — беш минг тури бор.
Какку ўз боласин боқмас — беқарор...

Оққуш — қўриқхона «зийнати» эмиш,
Қафас — тўтиларнинг «ҳурмати» эмиш.

Қалдирғоч — қилтумшуқ, лек оғиз катта,
Бошқалар уйини бузармиш ҳаққа.

Капачи ўч экан кўп жимжимага,
Йилт этган нарсани ташиб инига.

Хотинига эмиш Турна қоровул,
Номи қуш — учишни билмас, қирғовул.

Бойқуш тунда сайраб ойнак тақармиш,
Иссиқда кундуз ҳам томоқ қоқармиш.

Хуллас қуш зоти бор «сўкиб-урилди»,
Олга кўзланган йўл ортга бурилди!

Дўқ, тухмат, чақишу чўқиш бошланди,
Уруш, беомон қон тўқиш бошланди.

Катта кенгаш қайда, тўйхат ё совға,
Осмону фалакка «юксалди» ровға.

Қутилган бахт ўнгга айланмай қолди,
Бошлиқ ҳам, вакил ҳам сайланмай қолди.

Аммо можарога «ҳеч аралашмай»,
Яқинга ҳам келмай, узоқ ҳам қочмай,

ОЛАҚАРҒАЛАР, жим кузатиб жангни,
Яраштирмақ қайда каж анжуманни,

Пайт топиб гиж-гижлаб ғозни ўрдакка,
Чағалайни қайраб хеш лойхўракка,

Бургутни лочинга тезлатардилар,
Бирин бири билан хезлатардилар.

Қушлар ҳеч фитнани кўрмас эдилар,
Ғазабни бир ёққа бурмас эдилар.

Катта фожеа ҳам шу эди асли:
Бирлашишни билмас эди Қуш насли!

Шундан — оғзи ола, озган эдилар,
Шундан — ризқи чала, тўзган эдилар.

Шундан — учиб иссиқ маконларидан,
Шажари қирқилиб ошёнларидан.

Жўжалар ҳам изсиз, истиқболсиздир,
Ерда ҳам, кўкда ҳам навмид, йўлсиздир.

Шундан ўзларидан бош чиқмас сира,
Ёшлиқдан «урилар», ёш чиқмас сира.

Шундан илм-амали бўлмайд мукаммал,
Ўзлари ўз «иш»ин қилолмаслар ҳал...

Қарғаларга шулким айни муддао,
Ўзларни хону бек санаб мутлақо,

Бунда эркин хуррам кўпаярдилар,
Хоҳлаган жойига туп ёярдилар.

Гала олақарға қора ниятда,
Мана, қушлар учун оғир соатда —

Турарди бу терсу тор юртга боқиб,
Ҷами байрамлари хор юртга боқиб.

Шундоқ ҳам касалванд, чалажон қушлар энди бу
урушни тўхтатишга қодир эмасдилар.

Осмонда сийрак ва тарқоқ юрган булутлар ҳаракатга
кириб, буларнинг устига келдилар. Булутларнинг бири-
кувидан ерда шамол қўзғолди, йилдиримлар чақнади, мо-
мақалдироқлар алалоси еру кўкни тутди.

Қонга бўялган, афтода ва заиф қушлар дувалай уч-
риб кетмаслиги учунми, яшиндан қўрқибми, ўзларига
келгандек бўлдилар, бир-бирларининг пинжларига ти-
қилдилар...

Бир-бирларининг пинжига!

Бир-бирларининг бағрига..

Бир-бирларига...

ҒОЙИБДАН ОВОЗ

Қушлар! Бундан роса беш аср муқаддам
Хузуримга келди ўттизта қуш жам.

Бари сарсон эди, чорасиз эди,
Дин, илму одоб, идорасиз эди...

Ҳар бирига бердим миръот-кўзгуни,
Оламни танисин, тағин ўзини!

Бирлик, Эрк туйғуси ҳар танга тушсин,
Аввал вужуд эмас, Рух жангга тушсин,

Аҳволинсиз магар мундоқ тийрадир,
Кўрар кўзларингиз баттар хирадир!

Рух шундоқ неъматким, қолса қаровсиз,
Танни тарк этади, иссиз, сўровсиз,

Ўт ўчса, қулни боз ёндирмоқ маҳол,
Дегилки, тўхтаса — йўқолур шамол!

Ўз юзида кўрса ким фақат ўзни,
Ундан ўзга юзлар ўгирар юзни.

Ҳақнинг дарвозаси минг тилсимдир, бас,
Англаганлар очар, кучлилар эмас!

Олдимда тенг эрур маъно ва товуш,
Бирдек яралгандир одам билан қуш.

Демак, маъно ўлса — сўзи ҳам ўлар,
Рух қушин ўлдирса — ўзи ҳам ўлар.

Нафс кўп хуруж қилар. Ҳис қорин, кўзга,
Сўзга ҳам киритар, гоҳ кирар сўзга...

Биҳишти лаззатга деманг етишмоқ,
Жаннат — Руҳ парвози билан чатишмоқ!

Жаннатдан қувдирган чоғим Одамни,
Сахро деб билганди Ерни — Оламни.

Одам — ўз ижодим! Қолсин деб ҳаёт,
Издан йўлладим минг тур мавжудот:

Илк бор кўрган туши — Севгисини ҳам,
Идрок ва Ирода сезгисини ҳам!

Қушлар ҳам бор эди шулар ичида,
Яъни энг даркори — умри, ишида!

Шулар бари билан яшаса уйғун,
Насли мангу давом этмоғи мумкин!

Агар қайда бўлсин, узса занжирни,
Ҳеч ким тополмайди мунга тадбирни.

Демак ўзининг ҳам охири шудир,
Ердаги ҳаётнинг Бош сирин шудир!

Аммо меҳр уйининг мингта йўли бор,
Ҳар бир адашганга суёв қўли бор.

Ғофил бандага ҳам гоҳ сир йўлиққай,
Баъзан адашганга Хиэр йўлиққай.

Ана! Устозингиз шошар сиз томон,
Ҳа, ўша сулҳпарвар, доно, меҳрибон!

Ҳа, ўша, сўз ичра пайгамбар бўлган!
Қушлар тилин билган! Ва сарвар бўлган!

Юқоридаги сўзлар эшитила бошлаган аснода **шамол** ўз безовта этагини йиғиштириб улгурган, булут **яшин-лаҳжа** тилини оғзига жиңс қамаб, қуёш аниқ кўриниши учун уфқда тиз чўкиб олган эди.

Қушлар ўтрусида, эғнида жияклари яшил **ипакда** қатимланган тимқора тўн, бошида офтобдан-да **оқроқ** салла, Алишер Навоий пайдо бўлади.

Қушларнинг яра-заҳмларини ёмғир ювиб-тараган, **йилдирим** тиғи билан тозаллаган, ғойибдан келган **сўз-**

лардан руҳлари анча тетик, юракларида умид, идрок учун
майдон яралган! Лекин ул калима огоҳ ҳукми эди, буёғи
қушларнинг ўзларига ҳавола қолдирилганди...

Улуғ шоир уларнинг ҳар бирларини, боши ва бўйин-
ларини силаб, кўнларини қўллари ва елкаларига қўнди-
риб олди, улкай қовурғали бир харсангга ўтирди. Бир
қанча қушлар унинг ёнларида тошга тизилдилар, нэчалар-
ри тизза, ҳатто оёқлари учига жойлашдилар. Қушлар гўё
ўз ҳомий ва халоскори билан БИРЛАШИБ кетдилар.
Улар энди жим, бўлиб ўтган қонли можародан ҳали ти-
ниқмай, нима юз берганини ва беражагини идрок этишга
ҳозирланмоқда эдилар.

АЛИШЕР НАВОИЙ МУРОЖААТИ

Эй сиз, менинг шўрлик жигарбандларим,
Асрлар ўтса-да кетмас дардларим!

Қани шунча умид, шунча армонлар,
Қани шунча ҳавас, фидойи жонлар?

Шунча меҳнатларнинг самари қани,
Тахт қани, тож қани, гавҳари қани?

Оғир бу бухронга ибтидо қайда,
Бош айбдор қайда, туб хато қайда?

Чопилганлар — мана, чопганлар қани,
Тўхтовсиз кин, фитна топганлар қани?

Қани қирқ хотипли талтайган беклар,
Ҳар эшакка кўзи олайган беклар?

Кўтаргайми ҳеч тахт қирқ меросхўрни,
Оқибат кул бўлмай хонликнинг ўрни?!

Кўрк кетар ер талаш бўлган давлатдан,
Динлар сақлай олмас уни кулфатдан.

Ямоқ-парча юртда, тахт майда тортгай,
Тож муштумдек бўлгай, бахт майда тортгай.

Илму имон аҳли қаровсиз бўлиб,
Охират ишлари сўровсиз бўлиб,

Тайёр луқма бўлғай бундай ер ёвга,
Умри қолиб минг йил зулму алдовга.

Ҳа, мана, охирги юз йилги босқин
Бу юртни ўзича қилмишки тақсим.

Чингиз тиг уганда, кўксида «Қуръон»
Хоразм кўксига ким бўлди қалқон?—

Шерюрак Намжиддин Куброси унут,
Сукутдан сеҳр олган дуоси унут.

Хўжа Аҳмад, туркий пирим, султоним,—
Ер остида бирга тирикдир жоним.

Унга бош эггандан Темур Қўрагон,
Шаҳдин кўрмадими нақ ярим жаҳон?!

Сулаймоним қани, Боқиргон қани,
Замон охир дея чоқиргон қани?!

Жалололдин Румий — илм ғаввоси,
Қани, иродаси — Эркнинг навоси?!—

Бирлик, меҳр, тиниқ тушларнинг дўсти,
Миллатларнинг дўсти, қушларнинг дўсти.

Қани ул темирга руҳин нақш этган,
Дилин ёрга, қўлин ишга бахш этган,—

Яъни, Баҳоваддин Нақшбандий якто,
Муҳаммад яқини, муршиди танҳо?!

О, улуғ заҳматкаш Имом Бухорий,
Шариат оламин шан ифтихори,—

Олти юз минг ҳадис гулчиси қани,
Ҳаққа ошиқларнинг элчиси қани?!

Парокандаликнинг сабаби битта:
Нафсимиз ўз туққан диёрдан катта!

Агар Руҳ қувватин йўқотса одам,
Бу — Улуғ Бирликка тutilган мотам.

Шундан сиздирмаймиз бир-биримизни,
Ва асрай олмаймиз ўз еримизни.

Ўвга юртни арзон сотишлар шундан,
Иқболи ноаниқ ётишлар шундан!

Нафс — ёв қўлида турган зулм тоши,
Нафс, бу — абадий қулликнинг боши.

Ўлжуж-маъжуж нақлин сўзлайман агар:
У юртга киргандир аллақачонлар!

Сир, Аму сувларин у тамом ичиб,
Орол тузларига қўшилиб учиб,

Қушлар суяги-ла тозалаб тишин,
Одам жигарига қадади нишин...

Қарғалар шуларнинг бош хабарчиси,
Бири — иккисимас, йўқ, йўқ, барчаси!

Қаранг, буларниям тўйдириб бўлмас,
Ёки бошқа жойга қувдириб бўлмас.

Буларда ҳам йўқдир ватан тўйғуси,
Ҳеч азиз нарсанинг, зотан, тўйғуси...

Шу сўзларни айтиб, қушларни бошига тож қилиб
Ўтирган устоз аста қаддини ростлайди.

Алланедан кўнгли оғоҳ топгандай!

Барча қушлар парпарлаб бу зотнинг бошларида бе-
зовта қанот силкитиб турадилар.

Қушни яратганда тангри таоло,
Бунга беҳад улуғ бермишдир маъно,

Ўрни, ҳар Одамнинг борди Ўз Қуши,
Рамзий қуш кабидир закоси, ҳуши.

Қушларим! Сиз — менинг мунгли дostonим,
Мангу йўқотилган балки осмоним!

Адойи руҳимнинг тасвиридирсиз,
Халқимнинг адашган тақдиридирсиз!

Ғафнусман, Ғаётда аъмолим аниқ:
Мендан олдин Ғақ деб ким ўтса ёниб,

Шуларнинг хокидан тирилган жонман,
Ўз куй, ўз йўлимга аммо сарбонман!

Сиз-чи, хўш, бир-бирин доим ёққанлар,
Қутлуғ китобларни ўтга отганлар?!

Масжид, ёдгорларин оловга бериб,
Ўзлигин ёқишни ёт ёгга бериб,

Жаннат водийлари дорудан куйган,
Денгизи қатрага зоридан куйган,

Хуқуқсиз ва ҳайрон, йўлсиз турганлар,
Илмсиз ва кучли қўлсиз турганлар?!

Изингиздан ҳаёт ўнглонармикан,
Кулингиздан Ғафнус уйғонармикан?!!

Сиз мени чорлабсиз, қушларим, бугун,
Балки мен ҳам сиздек бўлганим учун?!

...Сўнги умид билан, топиб сўнг пажот,
Паришон ўлкани айлаб яққанот,

Ўз она маконда минг қўрқув билан,
Минг андиша, талвос ва қув-қув билан,

Гоҳ чумчуқдан қўрқиб, гоҳи қаргадан,
Ёки ўзингиздан чиққан даргадан,

Совға ахтарибсиз мен учун лойиқ,
Қанотлар — озгин қўл, хайрга ёйиқ.

Қўрқув — бор, орада қурч-ақиллик йўқ,
Қўрқув — бор, ҳеч қандай Мустақиллик йўқ!

Мен-ку Ғафнус қушдек, сўзлаб зўр ғамдин,
Куйиб ўтган эдим ушбу оламдин,

Ўшал оғриқларни сиз яна бугун,
Менга келтирибсиз АРМУҒОН учун.

Яна минг ўлмакка етарли ғам бул,
Ва минг тирилмакка етарли ғам бул!

Қушлиғ тақдиримга яна ишондим,
Хоқимдан қўзғолдим, яна уйғондим!

...Мана, дейлик, Узук. Тўғарак олам —
Муҳаббат туфайли бордир, муқаррам,

Оламни олмоқнинг бордир тадбири,
Қийиндир қалбларнинг бўлмақ амири.

Сўлғин Хоразмдан токи Рух қадар
Булбул ипак тортиб келмиш пурқадар.

Оят ўқиганда кўра бўш, лаванг,
Сўнгани афзалдир ҳар қандай оҳанг.

...Лайлак келтирибди огоҳ Туморин,
Фарёдлар туморин ва оҳ туморин.

Энг қисқа тарихда юз минг далил бор,
Бизни ёвлаштириб қўйган қай ғаддор?!

Мана, дулдул ёли! От — юртга чирой!
Пиёда миллатнинг аҳволига вой!

Пичоқсиз қип! Элнинг боши солинган,
Қўлидан қуроли тортиб олинган.

Кабутар ҳадяси — Синоат, савдо,
Биринг икки бўлмас, кўрмасанг дунё.

...Шунқор қуш кўрибди улуғ Қозонни,
Тавобга интилган минг-минглаб жонни;

Қанийди Туркистон — улуғ оила,
Оғаю инидек аҳиллик ила,

Ризқини ўртада айлаб жамулжам,
Мувосолик била кўрсалар баҳам!

...Мирзоқуш келтирган Оҳанрабодир,
Ҳар биримиз учун сўнгги пидодир:

Борми Тортилишдан ҳам буюк ҳикмат,
Чархни уйғувликда сақловчи қудрат?!

Сабот — темир бўлса, пўлат — ирода,
Уни юрт меҳри ҳам тортар зиёда!

...Қалдирғоч келтирган сурадан аён:
«Ҳар ишда зўр тартиб этдик намоён!

Қилмишидан ҳеч ким кетолмас тоғиб,
Қиёмат кунда айтурмиз аниқ:

Ёзғутдир, гувоҳдир Номаи аъмол
Ва ҳеч ким қилолмас ул дам арзи ҳол!

Инсон! Ўз бўйнингда — Тақдир шодаси,
Ўз толе қушингининг шаън ифодаси!»

1990, 1—27 декабрь

КЎҲНА ҲИҚМАТЛАР

Шоҳларга зар йиғмоқ азал таомил,
Азиз эл ярқ этган ҳар нурга қойил.

Одамнинг ўз ризқи асли бир ҳовуч,
Берсанг аммо доим олмоққа мойил.

Касбу корнинг сеҳри, қадри йўқ жойда
Давлат ишинда ҳам бўлмас такомил.

Ахмоқ миробларнинг касридан, кўрдик,
Уч девор ичинда нуради Бобил.

Рўшнолиг бермаса деҳқонга даврон,
Лайлатулқадр ҳам бўлмайди восил.

Изма-из мушкуллар туғар кун ва тун,
Лозимдир ҳар мулкни бошқарса оқил.

Музлуғ довлардан ўтган дарёнинг
Азмига муборак бўлди қўш соҳил.

Набилар наздида Биби Марям пок,
Ошиқлар оҳидин Масеҳо нозил.

Ёт иқлимдан келган не-не кўчатлар
Биҳиштга ўтқаздик, бермади ҳосил.

Даҳшат, қирғин этдинг, лекин ўлмадик,
Устивор миллатмиз, бас-да, эй қотил!

Ўзгалар нақдини қизғонар ҳосид,
Улусга бахш этар борини фозил.

Сўлинг ва соғингда, бўйининг, бошингда
Лаинларнинг юки, бу не тағофил?!

Толе қуши тилар кафтингдан дона,
Фойдаву зиёнинг шунга муқобил.

Улуғ ўтмишингни ўзинг унутдинг,
Азал хаттотлари улашмас ой-йил.

Юз йил ўз гирдини қўрғон этганлар
Титрарлар, эшикни қоқса азозил.

Анор ниҳон гуллар гарчи кўзлардан,
Баҳорда ғофиллар — кузда ҳам ғофил.

Ром этса ёлғонлар элнинг қулоғин,
Очилмас, бурғусин чалса Исрофил.

Дунёда то битта қул халқ бор экан,
Замон одил бўлмас, имоним комил.

1991

* * *

Бугун юрт уфқида бир нур кўринди,
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим.
Қўш бошли қузғуннинг қаноти синди,
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим.

Аmmo ёв алдашга ҳамон кўп моҳир,
Кўнмас, қўлдан кетса шундоқ жавоҳир.
Банди кишанимиз ҳали кўп оғир,
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим.

Ҳали оғзи ола ва тумтароқмиз,
Баъзилар қўлида шундан таёқмиз,
Бирлашсак кўплардан қудратлироқмиз,
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим.

Ўзимиз олайлик йўллардан топни,
Ўзимиз аритиб диллардан ғашни,
Ўзимиз бошлайлик кексаю ёшни,
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим.

Ҳар қалбдаги умид, пок хаёл ҳақи,
Байроқда юз очган илк ҳилол ҳақи,
Толемизда балққан Истиқлол ҳақи,
Бекларни кенгашга чорланг, ҳазратим.

1991, 15 ноябрь

ДУШАНБАДА ТАНКЛАР

Душанбада танклар!

Қора гулдирос

Помирнинг зирҳига пурқди учқунлар.
Қани ўн йилликлар куйланган иқбол,
Қани кундузларга менгзалган тунлар?!

Душанбада танклар!

Гулирухсорнинг

Оқ этигин эзмадими кирза пошналар?!
Тошкентда барқ каби ёдга тушди тез
Душанбадаги олис-яқин ошналар...

Душанбада танклар!

Жўрабекнинг тори

Деворда титради ёт гулдирашдан!

Ва бирдан англадик:

Ўзбек ва тожик

Ҳеч вақт чарчамайди бир куй куйлашдан!

Душанбада танклар!

Ўн йил афғонда

Қон кечган аждарлар Душанбададир.

Ва яна англадик — юракларимиз

Қимга очиқ, кимга — банд, тамбададир!

Бойқуш каби қўрқиб опшкоралиқдан,

Танкларга бекинди Турғунлик Тўра!

Яна кўчаларда тинди ҳаракат,

Яна қондек сирқди лаблардан суръа...

Бугун хавф келган чоғ, кўзларингни оч,

Эй дунёга очиқ тожик юраги:

Йўқса Маҳшаргача очилмай кетар

Ташна Рудакийнинг кўзлари каби...

Душанбада танклар...

Бу дам Самарқандда
«Устозим! Қолманг, деб, офат қаҳрига!»,
Алишер Жомийни меҳрли қучди,
Янада яқинроқ тортди бағрига...

1990, февраль

УЧАР ТАРЕЛКАГА

Хуш келибсан, Тарелка, ҳой,
Бизнинг сахий бу элга, ҳой!

Танла қулай бир гўшани,
Бизга аён эт пешани:

Кимсан? Қайдан келдинг?! Нега?
Элчимисан ёки эга?!

Қандай юк бор, хўш, елкангда,
Не келтирдинг тарелкангда?!

Ташрифинг — сулҳ яқинликми?
Туб мақсадинг ё кинликми?!

Келди юртимизга кўшлар,
Тиқди кўзимизга чўшлар.

Тарелканг бўш, сен оч бўлсанг,
Бир мададга муҳтож бўлсанг,

Тушу фақат ўзингни бил,—
Ортда қолар, изингни бил!

Ишинг — ажиб, юзинг — жозиб,
Сўзинг — важиб, ичинг — козиб,

Сен ҳам топтаб оримизни,
Ташиб кетсанг боримизни,

Билки, қайга бекин — қопил.
Қолмагаймиз бу гал ғофил!

Байроқ этиб алам — ўкни.
Аршгача титиб кўкни,

Келган барча хил ёв учун,
Барча зулм-алдов учун,

Қаҳримиздан куч олгаймиз,
Ўч олгаймиз, ўч олгаймиз!

1990

АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАР

Башар тарихида «ғолиб» деган сўз
Асрлар эъвозлик, муборақ қолди.
Мағлублар тақдири яна аёнроқ:
Басир, қул, ризқи ҳам ним чорак қолди.

Олимп чўққисиди, эмиш, тангрилар
Муқаддас оловни асрарлар ҳушёр,
Улуғ курашларда ерда бу ўтқи
Ёқмоқ ғолибларга бўлсин дея ёр.

Ғалаба — ёруғлик, ғалаба — умид,
Ғалаба — баҳорнинг янги ҳаёти,
Ғалаба — юракнинг ўз имконидан
Руҳ қадар юксалиб ўтган шай оти.

Бизнинг ул ҳур халқлар оиласида
Етмиш йил қозонган, эришган, етган
Зафарларким, минглаб ташбеҳлар билан
Жисми жонимизга томирлаб кетган.

Ғолиб инқилобга эргашиб, биз ҳам
Умум қилдик ерни, мулкни, рўзгорни:
Бойни қулоқ қилиб — борни йўқ қилдик,
Аммо камбаралнинг тўймади қорни.

Биз элни, илмни, оламни билган
Халқнинг «душман»ларин «енгдик» беомон!
Қандиллари шамол ўчирган қаср —
Зулматда — эгасиз қолди мулк, замон.

Газанда Гитлери — қора балони
Девни чивиқ билан ҳайдаган мисол,
Беҳисоб қурбонлар бердик ва лекин
Енгдик, ғолиб келдик, байроғимиз—ол!

О, бизнинг космосда очган сарҳадлар!
О, нечук забт этдик чўлни, қўриқни!
Аmmo бу зафарлар, нечундир, бизга
Яшашга бермади олий йўриқни!

Аҳвол ўша-ўша! Саводсизликни
Тугатиб, қолибмиз яна бесавод!
Биздан енгилганлар аллақачонлар
Еттинчи осмонда яшар ҳур, озод!

Нимага эришдик биз, шунча зафар—
Ғалабага шерик ва жарчи бўлиб?!
Бугун топширамиз ўз еримиздан
Ҳосилни, эгамас, ҳашарчи бўлиб!

Ўзлигингни кимга бахш эттинг, ўзбек,
Ўзингга қолмабди бугун ҳеч нима?!
На бошқа қирғоққа, на ўз эркиннга
Қўйвормайди сени бу қонли кема!

Шунча «зафар»лардан нима олдик биз,
Биз кимнинг устидан ахир қолибмиз?!
Во ажаб! Биз қанча зафар қозонсак,
Шунча бор қул, қарам бўлиб қолибмиз!

1990

ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ҚОЗОН ХУСУСИДА

Туркистонда Яссавий ёди учун Темур буйруғи билан олти асрлар бурун қўйдирилган қозон 1925 йилда кўргазма баҳонасида Ленинградга олиб кетилади. Шундоқ «қатағон» қилинган қозон бу йил «оқланиб», яна Туркистонга қайтди...

Туркистонга Яссавийнинг қозони қайтди!
Россияга — кўргазмага чоғланган қозон.
Алдов ила қўл-оёғи боғланган қозон.
Олтмиш беш йил бағри ўтсиз доғланган қозон.

Туркистонга Яссавийнинг қозони қайтди.
Олти аср пойида ўт ўчмаган эди.
Ҳаром-ҳариш йўли бунда тушмаган эди.
Олов руҳи бошқа жойга кўчмаган эди.

Туркистонга Яссавийнинг қозони қайтди.
Жаҳон, асли, бу — Алдовлар кўргазмасидир!
Хўжайинлар ва соқовлар кўргазмасидир!
Исёнқорга дорлар, ғовлар кўргазмасидир.

Туркистонга Яссавийнинг қозони қайтди.
Қайтармикин Тарихимиз, қутлуғ изимиз?!
Қайтармикин ўз жойига гирён кўзимиз
Ва... шунча йил таланилган ризқу рўзимиз?!

1990

СОДДА ҚОРАЧУҚЛИГА ҲАЗИЛ

Айтишларича, Туркистон яқинидаги Қорачуқ қишлоғида бир пайтлар ош тузи тақчил бўлиб, уни сайёҳлар-савдогарлар олиб келишган. Шунда қорачуқлилардан бири, ҳазилчинми, «Ҳой, еримиз шунча унумдор, тузни ўзимиз экиб кўпайтирсак-чи?!» деб, анча жойга туз экиб кўришган эканлар...

Қорачуқли, қорачуқли,
Бу содда гап кимдан чиқди?!

Сенга шунча туз керакми,
Туз тўла отиз керакми?!

Бунинг осон йўлини топ-да:
Бор еринга экин пахта!

Ер етмаса, боғинга эк,
Текислаю тоғинга эк!

Қарабсанки, кўп кутмайсан,
Туз қайда деб кўз тикмайсан!

Тезда қуриб дарё-сойинг,
Тузга тўлар ҳамма жойинг.

Тузга тўлар ошхонанг ҳам,
Биратўла пешонанг ҳам!

1990

БАҒРИНГ БУТ БЎЛСИН, ЮРТИМ

Юртимизнинг феруза тожи бўлган Фарғона бугун безовта. Ўзбекнинг меҳмондўстлигига, пок дастурхонига ким шак келтира олади? Бугун нафақат республиканинг, ҳатто марказий нашрларнинг аксариятида масаланинг туб замирини билмасдан халқимизнинг номига ғаразли ташбеҳлар ёғдираётганликларини кўриб кишининг қони қайнайди. Балки худди шу мақсадда қилинаётгандир бу матбуот безорилиги. Бугун дардини халқнинг ўзидан сўрамай, урушни жўрттага кучайтиришга ҳаракат қилаётганларнинг, яъни оловга лампамай сепаетганларнинг мақсадини тушуниш қийин эмас. «Ўзбек ишидан» кейин мана энди ўзбек «нашавандлари» ва «экстремистлари» ҳам пайдо бўлди. Экканингни ўрасан деган мақол ҳеч кимнинг ёдига тушмапти шекилли. Қирқ беш кунда, ташқаридан бирон-бир ёрдам олмай, фақат қўл кучи билан оч-наҳор ишлаб, улугвор Фарғона каналини бунёд эта олган халқ, иттифоқнинг қаеридан бир ишқал чиқса ёрдамга улгура олган халқ бугун ўз дардларини айтаётганда, бунинг сабабларини кимларгадир тўнкамасдан, озгина меҳр ва эътибор кўрсатилса, саволларга аниқ, амалий жавоб берилса бас, менимча.

Экстремистлар, нашавандларга келсак, улар ҳар бир халқда, ҳар бир миллатда бор. Бунинг ҳисоб-китобини қилиш ҳар бир халқнинг ўзига ҳавола. Ва бунинг сабаблари ҳам ҳар бир муҳитда, ҳар бир тузумда ўзгача зоҳир бўлади. Демак, жазоси ҳам ўзидан топилади.

Бугун Фарғонада тўкилган ёшим
Олов қатра бўлиб куйдирди ерни.
Кимларнинг қонидан бу гуллар қизил,
Мен энди ким учун ёзаман шеърни?!

Бугун мен водийга чорладим нолон,
Бобурни, Машрабни, Мир Алишерни.

Қалбимда боболар руҳи ҳали бор,
Йўқса мен ким учун айтаман шеърни?!

Фарғона гўзали Қумуш биби деб,
Отабек тикди-ку ахир умрни.
Шу меҳр, шу севги, ёшлик, имоннинг
Бизмиз меросхўри—юрақда ўрни.

Ҳали умидимиз кўпдир дунёдан,
Наҳот биргина зарб узса занжирни?!
Ўзбегим, бағрингни бут кўрай дея,
Кўзда ёшим билан битдим шу шеърни.

1989, 13 июнь

* * *

Толеймда сирли хатлар кўринди,
Тушимда қанотли отлар кўринди.

Кўнглим истагича жой тутмоқ бўлдим,
Диёрим тахтада ётлар кўринди.

Эл-юрт ковак-катак, қўшин-пиёда,
Қаёққа от сурсам, мотлар кўринди.

Бош урдим Хивага, Кўҳна Урганчга,
Олдиндан қум босган Котлар кўринди.

Савоб деб изладим улуғвор изин,
Йўллари тўрт чигал зотлар кўринди.

Озод эллашмагу тиллашмак қайда,
Ҳамон нун остида содлар кўринди.

Умидли дунё бу, Омон, гам чекма,
Ҳар сўзийгни кимдир ёдлар кўринди.

1988

* * *

Қатор-қатор минор кўрдим Хивада,
Кўк тоқини бекор кўрдим Хивада.

Ичон учун Дишон қурбон бўлибдир,
Элга жонлар писор кўрдим Хивада.

Уч юз устун Жоме ичра қамалмиш,
Уч юз олтмиш девор кўрдим Хивада.

Тош сандиқда узоқ ётдинг, Паҳлавон,
Не барҳаёт мазор кўрдим Хивада.

Жаҳон назм пойтахти Хоразм,
Дутор надир, сетор кўрдим Хивада.

Олам юртим тавофига орзуманд,
Ботин руҳни бедор кўрдим Хивада.

Омон кетмас, ошиқ бўлар ҳар келган,
Минг гул, минг бир ифोर кўрдим Хивада.

Ўзбек элим, ўлмагайсан дунёда,
Мангу юксак виқор кўрдим Хивада.

* * *

Кимнидир ахтардим, ахтардим узоқ,
Кўзимни паналаб баъзан қуёшдан.
Гилдирак изидек узун тунларда
Номин ҳай-ҳуладим унинг тор-тошдан.

Ва ниҳоят бугун истиқбол куни
Кўриб қолдим уни оламдек равшан:
— Менинг қалбим эди у,
дунё таниб —
Шеърият эшигин қоқарди ўйчан.

1964

ОЧИҚ ДЕРАЗАЛАР

Очиқ деразалар,
Очиқ деразалар..
Тун қўйнига нури сочиқ деразалар,
Сизга мен ўғринча боқиб ўтаман,
Очиқ деразалар, очиқ деразалар.

Мени жалб этасиз
Бўлиб ранго-ранг,
Гоҳ парда ортида сирли соялар,
Эшитгим келади ҳар деразадан
Бир сирли пичирлов ё ҳикоялар...

Аммо нечоғ оғир,
Эҳ, оғир менга—
Ўзга деразага боқмоқ суқ билан.
Мен ўз деразамни орзу қиламан,
Ёғдуси, сояси, кулгиси билан.

1965

* * *

Кўзларингни яширгил мендан,
Ўтиб кетай ёнингдан бефарқ,
Ўтиб кетай ёнингдан бедард,
Кўзларингни яширгил мендан.

Борлигимни пайқама, майли,
Бурчакларда майли, қайрилма,
Мени деб тинчингдан айрилма,
Борлигимни пайқама, майли.

Номим бўлса қалбингда агар,
Отиб ташла, майли, тупроққа.
... Ҳар куни ўт шу йўлни тоштаб,
Номим бўлса қалбингда агар.

1967

МЕЗОН

Гулзорга кирасан, гуллар дил очиб,
Синглингдек туришар интизор, дилкаш.
Сенинг нафсу ҳирсинг баридан ошиб:
Босқилаб кетасан. Гулзор қолур гаш.
Не дердим: барчага оққўнгил боққан
Бегараз гулларга раҳматим чексиз,
Лекин умри боғда тентиб улоққан,
Минг гулни хор этган беорга эсиз.

Мавқега хушомад, мансабга таъзим —
Дўстлик мезонимас, у ўзга буткул.
Дўст сенга гоҳ қулдир, гоҳида ҳоқим,
У ҳар бир тангрига тутавермас гул.
Не дердим: фазолар қаърида ҳатто
Йўл топган мардларнинг ҳаёти — юлдуз!
Лекин «Ер — кафтимда» деган бериё,
Андиша билмаган кимсага эсиз.

Ҳамкасб ютуғидан қувонмоқ ҳам бахт,
Киприк ҳам ҳаётдир, уйғонишин кут!
Умид билан ўзинг ўстирган дарахт
Гул тугса ё бўлса ўзингга тобут,
Не дердим: борингни бир бор кўрганлар
Камингни айтсалар ўгирма сен юз...
Қўлингга қўлини бериб юрганлар
Бир кун пайингни қирқсалар, эсиз.

Асрлар ўтади. Вақт Ерга бефарқ.
Олдга, юксакликка кетади одам.
Лекин йўл чалкашиб қолганда бир вақт,
Яна тарихларни титади одам.
Бир зумлик ҳақлиги учун бир умр—
Талашган лақмани тавоф этингиз!
Давра айланганда ўтмишидан ҳам
Тонган тарихчига эсиз, минг эсиз.

1967

ШЕЪРИЯТ

...Ўз оролинг бўлсин.
«Дхаммапада»

Шеърият — ҳамманинг ўзи, ўзлиги!
Шеърият, ўзинг-ку, қалбдан қалбларга
Эзгуликнинг беқибс ганжин
Ишонч қоғозисиз элтиб бергувчи!
... Мен ҳам шошиляпман сенга, шеърият!
Сен сари кетгувчи улкан кемадан
Фақат юкларимга жой топсам, майли.
Шеърият!
Шу ишонч тинчитмас такрор,
Сирли кашфлар сари судрар солимни.
Сенга содиқлигим байроғи шулки,
Ҳар гал,
 ҳар шеъримда
 ҳар тепганда қалб —
Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби.

1968

* * *

Беланчақда ётар кошот,
Чайқалмаса тинмасми йиғи?!
Бизни чайқаб турган бу ҳаёт,
Кимларнингдир сўнги қўшиғи.

Самовот — бир жулдур дастурхон,
Сомон йўли унда қанд юқи.
Тунга ваъда ётар олтин нон
Юлдузларнинг сўнги қўшиғи.

Осмон инграб чиқар гоҳ тунда,
Қорга тўлар боғлар бўшлиғи.
Баҳор ваъда этади унга
Бўронларнинг сўнги қўшиғи.

Мен на кун, на тунман самода,
Бир ошиқман ерда бор-йўғи.
Менга нелар этасан ваъда,
Эй севгининг сўнги қўшиғи?!

1967

* * *

Бошқалардек севишдик биз ҳам,
Қуйиб юрдик бошқалар каби.
Бу савдони бахт билдик биз ҳам,
Бахтдир, дедик висол, ёр лаби.

Бошқалардек дуч келиб қолсак,
Олислардик минг бор қайрилиб,
Мана биз ҳам бебахт, беқарсак
Бошқалардек кетдик айрилиб.

Ишқнинг қолди фақат озори,
Қалам, қоғоз — мерос бир ялов.
Қалбимдадир ишқнинг мозори,
Ёниб қолди унда бир олов.

Ишқдан фақат шу қолди менга,
Олов ёнар, сен-чи, йўқсан, ёр.
Келолмайсан ўз мақбарангга,
Унга гуллар қўяр бошқалар.

1967

БОБУР

Эй сен, юртим, қиличлардан қолган жароҳат,
Эй сен, тиглар чақмогидан яралган қуёш!
Қайси найза илиб кетди бошинг бу дафъа,
Бир фарзандинг излаб юрар сени сўққабош.
Излаб-бўзлаб юрар у ҳам қўлида қилич,
Номусингни у тиг билан топмоқчи, Ватан!
Курашмоққа қолмаганда на имкон, на куч,
Кўрагидан ғамли куйлар сирқади баъзан.

У куйлайди тупроғингни сенинг, о ўлка,
Унинг ёлғиз ҳамроҳидир қувғин ва алам-
Кета туриб, олган сиқим тупроғи ичра
Бор эди қон ва бор эди бир кичик қалам.
Шундай кетди ул саркарда юртдан бешухрат,
Фақат қалам ола кетди ва қалбда нидо,
Олисларда топса ҳамки ганжи беадад,
Она-Ватан кўйида у бўлди бир гадо.

Лекин чексиз эди ҳижрон. Чидолмай ахир
Ғазал тўла юрагини отди юрт томон.
О, Ватан деб пора-пора бўлган бу бағир
Осиёни қўшиқларга кўмди шу замон.
Қўшиғи деб қабул этди уни Ватани,
Қўшиғи деб энди бунда юради эркин.
Менинг юртим, ололмади шоҳ қалби сени,
Шоир қалби, шоир қалби забт этди лекин.

1967

ФИРУЗА

Келмадинг.

Қушлар кўчиб кетди қошимдан,

Тушлар чўчиб кетди ёшимдан,

Хушлар учиб кетди бошимдан,

Келмадинг.

Хазонлар тўп бўлди йиллаб мен учун,

Осонлар йўқ бўлди йиллаб мен учун,

Армонлар кўп бўлди йиллаб мен учун,

Келмадинг.

Ғамларнинг барига тўздим — чидадим,

Намларнинг баҳрида суздим — чидадим,

Дамларнинг шаҳидан ўздим — чидадим,

Келмадинг.

Кунларим ҳижронга ўқдек ёққанда,

Руҳим оти қонга чўгдек ботганда,

Сўнгги ўқни жонга ўзим отганда,

Сен келдинг узр сўраб...

Сен келдинг нечун?!

1968

* * *

Чирой ахтарса ким,
Бахт ахтарса ким,
Машаққат олдида
Ҳисоб беражак.

Ишқни топтаса ким,
Нақдни мақтаса ким,
Муҳаббат олдида
Ҳисоб беражак.

Меҳмонни суймаслар,
Унга туз қўймаслар
Мурувват олдида
Ҳисоб беражак.

Олимни билмас ким,
Шоирни билмас ким,
Илм-ҳикмат олдида
Ҳисоб беражак.

Беахлоқ тенгдошлар,
Қадрсиз тўнғбошлар
Қадр, ҳурмат олдида
Ҳисоб беражак.

Умри бўш ўтганлар,
Лайпга хуш ўтганлар
Халқ, фурсат олдида
Ҳисоб беражак.

1965

ШАР

Қуёшга, булутларга
Ошиқадир оппоқ шар.
Хув мовий сукутларга
Бош суқадир оппоқ шар.

Йўлда совуқ елларда
Ерилишин билса ҳам,
У юксаклик ишқида
Нотинч яшайди бу дам.

Бироқ кета олмайди,
Дилгинаси доғлидир.
Чунки қай бир бешафқат
Қўлларга у боғлидир.

1968

ДЎСТЛАРИМ

Бир дўстим бор менинг шўх-шамол,
Армайди лабидан кулку.
Гоҳ қиламан унга арзи ҳол,
Лекин бунга парво қилмас у.
У кулади, билмайсан, дейди.
Бу кулгили дунё ишини.
Жим кетаман. У хоҳламайди
Кулкусининг дард бўлишини.

Бир дўстим бор менинг жимгина,
Ўз гамида яшайди ёлғиз.
Ёғдираман унга гоҳ таъна:
«Ўйнаб-кулмоқ пайти ҳой, бу кез!»
«Эҳ, билмайсан, — дейди у пурғам, —
Бу дунёнинг дарду ташвишин!»
Жим кетади. Истамас у ҳам
Дардларининг кулку бўлишин.

1968

БУҒДОЙ

**Мен-ку буғдой донидирман, қўлларингга ол мени,
Зард, дема, заъфар, дема, ҳикмат тўла умримга боқ.
Гар бугун ерга мени ташлаб бошимни топтасанг,
Эрта юз бош ўрнима чиққай, тутиб найза-яроқ!**

1969



О тун — сўлим денгиз... Маёқчи каби,
Сулув ҳамроҳим-ла шайлайман қайиқ.
Уфқ — ўтган куннинг қизғиш кўлмаги,
Йўлдошим рўмолин чаяр чўнқайиб.

Тун денгизмас, гўё олис хотира,
Юлдузот қайсидир унут бўлган жой...
Ҳаммасин ютмоқчи каби бир сира,
Ортада оқ чўртандек келар ярим ой.

Кўзларим чарчайди... ва пешонамга,
Босилар уфққа чайилган қийиқ.
«Қара, — дер ҳамроҳим, — келдик нақ тонгда!»
... ва аста қуёшга тақалар қайиқ.

1967

* * *

Капалагим — жон ҳалагим,
Нур қанотинг йиғилмас.
Капалагим — камалагим,
Тўлғанасан гўё маст.
Кўк шишага бошинг уриб,
Эркин учмоқ истайсан.
Тор хонамдан бошинг олиб,
Кўкни қучмоқ истайсан.
Майли, очай деразамни
Гул қанотинг қоқ эркин!
Ростин айтсам,
Ўзимга ҳам
Бунда ётмоқ ёқмас, чин!

1966

АКС-САДО

Тутаб ётар тўда-тўда тоғ,
Қимир этмас даралар лаби.
Сойлар отар кумуш ўмбалоқ,
Шероз қўйлар суруви каби.
Чўққиларнинг олмос зирҳидан
Яланг оёқ чиқиб келар Қун.
Курк товуқдек тошлар пинжидан
Мўлтирайди минг кўзли шудринг.
Худди шу дам дара оралаб
Кезиб қолар бир телба садо.
Янгратару мажруҳ бир қаҳ-қаҳ,
Ғойиб бўлар унгурлар аро...

Яна борлиқ жим қолар бир зум
Тоққа чўкар ваҳимли сукут.
Чўққиларга, ҳув, қилмай таъзим
Мағрур сузиб юрар бир бургут.
Сўқмоқлардан кўзин узмайди.
Чангалида қотмиш совуқ шахд.
Пастда... ёш бир оҳу бўзлайди,
Тўдасидан ажралиб бевақт.
У бўзлару ўз товушидан
Халос бўлиб кетолмас сира.
Гўё кимдир чорлаб қаршидан,
У ҳам яқин келолмас сира.

Унинг оҳин тоғ орасидан
Кимдир қувлар шовқинга қориб.
У тентийди ўз ноласидан
Дардларига малҳам ахтариб.
Санқир ҳижрон қўшиғи шундай,
Тоғ сукути узра дарбадар.
Тинглар энди уни тушунмай,
Тирик жон ҳам, тош ҳам баравар.
Фақат ўзи алданар ундан,

Ўз сасидан оҳу боласи,
Акс-садо келган томондан
Қичқиргандек бўлар онаси.

Югуради йўл ҳам ахтармай,
Югуради оҳу ёш тўкиб.
На рангларнинг фарқига бормай
Ва на хатар борин унутиб.
... Бирдан бургут силкинди кўкда,
Тумшуғида қотиб қолган қон.
Қанотларин йиғди-ю, тикка
Ёрга учди ёй ўқисимон.
Аммо само ўғли яшинвор
Ташланмасдан оҳуга ёвқур,
Чангалидан кетганди мадор,
Кўзларида сўнган эди нур.

Қанотларин силтаб асабий,
Яна кўкка қочди у бехос,
Қувган эди, нақ ўлим каби
Ўни ўша адашган овоз.
У қувларди бўлиб ваҳму гаш,
Чалғитарди хаёлларидан.
Чарх урарди қўрқув этиб бахш,
Қояларнинг ораларидан.
Қирқилди-ю, бургут шиддати,
Тарк айлади оҳу сайдин ҳам.
Ёт туюлди тоғлар ҳилқати,
Қояларга кўз солди пурғам.

Наърами ё мунгми, муаммо
Кезар эди ҳамон у товуш.
Бургут кўп сас эшитган, аммо
Ҳеч бирига бермаган рўйхуш,
Не-не жанглар голиби бехос
Маҳв бўлди акс-садога!
Минг талваса титкилаб кўксин,
Бирдан ўрлаб кетди фазога.
... Оҳужон ҳам бўзлар сўққабош,
Ўз сасида адашиб ҳамон:
Додига дод қайтарган ҳар тош
Нажот бўлиб кўринар бу он...

Тун ҳам кирди тоғ бешигига
Ва ухлади кўзлари очиқ.

Фақат бир сас санқир ҳали ҳам
Дараларда ўзидан қочиб.
Бу — Акс-садо! Мавҳум тириклик!
Шарпа пойлаб юрган бенаво!
На тирикдир ул ва на ўлик,
На ёвга ўқ, на дўстга даво.
У тентийди беер, беватан,
Шарпаларга муте нукуҳи.
У — ўз асрин бефарқ яшаган
Бир кимсанинг қувғинди руҳи...

Тутаб ётар тўда-тўда тоғ,
Қимир этмас даралар лаби.
Сойлар отар кумуш ўмбалоқ,
Шероз қўйлар суруви каби.
Чўққиларнинг олмос зирҳидан
Яланг оёқ чиқиб келар Кун.
Курк товуқдек тошлар пинжидан
Мўлтирайди мивг кўзли шудринг.
Худди шу дам дара оралаб
Кезиб қолар бир телба садо.
Янгратару мажруҳ бир қаҳ-қаҳ,
Ғойиб бўлар унгурлар аро.

ИРМОҶ

Ернинг ўтли сатҳи совиган қуни
Кулни ёриб чиқди бир тоғ кўк томон.
Бир ирмоқча эса унинг тагини
Эговлаб ётибди минг йилдан буён.
Мен учун бу ҳолат сирли ва ажиб:
Ҳаърида не сирни асрайдир ул тоғ?
Ирмоқ нени излар ул тоғни қазиб,
Кимларни қутқазмоқ истади ирмоқ?!

1969

* * *

Жала қуйиб берса — бепарво эдинг,
Булутлар югурса — бепарво эдинг.
Бўрон ҳам қутурса — бепарво эдинг,
Қуёш қум қовурса — бепарво эдинг.
Умринг карвон эди, бунга бефарқсан,
Карвон ўтди-кетди, бунга бефарқсан.
Сени ташлаб кетди, энди пайқарсан?!
... Кимни қарғарсан?!

1965

* * *

Тун чўкди.
Уфққа урилди қуёпи,
Йиқилди чангаллаб қонли бошини.
Самога ёйилиб кетдилар ювош,
Ернинг соялари судраб лошини.
Кафтида юлдузлар мавжига боқиб.
Само — салқин денгиз ётарди сокин
Дафъатан самовот ягин ўйнатиб.
Қоқ ёриб юборди сукуғнинг чокин.
Дунё остин-устин бўлди айланиб,
Само денгизини қоплади тўзон.
Уфқлар йўқолди бирдан қайгадир,
Гўё тўнқарилди ўчоққа қозон.
... Довул секин тинди.
Унга пойма-пой
Тўнiamoқ булутлар устига ҳазин,
Қайиқдек омонат чиқди ярим ой,
Чўккан юлдузларнинг ахтариб изин...

1967

ЭШИГИНГДАН ЎТАМАН...

Куз ёйса ҳам йўлларга хазон,
Қор кўмса ҳам борлиқни бутун,
Кўклам келиб, урса ҳам хандон,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Сочларингга тушса ҳамки оқ,
Пешонангни босса ҳам ажин,
Қирганда ҳам гавдамга титроқ,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Майли, шунда танимасанг ҳам,
Ёки десанг, кўрмайин турқин,
Ёшим ютиб, бошим қилиб ҳам,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Мени демай юмсанг ҳам кўзинг,
Хонанг қолса зулматга тутқун,
Хотирангга шам бўлиб ўзим,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Вақтим етиб чиқса бу жоним,
Дардларимга ясалса якун,
Қабристонга тобут ичра жим
Эшигингдан ўтурман бир кун.

1965

МАНЗАРА

Кўз ўнгимда эрир туман
Қояларнинг тўшида.
Қуёш — олтин сават, турар
Хув чўққининг бошида.
Сеҳр ҳамшираси — сабо
Ипак елпигичи-ла
Кўк шудринлар ҳидин ёяр
Қизгалдоқдар қошида.

Нақ уфқнинг босқонида
Яллиғланар қоялар.
Тоғлар ёйиқ байроқсимон
Олов рангга бўялар.
Ошноқ куннинг таъқибидан
Эриб, ёниб, қисқариб,
Дараларга, унгурларга
Сингиб борар соялар.

1966

ОЙБЕК

Сукунат тиллардир.

... Оқшомнинг юлдузли тиллари,
Гулларнинг илтижо тиллари,
Вулқоннинг им-илиқ тиллари.

Сукунат тиллардир.

Тоғларимнинг оғир тош тили,
Кўзнинг киприк тили, ёш тили,
Бутун самовотнинг бош тили.

Сукунат тиллардир.

Алангалар, чўғлар шу тилда сўйлар,
Ўйлар, хотиротлар шу тилда сўйлар,
Унут бўлган зотлар шу тилда сўйлар...

Шу тилни ўйлагим келади.

Шу тилда сўйлагим келади.

Сукунат — шоирнинг сўзлари.

Айта ...

олмай...

кетган...

сўзлари.

1971

ОНА ДЕГАН СЎЗ

Юлдузлардан сирқилиб шабнам,
Уфқ билан кўришганда ер,
Офтобга кипригим билан
Она сўзни ёздим гўё шеър.

Аму оқар мисоли булут,
Уфқ бўлиб оқади Аму,
Қирғоғини этса ҳам унут,
Майсаларни унутмайди у!

Ҳар кўкат, ҳар баргнинг номига
У элтади тоғлардан таъзим,
Она деган сўзнинг ёнига
Чизгим келди МАЙСАнинг расмин.

Капалак ранг, булбуллар оҳанг
Кашфи билан маст бўлган лаҳза,
Она сўзин қаватига ман
Ёзиб қўйдим БАҲОР деб аста...

Мен жо этдим Она номига
Ерни сўнгги гардигача то.
Энди Она сўзи ёнига
Дадил ёзиб қўяман: ДУНЁ!

Мен юлдуз деб уни куйлайман,
У Ватандир, У Арши аъло.
Мен унга минг ташбеҳ ўйлайман,
Етказурман миллионга ҳатто...

Ерда, лекин минг-минглаб одам
Она номин билса муқаддас.
Уруш деган биргина сўздан
Оналарни сақлай олур, бас!

БИР ҚАДАМ ОЛГА!

Фазо жимлиги ичра кетиб бораркан курра,
Кафтидаги йўллардан ўз уфқига очиб фол,
Этагини миллиард йил тутган қуёшидан ҳам
Қорлар қадар чекиниб олар ложувард иқбол.

Инсонлармиз... Кашф этсак қонимизда кичик чўр,
Хаётимиз ҳусни деб элтамиз қуёш томон.
Бу хилқатнинг мукамал фарзанди саналсак-да,
Урмимизнинг кўп бўлур оғир дамлари ҳамон...

Маймун билан қардошлик туйганмас идрокимиз,
Қўлга илк тош оларкан кашф этдик ўзимизни.
Куррадаги зўр тоғлар салмоғига тенг келур
Тошлар билан ўлчанса бу олис йўлимизни.

Келажак авлодларга бусбутун қисмат излаб,
Чекиниб кетдик гоҳи неча йил, неча умр.
Чекинишлар бу йўлнинг содда бир касри эмас,
Улар бу чош умрнинг бир бутун салмоғидир.

Келажакни кашф этдик чекинишларда, шундай
Боқийлик шарафига муяссар бўлдик ўлиб.
Топталмасин кўклардан топган учқунимиз деб,
Бир дор қадар чекандек авлиё Машраб бўлиб.

Биз тиг қадар чекиндик -- Улуғбекдай чексиз онг —
Мижжамизда юлдузни асрамоқ қайғусида.
Офтобдан атомлар қадар чекиндик ногоҳ,
Мария қиз кафтида тонг топай деб осуда...

Ғарб ақлининг очгандир қурум босган кипригин
Хоразмий кўзларидан рақамга кўчган зиё.
Ўн олчоқни Берлиндан Нюренбергга элтгали.
Панфилов сафигача чекиниб келди дунё!

Эътиқод — Ҳаёт отлиғ қизнинг номус поклиги,
Жон фидо этди унга неча нозим ҳикматлар.
Не-не руҳлар шу кўйи сўнгандир нур кўролмай,
Ўлкасига қиш кирган қушлар каби дарбадар.

Она тарих, кечиргил, келажакнинг йўлида
Биз гоҳ чекиниб кетдик энг сўнгги бекатгача.
Ва лекин... шу бекатни йўлда ташлаб кетмадик,
Чекинганда биз фақат чекиндик юраккача!!

ДЕВОРЛАР

Деворлар...
Нелар йўқ улар ортида?!
Хаёлий бир кучни излайман баъзан,
Жирканиб боқаман гоҳи-гоҳида,
Сирли бир деворни истайман баъзан...
Кўряпман,
Балоғат ёшига етиб,
Бошпана деб боқмас деворга дунё.
Деворнинг паноҳлик шуҳрати кетиб,
Ниқобга айланиб қолгандай гўё.
Қандай деворлар ҳам қурилмаган, эҳ,
Хитой деворидан чордеворгача.
Қўргону қалъалар, уларга йўқ чек,
Қурилган, бузилган, тузилган неча...
Йўқ, ҳечам девормас мен қизиққаним,
Девор ичкариси,
Ҳа, ичкариси!
Хаёлий бир кучни тусар гоҳ қоним,
Бир силтаб кўтарсам ердан барисин!
Бутун бошли дунё деворсиз қолса,
Ичкари ташқарига айланса бир зум
Ва бу сирли қуршов ниқобин олса,
Шу қизиқ!
Неларга тушарди кўзим?!
... Биз қурган ва лекин бизсиз бир олам
Қайта кашф этарди бизни ўзида.
Ва у девор орти — ғалати одам
Сирдан ажрарди кўз ўнгимизда!
Ҳа, кимдир буд-шудин,
Кимдир ҳаёсин
Бекитиб, қапишиб қоларди ерга
Ва фақат...
Энг ҳалол кишилар бунини
Ўтказарди тинчу тушмасдан терга...

Ҳа, бу бир хаёл-да!
Э, қайларга ҳам
Бошламайди дейсиз бу хаёл — беор?!
Қўрқма, қўрқмагин сен, эй қаллоб одам
Қўрганмисан қачон кўчганин девор?!
Яшайвер тинчингга, қўрғонлар тикла,
Қат-қат деворларга ўра ҳар ёнинг!
Асраб ол қопагон — зотдор итлардан!
Яқин ҳам йўлатма бу кенг дунёни!
О, кечир!
Бошқа бир сўзим бор эди, —
Деворга бош уриб турибман нечун?
Мен фақат ойнангни чертмоқчи эдим,
Баҳор келганини эслатмоқ учун.
Бу ҳам важ эмасдир?
Баҳорми баҳор!
Нимаси ажабли. нимаси галат?
Офтоб, шабада, қушлар, гул, анҳор...
Бари минг йилги ранг, минг йилги ҳолат...
Фақат айтмоқчийдим, кўчангдан тўлиб —
Шарқираб оқмоқда эриган қорлар ...
Бундай пайт турмасанг кўз-қулоқ бўлиб,
«Хавфли» бўлиб қолар энг зўр деворлар...

* * *

Хаёлимда яшар бир наргис,
Алвон-алвон тонг ваъда этар.
Лекин унинг алвон рангини
Тонгда қуёш олар-да кетар.

Хаёлимда яшар бир наргис,
Юлдузлардан ҳидлар жам этар.
Осмонимнинг хуш ҳидларин ҳам
Дайди еллар олар-да кетар...

Хаёлимда яшар бир наргис,
Сийнасини болга қон этар.
Дунё кўрган арслар бунни
Кўрмай ўтмас — олар-да кетар...

Хаёлимда яшаса ҳам ул,
Яшолмади дахлсиз буткул.

ХОТИРА

Эшигимни тонг билан бетоқат қоқар биров,
Тирқишлардан мўралар, бу — мен, дейди, хотирла!
... Очай, киритай десам, юраккинам бермас дов,
Кетиб қолади ахир...
У бир олис Хотира.

Ҳовлида кезиб юрар тун бўйи яна дук-дук,
Гоҳи деразамдан у қараб турар бокира...
Кел, десам, ўз сасимдан ўзим оламан ҳадик,
Кетиб қолади ахир...
У бир олис Хотира.

Эсла, дейди, бешингинг чайқаган эдим бир вақт,
Ёруғ кунларда бирга бўлсамдиз биз сира...
Э-ҳе, бу — сен-ку, дейман, яна қоламан карахт,
Кетиб қолади ахир...
У бир олис Хотира.

Гоҳо шеър дафтаримга имлар эмиш негадир,
Излаганин тополмай, кўнгли тортарминн хира...
Кечир, демоқчи бўлсам, қаламим ожиз, кечир...
Кетиб қолади ахир ...
У бир олис Хотира.

Уйғонаман. Сезаман йўқлигини кимнингдир,
Мен унинг кимлигини ўйлаб кўрдимми сира?
Ўз уйига балки у кира олмай юргандир?!
Кетиб қолмасайди оҳ...
У бир олис Хотира...

* * *

Тун қучоғи турли нурлар,
Сасларга лим-лим.
Тундаги бу шарпалардан
Кўзимни юмдим.

Кўзни юмдим, хаёлимга
Кирди дамо-дам
Олис ўтмиш, олис авлод,
Олис бир олам.

Бир ҳикматни англадим мен
Боқиб ўтмишга:
Кимдир нурга айланмиш, ким —
Мавҳум товушга..

... Тугаб барар Султоннинг сабри,
Учқунланар кўзлари беҳис.
Ниҳоят, ул «Хоразм фаҳри»
Ғазнавийга келди юзма-юз.
Ана турар у — тоза хилқат,
Кўзларида кўкдай тубсизлик,
Чехрасида порлар бешафқат
Қатъий сабот, мужассам ўзлик:
«Султонларга биздан не даркор,
Тинч қўярми ахир бу золим?
Дил хушлаши учун ҳукмдор
Энди керак бўптими олим?!»
Сукунатдан қўрқарди, аммо
Ғазнавийнинг қаттол юраги,
Қаҳ-қаҳ урди ваҳмини гўё
Кулку билан бекитган каби:
«Эшитдимки, сен бир сеҳргар,
Ўқирмишсан, кўзлардан маъни.
Биз не хаёл сурсак-да агар,
Топармишсан янглишмай ани!..»
Теграсига назар солди у,
Аъёнлари қотгандилар лол,
Турардилар кўксига ғулу —
Бўрон кутган япроқлар мисол,
«Эй, сеҳргар! Қани, яқин кел!» —
Ер денсиниб ҳайқирди Султон.
Титраб кетди ўн икки қандил,
Титраб кетди ўн икки айвон...
«Хўш! — деб яна турди ўрнидан,
Нени хаёл этишимни айт!
Эшикларнинг қайси биридан
Ҳозир чиқиб кетишимни айт!»
Ва шу лаҳза тўқнашди бирров,
Икки сиймо — икки хил нигоҳ,
Тўқнашгандай сув билан олов,
Тўқнашгандай ўпқон билан тоғ.
Балки осмон бўлгандир талаш,
Тўқнашгандир унда тун ва тоғт.
Шу ўтлуғ зум, шу олов қараш
Лекин мангу этади давом...
... Ғазна узра бўй чўзмишди бот
Ҳайбатли ва қўрқинчли сарой.
Бундай шиддат, бундай маҳобат
Бағдодда ҳам йўқдир ҳойнаҳой.
Ичкариси ваҳм бир дунё,

Ўн иккита эшиги бордир.
Ўртада тахт... Ғазабнок сиймо...
Теграсида ўн икки қандил...
«Қоғоз, қалам!»— дер Абу Райҳон,
Неларнидир ёзар мук тушиб,
Теграсида аъёнлар, султон...
Теграсида ўн икки эшик...
Сал ўтмаёқ ёзганини у
Ғазнавийга узатди сипо.
Султон эса хатни олди-ю,
Жимжит туриб қолди бир асно,
Аъёнлар ҳам ҳайрон: «Бир нави
Келармикин жавоблари мос?!
Ўқимади хатни Ғазнавий,
Заҳарханда илжайди холос.
«Хўш, топдим де?! «Бирдан қўзғалиб,
Навкарларин чорлади тезкор.
Ва ўн икки эшик ҳам қолиб,
Йўл очдирди, буздириб девор!
Ғолиб назар, девкор юрини-ла
Шул «эшик» дан чиқиб кетди у.
Тез қайтди-ю, хатни ўқишга —
Вазирга фармон этди у!
Не бўлди деб' хўш, унда кейин,
Ўтирмайлик, дўстларим, қайтиб.
Ул хатда не ёзилганлигин,
Мушоҳидлар кетганлар айтиб:
«Кимнинг агар бор тахти тожи,
Куч-қудрати доғи устувор,
Қай томонга юз бурса — ҳаждир.
Қай томонга шаҳд этса — йўл бор!»
... Ғазна узра бўй чўзганди бот
Ҳайбатли ва қўрқинчли сарой.
Бундай шиддат, бундай маҳобат
Бағдодда ҳам йўқдир ҳойнаҳой.
Ичкараси ваҳм бир дунё,
Энди ўн уч эшиги бордир.
Ўртада тахт... Ғазабнок сиймо...
Теграсида ўн икки қандил...

Табиат буюк бир шоир экан: Ёмғирни ерга ранглар камалагига солиб отади... Ерга ошиқаётган ҳар учқуш қорға гул солиб улгуради.

У чиндан ҳам буюк! Шогирд бўлсам эдим унга...

* * *

Ер оқарди. Ухлаётган қушнинг қанотларини босиб олгандагидай ғалати товушлар чиқади қадамлардан. Бу оқликни кимдир қор деб тушунди. Томлар, йўлкаларни тозалашга киришди. Кимлардир ундан «бобо» ясай бошлашди: Қалласига кўҳна челак, кўзига кўмир, қўлига чўлтоқ супурги раво кўришди... Сўнг унуттишди.

Қор! Оқлик! У менинг назаримда кумуш ранг қанотларини бутун борлиққа ёйганча эркаланиб ётган оқ каптарга ўхшарди. Унинг эркин ва хотиржам парвоз билан яна самога, қуёшга томон кўтарилиб кетишига ишонар, оппоқ парларига нималарнидир ёзиб қолгим келарди.

* * *

Баҳор асал арилар мусиқаси: «Ғув-ғув-ғув».

Бу мусиқа гулларнинг қулоғига изҳори муҳаббат, тупроққа эса тирилиш мадҳияси бўлиб эшитилади.

Бу мусиқага дуч келган шабада мулзам қолиб, унга тақлид қилади. Лекин бу куйни ўзидан тополмай, гирди-капалак бўлиб кетаверади.

Бу мусиқани эшитган дарё қирғоққа тирмашиб чиқади, кенгликларга қарайди, ўзини унутади, йўлини унутади.

Бу мусиқа ёш тоғларни алладек эритади, элитади. Қарияларига эса водийнинг ўз кенглигидан зеркиб қилган ҳиргойисидек туюлади.

Бу мусиқа ўрмоннинг қулоғига қирда қуёшга бош кўйиб куйлаётган лолаларнинг саси бўлиб қуюлади.

Бу мусиқа айиқполвонга бир лаҳм асал ҳидини келтиради. У зах ва оч ўрмонни, қор ости уясини — болаларини унутиб ўша иссиқ кенгликларга шошади: —

фақатгина панжа сўравериш билан кун ўтармиди,
қуриб кетсин!

Инсонга бу мусиқа буюк умидлар қўшиғи бўлиб эши-
тилади, юрагини жўр этади унга.

— «Ғув-ғув-ғув...»

О, Ўзбекистон, асал сандигим менинг, асалистоним
менинг!

* * *

«Чиқ-чиқ-чиқ...» Бу — соатнинг товунци. Деразадан
Баҳор салтанати кўринаётир — Ҳовурланиб ётган ҳув
тупроқда, бўғотдан узилаётган қатрада, ҳавода, танамиз-
нинг ҳам ҳар бир ҳужайрасидаги туйғуда гўзал ва чек-
сиз ҳаёт қайнаб ётибди. Ҳаётнинг мангу, борлиқнинг
боқийлигига буткул ишонаман!

Ҳаёт фурсат мисоли поёнсиз ва илчисиз экан, ўлим
ўзи нима, қаерда бошланади?!

* * *

Қўшқулоқ гўза ўзи униб чиққан чигит қобигини бо-
шига кўтариб турибди.

* * *

Лабларига ҳаёт суви қуйилавергач тўғон тошларидан
ўт униб чиқибди.

* * *

Чўққи водийлар жомига ҳаёт суви қуйиб турибди,
ўзи ичмайди. Юксаклигидан шундайми, шундайлигидан
Юксакми?!

* * *

Дарё гоҳо тўлиб-тошса, қирғоқ бузиб тикка йўл солиб
кета бошласа, бу унинг хатосидай бўлиб кўринади бизга!

* * *

Оқим ўртасида тўхтаб қолган шохча гўё дарёнинг
қудратини қоқ иккига бўлиб турганга ўхшайди.

* * *

Бу кўл ойна каби тиниқ. Ўз аксингни томоша қил-
моқчи бўлсанг, эҳтиёт бўл, бехос кўзингдан ёш томса, у
тўлқинланиб кетади. Юрагинг ҳам!

* * *

Тоғда тунадим. Қария нотинч эди. У қаерлардадир оғир тошларни гумбурлатиб теварак- атрофга ларза солар, гоҳ тонгдан чўғ олиб тамаки тутатишга тушар, унинг оқ тутуни олис-олисларга сузиб кетарди.

Нега тоғ нотинч, нега титрайди? Нега иложсиз хўрсинади, совуқ терга ботади у? Боқий ва буюк салобатини синдириб — елкасида бемалол хуррак оғаётган мен — митти одамдан қаҳрланяптими?!

... Тоғда тунадим.

* * *

Кўзингни юм, ўтмишингни кўрасан, лекин ундан кўзингни юмма!

* * *

Одамни келажак эмас, ўтмиш донишманд қилади, лекин донишмандлик келажакка интилишнинг ўзгивасидир.

* * *

Бу тупроқнинг тилини деҳқон билади, шоирлар у билан юлдузлар орқали гаплашадилар.

... Бир шоир қаламини тушириб қўйиб сира тополмаган эди. Негалигини энди тушундим: Ерга теккан заҳоти илдиз отиб, қаламча кўчат бўлиб қолган экан ўша қалам!

О Ўзбекистон тупроғи, севдан ўрганмоқ керак шоирликни!

* * *

Одамлар чироққа ёғ қуйишди. Пилик эса «энди илчогим ёғ устида» деб ўйлади, оловга кўпроқ ёғни рўпара қилаверди... Лекин ҳақ жойида қарор топди: Пилиқнинг боши ҳар кеч қирқиладиган бўлди.

* * *

- Кўзимизга кўриш қобилиятини берган қандай куч?
- Қорачигимизда сув билан ўт иттифоқ яшашидир

* * *

- Эркинлик нима?
- Интилмоқ, курашмоқ!
- Имкон бўлмаса-чи?
- Ҳамма имкониятларга курашиб эришасан. Кураш-

дан ташқаридаги ҳаёт (агар бу ҳаёт бўлса, бўшлиқ...).

Демак, эркинликнинг яшаш қонуни — курашмоқ!

* * *

Умри бўйи ишониб юрган бир кишининг кўкрагида юрак ўрнида бутунлай бошиқа нарса уриб турганини билиб қолсанг.. умрингни кимдан қайтариб оласан, дўстим! кетяпти ўзи?

* * *

Кимлардир қуёшда, кимлардир сигирда, кимлардир оловда ўз худосини кўради. Кимлардир қўл-оёғи михланган маҳкум бир одамда...

Мен эркин ва музаффар, ўз бахтининг бунёдкори бўлган Инсонга тиз чўкаман.

* * *

Тушлар кўраман: Юрагимда шуълалар туғени. Нурлар туғени. Улашиб бергим келади юрагимни дунёга! Гоҳ қуёшга, гоҳ ойга кўнгила бераман, гоҳ сомон йўли билан овунаман. Ишқилиб, хаёлимда осмон! Шунда ёнгинамдан бир хитоб эшитилади. Бу отамнинг овозига ўхшайди: «Бу бошсиз-оёқсиз кўкка сиғиниб юргандан кўра, ҳув кичик бир юлдузчага топшир юрагингни!»

* * *

Одам... Таниш киши... Унда ҳали мен билмайдиган нимадир бор. Унинг баҳоси ана ўшанда!

* * *

Баъзан мен кимдандир кутиб юрган нарсани... у мендан кутаётган бўлади.

* * *

Парвоз эт, юксал! Қўрқма, ҳали ҳеч ким бошини осмон тоқига уриб олган эмас... Лекин юксалмоқдан мақсад — оёқларинг остини яхшироқ кўриш эканини унутма!

* * *

Ёруғ хаёллар салтанатига кетиб қоламан... Уфқимда ранг-баранг пур иплари балқиб ётипти. Киприкларим шу иплардан кўзларимга баҳорни тўқийдилар...

Балки ҳар ким ҳам ўз баҳорини ўзи тўқир...

* * *

Баъзи нарсалар ўзини яратган сабабиятлар сақланиб турсагина гўзал бўлиб кўринадилар.

Баъзилари ўша сабабиятлар йўқолиб кетганида ҳам ўз гўзаллигини сақлаб қолади.

* * *

Фаввора! Отилганингда кўкларга ғойиб бўлиб кета-верганингда одамлар учун овунч бўла олмас эдинг. Офарин тупроқнинг кучига!

* * *

Сув бўйида ўтирардик. Сен ойнинг аксига қараб ўтирар, сувдаги ойнинг устига қум сепар, гўё уни кўймоқчидек эдинг. Сув лойқаланар, лекин кафтингда қум тутани билан ой яна ярақлай бошларди.

Уйланиб қолдинг:

— Нур ҳам сув бўлганида эди, пойимизда шундай ястаниб ётар эди... Жимиб қолдинг, кейин бош чайқадинг:

— Йўқ, уни лойқатиб қўярдик...

* * *

Ёшлигимизда қабристондан ҳайиқар, унинг ёнидан минг ҳадик билан ўтар эдик. Баҳслашиб, мазор тупроғига пичоқ тикиб келган болаларни мард санардик. Уларга ҳавас қилардик.

Ешимиз улғайди. Қабристон зиёратига қадамимизни ҳали ҳам эҳтиётлаб босамиз, лекин қўрқинчдан эмас: ҳаётнинг қадрини билдик — уни муқаддас деб билган кишига қабристон ҳам муқаддас экан!

Бировларнинг қабрини оёқ ости қилганлардан энди нафратланамиз.

* * *

Одамлар бир-бирларига қараб ўзларини ростлайдилар!

* * *

Ҳаёт ажойиб ўқитувчи: иншо ёздиреди, ўзинга тек-ширтиради, баҳони эса бошқалар кўяди. У ҳеч кимга ё увон, ё гувоҳнома бермайди. Фақат баъзи ўқувчилар-гина «чипта»ни ўзлари ясаб олишади, ён-веридагиларни алдаб — инонтириб юришади.

Ҳаёт эса бир кулиб қўйиб, ўзининг абадий иншосини давом эттиради. Ўзингга текширтиради. Баҳони бошқалар қўяди...

* * *

Икки чол суҳбатлашарди. Уларнинг вазмин, ургули суҳбатидан шу сўзлар қулоғимга чалинди:

— Бу дейман, мулла Шомурод, кўҳна дунё қаёққа кетяпти ўзи?

— Ўтмишга, қария, ўтмишга...

* * *

Қашқирлар йўлиққан nasibасини тутиб еб кетадилар. Топган ўлжасида бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам, улуши ҳам йўқ! Мабодо иккинчи бир қашқир келиб қолса, ўлжа очиқ олишувда ажрим бўлади.

Бир кимсани танийман. У ҳам умрини «ўлжа» ахтариш билан ўтказиб юрибди. Топганлари бошқа бировларнинг ҳақи эканини яхши билади у, лекин хуффи саранжомлайди...

* * *

Унинг вужудида икки туйғу: Ҳеч бир чек, ҳеч бир чегарани тан олмайди. Ўз атрофини эса ўраб-қуршаб яшайди...

* * *

Табиб тилингни кўриб, касалингни айтгани қизиқ...

* * *

Нотиқ тонггача гапириб, анча сувни исроф қилди...

* * *

Эшикнинг тутқичи гердайти: «Мен жаҳон эшикларини очувчиман».

* * *

Бўйиннинг гавдани идора қилишдаги хизматларини маржон билмайди, чунки ўзининг гавдаси йўқ, ўзи бировларнинг бўйнида!

* * *

Тонг шафағида ялтирай бошлаган шабнам ўзининг шу бугун тунда туғилганини унутди, гулнинг мангу гўзаллик қулф уриб турган гунчасига ёнишиб деди:

— Мен қуёшиман!

* * *

«Қарзларга ботиб қолганман, қачон тўлаб қутуламан?!» деб, ҳаётдан фақат нолиб юрувчилардан қўрқ, улар ҳаммани судхўр деб ўйлайдилар.

* * *

Унинг бутун вужуди қорнига — нафсига бўйсунди, у — халта!

* * *

У очилиб ётган ҳикматни кўрмайди, ёпиқдаги ҳамма нарсадан сир ахтараверади.

* * *

Бир дўстим авваллари «тез-тез кўришиб турайлик» дегувчи эди, яқинда кўнғироқ қилди, хайрлашаркан, кўшиб қўйди:

— Телефонлашиб турайлик!

* * *

Сен алиқ олишдан аввал менга бошдан-оёқ тикилдинг, мен эса саломимдан сўнг турқингга назар солдим.

* * *

Қийин ишларни бажариб юрган кишининг осон бир ишни қилиши қийин бўлади.

* * *

У киши катта иш қилишдан ҳам кўра, катта ишда туришни яхши кўрардилар!

* * *

Нур бизга бутунлай бефарқ, гап унга қандай қарашимизда!

Ҳозир сенинг бошинг қуйи, балки, ўйларинг билан биздан юксакроқдасан.

* * *

Ҳофизни узоқ олқишладилар. Менинг қарсақ чалгим келмасди. У йиғламоқда эди.

* * *

Ўзининг қалбида бирор учқун бўлмаса, устозни қуёш бўлса ҳамки, ундан ёруғлик чиқмоғи гумон.

* * *

Бир шахсни биламан. У биздек ёшлар орасида: «Тилимизни, урфу одатларимизни ундай қилиш лозим, бундай қилиш лозим!» деб юради. Эътиборлироқ давраларда миқ этмайди ёки бутунлай бошқа нарсаларни гапиради.

Шундай, у ҳамма келишикларда турланадиган одам! Фақат БОШ келишикда эмас!

* * *

Китоб дўконининг бошқаларидан ажойиб фарқи шуки, бу дўконга ҳар бир харидор ўз тарозуси билан келади.

* * *

Кимнингдир сотувчидан сўраганини эшитдим:
— Қалин китоблардан борми?!

* * *

Сотувчи майда йўқлигини важ этиб, қайтим ўрнига бир китобча берганида, харидор ажабланиб гоҳ соғувчига, гоҳ китоб муаллифининг исми шарифига тикилиб қолди.

— Шундай қайтимдан худо сақласин!

* * *

Машҳур бир киши ҳаваскоргина бир қаламкашнинг нарсаларини кўрмоқда эди. Мен «устоз»га четдан қараб, важоҳатидан «мана ҳозир бўш жойини топаман-ку, мана ишкали чиқиб қолади-ку!» деган ўта дидсиз бир ишбилармонликни ўқир эдим. Лекин ул «зот» сусайгандан сусаяр, башарасининг қаеридадир такаббурлик аломатлари йиғилмоқда эди.

— Ҳа-а... Умуман.. — деди у ўқиб бўлгач.

... Эҳ! Шундай «умуман»лар қачон йўқолади, шундай «умуман» одамлар-чи?!

Гўзалликни кўрганда беихтиёр чапак чалиб юборадиган кишиларни соғинаман.

* * *

Илиққина нафасинг. Аёз тонг. Сарик япроқлар. Сокин қадам. Ҳаётбахш ҳис. Кўм-кўк осмон сахий. Лабларингда бахтим изи. Оҳ, не фасл бу? Атрофда куз. КУЗ атрофда. Не фасл бу, оҳ? Бахтим изи лабларингда. Сахий осмон кўк-кўк. Ҳис ҳаётбахш. Қадам сокин. Япроқлар сариқ. Тонг аёз. Нафасинггина илиқ...

* * *

Қайлардасан? Ёнимдан аста ўт. Сени деб бир нарса асраб юрибман. Оласан... Лекин бунинг ўзи нимаю, на қачон, на нечун олганингни сезасан. Бу — сенинг қарзингми ё меникими?.. Билолмайман...

Сен ҳам мени деб ниманидир асрайсан...

* * *

Кўз — топади. Баъзан, яширади ҳам!

* * *

Осмондан оппоқ капалаклар тушаётир. Қуёш бекинган. Дов-дарахт бошига оқ парда тортиб турибди. Муз чойшаб остига кириб олган дарё ҳар ёнига ағдарилади. Ухлолмайди. Умри ўтиб кетган бевадек хўрсинади...

Осмон ерга оқ капалаклар тўкди: Юзларинг ёниб сен чиққан эдинг...

* * *

Ер шивирлайди. Юлдуз шивирлайди, Баҳор кўринади. Хаёлга ўхшайди у! Сабога ўхшайди. Бу сабо кампирларнинг кемтик тишлари орасидан ўтиб, кўкрагида хира бир деразани дириллатади! Моғор босган қоғуғни итариб кўради. Ҳеч ким йўқ!.. Ҳеч ким йўқ... Қайтиб чиқади. Кампирнинг қилтириқ қўлларидаги жун ишга суркалади, иш гуллаш кетади...

Кампир бепарво. Бунинг ўзи қўлқопчага тўқиётган гул деб ўйлайди. Баҳорга — сочлари кўк ҳид тўзатиб, кўзлари сирли ёниб, кўкраклари гуриллаб, яланг оёқ ўтаётган — Баҳорга парво қилмайди, кўрмайди. Қўшни қиз деб ўйлайди...

Ер шивирлайди.

Юлдуз...

* * *

О кўзлар! Кимларни лол этдингиз, кимларни дом этдингиз, кимларни қул этдингиз... Бироқ кимнингдир ортидан ҳасад билан боқиб... тупроққа қорилдингиз!

* * *

Ернинг юрагида ҳали ҳам ўт борлигини билинади шекинли, алла қачон сўниб қолган юлдузлар ҳам... ерга ёниб тушинади!

* * *

Нега ипак қурт аввал ўзини ипакка буркаб, кейин ўлади? Умр бўйи қилган меҳнатига мукофотни ўзи белгилайди!

* * *

... Одамлар ҳам умр бўйи яхши ҳаёт йўлида меҳнат қилишади, атрофини зарга, ипакка белашади. Лекин ипакка беланиб ўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Нима етишмайди одамларга?...

* * *

Табиат океанларга улкан коса, фаслларга ранг, ерга мувозанат, инсонга ақл-идрок ато этган. На уруш, на талаш, на бошқа рўйи сиёҳликни раво кўрмайди у ҳеч кимга!

— Ўзини Ернинг дағдағаси деб эълон қилган эй, Инсон! Ўзинга қуёш соати ясаб ол! Шунга қараб иш тутишни ўрган! Бутун оламни юргизиб турган Мураббий Қуёшнинг сирли бир соати борлигига ишонаман! Мен бу соатнинг қандай ясалишини билмайман, балки уни ясаш эмас, уқиб олиш керакдир?!

* * *

Ёмғир тинавермади. Осмон келиб ерга қўнмадимикан деб ўйлаган чувалчанг юзага судралиб чиқди.

— Ҳафсалани қаранг!

* * *

Бир куни, ҳазилми-чин, қафаснинг ихтирочисини тақдирлаш керак бўлиб қолса, унга қандай мукофотни раво кўрар эдинг, эй қуш?!

* * *

Уришқоқ кўчқор қариган эди. Кўк майсани ҳам ба-зўр тамшайди. Раҳмим келди унга. Эркаламоқчи бўлдим. Кафтимга иккита барг қўйиб узатган эдим, пихилтаб калла ташлади...

— Эҳ калла, калла!

* * *

Қуёш чиқаётганини сезибоқ... беиниби олди кўрша-палак.

* * *

Баъзи одам ўзини пок кўрсатмоқ учун атрофидаги лойни ер юзига чаплаб ташлашдан ҳам қайтмайди.

* * *

Бир дўстим: «Ўзимдан ҳам кўра соямни яхши кўраман!»— деганди. Сабабини ҳамон ўйлайман: «Ҳеч нарса гама қилмай, умр бўйи изингда юргани учунми?!»

* * *

Қумурсқа: «Агар белим бутун бўлганида қалъани судраб келардим!»

* * *

— Болалар ўт ўйнашни, чоллар ўтга қараб хаёл суришни ёқтиришади. Икки оралиқдагилар-чи?

— Уларнинг ҳаёти ўзи олов-ку!

* * *

Хоразмда тоғлар йўқ эмас, бор!

Хоразм тоғлари

воҳапи тоғда қуёшдан тўсиб қўймаслик учун...

одамлар қиёфасида яшашади!

— Хоразмий,

Беруний,

Шайх Нажмиддин Кубро,

Замахшарий,

Паҳлавон Маҳмуд,

Огаҳий,

Ҳожихон,

Комилжон....

СИРЛАРИМ

Ўйнашиб бармоқларинг
Бир-бир кўзимни ёпсалар,
Севгидан роз айлайин
Тонг қушлари учган маҳал.
Куйлайин осмон тўлиб,
Куйлайин оламга ман —
Сен агар машшоқ бўлиб,
Най агар бўлганда ман!

Она юртим ҳуснига
Мот бўлиб, кўнгил қўйиб,
Ҳар уруғнинг кўксига
Мавж ийиб, ғулу ийиб,
Бўлса ким ғафлат паноҳ,
Тошқин солардим унга ман —
Сен агар бўлганда тоғ,
Сой агар бўлганда ман!

Тонгда қуёшнинг шуъласи
Шабнамдин излар туйғулар.
Тоғда оҳулар галаси,
Дилда сеҳрли чалғулар...
Ўқ тиқай қалбин ўйиб,
Ҳиссиз киши кўрганда ман —
Сен агар сайёд бўлиб,
Ёй агар бўлганда ман!

Ойки минг йилдан буёқ
Ердан йироқ кетмас, печун?
Билмагай, бағри қуроқ —
Ул ўзгага боғлиқ учун!
Етмай ўз бахтимга то,
Киргай эдим минг жангга ман —
Сен агар бўлсанг само,
Ой агар бўлганда ман!

Энг муқум тинчлик учун,
Энг гўзал севги учун,
Энг асил дўстлик учун,
Энг нафис сезги учун
Ҳар қадаҳ ичра ниҳон
Ёғду бўлардим лоларанг —
Сенки соқии замон,
Май агар бўлганда ман!

МЕН ШЕЪР ЁЗСАМ...

Шоира Зулфияга

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.
Ўтнинг алвон шиорлари, олов лаҳжаси
Қалбимдаги ёнишлардан сўйлар безабон!

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Лойқа-тошқин сувларига битгум Жайхуннинг:
Мен ботишиб, тўлиб-тошиб айтмаган ҳислар
Қирғоқбузар мавжларида уйғонсин унинг!

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Ёзай ҳозир мола ўтган илиқ шудгорга:
Шеърларимни майса-гуллар бағрига олсин,
Имтиҳонга олиб борсин инжиқ баҳорга!

Мен шеър ёзсам,
Энди агар қоғозга ёзсам,
Варрак қилсин — болаларга берай атайин:
То шеърларим энди кўм-кўк осмон тубидан
Чорлаб турсин сизни овоз чиқариб майин.

ТАБИАТНИНГ «ҒИЗИЛ КИТОБ»ИГА

Ғаройиб маъруза қилдингиз, домла,
Табиатнинг «Ғизил китоби»и ҳақда!
Ғирилмоқда экан ноёб жондорлар
Африками, Миссисипи ёқда!

Вулқонруҳ бизонлар, тунқўз охулар
Ё жаннатотиён ҳумо қушлари...
Бари секин-аста камаймоқда экан,
Туғаб бораётган экан пушлари.

Бу ташвишга солиб қўйди ҳаммани,
Еопқа йўқотишлар гўё эди кам!
Зоти хавфда қолган жониворларни
Бугун шу китобга ёзмоқда одам!

Мувозанат мезон бутун борлиққа,
Берса — қайтиб олмай қўймайди!
«Ғизил китоб» — нажот элчиси бўлса,
Етди унга кўп гап ёзмоқнинг пайти!

Дейлик, Лос-Анжелос шаҳри устига
Қора қанот ёйди моторлар дуди.
Токио, Лондон, Нью... Қурум босган кўк —
Ғавоҳўр бир калхат, офат ҳудҳуди!

Балки эртақдаги минг бош аждар — шу,
Ўт пуркаб, қурбонлик сўраган юҳо!
Ға, «Ғизил китоб»га ёзинг шошилинич:
«Осмон тораймоқда, ҳаво деб, ҳаво!»

Шаҳарда қолмади оқар тоза сув,
Гоҳ ташна қолмоқда қишлоғим, далам.
Наҳот ифлосланса бор дарё, кўллар,
Наҳот булғатилса Баҳри Муҳит ҳам?

Хўп, Сув!» деб ёзамиз!Лекин дунёда
Тугаётган бошқа кўп нарсалар бор!
Дунёга разм солинг: кимлар пур-тўкин,
Кимлар энг охириги бир кўмакка зор!

Қитъаларга қаранг: чўнгми мазмуни,
Қиймати буюкми ДЎСТЛИК сўзининг?!
Дўстнинг дўстлигига аминмисиз хўп,
Сотмасми бир нафи учун ўзининг?!

Давронга кўз солинг: замондошлар ким,
Кимларга ҳамқадам кечмоқда ҳаёт?!
Инсонмиз деб юрган жоннинг барида
Борми бирон зотга собит ЭЪТИҚОД?!

Қалбингизга боқинг: юртнинг табаррук
УДУМлари бутми, илғарми хома?!
Удумлар найнки бир-икки авлод,
Бир халқ тақдиридан шаҳодатнома!

Ернинг айланиши — ана қонли из,
АСАБлар, ЮРАҚлар бўлмоқда талон!
Қон ва зардоб билан битинг, ҳайқиринг
Ул «Қизил китоб»га: «Замину замон!»

Бастакор бировга куй бағишласа,
Ўз қалби, ўз дардин этганидек роз,
Инсоннинг табиат учун китоби
Ўзин тақдирига шаъмадир, халос!

1975

ЁНАЁТГАН ДАРАХТ

Тунда яшин тушди боғнинг четига,
Зулмат бойўғлидек чекинди карахт.
Вулқондек портлади қоронғуликда
Ёнаётган дарахт!

Салобатли яшил салтанат эди,
Эркин қушчаларга зангор пойтахт.
Учқунлардек тўзитди қушларини
Ёнаётган дарахт!

Нега, нега ёнди?! Кечқурун бехос
Булутлар гулдираб қилгандилар жаҳд —
Уйғоқ эди, ўзи илк зарбни олди
Ёнаётган дарахт!

Ана, ёнар, ёнар тунга ўчма-ўч,
Юракдай патирлар ҳар барг оловсахт.
Огоҳ этаётир ўз боғин хавфдан
Ёнаётган дарахт!

Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда,
Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!
Дўстларимдир барча ёнаётганлар,
Юрагимдир — ЁНАЁТГАН ДАРАХТ!

1975

* * *

Мен истайман: боғ-чаман оша
Келиб бир ранг кирса кўзимга.
Мен боққанда энди, бор дунё
Шуълаларга тўлса бир зумда.

Мен истайман: булутлар оша
Бир сас келиб қалбга бўлса жо,
Юрагимнинг ҳар зарби энди
Солса сукут мулкига ғавго.

Мен истайман: уфқ оша келса
Кўлдек тинч ўй, оқ қуш туйғулар.
Оппоқ мавжда чайқалса олам,
Унут бўлса ғамлар, қайғулар.

Лекин менга асрлар оша
Етиб келар ўтлиғ бир армон.
Унда олис аждодлар оҳи,
Ҳасратлари бўлар намоён.

Шул армонга изларман жавоб,
Тўхтатмоқни қиларман пеша —
То кетмасин келажакка ҳам
Янги авлод, тақдирлар оша!

БАХШИГА

Бугун давра тузиб феълидек улкан,
Шеър, ўлан базмига чорлади ўлкам!
Қани, Ислом шоир, Эр Фозил, Пўлкан —
Тўйингдир, май рангин яноқда қолдир,
Шеър юртида бизни қўноқда қолдир!

Чал энди, авжларинг йилдирим той-эй,
Дўмбиранг торлари икки шўх сой-эй,
Бир пардаси ер-эй, бириси ой-эй,
Қалбингни тонг тўла бўёқда қолдир,
Рангин табиатни бир доғда қолдир!

Самарқанд — кўкёлқин минорлар юрти,
Азалий япиллик — чинорлар юрти,
Шеърга, ипак торга хумморлар юрти,
Нафас қил, осмонни пештоқда қолдир,
Булбулни мангуга бутуқда қолдир!

Кўз ўпгингда қанча даврон чувалди,
Йўл топмай — қанчалаб хушхон чувалди,
Ҳақиқат чувалди, мезон чувалди,
Куйла, тоғ шавкатин сен тоғда қолдир,
Борни бор, йўқни йўқ сиёқда қолдир!

Дўмбиранг тан олмай тақик, чекларни,
Фош этди талтайган хонлар, бекларни,
Умринг куйлаб ўтди ҳур ўзбекларни,
Номимни минг бовли аймоқда қолдир,
Шарқу фарб, Ҳинду Шом, Ироқда қолдир!

Замона майдондир, ҳаёт — кўлкари,
Келмоқда шоирман деган кўплари,
Жиловни кўйибсан келажак сари,
Не тўсса йўлингни — туёқда қолдир,
Манман деганларни улоқда қолдир!

Бугун юз йил оша келаркан сасинг,
Дейман, мангуликка тушипти басинг,
Турғаз Алпомешинг, турғаз Авазинг,
Юртим деганни шу тупроқда қолдир,
Сохта полвонларни фироқда қолдир!

Яхши шоир ёри — яхши ғоялар,
Йўқдир сўз лашкари олмас қоялар,
Десаи, солалмасин йиллар соялар,
Шеърингни халқ учун айт, оқда қолдир,
Руҳингни ҳув яшил байроқда қолдир!

1975

ГҮДАК ФЕЪЛЛИ ДҮСТИМГА

(ҲАЗИЛ)

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, ҳар қадамда нечун хатолар,
Нечун шунча йиғи ҳам илтижолар?!

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, не учундир бунча тўймаслик,
Не топсак, сўргичдек қўлдан қўймаслик?!

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, надин ҳар ён қўғирчоқ назар,
Надин бирни суймоқ, бировдан ҳазар?!

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса, нима учун катталар зинҳор
Не десалар шуни қиламиз тақрор?!

Гўдак тасавури — тасаввуримиз,
Гўдак тафаккури — тафаккуримиз.
Йўқса не учундир шунча овутмоқ,
Шунча алдаб, шунча уйқуда тутмоқ?!

1975



Бугун ой ботганда сени соғиндим,
Хаёлинг ой бўлиб овутди бироқ.
Ёнимда бўлсайдинг, айрилиқ шомин
Қўлни қўлга бериб қувлардик йироқ.

Бошимга мушкуллар тушди дафъатан,
Дўстимга айтмадим — араз бўлди ғов.
Қошимда сен бўлсанг, кулфатмиди тан,
Қўлни қўлга бериб енгардик икков.

Мана дафтарларим — нурсиз, сурурсиз.
Қишки далалардек ялтироқ ёбон.
Шеъримга кирарди қалдирғоч, ялпиз,
Сен кириб оҳиста қўл берганинг он.

Эмиш, ишқ фаслида ҳамма зор яшар,
Ҳамма ҳам излармиш Бахтни шундайин.
Биздан мужда кутиб турганда башар,
Наҳот қўл бермогинг шу қадар қийин!

* * *

Кўнглим менинг парвоз истайди,
Етти қават осмонда ёди.
Ақлим дейди, етти қат ердир
Одамзоднинг охир ҳаёти.

Кўнглим менинг етти иқлимга
Солмоқ истар довруқ-даввора.
Ақлим дерки, остона ҳатлаб,
Етти қадам отолсанг зора!

Етти ўлча — бир кес, дер ақлим,
Ўз эркига қўймас кўнглимни.
Ҳа, кимнидир зил ақли қийнар,
Тинмас кўнгли қийнайди кимни!

ОГАХИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАСИ МУЛОҚОТ

Кўклам эди. Жунбуш келиб ўю, хаёл, ёд устина,
Рухин зиёрат этгали бордим мен устод устина,
Сас берди ул: «Ҳолим забун, келдингму имдод устина,
Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина!»

«Эй пир, дедим, ёдлар бугун ашъорларингни Хоразм...»,
«Кўйғил, деди, фахриянгни, дардимни топгил чорасин,
Ён, ошиқ ўл, ҳеч босмасин даврон чанги кўз қорасин,
Қилғил тамошо қомати зебоси бирлан оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина!»

Кетдик улуғ шоир билан боғлар сари, қўйдик қадам,
Олам ғамин сўзлай десам, оламни суйган ул ҳакам
Ишқий ғазал айтур эди: «Ошиқ туморидур ситам,
Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Ваҳ мунча офатму бўлур бир одамизод устина?!»

Ногоҳ шу он қўзғолди кўк — кўк ичра не сир борким,
Чақмоқ чақиб, ел даф қилиб, еткурди кўп озорким,
Роз қилди устоз: «Ёр десам, ҳақдин бу қандай корким,
Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина!»

Тез пок ўлиб осмон юзи, диллардан ҳам кетди қадар,
Чаҳ-чаҳ илан қушлар келиб, юз очди гуллар бехатар,
Сухбат фалак мавзусига кўчгайми деб солсам назар,
Ул... гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво минг наъви фарёд устина!

«Минг ёр демак бирлан, дедим, жоми висол бир тўлмоғой,
Ҳақдин карам йўқ, у бизим ораулара қотилмоғой!»
Лутфимга ул зот айтди: «Кўй, дардим санга эш ўлмоғой,
Бошимга ёққан ғам тошин мингдан бирича бўлмоғой,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устина!»

* * *

Киши кайфияти, руҳига қараб,
Гул ҳам бажаргандай турли хил хизмат,
Китоб ҳам шунақа, ўқиб чиққанда
Минг киши уқади минг турли ҳикмат.

Энг кўҳна ривоят, афсоналардан
Ўта замонавий романгача то,
Кузатдим галати бир мантиқни мен,
Сескандим бир нима дейишга ҳатто.

Мана, Навоийнинг «Фарҳод Ширин»и,
Парвозга обқочар дилни ҳар сўзи.
Бирдан пайдо бўлар Ёсуман кампир,
Ҳамма ишни бузиб, даф бўлар ўзи.

Дейлик, мана Яго, бадкирдор кимса,
Унга нафрат ўқир асрлар инсон.
Қилгуликни қилиб, асар сўнггида
Жазо-пазо олмай бўлади гумдон.

Эсланг «Фауст»даги Мефистофелни,
Буюк инсонларни қўйган балога.
Бутун бир авлодни чалғитиб йўлдан,
Ўзи қочиб кетди Арши Аълога.

Ким оҳ тортмас эслаб «Ўтган кунлар»ни,
Отабек, Кумушнинг ўйлаб қисматин.
Шунча фожиага сабабчи бўлиб,
Дев урмай, соғ қолди қўшимачи хотин.

Булар ким?! Ҳар давр, ҳар воқеада
Ўзига ўзгача бердириб сайқал,
Баъзан бир асармас, ҳатто бир халқнинг
Тақдирин ўзича этадилар ҳал.

Улар биз билгандай, балки кўпмасдир,
Балки бир одамдир қув ва устамон —
Замоннинг зайлига қараб ҳар ерда
Турли қиёфада бўлар намоён?!

Ишқилиб, ўқувчи яхши билади
Миинглаб шундай шахс, шундай жонларни,
Ёзувчи уларни кўпда унутар
Мадҳ этиб асосий қаҳрамонларни.

Балки шунинг учун улар соғ-омон
Китобдан китобга кўчиб юрарлар?!
Кичкина, хушгина кўриниб кўзга,
Таъқибдан, жазодан қочиб юрарлар?!

Мен бугун китобдан мисоллар олиб,
Атрофга, ҳаётга боқмадим атай.
Балки улар кўпдир теграмазда ҳам,
Балки ҳаётда ҳам яшашар шундай?!

Бу бошқа масала!
Азиз ёзувчим,
Қай тақдирни ёзмамг, қайси замонни,
Шуларга кўз-қулоқ бўлинг, илтимос,
Шулар ўлдирмасин Бош қаҳрамонни!

1978

ЧАРЛИ ЧАПЛИННИ ЭСЛАВ

Чарли Чаплин ўлди.
Хаёл экрани
Бехос қора тортди. Музиқа тиңди.
Қарз берилган нурни олиб кетдилар —
Тунлари Чаплинсиз яшаймиз энди.

Чарли Чаплин ўлди.
Хабар келган он
Теграмизга боқдик хавотир олиб:
Катта, жиддий зотлар кўп-ку! Олишсак,
Биз ҳам чиқармизми Чарлидек голиб?

Дўстлар,
Талаш-тортиш дунё бу дунё,
Давра тарқашидир гулхан совуши.
Кимга шляпаси тегаркан унинг,
Ҳассаси кимгаю кимга қовуши.

Ҳали мусибатнинг захми битмасдан,
Мўмиёдек қотиб ётганда бағир.
Чарлининг жасади йўқолди, деган
Хунук гап қалбларга урилди оғир.

Тажовуз асри бу!
Авжига минган
Ўзгалар ерини талаб-ташишлар,
Катталар кичикнинг қонини сўриб,
Ўлганни тешишлар, мозор очишлар...

Лекин бошқа гап ҳам бордир — мажозда—
Чарлилар бир гўрга ситиши маҳол!
Эсланг ўзимизнинг Насриддинни сиз:
Ўн битта қабри бор — ўн бири ҳам фол.

Хушчақчақ дўстгинам, бўғилма гоҳи
Ўта қотма зотлар ичида — дарддан.

Хайхайлаб, кўз қисиб етиб келарлар
Чарли Чаплин — Ғарбдан, Насриддин—
Шарқдан!

Бир вақт болаларни алдаб Насриддин,
Ўзи ҳам чопгандек ишониб чиндан,
Бугун мен «чарлилар тирик...» дейману,
«Зора шундай бўлса!..» дейман ичимда!

1978

* * *

Умр ўтган сайин
 кўзининг гирдидан
Безовта тўлқинлар таралмоқда
 юзга.
Дўстлар,
 Кўз чўкмоқда унсиз додлаб,
 суб ютиб...
Лекин ҳеч ким нажот беролмас КЎЗга!

КИТОБГА СЌЗ БОШИ ИЗЛАБ

Бир сўз боши қўйиш зарур бўб қолди
Шундоқ павбатдаги шеър китобимга.
Устозлардан сўраб кўрсамми, дедим,
Дилдош мунаққид ҳам келди ёдимга.

Ҳа, сўз боши зарур. Ўзим ёзсам-чи,
Бор гапни — ортиқча дабдаба этмай?!
Драм тўгаракдан кетганимни бир пайт —
«Кўйгай»нинг авжида овозим етмай.

Айтсам-чи, дарёга илк борганимни,
Ботиб қолганини қайиқ қумлоққа!
Қайиқчи «Юк оғир...» дея гудраниб,
Эшкакни отганич бирдан қиргоққа.

Айтсам-чи, бир пайтлар мен эртак ёзиб,
Ойни ҳам ёнимда тушатганимни.
Ҳали ярми битмай, газеталарга —
«Давоми бор» дея жўнатганимни.

Айтайми, мактабда ўқиган пайтлар
«Пахтани ўт босди!» деган хабардан
Адабиёт дарелари ўтмай қолганич,
Одам келганини ҳатто шаҳардан.

Ғалати аср бу! Топилмас бугун
Буюк ларзалардан холий бир бурчак.
Ҳаёл ва ҳақиқат замондош бугун,
Бир кўрпада ухлар Ўтмиш, Келажак!

Файзулла Хўжани эслайман ногоҳ:
Аксиллар таклифин рад этган ўктам —
«Файзулла! Бизга қайт! Большевикларинг
Отиб ташлайдилар бир кун сени ҳам...»

Қачон эшитгансиз, бошқа қитъага —
Турмага телефон қилинганини?!
Досон оролида эшитган Луис
Тинчлик мукофоти берилганини!

Яна Америка! Ўтган октябрь,
«Жейнтс Стедиум». Саксон минг одам!
Пеле футбол билан хайрлашмоқда —
Қаршисида рақиб... микрофон бу дам.

У сўнг сўз айтиши керак футболга,
Кейинги умрига эса сўз боши.
«Болаларни севинг!...» деди у бирдан,
«Севинг!...» — деб ҳайқирди, кўзида ёши...

Дунёда шундай кўн катта-кичик гап,
Бари ҳам юракка, руҳга биродар.
Лекин менинг учун қайси энг муҳим,
Қай бири умримга олий, бош хабар?!

Неча эврилгандир замни, замона,
Ўтгандир қанчалаб шоири даврон.
Чақирсанг сас бермас бугун кўплари,
Бош сўзи борлари барҳаёт ҳамон!

1978

* * *

Меҳр кўзда эмас, мен билдим, билдим,
Меҳр кўзда деган гап бир оз хато.
Кўз гўё ойна кўл — акс этар унда
Осмоннинг бағрида не бўлса пайдо.

Меҳр кўзда эмас, мен билдим, билдим,
Меҳр кўзда деган гап бир оз хато.
Кўз гўё яхмалак, сирғанар ундан
Худди нурдек энгил тоғ, водий, дарё.

Меҳр кўзда эмас, мен билдим, билдим,
Меҳр кўзда деган гап бир оз хато.
Меҳр хотирадир бизга кимдандир,
Кўз юмсақ биздан ҳам шу қолар танҳо.

Меҳр кўзда эмас дедим ва лекин
Бордир меҳр кўзда дейишда маъно.
Юракдир кўзларда акс этган асли,
Ушандан ёруғдир, ёруғдир дунё.

1978

ҲАЗИЛ

Мабодо дарахтлар юрар бўлсалар,
Қайга йўл оларлар аввал,
 билмадим,
Илдизлари жуда оғир уларнинг,
Ва бир жойда яшаш удумлари қадим.

Мабодо чегара устунларига
Жон кирса,
 қаерга борарлар аввал?!
Дунё айқаш-уйқаш бўлармиди ё
Тақсим бўлармиди қайта, мукамал?

Мабодо майдонлар, кўчалардаги
Ҳайкаллар қўзғалиб,
 юрсалар ногоҳ,
Топиб борурларми туққан жойларин,
Жигарлари таниб,
 берарми папоҳ?!

Жойлари азалдан муқум нарсалар
Қўзғалса, илож бор эл-юрт ичида,
Лекин ҳайкалларга бошқа жой бўлмас,
Яна қоллишлари аниқ кўчада!

1978

БАҲОР АРАФАСИ

Учрашувимизга яқин қолди
Қишнинг таъқибидан қочиб
Дарахтин тарк этган япроқлар билан.

Учрашувимизга яқин қолди
Тошларини лола ёпиб, гизлаб,
Булут тўплаётган тоғлар билан.

Учрашувимизга яқин қолди
Ўзимиз билан ўзимиз, совуққон,
Орзиққан юракнинг ёнгинасида.

Учрашувимизга яқин қолди
Ўтмиш, Бугун билан юзма-юз
Шундоқ Келажакнинг ёнгинасида.

1978

АЙРИЛИҚ

Илк оғоч гуллади Қримда,
Олмага ўхшатдим тусидан.
Тонгнинг кўнгли гўё ёришди
Шу учми-тўрт гулнинг исидан.

Бу оғоч кимнидир соғинган,
Бошига гулбаргак тақмоқда.
Саҳардан уйғониб, қайгадир —
Оёғи учида... боқмоқда.

Тошкентда тонг отди қачонлар,
Сен унда соатни тезлайсан.
Шошасан зангори қутига,
Чўзилиб... оқ конверт излайсан.

1978

ФЕВРАЛЬ

Олимжон ва Абдулҳамидга

Бир ой бурун Қорбобонинг оқ қопидан
Ялтир-юлтир ўйинчоқлар чиқиб хуррам,
Бўлмишдилар яшил арча остида жам,
 Болалар зап қувонишган ўша чоғлар!

Бугун йўллар, уйлар, сўзлар, ранг-баранг туш...
Бари опшоқ юк остида! Тонглар хомуш.
Қовоғидан қор ёғдириб сур Бобо қиш,
 Барчани бир қопга тиқмоқ йўлин

чоғлар.

Шошил, Бобо, авжинг бормас ҳеч қанчага:
Тоғлар оёқ чўзса лола чўғ танчага,
Амударё чидамай муз исканжага —
 Шўх мавжлардан қувонгайдир тик

қирғоқлар.

Қув шамоллар ҳали йиртиб бу оқ қопни,
Улаш-талаш сочгайлар бор ўйинчоқни!
Шунда Бизни, Она Ерни, Офтобни
 Боғлаб олар опшоқ гулли ўрик боғлар!

1977

ЯНГИ ЙИЛ ЖОМ СЎЗИ

Гўё икки замон, икки асрни
Кўрган оқсоқолдек, нуруний, сипо —
Тамаки чекмоқда ташқарида қиш,
Ўлтириб эски ва янги йил аро.
Хайкалтарош қиш бу! Бутун дунёни
Ўраб қўйди оппоқ чодирга — қорга,
Эрта-индин бизни бир қувонтириб,
Хайкал очади у яшил баҳорга.

Қиш бобо, ижодинг барқарор кулсин,
Сенга бу янги йил муборақ бўлсин!

Қишлоқ устидаги чинорнинг бутун
Шохлари изғирин билан олишар.
Узун кечаларда ухлатмай уни
Қарғалар тинимсиз шовқин солишар.
Гарчи ўтган умр қайтмас ҳеч қачон,
Чинор, япроқларинг қайтиб келади.
Бағринга баргингдек митти қушчалар
Мангу қўшиқларни айтиб келади.

Мағрур салобатинг шох ташлаб турсин,
Чинор, янги йилнинг муборақ бўлсин!

Хоритиб йил бўйи чеккан ташвишлар,
Қаттиқ ухлаб қопти, ана, жон дала.
Гоҳо қурғоқчилик жонини олди,
Гоҳ заҳар дорилар, гоҳи сел-жала.
Лекин, далам севар элимнинг қўли,
Шундан тандирдаги пои юзи қирмиз.
Шундан ҳар чаноқда тошгани хирмон,
Очил дастурхондир шундан еримиз.

Далам! Уйқинг яшил тушларга тўлсин,
Сенга ҳам янги йил муборақ бўлсин!

Ўзбек тупроғининг бир чеккасида
Кекса денгиз яшар якка-ягона,

Гўё ўғилларин сафарга йўлаб,
Интизор-интизор қутгувчи она.
Ўғиллар олисда, ташвишлар бисёр,
Хабар ололмас гоҳ Аму ҳам, Сир ҳам.
Соцларида оқлар ортмоқда унинг,
Кўзлари киртайиб бормоқда кам-кам,
Икки ўғлинг сенга мангу интилсин,
Орол, янги йилинг муборак бўлсин!

Йил хайрли кечди. Лекин дунёда
Йўқмас «илол йилли» деган нохуш гап.
Судралиб юрибди чунки кин, фитна,
Не-не пок қалбларни огулаб, чирмаб,
Бир пайт, ой тугилса — барча безовта,
Жаранглатар эди не тушса қўлга.
Ёмонлик! Сен узоқ чидармикансан
Еруғ кунларда биз чалган довулга?!
Бор бўлсанг, ҳолингга маймунлар қулсин,
Сенга ҳам янги йил муборак бўлсин!

Дўстлар! Ҳар янги йил дилга энг аввал
Умид ато этар — қанотлари оқ.
Сарбаланд парвозлар шундан бошланар,
Шундан туғилади юлдузлар, чақмоқ.
Янги йил жомини кўтариб, дейман:
Кўкка дўст тутунсин ҳар қўнғил, ҳар дил.
Дунёнинг тонглари вақтида отсин,
Орзулар йўл олсин ишига дадил!
Орзулар, қолган гап сизларга қолсин,
Сизга бу янги йил муборак бўлсин!

1977

ИККИ ҚАЛЪА

Хивада қалъа бор қалъа ичинда:
Бири — Ичон¹ қалъа, бири — Дишон.²
Машҳурдир бирининг номи очунда,
Бири нураб ётар беназар, бешон.

Не сир бу? Бу ёнда мовий тафаккур
Қулф уриб турибди сокин, безор.
Бир ён — тенгсиз жангда енгилган мағрур
Ботир жасадидек эгасиз ва хор.

Ичон қалъа демак — Хоразм фахри,
Баҳорнақш гумбазлар, минор, сардоба...
Шундадир ул буюк Маҳмуднинг қабри.
Шундадир шон, гурур... Дишон — хароба...

Халқимнинг устивор руҳи — зўр даҳо
Мангулик топгандир Ичон қалъада.
Уни бузмасин деб минг турли бало,
Қалъа қурилгандир Дишон — далада.

Азалий беомон бир ҳукмдир бу:
Одам — Дишон қалъа, орзуи — Ичон!
Оз яшаб кўн захмат кўрса ҳамки у,
Руҳин қолдирмоғи мумкиндир омон.

Мен бугун Хивада виқорли турган
Асрий ёдгорлардан туяркан маъни,
Дейман: умр ҳикматин бобонгдан ўрган,
Асрамоқни ўрган Ичон қалъани!

1977

¹Ичон — ичкари.

²Дишон — ташқари.

«ШАЛОЛА» ШЕЪРИЯТ КЛУБИНИНГ ҚАТНАШЧИСИГА

Шоир бўлмоқчиман, дебсан хатингда,
Шеърият сирларин ўргатинг, дебсан.
Сен гўё чақмоққанд тутиб отинга,
Борса қайтмас йўлни кўзлаб турибсан,
Шоирлик касб эмас минбаъд, укажон,
Шоирлик ҳикматдир, ҳикмат, укажон.

Эсимда: оқ тутлар айни гарқ пишган,
Яшил шохлар аро терардик қувнаб.
Шу пайт қуртбоқарлар келиб қолишган
Қўлида болта-ю чопқилар ўйнаб.
Барғни обкетдилар боғлаб, укажон,
Лекин бизлар қолдик йицелаб, укажон.

Ушанда болалик бир дам чекиниб,
Баъзимиз жим кўниб, хафа кетгандик.
Лекин бирларимиз роса сўғиниб,
Уларга тош ота чопа кетгандик,
Инсонлик — ўз ҳаққинг таниш, укажон,
Шоирлик — ҳақ дея ёниш, укажон.

Сен эрта баҳорда тоғка назар сол:
Милт-милт ёш тўкар у гуллашдан олдин,
Лойгарчилик кунлар, қирғияк шамол
Келмасдан тиклаши даркор-да, қаддин...
Шоирсан — шу тоқ деб куйсанг, укажон.
Шоирсан — шу ёшни тийсанг, укажон.

Умр гарчи узун, кечар бир онда,
Умр камалакдир ер ва кўкка дол.
Баъзи шоирлар бор — кўнгли осмонда,
Хатто ўз бўйича пастлаши малол,
Сен кўкдан излама маъни, укажон,
Аввал ўз ерингни тани, укажон.

Бугун юрт ҳақида ўй сурсанг агар,
Оламга бир қара: ким танир бизни?
Пахтадан таниса ерингни башар,
Шеърингдан танисин юрагимизни!
Қалбингни халққа эт минбар, укажон,
Жаҳон шунда сени тинглар, укажон.

Она тил! У бизга маъбад бетимсол,
Ҳар бир миллат учун ўз тили Она!
Тил — ўтмиш, тил — бугун, тил бу — истиқбол,
Тил — она халқингдан нузли нишона.
Не бор «она» деган сўздек, укажон,
Ўзбексан, ўзбек бўл, ўзбек, укажон.

Ҳа! Шоир қалбининг харитасида
Сўз, туйғу, ранг, имон эрур бош томир.
Оролдек денгиз ҳам қурир аслида,
Айқириб оқмаса Аму билан Сир.
Чўққиларга солгин ларзон, укажон.
Гувлаб турсин улут уммон, укажон.

Ўтган устозларда қисмат ягона:
Сўздан номдор улар, сўздан қонбағир.
Қоғоз-ку, бир оҳдан учгай тўлғона,—
Унга муҳрланган ҳақиқат оғир.
Енгили ризқ бўлмас бизга, укажон,
Қанот бер энг юкдор сўзга, укажон.

Сен мағрур, камтар бўл! Лекин бир четда
Чекниб яшама яқна, хор, номон.
Жаҳонда ҳар недан Адолат катта,
Лекин митти қалбдир унга ошиён.
Кўз тутар одамлар, халқинг, укажон,
Бош устида бўлсин қалбинг, укажон.

Сен дўст бўл, вақтида фош эт Яғони,
Ишқда Отеллодан бўлгин беш баттар.
Асраб қолмоқ учун Мўмин Мирзони
Тутқаз Алишернинг қўлига ханжар...
Шоирнинг юраги доғли, укажон,
Сен ҳам шу дард билан оғри, укажон.

Долғалар гоҳ тиниб, шоирнинг қалби
Афсонавий кўлдек сукутда онлар —
Тошилар, тош отиб тўлқин чиқариб,

Томоша қилишга ҳавасманд жонлар.
Қўйни тошлилар кўп, кўпдир, укажон.
Тўлқин ур, четга сур, чўкдир, укажон.

Борди-ю, сендан ҳеч чиқмаса шоир,
Зарур жиҳатларнинг кам бўлса бири,
Ўксима, тонгда тур, табнат соҳир,
Қара, рангин шеърдир ўзбекнинг ери.
Шу юртни бир умр севсанг, укажон,
Ҳақиқий шоир ҳам селсан, укажон!

1977

* * *

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Булулларга топшираман қалбимни.
Улар кўзинг осмонда безовта —
Чақмоқ тахлит нақш этсинлар дардимни.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Баланд тоққа бориб солай ҳаё-ҳу!
Пойинг узра дарё бўлиб тўлғонсин,
Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Вижир-вижир қалдирғочга айтайин:
Ҳар баҳорда шу зангори сўзлардан
Бўғотингда уя қурсин атайин.

Айтолмайин, чекиб оҳу нолалар,
Ерга кўксим қўяр бўлсам ногаҳон,
Юрагимдан хабар топган лолалар
Фарёд солиб қирга чиқсин бағри қон.

* * *

Йиғладингу... кулдинг.
Бўрон босилди:
Кумуш кўл юзида
Қалқди икки ой.

Йиғладингу... кулдинг.
Тинди қуйқум сел.
Майса ўтлар расмин
Сола кетди сой.

Йиғладингу... кулдинг.
Булутлар ариб,
Майсаларга тўлди кўк,
Қушга тўлди боғ.

Йиғладингу... кулдинг.
Кўзларингда бирдан
Яшай бошладилар
Сув ва чўғ
Ипоқ.

1975

* * *

Сен кетурсан, изингдан —
Мен боқурман жим, жим.
Менга қолди кўзингнинг
Қаролиги тим, тим.

Қаро энди кунларим,
Қаро энди қисматим.
Кўзим қароғида ҳам
Ёшим энди лим-лим.

Бул қаролиғ — тун эмас,
Юлдузларни кўзласам.
Бўрон дарағидир бу,
Ҳавосидир дим, дим.

Келмас энди қалдироқ,
Чақилмас энди чақин.
Юраклар гуяг кеча бу,
Йўл кўрсатур ким, ким?

Утди севги, ўтди дард —
Кўчаётган қушлардек.
Кетмоқдасан жим, жим,
Қолмоқдаман жим, жим.

1971

РУҲНИНГ ЖАҲЖИ СУРАТЛАРИ

* * *

Нечун қуёш бир қизариб оладир,
Тонгда — ерга тушганида кезими?!
Уни балки бу қуйларга соладир
Тунда қилган баъзи гуноҳли иши?!

Нечун қуёш бир қизариб оладир —
Кечқурунда, хўп ўтланиб яноқлар...
Энди уни бу қуйларга соладир
Бизнинг куппа-кундуздаги гуноҳлар...

* * *

Мажнунтолни минг йилдан буён
Ошиқларнинг сирдоши дея,
Шарафига шеърлар тизамиз.
Қиш келади — қор соқол меҳмон,
Арра тутқазади иржайиб...
Кула-кула толни кесамиз...

* * *

Кўкрагимда ҳаволар зангор.
Чексиз зангор. Ҳисларимга танг.
Кўкрагимда икки ранг сукут
Бир-бирига эълон қилар жанг.

Икки сукут. Нақ икки фасл.
Бири — наврўз учун нур садо.
Икки сукут. Бири, чамаси,
Эриётган қорларга видо...

САҲРО

Ҳой ўткинчи, жеркма бу бўшлиқларни,
Ҳатто кетган худо уни унутиб.
Ернинг бу тангрисиз; динсиз бўлаги
Ётар ўз худоси, ўз асрин кутиб!
Қисмат излаб юрар бу ерда фано.

Ҳой ўткинчи, жеркма бу шўрликларни,
Майли, дардлашма ҳам.
Лекин бир томчи
Ёшингни бахш этсанг дардига унинг,
Эрта ўзинг бунда бўлурсан авло!

* * *

Варрак ингранади кўкда тўлғаниб,
Унга парво этмас болакай хаёл.
Варрак ингранади осмонни таниб,
Шўрликдан осмон ҳам сўрай демас ҳол.

Кўкка бош урувчи варрак ҳолига
Турпалар бош чайқаб ўтдилар саф-саф.
Турпалар билишар, қийналар нега,
Нега ингранмоқда варрак, не истаб?!

* * *

Осмон рангдош экан денгизга:
Иккови уфқсиз қўшилиб кетган,
Пойимдаги чўққилар — тўлқинлар тарихи,
Кўзим ичидан ўтган.

КУЗ

Баргларини
дарахт
учирди Ерга —
Айлангириб
олтин қушчаларга.

«Қирқ афсона»*

ОДАМНИНГ ЁШИ

Ўт яралган замонда,
Сув яралган замонда,
Ер юзига ҳаёт, ранг,
Кўрк таралган замонда.

Табиат бобо ўктам
Бор жонзотни қилиб жам,
Хизмат, мавқе берибди,
Белгилабди ёшини ҳам.

Барчага бериб қирқ ёш
Ва инсонни этиб беш,
Бобо синаб кўрибди —
Қимлар рози, қимлар гаш.

Роса қирқ йил ўтган чоқ,
Яъни муҳлат битган чоқ,
Ҳаммани йиғиб яна
Бобо қилибди сўроқ.

Қимдир рози кетибди,
Қимдир арз ҳам этибди.
Хуллас, умр ҳақида
Гап эшакка этибди:

«Кечир, Табиат бобо,
Берган умринг мутлақо
Тўғри келмади менга,
Бундан ўлганим аъло.

* Муаллиф мазкур китобнинг 1979 йил нашридан баъзи афсоналарни чиқариб, ўрнини саксонинчи йилларда ёзилган янги асарлар билан тўлдирди.

Куч-қувватим бор маҳал,
Ёзми, қишми — қор маҳал
Ишлатди одам боғлаб —
Ўзига даркор маҳал.

Лекин қариган оним
Хору зор қолди жоним,
Менга қирқ ёш ортиқча,
Йигирма ёш армоним».

«Майли, — дебди Табиат.
Ўйлаб кўраман фақат».
Аҳволи роз айтишга
Итга етибди навбат:

«Вой-вой, умр деганнинг
Билмадим не эканин!
Ёшлик хуш-ку, қарисанг
Нон йўқ экан егани.

Ёш пайтим одам учун
Сарф этдим бор-йўқ кучим.
Уй қўридим, қўй боқдим,
Ётмадим ёзин-қишин.

Лекин қариган оним
Дарбадар қолди жоним.
Қирқ ёшинг керак эмас,
Йигирма ёш армоним».

«Майли, — дебди Табиат,
Ўйлаб кўраман фақат!»
Аҳволи роз айтишга
Инсон олибди навбат:

«Табиатим, отамсан,
Саховатли хотамсан.
Олий фармонбардорсан,
Бору йўққа ҳакамсан!

Қирқ ёш — энг зўр ёш экан,
Онг — тиниқ, куч — чош экан.
Лекин андак ташвиш кўп,
Умр — чоп-чоп, шош экан.

Ҳали уйим битмади,
Йиғин-тўйим битмади.
Умримга белгилаган
Орзу-ўйим битмади.

Улсам — шунча иш қолар,
Бола-чақам ёш қолар.
Рости, кечган умримдан
Кўнглим тўлмас, гап қолар...»

Ҳа! Табиат биларди,
Кўндир одамнинг дарди.
Агар минг ёш берса ҳам
Йўқ демасдан оларди.

Бобо кўп ўй сурибди,
Бир қарорга келибди:
Эшак ва итдан ортган
Ёшни унга берибди!

Қайғу ичра турган жон
Бу гапдан бар уриб қон,
Хайр-маъзур қилмай ҳам
Бўпти-ку йўлга равон.

«Тўхта, — дебди Табиат,
Ҳар нарсада бордир ҳад.
Етук ўғлим, деб, сенда —
Жам этдим олий ҳикмат.

Умрингни чўздим, кердим,
Лекин унутма дердим:
Эшак, ит хоҳламаган
Умрни сенга бердим!

Қирқ ёш — асил ўз ёшинг,
Қирқ — энг тикка қуёшинг.
Шуни аъло яшолсанг,
Сўнг ҳам эгилмас бошинг.

Шу ўз ёшинг ўтса пуч,
Бекор кетса ёшлик, куч,
Эшак ва ит қисмати
Сенга сўзсиз бўлур дуч!

АЛЛА

Алла! Сени илк бор дунёда қайси бир она айтди экан?! Сўзларингни ёзган қайси бир шоир, бастакоринг қайси замона?! Онанинг сени узун тунлар куйлаб чиқишидан мақсади фақат гўдагини ухлатишми?! Ё болакайига эзгу олий тилаклар тилаяптими?! Дунёда гўдак туғилган хонадон борки, беихтиёр муқаддас бу садо эшитила бошлайди ва бола ҳам, она ҳам, табиатнинг ўзи ҳам ширин, осойишта орзулар сукунатига сингийди. Аллани беихтиёр катта ёшдаги одам эшитиб қолса, хаёлга чўмади, лекин уни уйқу элитмайди, аксинча, хотирида ўчиб бораёзган таассуротлар, ухлаб бораётган, унутилай деб қолган тўйгулар, умрининг жонли лавҳалари, болалиги эсига тушади.

Аллада биз ҳатто хаёлимизга келтирмаган бошқа бир мўъжиза, муқаддас қудрат бор!

Розия, Робия, Гулжон. Уч ажралмас дугона, чиқон, ўртоқ. Уч дўст, уч сирдош, уч тенгдош. Уларнинг қизалоқлик пайтлари бирга кечди. Болаликнинг турли ўйин-эрмакларини бирга тўқиб-чатишди. Дейлик, Гулжон бирон эрмакни—қўғирчоқ ўйнашни таклиф қилса, Робия дарҳол эски-туски латталардан «гўдак» ясар, Розия эса уни қўлига олиб алла айтишга тушар эди. Гўдакнинг «туғилиш» тўйини ҳам улар катталардан кўрганларидек ўтказишарди. Розия аллани, албатта, опасининг укаларига айтганидан ёдлаб айтарди. Лекин, бари бир ўзидан ҳам нималарнидир қўшар эди.

Олмадандир бешиги,
Олсин энди опаси,
Алла.

Жийдадандир бешиги,
Жийранмасин опаси,
Алла.

Урикдандир бешиги,
Уртанмасин опаси,
Алла.

Қўғирчоқ ўйини дарров уларни зериктиради. Қараб-сизки, бир неча лаҳза ўтмай, тут богда ёки ўрик богда шохлар орасида юришади. Ҳатто ўғил болаларга қўшилиб бекинмачоқ ўйнашга киришиб кетадилар. Сўнг эса ҳаммаси қип-яланғоч, Амударёдан оқиб келадиган Хизр-элиёпнинг лойқа-бўтана сувида шаталоқ отишади. Кеч-қурун эса улар юз-кўзларида лойқа сув излари билан биронтасининг уйида қандайдир маросимда халфа кампирнинг сирли лаҳжасини — ярим қўшиқ, ярим сўз — айтимларини тинглаб ўтиришади. Хотинлар бошларидаги оқ пахта рўмоллари кўзига тушиб, чайқалиб, кўзлари ёвланиб тинглашади. Қизалоқлар ҳам халфанинг гаплари қайғули эканини сезгандай, анча жим ўтириб, кейин ҳар бири ўз оғизининг тиззасига бош қўйганча ухлаб қолишади. Фақат халфа бир маромда давом этади:

Мен ўлсам, э жамии махрами роз,
Мани ўзга ўлукдек қилманг эъвоз,
Кўзингиздан чиқарманг қатраи ёш.
Жоназам орқасидан отингиз топ...

Воқеалар қадимги Гурланда кечаётганини эслатиб ўтаман. Узун қиш кечаларини хотин-халаж шундай ўтказишади. Баҳорда ҳамманинг ташвиши кўпаяди. Уч дугона ҳам шубҳасиз анча улғайган. Хотинлар сумалак солиши билан овора. Эрлар ҳўкизларнинг шохларин ёғлаб, отизга чиқиб кетишган. Кечаси билан ўт ёнади қирқ қулоқли қозон остида. Кечаси билан байт, топишмоқ айтишлар, гоҳ қувноқ, гоҳ қайғули қўшиқлар. Аёллар тунда қандайдир мард бўлиб кетадилар қизларнинг назарида.

Бирини шундай бошлайди:

Осмолга қарасам оғининг боласи,
Орқамга қарасам Гурлан қалъаси.
Умидимга етказмади, чиқонжон,
Ҳаром ўлсин улли бойнинг боласи.

Иккинчиси:

Осмонда оғ эдим айланиб турган,
Долонда той эдим бойланиб турган,
Севганимга тезроқ ета қолсам деб,
Қизларнинг ичинда шайланиб турган.

Учинчиси:

Осон эмас денгизнинг
Топмоқ оппоқ тошини.
Яна қийинроқ экан
Топмоқ дил йўлдошини.

Одамларни аслида йилларнинг ўтиши эмас, юртнинг урф-одатлари улғайтиради. Қизлар шу тариқа катта бўлгншмоқда эди. Кузда қизил шoли пишганида яна хотинлар йиғилишиб келиб шoли оқлашга тушадилар. Яна кўшиқ, байтлар, тез айтишлар, эртаклар...

Ҳайит баҳорга тўғри келса яна қизларнинг кунни туққани. Ё гужум, ё қоромон, ё ўрикка арқон ташлаб, арғимчоқ солинади. Икки-уч жойда ёнма-ён ва басма-бас учинлар... Яна кўшиқлар...

Тўйлар — қизлар учун катта байрам. Дугонасини усатинга бирга боришади. От аравада ойдин кеча ёр-ёр айтиб йўл юриш, куёвникига кираверишда катта сахнда ёнаётган гулхандан ўтнш, сочқи сочаётган хотинларнинг кўноллиги, юз-кўзга урилган қанд, новвот, парварда парчалари, куёвнинг белбогини ечиш маросимлари... ҳамма ҳаммаси янги бир олам, юракда янгича зарблар...

Розия, Робия, Гулжон. Учаласининг бўйи бараварига етилди. Энди улар атрофидаги ҳаётга эмас, балки бошқа бир шоҳга тобе, фуқаролигини қабул қилгандай эдилар. Муҳаббат кирган эди уларнинг юрагига. Робия билан Гулжон севги домига тез тушиб, ўз йиғитлари билан қатъий ваъдалар олишиб, тўй умиди билан янаёй бошладилар. Лекин нимагадир Розия шопилмас, ҳалиям ўз болалигидан ажралгиси келмаётгандай, ҳамма нарсага бепарводай эди.

Юртда ҳаёт ҳамон ўз эски йўсинида. Ҳайит навбахорга тўғри келган йил Амударё бўйига одам сиғмай кетди. Айтишларича, бу сайлга тўқсон юртдан ҳофиз, дорбоз, савдогар, меҳмон келган. Кўрсатилмаган томоша, пиширилмаган таом, айтилмаган кўшиқ, сўз қолмаган. Бу сайлда қизларда катта ўзгариш бўлиб, учовига қорам-қора Робия билан Гулжоннинг йиғитлари ҳам юришарди. Розияга бу бир оз алам ҳам қилгандек эди. Иккала дугонаси унга йиғитлари борлиги билан мақтанаётгандек туюларди. Фақат болаликдаги дўстликнинг интиқилларигина ўртада жиддий бир гап чиқишидан сақлаб турарди. Лекин воқеалар бирданига бошқача тус олиб кетди. Савдогарлар растасини улар негадир Розиянинг тазийғи билан уч марта айланиб чиқишди ва тўртинчи

сафарида Розия хорижлик ёш ва кўркам йигитнинг маттосига харидор бўлди. Йигит эса ўйланмасдан молини, шундоқ, бепул тутқазди-қўйди Розияга! Қизиқ-ку! Қизлар лол. Хорижлик йигит эсанкираган. Розия эса мағрур!

Сайл ўтиб кетди. Лекин воқеа давом этди. Савдогар йигит ўзи билан келган ҳамроҳлари билан хайрлашди. Гурлан карвонсаройида мустаҳкам жойлашиб, Розияларнинг кўчасидан кунда бир марта ўтадиган бўлди. Ўртада ғалати бир муҳаббат пайдо бўлгани аниқ эди. Ғалати деганимизнинг сабаби, қиз бошқа миллатдан, устига, хориждан келган бировни яхши кўриб қолиб, масала турмуш қуриш даражасигача тақалиб қолса, биз томонларда бугун ҳам кўпчилик таажжуб ила ёқа тутади.

Иш жиддий, Розия ўзининг ғалати севгисидан карахт ва гаранг. На дугоналарининг, на қариндошларининг ўғит-маслаҳатлари ва на отасининг дуоибад қиламан деб дўқ қилишидан бир наф берди. Она касалланиб ётиб қолди. Лекин Розиянинг ўз билгани билган, хорижлик билан кетишга қатъий жазм қилган эди. Йўлимни тўсманглар, ўзимни ўзим ўлдираман ва йигитим ўлигимни бўлсаям олиб кетади, деб дўқ ура бошлади.

... Ҳар бир юртда допишманд оқсоқоллар бўлади. О, Гурланда кадхудолар ҳамма замонларда истаганча топилган. Розия воқеасига улар аралашинди. Олдинига улар ҳам Розияни «узоқ эл, борсанг, энди ҳеч қачон қайтиб келолмайсан, у ёқ-бу ёқ...» қабилда қайтариб кўришди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Шунда улар қизнинг отаси билан онасини бир амаллаб оқ фотиҳа беришга кўндиришди. Оҳ, қандай допишманд, оқкўнгил, саховатли допишмандлар яшайди Гурланда!

Қиз кетди. Кичикроқ тўй ҳам қилиб беринди шўрлик ота-она. Кетиши олдидан она Розияни бағрига босиб қизиқ бир илтимос қилди. «Жон болам, соғ бўл, саломат бўл. Бахтли бўл. Битта ўтинчим: бола кўрсанг уларнинг ҳеч бирига алла айтма! Айтсанг, сендан бутун умр норози кетаман...» Розия хўп деб ойисини ишонтирди ва йўлга равона бўлди. Нима бўпти алла айтмаса?! Ҳеч нима! Чиқонлари Робия билан Гулжон етти чақирим жойгача араванинг панжарасига ёпишиб, хайрлашиб йиғлаб келишди ва охир улар ҳам, укалари ҳам, қизиқсиниб эргашган одамлар ҳам қолиб кетишди. Гурлан қолиб кетди, Амударё, тўқайлар, қум сахроси... кўп нарса ортда қолиб кетди...

Хуллас, улар йигитнинг юртига етиб келиб, тўй-маърака қилиб биринчи фарзанд кўрганларида орадан етти-

сағкиз йил вақт ўтиб кетган эди. Розия бой-бадавлат ашар, турмушнинг ҳеч нимасини ўйламас, фақат хизматкорлар қуршовида ўз гўдаги билан овора эди, холос. Уви гоҳ олисдаги отасига ўхшатар, гоҳ ойисига, гоҳ укаларига менгзатиб, соғинчини босиб, ўзини овулар эди. Она илтижоси эсидан чиққани йўқ, боласига сира алла айтмади. Лекин кунларнинг бирида ўғил қандайдир касалга чалиниб, тезгина оламдан ўтди. Розиянинг қайғуси еру осмонга сиғмади, фақат иккинчи ўғли туғилиб, мийиғида куладиган бўлгандагина биринчи дард, йўқотиш бир оз енгиллашди. Лекин бу фарзанди ҳам кўп турмади. Розия қора кийди. Хизматкорлар хўжайинига хотининг болага унча меҳр қўймайдиган тоифадан экан, аввалги иккитасига ҳам бирон марта алла айтганини кўрмадик, деган гапларни албатта етказишганди. Учинчи ўғил тутилганида ҳамма енгил нафас олди. Розия энди уни еру кўкка ишонмас, эрининг унга бўлган муҳаббатини энди шу гўдакнинг тақдирини билан боғланиб қолганини Розиянинг ўзи ҳам сезиб турар эди.

Ё фалак! Ногаҳон эрка ўғилча касалланиб қолди. Розия, эри ўзини ҳар томонга уришди, узоқ-яқиндан келган табиблар сарсон — наф йўқ... Мана, неча кеча бола йиғидан тинмайди. Розия ўзини йўқотар даражада. Тонг олдида эри даҳшатли қиёфада ҳайқирди:

— Қандай онасан ўзи?! Меҳр деган нарсани борми сенда ҳам?! Бир алла айтиб бағринга боссанг-чи, шўрликни?! Алла айт...

Розия дол. Эрининг бу ғалати важоҳатиданми ё онасига берган ваъдаси учунми, узоқ вақт бирон нима деёлмади. Боланинг аҳволи оғирлашгандан оғирлашиб, бир аҳвол бўлганда, бирдан болани кўкрагига босиб даст ўрнидан турди ва йиғим, ўтинчга ўхшаш бир овоз билан алла айта бошлади...

Гўдак инграниб-инграниб, ахир тинч уйқуга кирди. Биринчи, иккинчи, учинчи кеча алла айтди... Бола тузала бошлади... Розия энди онасига берган сўзини унутган, соат сайин тўлишаётган гўдагига маҳлиё, алла айтар, кўнглига қувонч ва умид ина бошлаган эди.

Бола бутунлай тузалиб кетди. Лекин бари бир то алла айтмагунча ухлай олмас эди. Бир кун кечаси алла айтиб, мудраб ўтириб тўсатдан Розиянинг кўнгли тўлишиб, кўзлари иссиқ ёшга тўлди. У аллани гўё ўзи учун айтаётгандай, ёшликда дугоналари ясаган қўғирчоққа айтаётгандек туюлди. Рост! Дугоналари ҳозир қандай экан-а? Онаси-чи? Шўрлик, қариб қолгандир?! Ё...

Худо кўрсатмасин, касалванд эди, оламдан ўтган бўлса-я... «Онажон! Дод, ойижоним!».

Розия фарёд солиб ўрнидан турди. Чинқириққа хизматкорлар, эри кириб келишди. Розия ўзини босди, босинқирабман, деди. Лекин ётиб уйқуси келмади. «Укаларим катта бўлиб кетишгандир. Отам-чи?! Бечора отагинам. Биргина кўрсам сизларни армоним йўқ эди! Биргина кўрсам! Робия! Гулжон! Кўраманми сизларни энди?!» Розиянинг кўз ўнгидан болалик хотиралари — Хизрәлиёп лойқа сувлари, гарқ пишган оқ тутлар, ўрикларга осилган: аргимчоқлар, қўшиқ айтиб қизил шоли туюётган хушчақчақ хотинлар бирма-бир тизилиб ўта бошлади.

Шу кечадан бошлаб, тинчи буткул йўқолди. Шўрликнинг уйини кўргиси келди. Онасини... Юртини... Охири эри ҳам сизди унинг аҳволини. Розиянинг кўнглини олди. Лекин Хоразмга боришнинг ҳеч-ҳеч иложи йўқ эди. Биринчидан, йўл бениҳоя узоқ ва машаққатли, иккинчидан, ўртадаги мамлакатлар бир-бирлари билан катта уруш қилар, кўп қонлар тўкилиб, карвонлар қатнови тамом тиниб қолганди...

Розия қийноқда қолди. Угли катта бўлиб, тенгқурлари билан ўйинга чиқиб кетганда, ўзига-ўзи алла айтади, йиғлайди. Болалигида эшитган қўшиқлари узуқ-юлуқ бўлиб бўғзига тиқилади:

Осмонга қарасам ойнинг боласи,
Орқамга қарасам Гурлан қалъаси...
Гурланнинг йўллари олидан-олис,
Гурланнинг йўлинда ёнар фонус...

Гурланнинг йўллари йўл бўлгонмикан,
Эгида оқ кўйлак кир бўлгонмикан?!
Манов турган бизин ёрнинг ҳовлиси,
Шамол билан келар Гурланнинг иси...

Хуллас, Розия онаси қилган илтижога энди тушунгандай бўлди. Лекин у алла шунчаки яқин кишиларни, қариндош-дўстларни эсга солиб, юракни сиқар экан, деб ўйлади. Лекин у бу соғинч, бу интилишнинг туб замини қаердан эканини англаб етгани йўқ!

Аллада биз хаёлимизга келтирмаган бонқа бир мўъжиза, муқаддас қудрат, сеҳр бор деган эдик. Алла — онадан ўтган мерос эмас, бизга у — оналаримизга ҳам катта она бўлган она тупроқдан келаётган садо!

МАНГУЛИКНИНГ ЎЛЧОВИ

Бир донадан сўрабдилар:
«Жавоб беринг, бобожон,
Вақтнинг борми тарозуси,
Неча ёшда бу жаҳон?!
Мангуликка биров нарса
Борми қиёс этарлик?!
Қанча кечган ундан, яна
Қанчагача этарлик?!»
Донишманд оқ соқолини
Силаб аста қулибди.
Сўнгра боқиб кунчиқарга
Сирли имо қилибди:
«Инсоннинг вақт ўлчашлари
Вақт олдида ўйиндир...
Фуркатнинг туб ҳикматларин
Пайғаб етмак қийиндир!
Ақлу идрок етмас жойда —
Кўкда бордир бир макон!
Қуён ундан ёғду олар,
Уфқ олар Қаҳқашон.
Ернинг, ойнинг, юлдузларнинг
У туғилган жойидир.
Ўн саккиз минг оламнинг у
Пайванд бўлган ёйидир.
Ул маконнинг қоқ ўртаси
Ғоят юксак Олмос тоғ!
Сиз-биз ўйлай олгандан ҳам
У минг-минг бор каттароқ!
Шу тоғ жумла Мавжудотнинг
Энг маркази бўлади.
Ҳар юз йилда бир мингти қуш
Унга учиб келади.
Тоғ не қадар катта бўлса,
Қуш шу қадар кичкина!
Шубдай ваҳм ерда, дерсиз,

Не қилар бу қушгина?!
Мангуликнинг гарчи йўқдир
Ўз мезон, ўз соати,
Лекин жуда ҳикматлидир
Қушчанинг бир одати:
Ҳар юз йилда олмоғ тоғни
Қушча тавоф этади.
Ҳар юз йилда унга бир бор
Тумнуқ суйкаб кетади.
Қуш шу тахлит кела-кела,
Тоғни қайраб йўқ этса,
Ўтди, деган гап бўлар шу,
Мангуликдан бир **ЛАҲЗА!**»

НУРЖОН БОТИР

Бу дунёда кимлар билан тўқнашмайди йўлингиз,
Кимлар билан эл бўлмайсиз, кимлар билан юрмайсиз.
Гоҳи чидаб, гоҳ чидамай, тинглаб не-не суҳбатни,
Мажбур бўлиб кимларнинг ҳам хизматида турмайсиз!

Юрт айланиб, хон қайтмоқда, ана, мудраб саройга,
Ҳашаматли файтонида, атрофида қирқ навкар,
Ҳазратлари ўйлагандек, бутмас экан бутун юрт,
Ҳамма йўли равон эмас, ҳамма ёғи беҳатар.

Оддий мисол, бирдан унинг лойга ботди улови,
Қуруқликка чиқаролмай қирқта навкар оввора.
Тасир-тусур қамчи, тепки, лой сачрайди ҳар ёнга,
Дабдабадан, ҳашаматдан из қолмади, начора.

Кун ҳам пешин бўлай деди, давом этар талотум,
Қирқ «алпомиш» лой ичида: лой ичида буюк хон.
Худди шу пайт бошқа ёқдан айтиб қўрқмас қўшиғин,
Келиб қолди шу ерларнинг марди — Нуржон, ногаҳон!

Нега уни элу юрти мақтар Нуржон ботир деб,
Бола-чақа, қари-қартанг — барча яхши кўради.
Шошилмайсиз! Ана, Нуржон хон қавмига келар дуч
Ба томоша қилар узоқ! Сўнг қаҳқаҳа уради!

«Вой-бўй, хоним, жон ҳазратим, не кўйларга тушибсиз,
Ёнингизда булар кимлар, қўл-оёғи нопок. лой!
Ҳей, улугнинг ёнидаги ҳафтафаҳм ўлоқлар,
Чиқ бу ёққа! Хоним, айтинг! Ҳей, чиқ, дедим! Бўлинг,
ҳой!»

Хон ҳам ҳайрон! Жонга тегди ахир лойда ўтирмоқ!
Навкарларни ҳайдаб, қани, не бўлар деб кутади.
Нуржон шартта лойга кириб — бориб хоннинг олдига,
«Қани бунда ўтиринг!» деб... елкасини тутади!

Ба қуруққа чиқаради хонни шундоқ опичиб!
Хон хурсанд денг! Лекин Нуржон шу билан ҳам
тинчимай,
Бир навқарни Олтмишбойнинг қўргонига югуртиб,
Обкел дейди файтонини тўртта оқ от қўшиб шай!

Ҳа, бор-йўғи ярим соат. Ҳамма нарса жо-бажо.
Хон обрўси тикланилди. Бой ҳам турар хизматда!
«Йигит, тила тилагингни!» «Қўйинг, гадо эмасман!»
«Яхшиликка яхшилик шарт ахир бизнинг одатда!»

«Менга ҳеч не керак эмас! Майли... кўрган-нетганда
Бир бош ирғаб қўйсангиз бас, «Хўш, Нуржонбой,
қалай?! деб!»
Хон кетади. Лекин энди унда-мунда кўрганда:
«Хўш, Нуржонбой, қалай?!—дейди у Нуржонга бош
ирғаб.

Ҳазил гапми?! Салом берса хондай одам бировга!
Ҳамма ёқда шов-шув, гап-сўз. Ҳатто кўплар келишиб,
Хондан битар ишларини Нуржонбойдан сўрашар,
Совға-салом, ҳатто катта поралар ҳам беришиб!

Нуржон хўп деб обқолади «ҳожатманд»лар не берса,
Сўнгра етим-есирларга тарқатади барини...
Лекин ботир ул қаззоблар учун хонга бормаиди...
Кўп вақт ўтар — битказмаиди «арз»ларнинг ҳеч бирини.

Олир «куйган» бир-иккиси хонга борар чуғиллаб:
«Нуржон каби бир пасткашга нечун эгиласиз, хон!»
Хон, бу — хон-да! Олдирар тез Нуржонбойни саройга,
Қувлик билан дейди: «Тила саломдан бошқа инъом!

Ул ишингга бирон нарса олмоғинг шарт арзирлик!»
Нуржон ўсал йигитми, тез фаҳмлайди аҳволни:
«Хоним,— дейди. Тўлқин солди юрагимга меҳрингиз,
Қутлуғ уйдан қуруқ кетмай... Майли беринг шамолни...»

«Шамолни?!» Хон, аъёнлар лол. «Уни нима қиласан?!»
Йиғилганлар барча уни масхаралаб кулишар.
«Э, ол!»— дер хон. Нуржон эса бўш келмаиди сира ҳам.
«Ёрлиқ беринг, хоним, чиндан Шамолбойни бўлсам гар!»

Қўшигини айтиб Нуржон қишлоғига қайтади,
Куз эмасми ҳамма ёқда ўрим-йигим авжида.

Түхта! Ана Етмишбойнинг дон хирмони кўринди!
Шамолда дон совурмоқда қароллар чанг ичида!

«Хой, Етмишбой! Нега олдинг шамолимни берухсат?!
Бу ёрлиқни хон ҳазратим ўз қўли-ла тутқазди!»
Бой гаранг денг! «Не қилайин?!» «Учдап бири меники!»
Жанжал. Сўкиш. Барн бир ҳам Нуржон амрин ўтқазди.

Олганини шу ердаёқ қаролларга улашиб,
Энди тикка Саксонбойнинг даласига солди йўл.
У ердан ҳам улуш олди — камбағалга улашди.
Халқда гап-сўз, унда обрў ошиб борар мўлдан-мўл.

Бойлар зада. Югуришиб хон олдига келдилар:
«Хоним, сизнинг газнага ҳам бу зарар-ку оқибат...»
Яна Нуржон хон пойида. «Болам,— дейди айёр хон,
Шамолни қўй... Таитримники эркин юрган ҳар неъмат...»

Нуржон дарҳол англаб етар гап нимада эканин:
«Майли, о хон, дер у тайёр. Жоним сизга садага!
Даврингизда энди мен тинч ўйнаб-кулиб юрайин,
Қоғоз қилиб беринг баланд қаҳқаҳани, жон ога!»

«Бу бошқа гап!» Қаҳқаҳага қоғоз қилиб берар хон,
Нуржон ботир қўшиқ айтиб қайтар ошиб қир, даҳа.
«Ў-ҳў! Мама Тўқсонбойнинг қўргони! Нақ жаннат-ку!
Ичқарида базм шекилли! Варанг кулги, қаҳқаҳа!»

Ҳа, бу унга тегинли иш! Нуржон шартта киради!
О-ҳо! Базми жамшид шунда! Дошқозонлар осилган!
Ўн-ўн бешта бойваччалар қимор сулар, қизлар май...
Қаҳқаҳа авж! Бесўроғ-а? Хондан буйруқ ёзилган.

«Бас қилинсин кулги!»— дейди Нуржон чиқиб ўртага
Ва бош узра кўтаради хоннинг зархат ёрлигин!
Ўртадаги уюм пулни жарима деб олади,
«Энди менсиз кўрсатмайсиз тишингизнинг бир оқин...»

О-ла! Бу гап баридан ҳам ошиб туниди чамаси!
Юртда ахир кўп қаҳқаҳа отадиган қани, ким?!
Шу бойлар-да, амалдорлар, ишбошилар, тўралар,
Камбағалга кулки учун ҳеч туққанми ою кун!

Яна бойлар, беқлар зада. Нуржон эмас, бало бу!
Кўтқаринг деб яна хоннинг оёғига ётдилар.

Хушомадлаб, ёглаб, хонни кўтардилар фалакка,
Нуржонбойга қарғиш, санчиш, таъна тошин отдилар.

Яна Нуржон қароргоҳда. Яна ўша-ўша гап!
Хоп бу сафар жилмаймади, қаҳқаҳа ҳам урмади.
Ё кўрқдими, бул жарима солмасин деб ногаҳон,
Лекин гапни жингалаклаб, кўп чўзиб ҳам турмади.

Аммо Нуржон бўш келарми?! Таъзим қилиб кўп чуқур,
Деди: «Хоним, сизнинг давр — дориламон, тенги йўқ!
Ҳамма ёқда Адолат, Ҳақ! Рухсат этинг, ман шундан
Оз-моз ушри кафсан олиб яшаб ётай тинчу тўқ...»

«Адолатдан? Ушр-кафсан?! Ўйга толиб қолди хон.
Нима десин? Йўқ деса, бу — адолат йўқ дегани!
Ноилож «Хўп, бўпти, — деди. — Шундай, майли, яшайвер.
Одамларим энди лекин ранжимасин, бемаъни!»

Нуржон аста уйга қайтди. Лекин энди негадир
Юрагидан қўшиғи ҳам чиқмас эди баралла.
Назарида ё у, ё хон нимадандир янглишди,
Лекин нима масалада? Илғолмади бу палла!

Қисса тамом! Нега дерсиз? Нуржон ахир қаерда?
Шу-шу ундан бирор хабар эшитмадик мутлақо.
Адолатдан кафсан олиб яшайман деб кетганди,
Бойиб жимжит кетдимикин, очдан ўлганмикин ё?!

МУАЛЛАҚ ТЎРҒАЙ

Кўлдан ҳайрон этар бизни
Табиатнинг ишлари.
Барчага тенг бўлинмапти
Имконлари, кучлари.
Бир жойига боқсанг унинг
Ранг, яшиллик уюлган.
Битта жойи сариқ саҳро —
Ҳар нарсадан тийилган.
Ақлу идрок, фаросат ҳам
Гоҳи шундай тақсимда.
Бир жойида оқиллар хор,
Бирда жоҳил таҳсинда.
Зўр ўрмонда ўз ризқин тинч
Ошар экан тўрғайлар.
Ўз қадимий дастурида
Яшар экан тўрғайлар.
Ниятлари — яшамоқдир
Хушбахт, насл қолдириб,
Бекор ишга уннамаслар,
Қанотларин тождириб.
Қон,бу — қон-да ! Унда исён
Уйғонади гоҳ-гоҳо
Ва тўрғайлар қавмида ҳам
Туғилибди ёш даҳо.
Бир куни у кўк сайридан
Қайтиб ўзга шахд билан,
Танитибди қондошларин
Ўзи қилган аҳд билан:
«Жигарларим! Етар энди
Зах ўрмонда бекинмоқ!
Тонг отганда шукур қилиб,
Кун ботганда юкинмоқ!
Ақлимиз бор, кучимиз бор,
Кам йўқ тилда, забонда.
Шундай экан, бизнинг ўрин —

Ерда эмас, осмонда!
Келинг! Қўлни қўлга бериб,
Эртан барвақт турамиз!
Биргаллашиб ўзимизга
Кўкда шаҳар қурамиз.
Барча емиш, ноз-неъматни
Ўша ерга қилиб жам,
Озод, эркин яшагаймиз
Самовотда шод-хуррам!»
Зўр гап! Кўплар шу заҳоти
Бунга тайёр чиқибди.
Кўп ичидан лекин қари —
Бир бузруквор чиқибди.
«Ўғлим, гапинг — орзуларинг
Жуда яхши, қойилмиз.
Қонимиз ҳам кўп эскирган —
Янгилашга мойилмиз.
Лекин кўкда сен айтгандек
Қалъа қуриб бўлмайди:
Само — бўш жой, унга лой ҳам,
Чўп ҳам уриб бўлмайди!»
Даҳо тўрғай қариянинг
Шарт бўлибди сўзини:
«Хурофот-ла бекитма сен
Қавмимизнинг кўзини!
Кўр эмасмиз, ҳув булутлар
Қандок сузиб юрибди?
Ана, кўкда қуёш, юлдуз,
Ой муаллақ турибди!
Мен қурурман ул шаҳарни,
Доғда қўйиб, Кун, Ойин!
Тез етказиб турсанглар бас
Менга настан сув, лойин!»
Янгилик-да! Ҳай-ҳайлашиб,
Ухламасдан кутиб тонг.
Қавми тўрғай бу ғаройиб
Қурилишга урди бонг!
Даҳо тўрғай бир юксакка
Чиқиб турди муаллақ.
«Ишга олга, тез бўл!» ларга
Тўлиб кетди ҳамма ёк.
Бир кун ўтди, ҳафта, ўн кун,
Ўтди шу хил неча ой.

Даҳо тўрғай ҳамон кўкда,
Ҳамон сўрар сув ва лой.
Шунча меҳнат, қон, тер кетди,
Лекин... бирон самар йўқ.
Кўкда ёлғиз «меъмор» бору
Шаҳардан ҳеч асар йўқ.
Буни ҳамма сизди охир,
Элда эллик дерлар кўз.
Чинга ўхшаб қолди бугун
Кекса тўрғай айтган сўз.
Лекин Даҳо ҳамон кўкда —
Ўз аҳдидан қайтмайди.
Бўлмаслигин билса ҳамки,
Бўлмайди деб айтмайди.
Эсиз, шунча эмгак, умр,
Бари кетди билинмай.
Ердаги кўп зарур ишлар
Қолиб кетди қилинмай...
Йиллар ўтди. Бугун ҳам гоҳ
Мен ҳам даҳо бўлай деб,
Кўп тўрғайлар муаллақдир —
Кўкдан чорлар «Сув, лой!» деб.
Қайда агар ул қушларга
Тушиб қолса кўзингиз,
Бу афсона бежиз эмас,
Ишонасиз ўзингиз!

1977

КОМИЛ ХОРАЗМИЙНИНГ МУҲАММАД РАҲИМХОН II (ФЕРУЗ)ДАН РОССИЯ БИЛАН СУЛҲ ТУЗИШНИ СЎРАГАНИ

Хон ҳазратим, Сиз назм таъб, чўх теран назар,
Хоразмнинг тарихида кўп бийик хонсиз!
Сиз раият умидисиз, давлат сарвари,
Ўлка агар осмон бўлса — Сиз Қаҳкашонсиз!

Сизга аён: бугун чархнинг айланмоғида
Юз очмоқда сирли-сирли сифатлар, ҳоллар.
Бугун турмуш дарахтига солмоқда гулув,
Гоҳи агар шўх насимлар, гоҳ қора еллар...

Бугун Жайхун оқмоғида безовталиқ бор:
Хоразмга бош урмоқда нолакор, беҳуд,
Боис шулким, ўнг қирғоққа тирноқ ботириб,
Сувга тумшуқ суқаётир қўш бошли бургут!

У — Ташкентга човут солган, забтига олган,
Самарқандни қанот уриб айлаган вайрон.
Чанғалида ҳалигача буғланиб турар
Кўп қардошлар ўз эрки деб тўккан қутлуғ қон!

Романовлар Русиясин қузғунидир у,
Хоразмга ташлаётир чақчайган назар.
Унинг тўймас кўзларида акс этмоқдадир
Қул ва қарам бир суратда Котдин то Ҳазар!

Кўзларида акс этмоқда, сийму зар талон,
Наслий мерос қўлёмалар ёқилган ва соб!
Кўрмоқдаман, минг-минг йиллик буюк ёдгорлар —
Тарихимиз чечаклари топталган, хароб!

Сизга аён, Самарқанддан сарҳанг Самсонов,
Қандай мактуб жўнатган шоҳ Александрга:
«О, гумбазлар бунда ғашга теккундек юксак,
Энг аввало тенг этмоқ шарт шуларни ерга!»

Шу сингари турли-туман ҳодисотлардин
Гоҳ умид, гоҳ талвасада тошмоқда қонлар.
Қўшинингиз — қилич яланг, қўллар тизгинда,
Буюрсангиз қалбларини этар қалқонлар!

Ҳатто бир тўп бекларингиз дарғазаб, мағрур,
Чорламоқда қатағонли жангларга элни.
Буйруқ, байроқ, барот талаб этмоқда улар,
Ва лекин мен... СУЛҲга қатъий боғладим белни!

Ҳа, ҳа! СУЛҲга! Афв этинг! Изн этинг! Мени —
Эътирозли назарингиз кул этаётир!
Демоқчисиз: эҳ-ҳе, шоир, шумиди, ҳолинг?!
Йўқми бизда келгиндини қувгудек ботир?!?

Демоқчисиз, хўш, Хоразм тарихда қачон
Босқинчидан сулҳ тиланган рийёкор, ялтоқ?!
Ушал шоҳли Искандарга тиз чўкдикми ё
Қутайбага эгилдими бизнинг ҳур байроқ?!?

Демоқчисиз, Султон Санжар Жайхунни бўғди,
Сотмадик-ку, ор-номусни бир кўза сувга!
Фахр эмасми Жалолиддин шернинг тақдири —
Битта ўзи шунча қирғин солгани ёвға?!?

Хон ҳазратим, асослиқдир эътирозингиз —
Аҳд-паймони бутдир юртнинг, бунга йўқ шубҳам!
Аммо қўшини хонликларнинг ушбу борада
Тутган йўли, расамади ҳайронлиғ, мубҳам!

Тошкент беги Бухородан Музаффархоннинг
Кўмагидан, нажотидан воз кечди! Нечун?!
Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам маҳв бўлди ахир, —
Ола оғиз, араз-ғараз бўлгани учун!

Агар, худо кўрсатмасин, қўш бошли қуврун
Панжа ёзиб Хоразмга ташланса ногоҳ,
Замбараклар оловиға берурмизми дош,
Ночор қолсак, ҳолимиздан ким бўлур огоҳ?!?

Ҳеч ким! Ҳеч ким! Қўл етгулик қўшини йўқ энди!
Якка-ёлғиз киражакмиз қиёмат жангга!
Юрт қирилгай, тупроқ ёнгай, дарё қуригай,
Келгиндилар эга бўлиб қолгай ватанга!

Шу боисдан қаршингизда нолон турибман,
Шул боисдан «Сулҳ! Сулҳ!» дея чекмоқдаман ғам!
Бу тадбирда йўқ гурурлар лат егулик важ
Ва аксинча қўп ҳикматлар унда жамулжам!

Хон ҳазратим, сиз шоирсиз, гулнафас, комил,
Дунё сирин очоласиз — бекитиб сўзга!
Сулҳ эмасми — ер ва осмон мувосолиги,
Сулҳ эмасми — дарё бориб қуйса денгизга?!

Бир сулҳ борки — қуёш нури ер бирлан пайванд,
Шундан тупроқ уйғоқлиги, ҳаёт борлиги!
Бир сулҳ борки, унга исм Муҳаббат эрур,
Икки дилнинг бир-бировга шундан зорлиги!

Бир сулҳ борки, қўл ва танбур оралиғида,
Бу бирликдан янграр ажиб сўзсиз дostonлар!
Бир сулҳ борки, номи унинг Дўстлик, Иттифоқ,
Бир сулҳ борки, аҳил-тотув яшар инсонлар!

Ўрис шоҳнинг қўша бошли бургути бугун
Қўп дахлсиз ўлкаларга соларкан соя.
Сулҳ тузсайдиқ, буткул бошқа Русия билан
Танишардиқ, топар эдик собит ҳимоя!

Ул Русия бугун илм аҳлига пойтахт,
Ул — Оврупо маданият авжига кўзгу.
Темир йўллар қуриб берсин, дилгиром, пўшта,
Иттифоқи одил бўлсин, дўст бўлсин мангу.

Муддаоим ана шундай сулҳдир! Ва лекин
Ерим, элим қолар бўлса ўзгага банда.
Сулҳ бор туриб — содир бўлса ҳар қандай босқин,
Мен абадий исёндаман, абадий жангда!

ЭНГ СҮНГГИ ХАЗИНА

Худойберди Дониёрова

I

Кўп қизиқдир кўҳна мозий тақрири,
Кўп қизиқдир унда халқлар тақдири.

Агар кимдир машҳур эса қадимда,
Йўқдир бугун у ҳеч кимнинг ёдинда.

Кимдир кеча хору хасга юрса тенг,
Бугун унинг шон-шуҳрати кўкда денг.

Наҳот ҳеч ким боқий умр олмаса,
Наҳот ҳеч бир зот устувор қолмаса?!

Савол кўндир, аммо чархда тиним йўқ,
Гўё унда ҳеч нарсага қўним йўқ!

Шу тахлитда замин-замон дўништи,
Ҳамма шунга кўништи.

II

Бири катта, бири эса кичикроқ,
Икки уруғ ўтган экан эски чоқ.

Ери, эли беҳад катта бирининг
Ва ҳар жиҳат қўли калта бирининг.

Халқнинг феъли ўз ерига ўхшаркан:
Катта улуғ ялқов, лоқайд яшаркан!

Кичиги-чи, қайнаган қон, ишчан эр,
Меҳнатидан зар тугаркан ҳар кафт ер.

Ёндош яшаб, доим ол-бер қилишиб,
Ҳеч беғараз боришиб ҳам келишиб,

Бул иккови чин қўшнига дўнипти,
Ҳамма бунга кўнипти!

III

Катта мулкка, катта ерга ўчлар кўп,
Зимдан қараб, тиш қайровчи кучлар кўп.

Бир кун улли уруғни ёв босибди,
Нақ роз узра қирғий қанот ёзибди.

Кўп қирибди ёв бепарво элатни,
Бошига ҳам солибди хўп кулфатни.

Хўш, кичкина қўшни-чи, у тийран, қурч,
Ҳим турдими, йўқ, ёрдамни билди бурч!

Шундай қилиб икков бир саф бўлдилар,
Ёвни бирга олқон-талқон қилдилар.

Уруш тугаб, қўшни дўстга дўнибди,
Ҳамма шунга кўнипти!

IV

Мана базм! Ичар икки оқсоқол,
Катта қучиб кичкинани, айтар ҳол:

«Зўр синовдан бирга ўтдик, бердик дош,
Оға-ини бўлдик энди қариндош!

Ғалабада сўзсиз улқан ҳиссанг бор,
Кам-кўстлар кўп... яна сал-пал қарашвор...»

Бу мақтовдан кичик бошлиқ жўшибди,
Тилни тилга, элни элга қўшибди!

«Э, ол!» дебди топган-тутган борини,
Аямабди ҳатто сийму зарини.

Ул оғага, бул укага дўнибди,
Ҳамма шунга кўнипти.

V

Оға уруғ катта-да! Хеч тўймас, денг,
Инича ҳам «илтифот»ни қўймас, денг!

Боғин ташир, донин ташир, чорвасин
Тўйдирмоқнинг лекин топмас чорасин!

Иш не ҳолга етибди денг, алқисса,
Укасига заҳмат ортмиш тўрт ҳисса.

Кўргани ҳам, билгани ҳам даласи —
Шунда ўтар энди ҳар бир палласи.

Санъат, билим, камол қайда, унутдир,
Орзу-армон, хаёл қайда, унутдир.

Ахир нечук пни қулга дўнибди,
Ҳамма шунга кўншити!

VI

Элнинг бутун аҳволидап хабардор
Ишар экан бир донои бузруквор.

Уни олиб эл бошлиққа борибди,
Бориб барча дарди ҳолин ёрибди.

Бошлиқ дермиш: «Биз кичкина — у катта,
Ёвлар кўлдир, ҳимоя йўқ, қўл калта!»

Доно дебди: «Юртга бир боқ, оқсоқол,
Унда ҳали ўзи билмас зўр ганж бор!

Бу гурурдир! У — ҳар қалбнинг қаърида!
Шуни уйғот ҳали имкон борида!

Уйғотолсанг — халқнинг халққа дўнади,
Йўқса буткул сўнади!»

VII

Кўп қизиқдир кўҳна мозий тақрири,
Кўп қизиқдир унда халқлар тақдири.

Агар кимдир машхур эса қадимда,
Бугун йўқдир у ҳеч кимнинг ёдинда.

Кеча кимдир хору хасга юрса тенг,
Бугун унинг шон-шухрати кўкда денг!

Хўш, не бўлди кичик уруғ тақдири,
Бугун қандай унинг ҳоли тақрири?!

Ул эл ўзда гурур пайдо этганми
Ё энг сўнгги хазина ҳам йитганми?!

Қим билади?! Шунча замон дўнгандир!
Балки бордир, балки буткул сўнгандир...

АЖДАР ҚУДУҚ

Бир бор экан десамми,
Бир йўқ экан десамми,
Очдан гапирсаммикин,
Тўқдан лоф урсаммикин?
Йўқ, йўқ, жойин айтмайман,
Борар роҳин айтмайман,
Кўрсатмайман кўйини,
Кўрсатмайман уйини,
Исмини сир тутаман,
Дамни ичга ютаман,
То аҳдимни билмасин,
Ғийбат қилиб юрмасин!
Хуллас, шу атроф жойда,
Тин билмай йилда-ойда,
Ғийбат этиб бор элни,
Сира тиёлмай тилни,
Бир кампир яшар экан,
Ҳаддидан ошар экан.

Мана у бой қўшнисининг танноз хотинини нима деб
ғийбат қилибди:

Отдан гапирмайман, йўқ,
Ётдан гапирмайман, йўқ,
Мен бордан гапираман,
Эр, ордан гапираман:
Ё ўзи нақ ҳезалак,
Ё бойликка жон ҳалак,
Хотинига қарамас,
Эркаламас, силамас,
Шундан ул хоним эрка,
Хиёнаг килар эрга.
Эри-ку, сезиб юрар,
Бағрини эзиб юрар.
Лекин индай олмайди,

Болта билан солмайди.
Нега десанг ул «ўйнаш»
Мингбошига қариндош...
Буни ҳамма билади,
Хатто гап ҳам қилади.
Мен гапирган заҳотим,
Ғийбатчи бўлар отим,
Қўй, қўй, замона қурсин!

Мана у қассобни қандай ғийбат қилибди:

Илойим оти ўчсин,
Тиғи бўйнига тушсин.
Қовурға, ичак-чавақ,
Калла-пойча, бош-оёқ
Аввал гўшт саналмасди,
Тарозуга минмасди,
Энди бари ҳалолмиш,
Тангласалар, уволмиш!
Ҳа, унгаям кўп қийин,
Понсод кўп, кўп хўжайин,
Гўшти шулар олади,
Суяк бизга қолади.
Буни ҳамма билади.
Хатто гап ҳам қилади,
Мен гапирган заҳотим
Ғийбатчи бўлар отим...
Қўй, қўй, замона қурсин.

**Мана кампиримиз бир тўйга бориб, бахшини қандай
ғийбат қилибди:**

Тори синсин илойим,
Қуйи бир куйдир домм,
Янги қўшиқ тўқимас,
Ўтганлардан ўқимас.
Кўзи пулда, ҳамёнда,
Амалдорда, аёнда.
Шуларни мадҳ этади,
Тўтидан ҳам ўтади.
Фақат шунга тил бийрон,
Буни ҳамма билади,
Хатто гап ҳам қилади.
Мен гапирган заҳотим
Ғийбатчи бўлар отим...
Қўй, қўй, замона қурсин.

Ахиран кампирни тартибга чорлаш учун мадрасанинг домласини юборибдилар. Кампир унинг ваъз-насиҳатларини тинглаб бўлиб, шундай деб шаниллабди:

Сен ҳам домулломисан,
Забонинг тилломисан?!
Билиминг йўқ — калдайсан,
Болаларни алдайсан!
Билмайсан — худо қайда,
Биласан — фойда қайда,
Пулсиз қолсанг туллайсан,
Қуръонни ҳам пуллайсан!
Билим одами бўлсанг
Элим одами бўлсанг,
Амалдор бойга эмас,
Камбағалу хору хас —

Жонларга қилгин назар,
Сен-чи, қиласан ҳазар!
Нақ ит бўлиб увлайсан,
Мадрасангдан қувлайсан.
Нега десанг, пули йўқ,
Дуди бору кули йўқ.
Бунн ҳамма билади,
Хатто гап ҳам қилади,
Мен галларган заҳотим
Ғийбатчи бўлар отим...
Қўй, қўй, замона қурсин.

Домла гап билан кампирни енгиб бўлмаслигини англаб, талабаларини уни калака қилишга гижгижлади. Лекин кампир уларга қараб шундай қаттиқ ва кўп гапирдики, биз биргина нарчасини келтириш билан кифояланамиз:

Боламассиз, балосиз,
Қачон гапдан қоласиз,
Домлаларинг алдагач —
Ақлларинг калта, каж.
Ҳеч бирингнинг дининг йўқ,
Илминг йўқ, тайининг йўқ,
Баринг бойнинг ўғлисан,
Баланд жойнинг ўғлисан.
Сиздан чиқар эди ким:
Ўғри, каззоб ё ҳоким...

Домла:

«А? Буларни ё ўғри, ё ҳоким бўлади дедингми?..»

Гап дарҳол ҳокимга бориб етибди. Биласиз, ҳоким аслида раҳмдил, инсофли одам бўлади. Лекин ўзини ҳақоратлаган кимсани жазолани керак-да! Кампирни қирқ минг йилдан бери ёнига биров боришга қўрқадиган, элда «Аждар қудуқ» номи билан машҳур бўлган чуқурга ташлашга буюрибди. Кампир қўрқиб кетиб ҳокимга анча йиғи-сиғи қилибди. Ҳоким эса маза қилиб кулибди, холос: «У ерда бир ўзинг ётмайсан-ку? Жин-ажиналар улфат бўлади! У дунёни ҳам бир бошлаб ғийбат қил...» Шунда кампирнинг жаҳли чиқиб кетибди, бари бир ўламан, деб гапни айтиб қолибди. Кўп гапирибди, хўп гапирибди, ҳокимга айтганларининг ҳаммасини элга ошкора қилмай, биз бир оғизини келтирдик, холос:

Хўш, ёлғонми гапларим,
Ёқмасми талабларим?
Биргина айбинг очай,
Ёлғон десанг онт ичай,
Сен бу юртга бўлгач бош,
Фақат яқин қариндош —
Хешларингни тўпладинг,
«Бошқа»ларни кўпладинг,
Қайда не мансаб бўлса,
Қайда озроқ наф бўлса,
Хешларинг олди қўлга,
Бошқалар дўнди қулга...
Буни ҳамма билади,
Хатто гап ҳам қилади.
Мен гапирган заҳотим —
Ғийбатчи бўлди отим,
Қўй, қўй, замонанг қурсин!!!

Хуллас, бу гаплар энди бефойда эди. Кампир ёмон кунга қолди, «Аждар қудуқ» гоят даҳшатли, этни жимирлатадиган турли-туман ғўнғиллашларга тўла, зах ва қоронғу жой эди. «Тавба!» дебди кампир қудуқнинг тагида ўтириб. «Аждар деганлари катта ва кучли махлуқ бўлади, дер эдилар. Уни гапириб, болаларимизни қўрқитар эдик. Биз билган аждарлар бутун-бутун шаҳарларни, давлатларни эгаллаб, қурбонлик сўрар эди. Дейман, бу махлуқлар ҳам замонага қараб ҳар хил бўлар экан-да! Манов қудуқда яшаган аждар, дейман, фаҳм-фаросатсиз, ўз ҳақини танимайдиган, ҳукмдорлар-

нинг тилсиз-забонсиз хизматкорига айланиб қолган, умри-бўйи эшшакдан баттар хизмат қилиб, охирида етишгани фақат шу қоронғу гўр — саёқ итлар ҳам ҳазар қиладиган ўра — бир бахти қора аждар бўлса керак! Ганим нотўғри бўлса бу жаҳаннам қудуғи «аждар» деган улкан номга муносибми, эҳ дунё, дунё! Мен гапирсам — отим ғийбатчи...»

Кампирнинг гапи даҳшатли бир гулдуродан бўлинибди. Қудуқ ичида гўё момақалдиरोқ тургандай зилзила бошланиб, ер ёрилгандай бўлибди. Сабаби, бу ерда чиндан ҳам қирқ минг йил бурун уйқуға кетган бир кекса Аждар тузроқ остида оромда ётар экан. Қирқ минг йилки, уни ҳеч нарса уйғота олмаган экан. Лекин кампирнинг галати танқиди, таънакор гаплари шўрликнинг жон-жонидан ўтиб кетибди. Аждар ҳаёти чиндан ҳам кампирнинг қарғишидагидек аламли бўлган эканми ё шунчаки ғийбатга чидамасданми, ишқилиб, шарт ўрnidан қўзғалиб, осмони фалакка кўтарилиб, қудуқни тарк этибди.

— Айтишларига қараганда, шу куни ҳаво очиқ экан, лекин бирдан момақалдиरोқни эшитиб, ҳамма ҳайрон қолибди. Биров: «Ана, Аждар ғийбатчи кампирни нариги дунёга олиб кетди!»— деса, биров: «Йўқ, Аждарнинг ўзи кампирнинг гапларидан безор бўлиб қочиб кетган!»— деб гап қилган. Хуллас, шу-шу, бу жойни энди гоҳ «Аждар қудуқ», гоҳи эса «Кампир қудуқ» дейдиган бўлишибди. Бу воқеа қаерда ўтган дерсиз? Айтмайман! Бунинг ўзингиз эслаб кўринг: яшаётган жойингизга яқин ерда «ажина қудуқ», «алвасти гор», «шайтон ўра», «жин тешиқ» каби сирли, хилват жойлар бор! Уларнинг кўпчилигидан ҳалигача гўнғиллаган овозлар эшитилиб туради. Ишонмасангиз, бориб кўринг...

ЁР ТАНЛАШ

«Қизил гул» байрами. Ясан-тусан оломел. Ұйин-кул-ги баравж. Қўчқор уришишлари. Хуққабозлар. Созанда группаларининг тараф-тараф айтишувлари. Йигитлар ўзларига ёр танлайдилар. Одат бўйича бошларига ҳар бири ўзича бир нима кўтариб чиққан қизлардан кўзлари увилмайди уларнинг. Бу нарсаалар гўё қизларнинг ақли, зукколиги, дидидан хабар берган.

Бир йигит, неча наврўз
Юрмай ҳеч ови-дови,
Сайилга кибди бугун
Онаси-ла иккови.
Сайилмисан сайил бу,
Ўз гулингни танла, уз,
Ана, бошда кўзаси —
Келмоқда бир оймқиз.
Йигит одат бўйича
Унга луқма ташлапти:
«Айт, кўзангда не бор?» — деб,
Билагидан ушлапти.
Шундай жавоб дебди қиз:
«Кўза — ризқ-рўз нишони,
Қозон-ўчоқ — уй-рўзгор,
Дилнинг тилак-армони...»
Она мойдек эрипти:
«Айни биз боқ, шуни ол!»
Ўғил-чи, гудранипти:
«Менга керакмас қарол...»
Ўҳ-хў! Анави кимди?!
Юришга боқ, юришга!
Бошидаги чамбари
Тўла олтин-кумушга.
Йигит одат бўйича
Қув бир савол ташлапти:
«Бой экансан!» — деб қизнинг

Билагидан ушлапти.
Мағрур кулипти жонон:
«Йигит, баланд жойданмиз!
Нақ қирқ туя сепим бор.
Ердан эмас, ойданмиз!»
Она мойдек әрипти:
«Ұғлим! Бахт бу! Шуни ол!»
«Қўйинг! Тиллолик уйда
Ухлолмайсан бемалол...»

Она жеркиб ўғлини,
Яна юришса бир оз,
Рўпарадан келармиш
Хўп ясанган бир танноз!
Фаранг рўмол қошинда,
Этиклари амиркон!
Бошга қўйган савати
Гўё уца-атир кон!
Йигит энди бу қизга
Пичинг савол ташлапти:
«Бошингдаги не ҳикмат?»
Деб белидан ушлапти.
Тўсатдан ёт бир тилда:
«Бу — зўр сават!» — дебди қиз.
«Кетдик! Чет тилда сўйлаш —
Маданият!» — дебди қиз.
Она бир оз жим туриб,
Дебди: «Еқса ол, майли...
Маданиятли бўлайин
Шу келиним туфайли!»
«Қўйинг, ойи, ҳеч қачон
Ўз тилимни сотмайман!
Она деган сўзни ҳам
Бошқа тилда айтмайман!»
«Қайсарлигинг қурсин!» — дер,
Тоқати тоқ онанинг.
«Сендай фарзандлар қилар,
Бағрини доғ онанинг!

Сайил-да! Қиз кўп! Ана
Ғоз келар бир дўндиқча,
Бошидаям ул-булмас —
Чорроққина сапдиқча.
Сандиқчаки, лиқ тўлган
Турли-туман мевага.

Йигит киноя қилар:
«Бозоргами, нимага?!»
Қиз уялиб турибди.
Юзга тортибди парда.
«Мева — насл дейишар
Қадимдан ўзбекларда...»
Она мойдек эрипти:
«Келиним бўл!» — дебди шод.
«Уйим болага тўлсин,
Бахтли яшанг умрбод!»
«Нима бўпти, — дер ўғил,
Ҳар бир гапга учасиз!
Ахир ҳамма аёл ҳам
Она бўлар шубҳасиз!»

Жиги-бийрон денг она,
«Пешонангдан кўр, болам.
Бўлди! Тўйдим, чарчадим!
Энди ўзинг юр, болам!
Сайилга бир қара, ҳой,
Минг қиз келар йўлингдан!
Биттасига эр бўлиш
Наҳот келмас қўлингдан?!»
Аmmo йигит бу асно
Қизларнинг орасидан
Кимнидир кўриб қопти
Кўз узмай қорасидан!
Бу ранг-баранг чаманда —
Кўзга тушган ким у, хўш?!
Ҳеч нарса йўқ бошида,
Тағин икки қўли бўш...
Она кўриб ул қизни,
Дебди: «Қилма наззора!
Кўряпсан-ку, у бир зор...
Ноумид бир бечора...»
Лекин йигит ўйланмай
Қизга етиб олибди.
Икки оғиз сўз айтиб,
Кўнглига қўл солибди:
«Одатларни, наврўзни
Наҳот унут қилибсан?!
Бошинггаям ҳеч нарса
Кўтармасдан келибсан?!»

Рост! Қизиқ-да! Атрофга
Одам тўлиб кетибди.
Қиз эса бир тин олиб,
Шундай жавоб этибди:
«Йигит! Қутлуғ бу айём
Эзгу сўзлар сўзланар!
Орзу-армон айтилиб,
Олис йўллар кўзланар!
Муҳаббатим қозонмоқ
Насиб этса гар кимга,
Мен бир умр ўшани
Кўтаргайман бошимга!»

ДАВРОНШОҲНИНГ СУВРАТИ

Эртақларда кўп қадим
Замонлар эсланади.
Кўп қизиқ воқеалар,
Мақонлар эсланади.

Ва лекин баридан ҳам
Олдин Жўржон томонда,
Шоҳ Даврон ўтган номдор —
Ҳам доврўқда, ҳам довғда,

У шундай зўр бўлса ҳам
Гоҳо ўйга толаркан.
«Ўткинчи-да, деб, дунё!»
Минг хаёлга бораркан.

Аммо зерикмас экан:
Ёнда доим аъёнлар —
Иш буюрсанг мечалу
Гап берсанг нуқтадонлар!

Бир куни улар ҳамсўз
Шоҳ қошига кебдилар.
Ялтоқланиб, букланиб,
Шундай бир сўз дебдилар:

«Шоҳим, жарчиларни тез
Элу юртни кездиринг.
Мусаввирни чақиринг,
Расмингизни чиздиринг!

Аяшмасин бўёқ, зар,
Тер тўкишсин фидо жон.
Акс этсин унда сизнинг
Савлат, давлат, мангу шон!

То энди дўсту душман
Суйиб эъвозласинлар.

Тавобда бўлсин унга
Асрлару насллар».

Зум ўтмай, шу хусусда
Етибди элга фармон.
Бироқ қоча берибди
Мусаввирман деган жон.

Бонс, вужуди шоҳнинг
Гўё қуруқ қоратол,
Бир кўзи юмуқ кўру
Бир оёғи калта — дол.

Ким чизар шундай зотни,
Қайси устаси фаранг?
Қандай ифода этар
Қандай санъат, қандай ранг?!

Аммо эски нақл бор:
Тўпдан чиқар туман гап!
Бир чет жойда уч рассом
Яшар экан ранг сайлаб.

Ўсмоқчилаб, биттасин
«Дангалчи», дер юрт-эли.
Қони қайноқроқ экан,
Чўрт кесар экан феъли.

Иккинчиси — Сайқалчи,
Гултаъб, зариф ҳам зукко.
Кўп нохуш ҳолатни ҳам
Чизар экан жо-бажо.

Учинчиси эл, қизиқ,
«Пайсалчи» деб атаркан.
Чунки ҳар бир ишни у
Кўп ўйланиб этаркан.

Шундай қилиб Дангалчи
Отланибди дадил, дов.
Биров оқ йўл, деб қобди,
Қобди афсус деб биров.

Келиб «Шоҳим,— дебди у.
Сиз одилсиз, мен ҳам мард!»

Ва чизибди шоҳ расмин
Қўшмай-олмай битта гард!

Шоҳ сувратга боқиб жим,
«Қойил, дебди, боплабсан!
Қиёфам — ўзим, лекин
Сал... руҳимни топмабсан!

Юртни бошқарурида,
Сочганим чоғ захримни
Авзойим шундай! Аммо
Қайга қўйдинг меҳримни?!

Ахир ҳали бор юртни
Ўлдирганим йўқ-ку, айт,
Бирон ёрим-дўстимга
Зулм этдимми бирон пайт...

Расмингдан мақсад, билдим,
Жиркантирмоқ авомни!
Дор кутади сенингдай —
Фикри бузуқ рассомни!»

... Дангалчининг ўлганин
Айтиб бўлмай ҳам жарчи,
Саройга назокат-ла
Етиб келди Сайқалчи!

Шоҳ расмин у минг алвон
Бўёқларга қорибди.
Расмда шоҳ — ёш ўғлон,
Отда адл турибди!

Яъни, «андак» нуқсонлар
Топибдилар тез барҳам.
Ўттиз икки мучали
Кўринибди соғ ўктам!

Шоҳ қаҳқаҳа урибди:
«Қойил, дебди, боплабсан!
Бунда руҳим бор! Лекин
Сувратимни топмабсан!

Бунда қани жаҳонга
Ларза солган шер юрак?!
Бу бир кулинч, юпқа лаб —
Сузик кўзли ҳезалак!

Бунингни кўрса ёвлар:
«Шуям шоҳми?!» демасми,
Мени ёш ва ёр биллиб,
Қўшин тортиб келмасми?!»

Жаҳл билан шўрликнинг
Бошин обди Давроншоҳ.
Бошқа рассом топинг деб,
Заҳрин сонти Давроншоҳ!

Шошиб шунда жарчилар —
Пайсалчига келсалар,
«Муҳим гап бор, дебди у,
Жиндек сабр қилсалар!

Ҳали тугал этай жам
Ул зотга хос рангларни.
Ўқий-англай ул қилган
Савашларни-жангларни!»

Фурсат ўтиб, шоҳ уни
Келтиринглар, дебди, тез,
У пайсалга солармиш:
«Рангларга мос топай ҳис...»

Шундай қилиб, охири
Муҳлатлар ҳам битибди!
Келиб шоҳ ўтрусиди
У мўйқалам тутибди.

Аста чиза бошлабди,
Рангларга руҳ берибди.
Ҳар бир чизги олиб жон,
Ҳар бир бўёқ эрибди.

Суврат битиб, ниҳоят,
Кўрсатилса шоҳга, оҳ,
Қаттиқ таъсир қилибди —
Узоқ қараб қобди шоҳ!

Расмда шоҳ — сайёдмиш —
Ов завқига чўмилган!
Қўлларида таранг ёй —
Кўр кўзи чирт юмилган!

Чўлоқ оёғини-чи,
Бир харсангга тираб соз,
Шай турармиш отипга —
Кўкда учиб борар роз...

Мамнун бўбди Давроншоҳ!
«Қойил, дебди бошлабсан!
Сахтим — дадил! Рухни-да
Ғоят тетик сақлабсан!»

Шунда сарой аҳли ҳам
Енгил нафас олибди.
Суврат -- баҳона, барча
Шоҳни мақтаб қолибди.

Рассом эса бир четда
Хаёл суриб турар бот:
«Шоҳ, сувратин чизсанг, шарт —
Пайсал, фикр, эҳтиёт!»

1977

УЧРАШУВ

Мен Сизни кечқурун учратдим.
Танишга ўхшади юзингиз.
Аввал, аввал қайда кўришган эдик?!
Ҳа, бу — Сиз!

Ўзингиз, ўзингиз!

Сира ўзгармабсиз!
Қанча вақт ўтди...
Ўша тийран кўзлар. Меҳр, Эътибор.
Ўша куйинчақлик. Имон. Оқибат.
Ўша фидойилик.
Ўша ғурур.

Ор.
Биринчи учрашувимиз ёдимда йўқ.
Унга кўп замонлар бўлди. Қирқ Аср!
Минг йил олдингиси эсимда: Хоразм.
Ўктам пайтларингиз. Етук. Беназир.

Ҳамма хоразмийлар Сизни биларди.
Хизматингизга ҳатто Беруний қарздор.
Бухоро сиз боис номдор бўлди,
Ибн Синога Сиз улфат, сирдош, ёр.

Сўнграқ Яссавийга маҳрам. Мурид. Дўст.
Ўтрор ҳам эсимда.
Темур тўхтови.
Самарқандга қадар йиғлаб келдингиз
Амирсиз тулпорнинг тутиб жиловин.

Улуғбек ҳар юлдуз кашф этганида
Қувончин Сиз билан кўрарди баҳам.
Навоий шеърларини юртга ёйган Сиз,
Сиз уни дўст этган Бойқаро билан.

Сизсиз битган эмас шоҳларнинг иши,
Оддий фуқаро ҳам сиздан хўп бурчдор.

Ўтган асрларнинг ёдгорларида
Сизнинг ўлчаб бўлмас эмгагингиз бор.

Кўп замон тўнимоқ, талон, беэга,
Нурдан четда ётган чоғи еримиз,
Инқилоб деган гап чиққанда
қўрқмай,
Зора! Деб сўнги ризқ-рўзни бердингиз.

Уруш йиллари ҳам кўрардим Сизни,
«Биздан қурбон кўп...» деб гап бўлардингиз.
Асл йигитларни йиглаб кузатиб,
Етимларни кулиб қаршилардингиз.

Мен бугун қишлоқда учратдим Сизни,
Жуда, жуда таниш юзингиз.
Исмингиз нимади, ҳалиги? Аттанг...
Ҳа, бу — Сиз!
Ўзингиз, ўзингиз!

Гарчи БМТда рўйхатда йўқсиз,
Маҳаллий доврўқлар таратмоқдасиз.
Пахтанинг камтарин тангриси бўлиб
Оламга текин нур тарқатмоқдасиз.

Лекин ўзгармабсиз...
Қанча вақт ўтди.
Ўша тийран кўзлар. Меҳр. Эътибор.
Ўша куйинчақлик. Имон. Оқибат.
Ўша фидойилик.
Ўша ғурур.
Ор.

Шаҳарнинг ҳам миллион қиёфаси бор,
Лекин сизни кўрсам танийман дарров.
Битта назарингиз менга кифоя —
Рухимга ёйилар анор гулли олов.

Юртда зўр кишилар етишсин дейсиз,
Ҳар бир ёш ниҳолни севиб суясиз.
Аралаш-қуралаш асрда халқнинг
Мағзи пок қолсин деб қуясиз.

Кимсиз?

Танитишга ҳожат йўқ асли.

Исмнингиз шеъримнинг жисми жоннда.

Жойингиз ҳам аниқ:

Сиз мангу борсиз --

Ҳар бир асл ўзбек хонадонада!

1978

* * *

Қайдан келиб қолдинг, қайин, оқ қайин,
Бу турфа дарахтлар тиғиз ўрмонга?!
Нега керак экан нозик вужудинг
Бу қорлар мулкига, бу қаҳратонга?!

Бир ёқдан жодугар игнабарг арча
Чимчилаб-чақишга уринса зимдан,
Бир ёқдан чўнг эман зугм этар сенга,
Беҳаё қарағай ялангочлар тан.

Агар туғилганинг рост бўлса шунда,
Жиндек шаббодага титрарсан нечун?!
Қора тамға ўйиб кумуш баданга,
Нечун оқизарлар кўз ёшингни хун.

Амир ҳарамда тутқун қиз рақсин
Қизлархон қайғули этгандек ижро,
Ўрмон саҳнасига сен — оқ рақдоса
Биргина лаҳзага чиқдингмикан ё?!

Инжа ўхшатмалар кўпдир.

Лекин сен
Бу қора ўрмонда ёлқинсан мағрур!
Не сўз?!

Авалдан-да поклик, нафосат
Шундай шаронгда яшашга мажбур.

1978

СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

1

Сен ошпоқ кўйлақда
қорасоч —
Тушимда кўриндинг ёш пари
Ва бор-йўқ хотирот оламим
Чекинди руҳимдан ташқари.

Ким бўлдинг? Танимни осмондан
Қуёшга нур қилиб элатган!
Ким бўлдинг? Мудроқ бу танамда
Саноқсиз дарахтлар гуллатган!

Бу сенсан, Муҳаббат, танидим,
Ўйлаган, кутганим, деганим.
Лекин сен, наҳотки, биямадинг,
Бу — бир туш, уйқуда эканим?

На орзу этолмай бир бўса,
Изҳорга на бир сўз узилмай,
Туш бирдан узилди...

Армонлар
Қолдилар қатлари бузилмай.

Лекин сен келишга ваъда бер,
Майлига, тушимда, бир замон —
Муҳаббат, мен сени кутаман,
Кутаман, уйғонмай ҳеч қачон!

2

Ўқий олмас бўлдим китоблар,
ҳарфлар кўзга аранг кўринар,
фақат сенинг чеҳранг кўринар,
сўзлар достонидан кетиб.

Чаман кезсам энди тинчим йўқ,
на капалак, на ранг кўринар,

Ғақат сенинг чехранг кўринар,
гуллар бўстонида кетиб.

Оқшом кўзни юсам ҳам шу ҳол,
кўкда ялт-юлт бир жанг кўринар,
Ғақат сенинг чехранг кўринар,
юлдуз осмонидан кетиб.

Муҳаббат деб келдим дунёга,
ошиққа ер-кўк танг кўринар,
Ғақат сенинг чехранг кўринар,
дунё ҳар ёнидан кетиб.

3

Тақдир, нега ишқнинг икки юлдузин
Бир қутлуғ айёмда этдинг бунёд,
Қуюн, чочинларга ташладинг бизни,
Тиниқ бир осмонда қўймадинг озод?!

Тақдир, нега бизни замондош айлаб,
Бир ҳаёт тузини кўргизиб баҳам,
Бир бор тўйдирмадинг лекин дийдорга,
Уни ҳам, мени ҳам этмадинг хуррам?!

Нега бир тупроқда бериб таваллуд,
Бу жаннат диёрда бор этиб бизни,
Ер ости, ер устин ганж этдинг,

лекин

Айтишга қўймадинг энг муҳим сўзни?!

Нега бу минг йиллик помдор шаҳар —
Бағри шарқу ғарбга очиқ бир макон,
Топиб беролмади иккимиз учун
Ё бир йўл, ҳеч қурса, битта ошиён!!

Чақин, камалаклар дарғаси, тақдир,
Қисматлар қомусин битганинг маҳал,
Аввал юракларга боқ, титраб турган,
Муҳаббат йўллари раvon эт аввал!

4

Кўп кезма дарахтзор боғлар ичинда,
Дарахтлар дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Чорласанг келолмас, ёниб қучолмас,
Сен Ғақат менинг бўл,

меники

менинг.

Кўп қолма жаранг сув булоқ бўйинда,
Булоқ ҳам дил дўстинг бўлолмас сенинг.
Қайнашим чашмадан теран жойдандир,
Сен фақат менинг бўл,
 меники,
 менинг.

Кўп титма муҳаббат китобларини,
Китоблар дил дўстинг бўлолмас сенинг,
Бу ишқнинг тарихи менинг қалбимда,
Сен фақат менинг бўл,
 меники,
 менинг.

5

Турмушнинг йўриғи бонс гоҳида
Кутганларинг қилмас саховат, карам.
Шундаям орзуим ўзинг бўлгансан,
Қишдан яратганман ўзимга кўклам.

Бир кунлик насиба пойида қушлар
Ерга минг бор чумдук урсалар сарсон,
Мен кутдим лабингдан бир тоғишни зор,
Сўнг минг йил яшай деб масту беармон.

Кундуз — ҳамма нурдан кўзи тўқ чоғлар
Юлдузларни ҳеч ким олмас ёдига!
Сен сиёҳ сочингни ёй учқунлатиб,
Кундуз ҳам туш кўрган сениқ отига...

Ким қандай кун кўрса кўрган замон бу,
Шоирнинг ҳолидан кулма, илтимос:
Хаёлдир ягона овунчи унинг,
Тириклик манбаи орзудир, холос.

6

Қуёш тонг олидида қизарган каби,
Ғунчалар қисиниб юз ёрган каби
ийманиб келасан,
очилолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Кўлингда Зухрадан гўё бир хат бор,
гўёки Лайлидан мерос қисмат бор,
минг йиллик ёзғутдан қутулолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Азизим, юлдузлар фалакда бахтли,
инсон ўз қалбида —
юракда бахтли...
Сен сира ўзингни нурга солмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...» дейсан.

Гулим, «ўша»ларга ўчма-ўч очил,
сенинг учун бугун боғлар бўш, очил.
Уларни қўявер, улар қолмаслар,
чунки бизлар каби сева олмаслар!

7

Турналар учди,
Булутлар кўчди.
Оғочларнинг барглари
Ерлара тушди.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Баҳорингни бермагил куза,
Табассум қил!

Нечун ой йўқдир,
Нурга жой йўқдир.
Ёшли кўзинг бор,
Жўшқин сой йўқдир.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Ёш ярашмас бу чақмоқ кўза,
Табассум қил!

Жавобсиз сўзим,
Зор ўлди кўзим.
Дардинг надир, айт,
Жон тутай ўзим.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Ғам тушмасин бу ширин сўза,
Табассум қил!

Қўзғолсин тоғлар,
Чайқалсин боғлар.
Қуёш юзиндан
Йўқолсин доғлар.
Ғамгин кўрдим сени бу кез-а,
Доғ ярашмас бу оппоқ юза,
Табассум қил!

Ногаҳон деразам чертилар.
Келган ким? Айни тонг не сазол
...Ёзаман деб хатлар,
ёзмади.

Кимди у? Э, сенми, хуш сабо!

Сабожон, бор ўшал боғ томон,
Гулларни гапга сол таманно.
Келтиргил ифорли хабарлар,
Бор, содиқ сирдошим, хуш сабо.

У бармоқ текизиб жунжиккан
муз булоқ устида бўл пайдо.
Оппоқми сув ости тошлари,
сўзлаб бер, жон дўстим, хуш сабо.

Бор! Унинг дарчасин тўсгувчи
ичковак толни эг, сол гавго...
Оқ қоғоз ётарми сўрида,
ўсма-чи, қалам-чи, айт, сабо?

Фазони бўйлайди йўлдошлар,
Ер билан сўзлашар Ой, Зухро...
Шу яқин, сас етар бир жойдан
Менга ҳеч хабар йўқ, хат... сабо...

Соғиндим мен сени.

Кўргим келади,
Лекин айтолмайман ҳеч кимга буни.
Шаҳар гуж тош ўрмон. Бошимга тушган
қуёшга талпинган оғочнинг кунни.

Соғиндим. Кун-тунлар қатланди қалбда
Рангин ипаклари соғинчининг.

Агар
ёйсам йўллардаги симёғочларга
зорланиб етарди Самарқанд қадар.

Соғиндим, жаҳонда балки ҳеч бир тил
ҳижронни мукамал ёзганмас ҳали.
Қадим ёзмалардек ул кунлар йитди,
бир сўзингни эслаш олам тасалли...

Дарахтман. Мен миллион япроғим билан
боқаман зор титраб сен келар кунга.
Соғиндим мен сени.

Кўргим келади,
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга.

10

Умр ўтар, вақт ўтар,
Хонлар ўтар, тахт ўтар,
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

Баҳорда боғ на гўзал,
Қор тушса тоғ на гўзал,
Бу ёшлик чоғ на гўзал,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли,
Дўстлар кўпдир вафоли.
Ҳаёт шундан сафоли,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Сокин сўзлашларинг, пинҳон излашларинг.

Умр — йўл, қайрилиш кўп,
Учрашиш, айрилиш кўп,
Унутиш, айтилиш кўп,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан
Ўша кулишларинг, ўша келишларинг.

11

Мумкинми,
мен бугун кетар чоғингда
Эсдаликка бирон нарса сўрасам?
Бир илинж истайди юрагим сендан,
Фақат юпатмагил ва ичма қасам.

Энди учрашувлар бўлмас, биламан,
Бир кунда тўрт фасл эврилмас энди.
Ғийбат қашқирлари, ҳасад итлари
Энди очдан ўлинг, кетинг, бас энди...

Мумкинми, мен сендан кетар чоғингда
Эсдаликка бирон нарса ўтинсам?

Узун қора сочинг кўздан узилди,
Хўпми, узун тунга ҳамдард тутинсам?

Бир ўхшамас қилиқ қилсам ногаҳон
Гир-гир ёш айланган ул кўзлар қани?
Қани

ул қипи, кузнинг захридан зада —
Орзу қушларимнинг осуд маскани?
Сенга не бердимки, бу соат яниб
Қалбимга бир овунч қилурман тама?
Кетма деб айтишга ҳаққим йўқ ахир,
Хайр дейишга ҳам қўймас бир нима...

Чунки саргак ёғду, хушвақт руҳ билан
Мен туйдим, биламан, сезасан сен ҳам:
Бизни учраштирди сирли бир Шодлик,
Энди айирмоқда англаб бўлмас Ғам...

Илинж шул:

кўр тақдир ажратса ҳамки,
Пинҳона қовушган икки туйғуни,
Менинг юрагимдан узолмас асло
Сендан ёдгор қолган нурли қайғуни...

12

Миллион жажжи фонус ёқди дарахтлар.
Қамалак. Яшиллик. Ёмгир юз фоиз...
Имон келтиргайман аммо —
бу боғлар
ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.

Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди наврўз,
гул билан қитиқлаб карахт танини.
У сени кўрсатди менга.

Ва билдим
юрагм қаерда жойлашганини!

Оҳ, баҳор! Замиининг сўз эркинлиги!
Майсалар куйлашар кўкка ўрлашиб.
Шу буюк қувончга жўр бўлдик биз ҳам
лабларим лабларинг билан бирлашиб.
Умр нима ўзи!

Имон келтирай,
ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён:
Севги ила маъсуд онларни ўйла,
асил умр шулдир. Қолгани — ёлғон...

ДАЛА ШИЙПОНИДА УХЛАЁТГАН ГЎДАККА

Дерларки, кишининг бош миясида
Ҳар доим ишларкан бир томир бедор.
Шу боисдан одам талай гаплардан
Ҳатто уйқусида бўлар хабардор.

Шу йил ёзда қайбир учрашув чоғи
Чамамда — Наманган, овлоқ шийпонда,
Ногоҳ кўзим тушди бола эмизиб,
Шеър тинглаб ўтирган ёш бир жувонга.

Бош солиб тингларди кекса деҳқонлар:
Ёшларга ҳам жуда мос эди сўзим.
Лекин ёнгинамда тинч ухлаб ётган
Шу гўдакда бўлди кетгунча кўзим.

Бир яшарми ўғлон, бошида дўши,
Эғнида банорас кўк камзулчаси.
Оқ мрамар устига қўйилган гулдек
Она кўкрагида жажжи қўлчаси.

Мен шеъримда айтдим, тупроғимизнинг
Тарихида турфа тонглар отганин.
Талашу тортишлар задалаб, кўп вақт
Ҳақиқий бир эга кутиб ётганин.

Мен айтдим, исёнкор, ҳақ сўз шоирга
Қисмат гоҳ шафқатсиз ҳукм ёзганин.
Халқимнинг нодиму машрабларини
Ё майиб этганин, ёки осганин.

Мен айтдим арслонвор Ғафур Ғулومнинг
Давримизга солган гулдиросини.
Қуёшни олқишлаб, сўнг чақмоқ сўз-ла
Ёрита олганин булут остини!

Айтдим, бир эртақда тангри таолло
Ўлкамиздан олган жаннатга улги.
Беҳиштий мевалар, оби ҳаёт — сув,
Самовий мақомлар — бари минг йилги.

Мен айтдим, ер шари юмалоқ тамом,
Вақт ҳам ҳамма ерда бирдай югурик.
Аммо ё осмон паст, ё ери баланд —
Хоразм тунда юлдузлар йирик.

Айтдим Бухорода қўзичоқларнинг
Териси ҳимралиб ёнса шуъладор,
Билинги, уларда ер остидаги
Беҳисоб конларнинг ҳоври — акси бор!

Самарқанддан айтдим, айтдим Тошкентдан,
Айтдим Абулланинг шаҳри сабзасин.
Гўдак тинч ухларди.
Пахтазор ели
Неча бор кўмарди шоирнинг сасин.

Дерларки, кишининг бош миясида
Ҳар доим тураркан бир томир бедор,
Ўша боис, одам талай гаплардан
Ҳатто уйқусида бўлар хабардор.

Мен шеър айтмоқдаман.
олис шийпонда
Гўдак ухлаб ётар. Дала — беланчаги.
Илтижо қиламан, ўша бир сезгинг
Бедор бўлсин,
ухлаётган укам —
КЕЛАЖАГИМ!

1979

ПЛАЙНЗЛИКЛАРНИНГ ANТИҚА ИРИМИ

Плайнз шахрида,
 бир дўкон ичра,
Деворда
 дунёнинг харитаси бор.
Нечундир, унинг кўп нуқталарига
Игналар қадалиб ташланган бисёр.

Сотувчи қиз кулиб,
 игна улашиб,
Тушунтирди бизга расм-қаъдасин:
— Сайёҳ қайси юртга қайтмоқчи бўлса,
Ўша жойга, мана, игна қадасин!

— Оббо!—деб, камина қизга жавобан
Бир фалсафа сўқдим бурмай-бўймай.
— Ҳа, сиз кўпларни ўз она-юртига
Игна тиктирасиз зимдан, аямай...

— Йўқ, — деди қизгина.—Сиёсатмас бу,
Бу бир яхши ирим, анъана, ният...
— Хоним,—дедим унга.—Бу тахлит ишлар
Кимгадир анъана, кимгадир қисмат!

Юртимнинг қалбини бир бор кўрсайдинг,
Найзалар ўрнини, мишглаб, битмаган.
Доро, Искандарлар тиғ урган унга,
Энди мен санчишим гўё етмаган...

Океанлар косадан чиқарди, кўрса —
Унда чингизхонлар тўккан қонларни!
Айтмайман, тож-тахт деб ҳатто ўз эли
Қиличдан ўтказган не-не хонларни...

Кеча Европани ёндирган Гитлер
Ўзбек тупроғида отмаса-да ўқ,

Қўроғошиндан оғир қора хатлардан
Унда бағри бутун бир хонадон йўқ!

Эзгуликка бўлса ҳар ирим жоиз,
Ҳар тушни яхшига йўяр халқимиз,
Бир кўз харитада, бир кўз игнада,
Юрт сари довланиб турар қалбимиз!

Баландпарвоз сўзлар десанг де буни,
Қани Ўзбекистон?! Қадай чуқурроқ!
Юртга игна санчмоқ нечоғлик оғир,
Лекин қайтиб бориш истаги зўрроқ!

1979

КЛОД МОНЕ ЧИЗГАН МАНЗАРА

Асқад Мухторға

Қаер бу?!
Оқ-кулранг бұшлиқ.
Буг.
Туман.
Ё туз конларими?!
Балки юпқа қор?!
Ё оқор чапланган қуруқ холст, бұз?!
Аниқ эмас. Лекин нималардир бор?

Бошқа залга ўтиб кетди ҳамроҳлар.
Биягим келди бу лавҳ сирин, англагим.
Ўриңдиққа ботдим.
Ёшимга чўкди
Чет тилда ганирган яна алмаким.

Сукутда,
упутиб атроф-оламини,
Идрокнинг ёритиб қабатларини,
Аста илғай бордим оқ-кулранг сатҳда
Ажиб манзаранинг жиҳатларини.

...Нафис тонг ипаги.
Титроқ симоб кўл.
Ой нурын ёпинган боғ тинч уйқуда.
Кўлда эса акси...
Бу гўзалликни
Бир не бузмаса деб қотдим қўрқувда.

Йўқ, йўқ!
Бу илоҳий ҳаё гўшасин
Рассом зап бекитган бериб ранг ўйин.
Бу шошқин одамлар, бу тезкор аср
Унга етиб бориши қийин!

1979, Нью-Йорк, Метрополитен-музей

* * *

Нью-Йоркда менадан бир зот,—
Ўзиям сал меровми,
«Ўзбек қандай халқ?—деб қолди,
Тошкентинг, бу — Московми?»

— Наҳот, дедим, эсдан чиққан
Аму ва Сир дарёлар.
Инглизлар оз борганми
Авраб пахта, тиллолар!

Қитъангизни минг йил бурун
Бобом очган, биласиз...
Бугун нечук боримизни
Билмаганга оласиз?!

Азизим, мен бор тарихни
Чўтга солиб турмайман.
Шарт кесамап. Хаёлингда
Оқ қасрлар қурмайман.

Кўп қирғинлар кўрган халқ у,
Ёмон кўрар урушни!
Сал бўш қолса, дарров бошлар
Уйми-қўрғон қуришни.

Кўп ёв босган, вайрон этган
Экин, тикин, қазувин,
Шаҳарлари, ёдгорларин,
Ҳатто тили, ёзувин.

Лекин ҳар гал ўнглолди,
Ўчмай тарих қатидан.
Демак, ери асрар экан
Эл доврүгин ёдида!

Қиндик қони томган жойга
Ўзбек пайванд миллатдир.
Юртдан чиқса, бир кафт тупроқ
Олиши зўр ҳикматдир.

У — шоир халқ. Аранлардан
Дуо кетган дейдилар.
Ҳам шоҳи, ҳам гадосига
Асар теккан дейдилар.

Ҳатто гап бор: — Жаллоди ҳам
Кесар чоғи бошингни,
Байт айтarkan: «Қўлим енгил,
Оқизмайман ёшингни...»

Ишқилиб ўз шоирларин
Билади ва суйди.
Ҳатто ўғил-қизларига
Исмларин қўяди.

У бастакор — «Шашмақом»да
Бор-йўқ орзулари жо.
Биронта ҳам ҳарбий қўшиқ
Ёдлаган эмас аммо!

Мақон тутган жойини у
Боғ қилмаса, тинмайди.
Яқинидан сув ўтмаса,
Йўл тушмаса, кўнмайди.

Йигитлари сал кершса,
Бир вулқон куч йиғади.
Хотинлари, қўйиб берсанг,
Ун бешгача туғади!

Жуда ёмон кўради у
Ур-йиқитни, навбатни.
Буни ўйлаб чиққанларга
Ёғдиради лаънатни.

Унда, рости, андаккина
Танбаллик ҳам йўқ эмас:
Ейиш-ичиш, ош десангиз
У ҳеч қачон тўқ эмас!

Тўй-базмга улоқчи от —
Ҳаби бəтинч, дуркун-да!
Умри бўйи йиққанини
Улашади бир кунда!

Сизнинг фермер пахта экса,
Икки тергач, ташлайди.
У — чаноққа қор тўлгунча
Далаларда қишлайди.

Баъзан дунё — сиёсатдан
Гап ҳам олиб қолар у!
Жаъми «оқ уй-кўк уй» ингни
Битта қопга солар у!

Америка десанг, бугун
Дунёнинг кўп жойида
Кўплар шошар — эсдан чиқиб
Миллат, ватан, қоида!

Америка чиндан зўр жой,
Лекин сал-пал қайтамап!
Энди сенга халқимнинг энг
Зўр хислатин айтаман!

Шу пайтгача ҳали ҳеч вақт;
Текшир олди-ортидан, —
Америка деб бирон ўзбек
Кечган эмас юртидан!

ЖАВОБ

Ёмонликка ўргатмайман болаларимни,
Мижозимга юртпарастлик, тарафкашлик ёт.
«Биз ўзбўклар ундай халқмиз, бундай халқмиз!» деб
Сўзларимга уламайман кибрдан қанот.

Юртимизни мафтун кезиб юрсак ҳар доим
Болаларим мени тинмай кўмар саволга.
Наманганда, дейлик, учрар Искандар қўрғон,
Дарҳол таъриф беришим шарт фотиҳи золга.

Бухорода яхши маълум Арабон қалға.
Хоразмда — Чингизтепа, булар жуда кўп.
Тарихдаги қони қотган яралар булар,
Булар юртга ҳуснбузар, кўзга тушган чўп.

Болаларга эрмак энди бу харобалар,
Уюм хокдир бир пайтдаги дарбадарлари.
Тепаларни тепкилашиб ўйнар болалар
Ҳайвонларга қўнган митти қушлар сингари.

Минг бола ҳам бир бола-да! «Нега?», «Қим?»,
«Қандай?»

Қаби бир хил саволларга асирдир улар:
Билиши шарт — дўст деб кимга айтилишини,
Билиши шарт — босқинчи деб кимга айтилар.

Сир эмасдир, тупроғимда истилолардан
Неча минг бор қайтарилган қиёмат, маҳшар,
Қақнус қушдек, парларидан оҳанг таралиб,
Ўз кулидан тиклангандир халқим ҳар сафар.

Мен шуларни босқинчи ё келгинди, десам,
Ўйлайманки, миллатчи деб сўкмас бировлар.
Ёмонликка ўргатмайман болаларимни,
Ҳар бир юртни тинч қўйсинлар фотиҳлар, ёвлар.

УЧИНЧИ ДАРЁ

Отажон Худойшулуровга

Гоҳи мен Сирдарё сайлига борсам,
Кўнглимга келади қизиқ бир туйғу:
Гўё шу яқин бир жойдан ўтгандай
Сирдарёдан кўра катгароқ бир сув!

Шу ҳолга тушаман Хоразмда ҳам
Буюк Амударё бўйида туриб.
Гўё Жайхунда ҳам баҳайбат наҳр
Яқингина жойда оқар ўкириб.

Бу нима?!
Кўринмас қандай оқим бу?!
Ерданми, кўкданми келар бу садо?!
Наҳот, тупроғимда, кўзга ташланмай,
Оқиб ётар улуг Учинчи дарё?!

Билмадим.
Мени кўп таъқиб этади
Шу сирли акс-садо, шу илоҳий ун!
Жуда юксак бўлар Руҳим шу кезлар,
Вужудим заминга жудаям яқин...

1979

ЁЗУВЛАР

Ёзувларнинг тарихи узун,
Тош асридан балки нарида,
Илк белгилар, илк хатлар учрар
Форларда, тоғ қирраларида.

Мен лотину ҳинду славян,
Не тур ёзув бўлса дунёда,
Ҳаммасини азиз тутаман,
Нурга чорлар куч бор имлода.

Бу борада ўзбеклар ҳақда
Олимларнинг қатъий сўзи бор:
Эрамиздан аввалги ўша
Ўрхун хати аталган ёдгор.

Қайси элни ёв босиб, лекин
Бирданига ўзгарса хати,
Тарихига путур етаркан,
Кўп нарсанинг ўчаркан оти.

Ўн уч аср бурун забт этди
Оташпараст элимни араб,
Ўт берилган обидалардан
Қуёш ёнди, ой куйди қараб...

Ўн уч аср араб хатида
Ёзиб келсак ҳамки тесқари.
Шу хатни расм этганлардан ҳам
Ўтиб кетдик жуда илғари!

«Қуръон»дан бир сура билмаган
Жойларида бугун дунёнинг
Форобий ва Беруний таниш,
Китоби бор ибн Синонинг!

Мен сўкмайман араб хатини,
У ҳам турсин тургунча жаҳон,
Лекин жоҳил кимсаларга у
Бир анъана қолдирди ёмон.

Бугун халқим, хати ўнглиниб,
Тик боқса-да келажак сари,
Гапни тўғри ёзолмас кўплар,
Кўплар ҳамон ёзар тескари!

1979

* * *

Бир оз маъюс тортиб иқрор бўламан:
Баҳор келди дейиш шодлигу тугал,
Майин изтироб ҳам бор лекин бунда,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал.

Бир боқсам, салласи қийшайиб тоғнинг,
Тили чиқиб қопти кам сув булоқнинг,
Юки оғирлашмиш шийдам бутуқнинг,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал.

Ўжун ёшишгандай қаҳрабо, тошга,
Ўл бўйи тўлибди минг турли қушга,
Янгидан ўт кетган гўё қуёшга,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал.

Изғирин ўрнини саболар олмиш,
Қарғалар ўрнини гўёлар олмиш,
Яланғочлик ўрнин ҳаёлар олмиш,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал.

Яшиллик мен дея, ерданмас, ногоҳ
Гумбазга дарз солиб унибди гиёҳ,
Тарихни бузмасдан қил қилсанг ислоҳ,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал!

Гоҳо тонгингман деб, ёшлик чалғитар,
Сув бер, боғингман деб, даштлик чалғитар,
Юлдуз менда деб, тун — бўшлиқ чалғитар,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал!

Баъзан, баъзан айнаб туришинг ёмон,
Ожиз, нимжонларни қиришинг ёмон,
Селни водийларга буришинг ёмон,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал.

Биламан, фасл тез ёзга алмашар,
Гулларни кунлик ризқ-рўзга алмашар,
Бу демак, кўпини озга алмашар,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал!

Аслида, хаёлдек ҳурдир табиат,
Аслида, биз билан бирдир табиат,
Аслида, сўнгсиз бир сирдир табиат,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал.

Умримга сен чиндан дўст фасл бўлсанг,
Қуруқ умид эмас, туб, асл бўлсанг,
Бир лаҳзалик эмас, муттасил бўлсанг,
Баҳор, кимлигингни аён эт бу гал!

Қўлинггни қўлимга чўз, илдиз отсин!
Қалбимга ул ишқли кўз илдиз отсин,
Ерда тинчлик, эзгу сўз илдиз отсин,
Баҳор, қудратингни аён эт бу гал!

1979

АМИР ОЛИМХОННИНГ СЎНГГИ ИЛТИМОСИ

Бухоро шавкати саргардон ташлаб,
Афғонда қартайиб, кўр бўлган амир
Ўғилларин чорлаб:

«Жайхун бўйига

Мени бир элтинлар...» — деди мунтазир.

Яна у айтдики: «Она дарёнинг
Сўнг бора туяйин шахтин, нафасин.
Эргаштириб келса зора тўлқинлар
Юртимдан бирон-бир нарсанинг сасин...»

Тарихда —

бу чархи ўйинкор шоҳид —
Улоқ-талаш бўлган Бухоро — замин
Қабул этдимикан ҳижратда юрган
Сўнгги амирининг сўнгги истагин?!

Неча вақт айш суриб тахти олийда,
Айланганин кўрмай даврон шиддаткор,
Салтанат тизгинин шамолга ташлаб
Қочган зотнинг юртдан не тамаси бор?

Кечикиб бўлса ҳам кўрмоқчими ё
Дарё қирғоғига жим эгиб бошни,
Тўлқишларнинг тарқоқ қобирғасидан
Халқнинг юрагини — улкан Қуёшни?!

Лекин

«Амир келди!» деса,

дарёдан

Чиқмасми кўк сари солиб оҳ-фарёд,
Ҳарамлар, зиндонлар, таъқиблар хасми —
Хуқуқсиз, бебаҳра, тўзгиган авлод!

Халқим! Тилсиз бардош ҳам умид билан
Қимшики кўтарсанг тахти аълога,
Ҳали кўзлари кўр бўлмасдан бурун
Тавофга олиб бор Амударёга!

ТИЛСИЗ НАРСАЛАР

Олимлар айтарки, бир гулни узсанг,
Бошқалари эслаб қоларлар аниқ.
Лекин фoш этолмас қотилни улар,
Тилсиз тўлғанарлар ғазабда, ёниб...

Эмиш бир ёғочни кессанг ўринсиз,
Бир кўлни қуритсанг, кўмсанг бир жарни,
Тили йўқ — бир нима дёёлмас замин,
Лекин эслаб қолар ҳарки амални.

Олимлар айтарки, табиат ўзи
Наботат, махлуқот дунёсин ғоят —
Эркин бир меъёрда бору йўқ этар,
Четдан зуғум этмак сўзсиз жиноят.
Бугун арра,

карбид,
аэро билан

Не ишлар қилмаймиз—ерга озорлик!
Биз-ку, огринмаймиз,
ер ҳам воҳ демас,
Лекин зил сукутда қолади борлиқ.

Оҳ, ёмон сукут бу!
Ҳазир бўл, одам!
Дилни аллаенинг босар ваҳмаси:
Ҳимоятсиз кўриб хўрланганларинг
Тилга кирмасайди бир кун ҳаммаси...

1980

* * *

Қайси йил кўкламда — Жайхун бўйида
Идрок этиб турсам атроф — оламни,
Оқ булут ичидан чиқди вазминлаб,
Бир тўп ҳорғин турна
кўзлаб воҳамни.

Навбахорнинг содиқ бу элчилари,
Ойдин умид рамзи,
қутлуғ бир тугён,
Келарлар муқаддас бузилмас сафда,
Ўзгарган бўлса ҳам не давру даврон.

Балки аввал жаҳон — олис замондан
Улар кўкка учган қанотли хабар:
Балки бултургилар, балки бошқаси,
Хуллас, пастладилар...
жой излаб магар...

Лекин Хоразмда бу дам ер танқис:
Йигирманчи аср — темир бораца —
Яшил тўқайларнинг очган илдизин,
Жайхундан ҳам қолган фақат афсона...

Қани кумуш кўллар, дулдулли қирлар,
Ҳатто Увайс тоғи безовта, адо?!
Оқ қумлар қаерда, ер ибтидоси,
Даво гиёҳларга бой қадим дунё?!

Наҳот табиатнинг ўзидек кўҳна,
Боринги, ёввойи, қўрқинч бурчаги
«Аввал шундай эди...» дейишга ёҳуд
Қолмаса ернинг ўз улуши каби?!

Бир пайтлар мазор ё вақф ерларга
Ҳеч ким теголмасди —
ўлганлар хасми.

Ер ўзи шахд, суръат фарзанди, лекин
Унга фарзанд бизнинг боболар расми...

Ана! Зил айлана чизиб турналар
Пастларлар...

Тўкилар тупроққа парлар...
Йиқилманг!!

Топурман кўзим тубидан
Сиз учун сафоли муқаддас ерлар...

Турналар!

Келинлар,
елкамга қўнинг!
Қўлларимга қўнинг,
бошим,
кўксимга...

Не тоғлардан ошган ҳўл қанотингиз
Тарс-тарс урилсинлар юзим-кўзимга,
Қўнинг!

Ҳадик олманг!

Кўксим зарблари
Эрка беланчакдир — нажот палласи.
Янги манзилларга руҳ берсин сизга
Хоразмнинг кўҳна, ҳазин алласи.
Ўзбеклар уй қурса, ҳар фарзандига
Албатта қолдирар атаб бир четин.
Эй, сиз, келажакнинг бунёдкорлари,
Турналарга озроқ жой ташлаб кетинг!

1980

* * *

Дарахтлар ва гиёҳларнинг тарҳи-файзини
бир рисола этмоқ истаб,

созлаб баётин,

обдон боқсам ўз умримнинг қабатларига
мен яшабман ўшаларнинг рангин ҳаётин.
Ҳа-да!

Гоҳи, бўйтерақдек, дирдов қолибман,
на гул ва на мева тугиб, ўз-ўзим билан.
Сал булутга баргларимни гизлаб тескари,
сал шамолга қўпорилиб илдизим билан.
Гоҳ ўрикдек, мевамдан то мағзимга қадар,
юракларга малҳам, даво йиғиб яшабман.
Гоҳ анордек, баҳорни «пов» ёниб қаршилаб,
сал ёт назар тегса гулим тўкиб ташлабман.
Мен ток бўлдим.

Зангларимга заминдан шарбат,
баргларимга юқ қуёшдан зиёлар солдим.
Ҳаёт барпо бўлгандаги алвон исёндан
кўнгилларга сархуш сурур, ҳаволар солдим.
Гоҳ шунчаки бир ихота — чақир бутазор —
кўп йўлларни асрадим мен тўзса қор, довул.
Гоҳ ошиқлар талпингувчи мажнунтол бўлдим,
гоҳ барханлар кўчкисини тўсган саксовул.
Ё иқлимлар кескинлашган чоғи юртимда
юрагимга турфа қушлар қайғуси тушди,
уларни ёз оловидан, қора совуқдан
яширолдим — чўнг гужумлик бахти етишди.
Гоҳ тут бўлдим.

Олам ипак киймаги учун
гарданимга қайта-қайта каллак солдилар
Гоҳ болалар лабида оқ марварид бўлдим,
гоҳ кўксимни танбур учун ўйиб олдилар.
Ўҳ-ҳў, агар санайверсам,

умрим шажари

боғлар қаён, тоғу қирга бойланиб кетар
ва қуш учар юксаклардан энди боқилса,
олам яшил майсазорга айланиб кетар.
Аҳолиси ниҳоят зич яшил салтанат —
ялпиз, анғиз, исмалоғу бинафша, бугдой...
Мавжланишим — денгизлардан қолган эсдалик,
не музликлар эригандир тафтимдан бугдай...
Тил чиқарсам гоҳ еримнинг дардин ёргали,
қатқалоқлар қисувидан озурда жонман.
Тонгнинг тиниқ дурларини тун чангалидан
омон олиб чиққанымдан — покман, омонман.
Мен — майсаман, қитиқлайман товонларини
болакайлар елкамда шод ўйнаган дамлар.
Ҳа, гиёҳман — пойандозман барра ва юмшоқ,
тупроғимга оғир ботмасин деб қадамлар.

1983

ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Дединг: — Надир сенга илҳом париси,
кўнглингда ранг-баранг иқлимлар қурган?!
Надир ул, илоҳий робита тузиб,
руҳингга ғойибдан саслар еткурган!

Ўз умринг чархида ипак қатимлар
гарчи чексиз эмас, гарчи учма-уч,
олис фалакларда юлдузлар билан
меҳр боғлаттирган қандай буюк куч?!

Қипрининг майсасин қатор ёш айлаб,
қоронгулик узра ёқиб вулқонлар,
бир олмос нуқтага жамлаб оламни,
тафаккур уфқингда отган қай тонглар?!

— Эй дўст, надир менга Илҳом париси?
Қимдир ўз билгича бергувчи фармон?!
Балки ҳар жойдаги жўшқин умид у,
балки ҳар жойдаги жавобсиз армон...

Эмин, юнонларда, Олимп тогида
шеърни ёқлагандир Аршнинг эгаси.
Шундан, олий маснад йўриқларидан
шоир воқиф бўлган, бўлган Пегаси.

Аmmo айни шу пайт Қипчоқ даштида
Бойчибор боради ўтдай бурқираб.
Туёғига унинг ғаним қоққан мих
юрагига қадар етиб, сирқираб...

Қай сувратда эди Илҳом париси
бу ваҳшат пойгада, билмам, бу жангда, —
лекин шу зафарни боис Алломини
қўшиққа айланиб қолди ватанда.

Элга ҳақ йўллари торлигин кўриб,
Алишер ҳайқирса — ёнди Қаҳқашон:
«Ким бу гулистонким эрур бир жаҳон,
балки жаҳоне гул ичида ниҳон».

Инсон идрокига етти иқлимни
очди унинг «Садди Искандарий»си.
Бу гал ҳам халқининг азиз орзуси
шоирга бўлмишдир Илҳом париси.

Аммо кўп шоирлар нечун майга ром,
иечун сарфларга фақат маҳлиё?!
Парвонада кўрди бири эрк рамзин,
бири митти шамда халоскор зиё...

Тўғри! Қафасдаги булбул эди Шарқ,
гулгун чеҳраларнинг эрки — тўрт девор...
Аммо қонидаги ҳур чақмоқларни
ошкор этолди-ку Машраб — исёнкор!

Кечагина кўрдим: жажжи болакай
келтирди хирмонга бир дўппи пахта,
у ҳали билмайди ўлчап, сотишни...
Гўдакман — виждонлар синалар вақтда.

Башорат айтолса замон зайлидан,
феруза бўшлиқдан илгаса хабар,
ҳар гул япрогидан ўқиса дoston,
демак, шоир қалби — илоҳий самар...

Мухтор элчилари менинг руҳимнинг
Ҳаётнинг ҳар жабҳа — қабатинда бор:
Шаҳбоз юракларнинг қанотидир у,
тушқун кўнгилларга ҳамшира ва ёр.

Қонимнинг тарихи бўйлаб, фидойи,
қўшиқлар келмоқда йиқила-тура.
Илҳом, бу — элнинг зўр аҳтиёжидан
шоир юрагига тушган гулгула!

Илҳом, бу — ватанни севмоқ мастона!
Ҳа, суймоқ! Севишинг бўлмас шартлари!
Менга Ўзбекистон — Илҳом париси,
унинг қувончлари, унинг дардлари!

1983

* * *

Кўрдим: Шукур Бурҳон «Ҳамза»дан чиқиб,
аста пиёдалаб кетди бир куни.
Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,
оломон...

Кўпчилик билмади уни.
Репетиция ўтган. Мана у борар,
чарчоқ, тунд...

Парвосиз ҳаракат аро.
Ҳозиргина улуг Шоҳ Эдин эди,
энди фуқародан баттар фуқаро.

Устоз! Замонларнинг дўниш макрини
кўчада гримсиз кўрсатишим бу?!
Кеча йиғлаб сизга талпинган жонлар
бугун танимасдан ўтарлар, ёҳу!

Тирсақлар, қоринлар, кўкрак, елкалар
сизни туртиб-суртиб шошар ўзича.
Томоша бўлганин сезмаслар, ё раб,
шундай буюк актёр юзи-кўзича.

Қалтабин «илмқаш» бу салт юришни
«Даҳо халқ ичра!» — деб жўшиши мумкин.
Кўрмаски, даҳога йўл бермас ҳеч ким,
базўр бормоқда у, қисилиб, мункиб.

Халқ эмиш, кабобпаз ана «Келинг!» дер,
кўзидек гезариб сихда чандири.
Лунжқизил сомсапаз пиёз қоради
уятдан қизариб, чатнаб тапдири.

Халқми шу, бировнинг ҳақини гизлаб,
беш-ўнни юлишни пойлаб турганлар?
Халқми шу, нуроний сиймолар қолиб,
сохта сумбатларни сийлаб турганлар?

Халқми шу, хаёлу орзуларини
ўзидан баландроқ тиклолмаганлар.
Халқми шу, халқининг номидан сўзлаб,
мингдан бир ваъдасин оқдолмаганлар?

Халқ улким, ўзининг пешонасида
юлдузлар борини сезса, қувонса!
Халқ улким, гурури бўлса ўзида,
асилга ишонса, сохтадан тонса!

Бу шеърни кўрсангиз балки койирсиз:
«Одамни қўй-да, деб, ҳоли-жонига...»
Билдим, сиз пиёда, тинч етмоқчисиз
ҳув мағрур ҳайкаллар хиёбонига!

Унгача анча йўл бор-да, устозим,
бу ур-сурда юрманг саланг-бўш бўлиб!
Грим билан чиқинг, гулдираб чиқинг,
ҳеч бўлмаса ўша Ялангтўш бўлиб!

1982

ЎҚИШГА БОРЯПМАН

Ўқишга боряпман! Жажжи жилдимда
Оппоқ саҳифали дафтарлар тўла.
Зеҳним осмонни акс эттиргудек пок,
Сувларни тинитган каби сунбула.

Ўқишга боряпман.

Она тилимнинг
Рангин китобидан илк бет очаман.
Билимлар боғига йўлдир мактабим,
Алифбе — шу йўлда биринчи чаман.

Бобом Хоразмийдан мерос сонлардан
Дунёнинг ҳисобин олай чаққон, соз.
Мен бармоқ теккизган меридианлар
Тилсимларин очиб, берсинлар овоз.

Мадраса битказиб бобом Навоий,
Шеърда забт этмишлар етти иқлимни,
Мен, ўтиб замона дорилфунулин,
Оламлар кашфига қайрай ақлимни.

Кўрмасак илмлар ойинасидан —
Тоғлар йиқиқ қўрган, ўрмон ёввойи,
Фазо ҳам бизларни туққан онамас,
Нурлар, сояларнинг тентиган жойи.

Ўқишга боряпман!

Кузатар мени
Юкли ёнғоқ бобо, донишманд олма,
Чаноқлари чақнаб пахтазор қарар
Бугдойзор зич боқар, бопоқлар солма.

Ўқийман! Мақсадим — мактабимизнинг
Фахри, аълочиси, эркаси бўлмоқ!
Шул қутлуғ тарихли, табаррук Ернинг
Муносиб ва мағрур эгаси бўлмоқ!

1982 йил, сентябрь

ТУНДА ОҶАРГАН ДАРАХТЛАР

Тонгда ерга тушди гавҳар оқ булут,
юксаклардан келиб, осмондан келиб.
Опиноқ, гўё деҳқон ёнбошлагандай,
чарчаб, тунда пахта хирмондан келиб...

Ўша, ўша булут.
Баҳорда ерни
камалак, чочқилар отиб сийлаган.
Гулдираб, бўронлар билан олишиб
ернинг ташналигин кўкда ўйлаган.

Ўша, ўша булут.
Океанлар ила
олис водийларнинг толмас элчиси.
На гўзал, янглишмай, жанубга ёмғир,
шимолга қорларни аниқ элтиши!

Ўшадир даштларнинг қисқа баҳорин
лолалар мастлиги билан тўлдирган.
Ўшадир ўзининг оқ буюклигин
чўққилар бошида мангу қолдирган.

Самовий меҳмоннинг ҳурмати, балки
аэродромларда тайёралар жим.
Қуш зоти миқ этмас,
буюк мўъжиза
самодан заминга келгани учун...

Фақат, радиолар: «Бу — туман...» деди
Кўплар фарқ этмади оддий тутундан
Унинг гардларини юз-кўзга суриб,
дарахтлар оқариб чиқдилар тундан...

1982

ЁЛҒОНЧИ ДУНЁ ҲАҚИДА ЖУМАНИЁЗ ҚЎЗИЕВ МОНОЛОГИ

Жуманиёз Қўзиёв ўзим бўламан,
қисинчоқ эл билан саваш бошлайман.
Файласуф эмасман, лекин дунёга
баландроқ маснаддан назар ташлайман.

Баҳорий чақиндек ўтади умр,
тутиб улгурмайсан ҳеч бир нарсани.
Хаёлот берилган лекин одамга
йиллардан ўздирмоқ учун лаҳзани.

Лекин муни кўринг, эби, бировлар
қаноат қилмайди ўз нонини еб.
Жон куйдириб кўрмай, адолат учун
сўкар: «Ҳақиқат йўқ ёлғончида!» — деб.

Не сўз, тўкис эмас оламда вафо,
ўрнида ҳақ доим бўлмас барқарор.
Лекин кўк тубидан туриб, қалблардан
ғашликни қувловчи одил қуёш бор...

Кўрдик-ку, ёлғон шахд, шоирлар билан
адашиб юрмишлар кимлар, қайдадир.
Бахтимиз — кимнингдир илтифотимас,
ўзимиз курашиб етган жойдадир.

Лекин нима кечар оқиллар ҳоли,
ҳаёт нодонларни этса кадхудо!
«Ҳов, нега муздай?» — деб бонг урурларми
ёки куярларми: «Ёлғончи дунё!»

Ҳой оға, ҳай дўстим, укам, ҳой, синглим,
билмадим, ёшингиз каттами, кичик,
илк сароб кўрибоқ мақсаддан қайтиб,
дунёни ёлғончи этишлик печук?!

Ҳей! Минг бир турланиб чиқавермасми,
асло ён бермасмиз алдов, риёга:
Ёлгончи дунёни рост этмак учун
ақанг қарағайлар келган дунёга!

1982

МИКЕЛАНЖЕЛО

Рим.

Авлиё Петр ибодатгоҳи
Улкан бир юракнинг нуридан ёруғ —
Беш юз йил салобат тўкиб турибди,
Ўуббаси замонлар оқимин ёриб.

Бу — Микеланжело, табиат билан
Инсон бирлигининг рамзи, тумори.
Тошлар, ранглар тилин билган сеҳргар,
Буюк орауларнинг, руҳнинг меъмори.

Бунда тангрини ва уни ҳам ёдлаб,
Неча вақт имонлар покланиб келган.
Бунда унинг машҳур мраммар ижоди —
«Исо азаси» пок сақланиб келган.

У умид, эътиқод таназулини
Битганди Скистин капелласига .
«Исо азаси»да қўйди ёнма-ён
Даҳо ва қасосни ҳақ палласига.

Омонсиз башорат!

Яқиндагина,
Нима ўчи борки бу ноҳ асарга,
Болга билан кириб қасоскор бир жон,
Уришга улгурмиш ўн икки зарба...

¹ Ватикан ибодатхоналаридан бири. Унинг меҳроби ва равоқларига сувратларни Микеланжело чизган. «Исо азаси» («Оплакивание Христа») номли ҳайкалтарошлик асари Авлиё Петр ибодатхонасида сақланади. Бир неча йил олдин қажният бир кимса, пинжида болга билан кириб, ҳайкални побуд қилишга уринган.

Беш юз йил

авлодлар хотирасига
Бахш этиб бокира сурур, ифтихор,
Шунча эъзозланган ноёб мўъжиза
Бирпасда дарз ичра, бирпасда абгор...

Шоир! Сенинг зеҳнинг қанотли **чақмоқ**,
Бир лаҳза ёритсин йиллар қаърини,
Эҳтирос вулқонинг кўммасин фақат
Ҳақиқатнинг нозик уфқларини!

Асрларни бўйла, бўйла зумларни,
Тарихда кўп гаплар жавобсиз қолди.
Нечун ёндирилди Гейне жилдлари,
Ўтган не-не зотлар қабри тоналди?

Самарқанднинг асрий обидалари
Тўпга тутилгани яқинда **эди**.
Ҳазрат Навоийнинг олтин байтлари
Кечагина қора талқинда эди.

Машъум хатоларни Замона бугун
Ўнглаганин кўриб севинсанг гоҳо,
Яна тош қотасан, кўп сотқинларнинг
Юрганини кўриб фаришталиқо...

Не азиз бошларга, тирик пайтлари,
Балолар ёғилса куйибсан, эй дил,
Мерослар устида қасос чўкичи
Муаллақ қоларкан яна неча йил?!

Рим, 1982

Мўғулистонда «улар» деган қуш ҳақида шундай гап бор. Уни отган киши тезда бориб олмаса, қуш ўз ярасини ўзи тез битказиб, учиб кетади. Чингизхон юришларида шундай қушлардан бир нечасини қафасда олиб юрган. Яраланган лашкарбониларга «улар»нинг гўшти берилса, тез соатларда яна сафга тураверганлар.

Безовтасан, шоир! Олам саҳнида
зобитлар бугун ҳам ютоқ, жангари:
Чингизхон-ку ўтди, лекин дунёни
топташ истайдилар Чингиз сингари.

Шоир, безовтасан! Чунки миллатинг
майли, кичкинадир, майлига, катта,
ўзни хожа тутмоқ ордир сен учун,
тобелик, қуллик ҳам ёқмас бешбаттар.

Шоир! «Улар» деган қуш сенсан асли,
парларинг сафарбар ҳислардай таранг!
Одамзодга дейман, шул қушга топин,
зўраймасдан туриб дардларинг, яранг!

Шоир, парвозингга, созингга бефарқ,
тушда ҳам қон ичган соҳиби тожлар
сени қафасларда тутмоқ истайди,
ўлмасликка излаб сўнгни иложлар.

Жон қушим, зийрак бўл!
Мақкор сайёдлар
отсалар,
йиқилсанг — юрагинг доғлик,
ўз ярангни ўзинг тузатакўр тез,
уч, юксал!
Эркимиз сенга ҳам боғлиқ...

1982

* * *

Қор босган оқ-оппоқ далада кўрдим
Қимир этмай турар тўп қора тулпор,
Қиш обдон бекитган чўнг қора тошнинг
Беш-олти жойида эригандек қор.

Тўлпорлар, ҳой! Қора қирни уйғотинг,
Мудроқ хомрезани ёки қилинг бас,
Сизнинг ул учишлар бўлмаса, бу ер —
Кераксиз бўшлиқдир, беун ва бекас.

Қора тулпорларим менинг, қанотли,
Турманг, учинг-кўчинг тез бўлиб ўқдан!
Ўзи шундоқ оқланг, қир ҳам қутулсин
Бугун оқ кўринган қора совуқдан.

1983

* * *

Улан-Баторда 3 млн. дан ортиқ китоб сақланувчи қўлёзмалар фондини кўрсатаётган ходимдан Ўрта Осиё тарихига оид жилдлар борми-йўқлигини сўрасам, анча вақтгача гапирмади. Бир пайт менга қараб: «Қозивода Румийни биласанми?!» деб кулиб қўйди.

Мен нени билмайман, ўртоқ, биродар,
суягим илмлар юртида қотган!
Унда бир қаср йўқ бежиз тикланган,
бир сопол парча йўқ бесабаб ётган!

Мен нени билмайман?! Мен билган, суйган
юлдузлар

буржигача чиқсайди ногоҳ,
юртимда умуман тун бўлмас эди,
борлигимдан олам бўларди огоҳ.

Менинг идрокимнинг фазоларида
ҳар нуқта ҳисобли, ҳар нур исмлик
юз йил-минг йил ўтар, сас бергай бари,
мендаги бу жимлик вақтинча жимлик.

Мен нени билмайман,
сал-пал гапирсам,
уйғонар хотирот — тонг кўксин ёқиб,
шубҳакор зулумот шундан безовта,
писиб, отин айтмай қилади таъқиб.

Аслини яратган халқнинг қўлида
асли йўқ. Эшитган балки кулади.
Ҳали неча ҳамид сулаймонлар ер кезиб,
қўлёзмалар устида ўлади...

1983

* * *

Гоби майдонида жазира раққос,
Чўғда юрган каби ялангоёқ йог...
Дунёда бундан дим кенглик кўрмадим,
Бундан ҳам поёнсиз чорасизлик йўқ.

Ва лекин мислсиз ёвуз бу андом
Маликани суйган девдек, беўхшов,
Уфққа сароблар тақиб қўйибди —
Яшил қир, кўк сувлар, уқпари ўтов...

Ўз-ўзин абадий алдаб яшашга
Инсон боласининг кўнмоғи қийин.
Ҳа, бунда Чингизхон маҳв этган боғлар
Ташландиқ шон узра қурмишлар ўйин...

Аmmo шу саҳроким ўзидан безиб
Сароб кашф этибди — аянч томоша,
Кўнглим, сал йўлсизлик **кўрсанг** олдинда,
Бир умид ўйлаб топ!
Шу учун яша!

Гоби, 1982

ДИНОЗАВРЛАР ҚАБРИСТОНИ

Гоби саҳросининг қўрғошин зирҳи,
яйдоқ кенгликлари сўнгсиз, бепоён.
Олам дўнгалақдир. Шу бўшлиқда ҳам
топилди ташландиқ улкан қабристон.

Йиллар шиббалаган шағал остида
худ бўғиқ муҳитда янграган нидо,
ўнлаб динозавр устихонлари
ётар бир-бирига жипсе ва мувосо.

Жазира тентиган, қаҳратон кезган,
борса-келмас макон, олис салтанат
кечмишининг баҳайбат махлуқларини
нечук тутқун этган? Бу на шайтанат?!

Нақ оёқ чиқарган қоядек жонлар
нечун макон этмиш бу ғурбат чўлип?
Қайси ёвуз кучга қарши бош тиклаб,
бари бирга бирдан топмишлар ўлим?!

Балки ўз туғишган масканларидан
уларни беомон босқин ҳайдаган?!
Ё майда ривкор каслар фитнаси
юртни чўл, буларни қувғин айлаган?!

Балки янги ҳаёт, ризқ ваъда этиб,
чалғитиб, бир муҳмал йўлларга бошлаб,
йўлбошчиси ўлган манзилга етмай
ёки қочиб қолган буларни ташлаб?!

Ё фалаклар ичра буржлар қўзғолиб,
остин-устун этган сафо иқлимни,
улуғ дарёларни мангу музлатиб,
гулзорлар устида совуриб қумни?!

Балки шу Гобининг ўзида бир пайт
буюклар қадрсиз қатагон бўлган,
шундан чўлга дўнган яшнаган диёр,
тириклик бутраган, ломакон бўлган?!

Мен гоҳи хаёлга ботиб, ўзимда
қардошлик сезаман динозаврга:
уқувсиз ва ночор қолавераман
не-не пасткаш жонлар қилган жабрга.

Динозавр зоти қирилиб, ундан
қушлар пайдо бўлган деру олимлар,
менда ҳалигача етук қанот йўқ,
ҳаддига сиққанни қилар золимлар.

Ушбу ачомлашган суяклар узра —
динозаврларнинг қабрида туриб,
бутун ер юзида улуғ зотларга
шундай бир сўзларни айтдим ўкириб:

Азизлар! Ногаҳон, гафлатда топиб,
бир офат етмасин юракка, ерга!
Энди ҳушёр туринг ва лозим бўлса
динозаврлардек жон беринг бирга!

1983

ЛАБИРИНТ

Ёвуз зот, ниятга етдинг бир қадар
бу макр шаҳрида мен банди қолдим.
Сен-чи, менинг таранг асабларимнинг
торларин пайпаслаб сиртга йўл олдинг.

Чиқибок, оловнок илларни топтаб,
куласан, абадий этдим деб тутқун!
Аmmo мен баттарроқ шоддирман билсанг,
кўздан гумдон бўлиб кетганинг учун.

Бунда ҳам ўз эрким, ўз продам-ла
қалбимда тикларман нажиб ўлкани!
Фақат сен атайлаб ёки адашиб,
қайтиб кеб қолмасанг бўлгани.

1983

ҚҰШИҚ

(Миррийга ўхшатма)

Нечун бу куз сўлгиндир,
Қўзинг ёшга тўлгиндир?
На бўлганин айтмасанг,
Билмадим, на бўлгимдир!
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен мунда доғ қолдим.

Надин титрар сийналар,
Надин аччиқ гиналар?
Йўлимизга ёмонлар
Сочди совуқ ниналар.
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен мунда доғ қолдим.

Эй, ҳуснда биринчим,
Эй, тишлари дур-инжум,
Юлғиз сенинг ўзингсан
Бу дунёда илинжим,
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен мунда доғ қолдим.

Мен баҳор истаюрман,
Сени зор истаюрман.
Бир қарорга кел энди,
Мен қарор истаюрман.
Сен унда доғ бўлдинг,
Мен мунда доғ қолдим.

1983

* * *

Симоб устунига жо бўлган жонман,
Симоб устунига жо бўлган жоним.
Алвон балқинларим кўринмай қолса,
Демак, қиш, пастларда ғуж бўлган оним.

Оламда бош тиклаб турмоғим учун
Қуёш сўрамайман билониҳоя,
Илиқ кафтларингни менга чўзсанг бас,
Илиқ нафасингни сезсам кифоя.

1983

* * *

Бир афсунгар келиб шаҳримга менинг
ажаб томошалар кўрсатди-кетди.
Оёқ яланг юрди михлар устидан,
қўйнига бир гала қушни беркитди.

Ошифта чоғимиз, мазмунин билмай
китоб варақлаган болакай янглиғ,
гоҳо шоҳидликка чорлади бизни,
кўрсатиб бежама адолат, тенглик.

Алдовларни суйган, ҳаттоки кутган
Оломон беташвини чаларкан чапак,
яна афсун айтса — рангдор қутидан
товланиб чиқади сулув бир малак.

Мана бу мўъжиза! Каромат чиндан!
Йўқса қайдан бу қад, бу қомат, сийна?!
Кўзлар — танинг икки оташ маъбади,
қўриқчи кинриклар — қорайган игна...

Офарин, афсунгар! Ишондим — бўлди!
Буюк санъатингга буткул бердим тан!
Фақат бу гўзални озод қўй энди,
келиб томоша қил ўзинг биз билан!

Во инсоф! Мендан шу гапни кутганми,
ой нури музда акс этгандай кулиб.
Тиғ ханжар учида ухлатди қизни,
тиғи юрагимга ботишин билиб.

Буям кифоямас, қизни сандиққа
ётқизиб, ҳар ёнга боқиб бир карра,
бизга зўр яхшилик қилаётгандай,
тикка ўртасидан солди-ку арра!

Тамом! Қотиллик бу! «Ул икки оташ,
икки маъбад ҳақи, тўхтат бу ишни!...»
Саҳнага отилсам,

бир имо билан
жойимга михлайди мен бояқишни...

Икки бўлакланган зулмат ичидан
қиз сакраб чиқаркан таъзимкор, камтар,
одамлар кулишар мендан,

қиз сари
узалган қўлимни силтар афсунгар.

Шу дам мен сабабдай баттарига ҳам
ёмон гулдирайди ваҳм замбарак!
Қизни тўпга солиб отар жодугар,
теграмда дуд, тутун — чўян чамбарак...

Йўқ, энди ўзимга келолмадим мен,
қиз ипак нарвондан тушса-да шодон...
Шу-шу, гўзалликни минг куйга солиб,
кун кўрган жонларни кўраман ёмон.

Менинг тақдиримни мендан сўрамай,
ўз билгича ясаб дорлар ва тўплар,
элнинг вақтинчалик кайфиятидан
фойдаланиб қолмоқ бўлади кўплар.

Истайман, бу парда тезроқ ёпилсин,
ўртанган маҳбуба чиқсин ҳавога.
Ул маҳкум вужудга, сарсари жонга
ақалли бир сўз-ла етай давога!

Улгура олмайман...

Кетмишлар бари...

Оҳ, бугун қайдадир ул жон-хушгина?!

Уни бу жодудан халос этишга

бир циркнинг пардаси, билдим, кичкина...

1982

* * *

**Кетиб, ҳолимни сиз забун этдингиз,
Бу бирла кимларни мамнун этдингиз?**

Васлингиз чин умрим маъноси эрди,
Айрилиқни нечук мазмун этдингиз?

Қуйингизнинг эрдим битта мажнуни,
Бу иш билан юз бор мажнун этдингиз.

Дилкаш биродардан, дўстдан йироқлаб,
У ёқларда кимни яқин этдингиз?

Қалбингиз — борингиз қолдириб менда,
Наҳот бошқа юрак фунун этдингиз?!

Бир-бировга гуллар тутиб улгурмай,
Баҳорга мунча тез якун этдингиз?

Айтинг, қайлардасиз, соғ-омонмисиз,
Лаҳзаларни йилдан узун этдингиз?..

1982

* * *

Кетишим шарт эди. На илож, кетдим,
ёлғизлик қаърида қолдириб сени.
Шу маънос кўзларга жо бўлар энди
тун деган азобнинг бўйи ва эни.

Хуш дамлар ҳамдамнинг — кўзгу бу кеча
тикка турган кўлдек ютишга тайёр.
Бир пайтлар бахтингдан шаҳодат берган
юлдузлар бу оқшом олис ва бекор.

Оқ ёстиққа бошни маълул босасан,
оқликда илинжсиз тўлғанар гавда.
Сочларинг юзингга айлана тортар
тутилган қуёшдек қора, безовта.

Соат бирми-икки.
Туриб юрасан
ёстиқ сезмасин деб қалб санчиғини.
Қулиб, жим қучасан ҳалигина мен
ўтирган курсининг суянчиғини.

Кўнглим, ўзингдан кўр: энди ҳеч тинмай
таъқиб этар сени ул маънос нигоҳ —
аёлни тун билан ёлғиз қолдирмоқ
гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ!

1982

АЁЛГА МАҚТОВ

Шоирга йўл бўлсин, сизни чизай деб
бўёқ қуюлтириб турар рассомлар!
Мукаммал ҳуснингиз ёғдуси учун
ой ҳам навбатчилик қилар оқшомлар!

Шоирга йўл бўлсин!
Куйлай деб сизни,
бастакорлар юрар ёқа чок, тажанг:
торни темирчига топширворгудек,
ҳар жаранг устида қилиб неча жанг.

Эъзозингиз буюк!
Саркарда Бобур,
жувонмард руҳлари бўлғай зиёда,
қўшида биргина от қолса, шунга
сизни ўтқазгандир,
қолиб пиёда...

Шоирга йўл бўлсин!
Сиздаги талъат,
позиклик кимларни ўйга солмаган?!
Оққуш, сувдан чиқмай, таранавериб,
бежиз бир оёқда ухлаб қолмаган!

Сиздай ясамоқни истаб, қиш битмай,
изҳорга лаб жуфтлаб ҳар бир куртаги,
ўриклар чиқдилар — бир тонг тўла гул,
Нур кийди жамики боғлар юртдаги.

Шоирга йўл бўлсин, кечикди шоир
бу инжа рақобат, нурли талошга:
Ҳа, бизга ҳеч юмуш қолмабди энди
Сизни жуда қаттиқ севишдан бошқа!

1983

«САҒИЛИ НАВО»

Хоразмнинг машҳур «Сағили наво» куйини
Ортиқ Отажонов дуторда, Комил Авазов торда
ижро этганларида...

Бир дўстим дуторда, бир дўстим торда
«Сағили наво»ни чалган чоғинда
қалбим гоҳ нурларга ошуфта бўлди,
гоҳ қолди қора бир ғамнинг доғинда.

Юртим тарихидан бу куй бир манзар,
муаззам шодлик бу, ғам бу ложарам.
Ҳаётнинг икки зид қутби бир куйда
қандай янграётган мусалсал жаранг?

Бу Амударёда буюк тошувдир,
дарё шодлиги ҳам аслида ушбу.
Аммо қирғоқларни ўпирган ҳайбат,
боғларни оқизган сел бу, дегин¹ бу.

Бу — тақдир. Хивада бир хон ўз қабрин
қўйдирмиш Паҳлавон Маҳмуд пойига.
Офарин! Тахтини мангу деб билиб,
етиб келгани шу лойиқ жойига...

Севги бу!

Гарчи бу — нур ғаввораси,
унга шоҳсупадир айрилиқ, ҳижрон.
Бу — даврон гурроси, яксон этгувчи,
бу — даврон нидоси, бергувчи омон.
Шундай,

бири ҳофиз, бири бошқа касб,
хулқ-тейнати бўлак икки оғайни

не чоғ нозил, матлуб

этдилар ижро
ҳам шодлик, ҳам ғиғон яширин куйни!

¹ Дегин — дарёнинг қирғоғи тагидан ўпириб кетиши.

Мумтоз мусиқадиёр ҳаёт аслида,
унда ҳар бир инсон жарангдир ўзга.
Демак, қуй яралмас, юксалмас оҳанг,
яқин бўлолмасак бир-биримизга.

«Сақили наво» бу!

Бир ёқдан қалбни
тиғларкан етти шод шамшири торнинг,
малҳам қўймоқдадир бир ёқдан, йиғлаб,
икки майин ипак қўли дуторнинг...

1981

ФАЛОНЧИНИНГ ФИКРИ

Бир ажойиб оғайним бор
Бориб турган истеъдод.
Қайси куни, гап айланиб,
Айтиб қолди арзи дод.
Бир нимадан нолиганин
Кўрмагандим илгари.
Е айтарли гап бўлмаган
Мундоқ кўнгил ёрғали.
Тасдиқ учун қўйибдилар
Зўр янгилик ишини.
Катта жури аммо, лом-мим —
Кутганмиш бир кишини.
Сўнг ундан ҳам каттароқ зот
Фикр айтиши бўпти шарт.
Зўрлигини билсалар-да,
Зўр демабти битта мард.
Бошқа бир гал, уни маъқул
Топишганда «балад»га,
Фалончи сўз қистирибди:
«Еш-да... Ғўр-да... Алаанга!..»
Ўзиям ғўр, биронтага
Бориб бошин эгмапти.
Оқибатда унга иш ҳам
Тақдирлов ҳам тегмапти.
Сал кейинроқ, қоб кетибди
Саёҳатдан, поезддан,
Унинг хусус тағин кимдир
Гап айтгани боисдан.
У ҳақдаги фикрларнинг,
Хуллас, бўлмай адоғи,
Бало бўпти ҳатто тўйда
Ичган бир қулт ароғи.
Ўзи аҳмоқ! Фалончини
Бирда танқид қилибди.
Писмадончининг қизи билан

Саломлашиб, кулибди...
Бало борми сенга мунча
Ўзни мағрур тутишга?!
Сўзга чиқсанг, фалончини
Санамасдан ўтишга?!
Фалончига ёқмас, чиқсанг
Жинси кийиб ўртага.
Костюмда юр, галстукни
Ечмай киргин кўрпага!
Фалончига яқинроқ юр,
Писмадончи хуш кўрсин!
Хуллас, ҳамма сен ҳақингда
Яхши деб гап етказсин!
Хушомадни ва «хўп-хўп»ни
Хужжат — қасам қилиб ол,
Шунда сенга бор эшиклар
Очилади бемалол.
«Истеъдод-чи? Қалб?! — дейсанми, —
Тиниқ ақл, куч-қувват?!»
Бе, бир тийин — фалончилар
Қилмагунча мурувват!
Қара, кўплар шундай яшар,
Кўзлаб тинчу шукрини,
Кўкрагига осиб олиб,
Фалончининг фикрини.

Сен ким бўпсан? Ҳеч киммассан
Асли мундоқ олганда,
Сендан зўрроқларнинг куни
Фалончида қолганда...

1983

ТАЖРИБАКАШГА

Сен дарёни найдан оқизма, ўртоқ,
Мўриларда қуриб юрма арғанун.
Тошга тариқ сочиб, кутма мўъжиза,
Чархнинг ҳар гардида бор қонун.

Парижда ҳайкал бор итга, бақага —
Улар ўлган фанний минтақаларда.
Бошингга не келса, бошимизга солавермай,
Аввал синаб кўр-да қурбақаларда.

1983

* * *

Ҳой, қарғавой, муборақ бўлсин,
довинг келиб қоптими, ўртоқ!
Нечук сенга етишиб қолди
қумриларга тегмаган пишлоқ?!

Жимсан!

А-ҳа, чамамда сенга
назар сопти каттароқ биров?!
Бундаймасдинг. Сал нарса сезсанг,
қағ-қағ этиб қўярдинг дарров.

Омадингни берсин!

Ҳай, айт-чи,
намунча қиш чўзилиб кетди?!
Ёзни кута, йўғон чўзилиб,
ингичкалар узилиб кетди...

Гапирсанг-чи, лунжингда ўша
агар тилло пишлоқ бўлса ҳам!
Билдир меҳмон келишин ёки
қағиллаб қўй шунчаки беғам.

«Оғиз очсам — пишлоқ тамом» деб,
қўрқма, ҳеч паст кетмас камина!
Сенинг ризқинг бизга ош бўлмас,
санчилгандай томоққа нина.

Йўқ, миқ этмас қарғаси тушкур,
тили пишлоқ билан қотгандай,
гўё яқин орадаям ҳеч
янгилик йўқ, деяётгандай!

Тағин уч юз йил яшайди-я,
дунё шу-да, ким ҳам тўйибди?!
Нафс қурсин, ҳатто қарғани
тил-забонсиз этиб қўйибди!

1982

* * *

Шоир, сен намуңча Ҳақ деб ёнасан,
Ҳақиқат — осмондек мавҳум тушунча?!
— Чунки менинг қалбим — Ҳақнинг элчиси,
Имонни асровчи олов тугунча!

— Қандоқ етар сенга замонлар оша
Тарих лавҳалари, турмуш гаплари?
— Қушлардек, менинг ҳам сезгимдан ўтган
Қутбнинг кўринмас тараңг иплари.

— Басдир шунча жунун, изтироб, унлар,
Сен яна ишқ қули, сен ошифта ҳол...
Йўқ, йўқ, мен бахтлиман, чунки қалбимда
Фидойи аёл бор, севгувчи аёл!

— Сен нечук ҳар қиёқ, ҳарки жонзотга
Қуясан, гўёки мингта жонинг бор?
— Чунки менинг битта шу умри борим
Минг бир ашё билан тирик, пойидор.

— Ҳей! Булар ҳавойи гаплар-да, мубҳам,
Исбот, исбот керак, ўткир қоғозлар...
— Замонда шоирга ишонч йўқ бўлса,
Далил ўтмишдадир, гувоҳ — устозлар.

— Рухларми, шарпалар?! Наҳот ўшалар
Қалбингга шунча зўр ишонч сололган?!
— Менга пок ҳисларни шу ҳаёт берди,
Шубҳакорлик эса сизларга қолган!

1983

АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ВИЗАНТИЯДАГИ ЭФЕСТ ГОРИГА САЁҲАТИ

(Гор олдида бир майдон. Шайх ва Хоразмий)

Х о р а з м и й

Бизга йўл бер!

Ш а й х

Ҳали ҳеч ким бу мағорага
Қирган эмас! Йўлингга кет, хомхаёл йўлчи!
Ҳимса бовар қилган эмас ҳатто қарашга...

Х о р а з м и й

Мен — Хоразмий айтадики, Бағдоддан келдим,
Амин бўлким, гор ичини кўрмай кетмасмен!

Ш а й х

Бу масканнинг эгалари бордир! На чора,
даъватимни тингламадинг, шўрлик мусофир!

(Увиллаган овозда четга жар салади. Бир-биридан хароб,
тасқара ўн чоғлиқ дарвеш, ярим эс оломон «Ёху» деб пайдо
бўлади. Бари шайх олдида юзтубан бўлишади).

Хўш, кўрдингми?! Нақ терингни шилиб олишар!

Х о р а з м и й

Шайх! Бу ерга мени таним қайғуси эмас,
мағрур руҳим, умид, имон етаклаб келди!
То билайин, «Қуръон»даги таъриф далилин:
Бунда ростдан, «худо — ёлғиз» дея ишонган
норасида йигитчалар, неча замонким,
худди жаннат уйқусида тинч ётурмилар?!
Вужудлари тирик эмиш, юрак тепармиш!

Ахир инсон танасининг ўзи тўймас гор,
булар эса неча йиллар горда ниҳондир!
Йўл бер менга!

Ш а й х

Ўзингдан кўр!

Х о р а з м и й

Асло қўрқмайман!

(Оломон қўлига не илинса олиб, Хоразмийга қараб юради.
Шайх қўлини баланд кўтариб уларни тўхтатади.)

Ш а й х

Қайтмайсанму?!

Х о р а з м и й

Қўлингдан не келса, қилавер!
Ҳей, бандалар! Мен сизларнинг кўзларингизга
ярқироқ нур, хурсандчилик ато этаман!
Олиб қолинг! Мана, асл Бағдод тилласи!

(У бир сиқим тилла тангани тўда устига сочади. Ҳамма шун-
га ташланади. Хоразмий горга киради.)

Бу на зулмат, Ҳеч нимани кўролмаяман!

(Одам шарпасидан қўрққан аллақандай учар махлуқлар қа-
ротларини Хоразмийга патиллаб уриб учиб кетишади. Ғалати
қийқиришади. Ҳар бир сас бир неча акс-садо қайтаради.)

Ана холос! Ваҳм, даҳшат уяси-ку бу!
Бунда одам беихтиёр тангрини ёдлар!

(Аста юрар экан бир нимага қоқилади. Одам скелети оқ нур-
ланиб, шарақлаб сочилиб кетади.)

Парвардигор! Мана, гуж-гуж одам суяги!
Лекин қани мангу уйқу ичра ётганлар?!
Шайхнинг ўзи кириб кўрганмикан буёққа?!
Ҳей, шайх! Бунда кел, азизим, қарагин ахир,
сен буларнинг хоки узра бир суръа ўқи!

(Шу пайт орқада алланима гулдирайди, акс-садоси гор ичига узоқ таралади, тинмайди. Хоразмий қулоқларини бекитиб туради. Орқага юради. Лекин озроқ шуъла тушиб турган — ўзи кирган тешик гумбирлашлар сўнгида кичрайгандан кичраяди. Ташқаридан тош қалаб бекитаётганлари билинади. Хоразмий туртина-суртина қайта бошлайди.)

Ҳой, бу нима қилганларинг! Мана, чиқялмап!
Кераги йўқ бу лахминг менга сираям!
Узларингга буюрсин! Шайх, қўйсинлар! Қайтдим...

(Унга ҳеч ким жавоб бермайди. Тирқиш тамом беркилади. Зулумот тўла ҳоким бўлиб қолади. Хоразмийнинг овози қоронғиликдан эшитилади.)

Энди билдим буңда кўплар топган қисматни!
Юрак ютиб ё шаҳд этиб ким кирар бўлса,
мана, шундай, орқасидан йўлни кўмишган!
Ҳой, шайх, мен ҳам ўлчам агар мағора ичра,
худо чиндан битта ўзи ёлғиз қолади!

Биз тангрини демак зўрлаб, мана шунақа
яккалатиб қўйиб келган эканмиз доим!
У одамлар билан бирга бўлгиси келар!
Кимларгадир унинг лекин одамлар ичра
яшагани қўлай эмас, фойдалиқ эмас!
Ҳорнинг яна битта сири, демак, шундаки,
минг бақирсанг, ташқарига овоз чиқмайди.
Аттанг, аттанг! Қарвон анча пастда қолганди...

(Пайнаслаб бир тошга ўтиради.)

То тонггача кутишади мени! Қайтмасам,
буңда излаб келишади. Аммо йигитлар
гор оғзини излаб топа олармикинлар?!
Шайх уларга сираям йўл кўрсатмас, аён.
Нима бўлса бўлди энди! Қутаман... Бардош!
Аммо жуда хунук иш бу: чиқа олмасам,
мен ҳам манов фидойи ва жаннати жонлар
сирасига қўшиламан — ўлик жон! Лекин,
уйқуда деб ўйласалар мени ҳам — ёмон!

(Қоронғулик.)

АМАЛГА ОШМАГАН ХАЁЛИЙ СЛЕҲАТ

Мен истамадим,
наврузда дарахт илдизларида уйғонган нур шарбатига
ошифта,

юксакликка оқмоқни!

Дарахтларнинг айланма томирлари ичида, мавжлана,
ҳар бир шох ичида меҳмон бўлмоқни!

Минг-минг баргларга парчаланиб кўкка учиб чиқмоқни!

Мен истадим,
йилдиримни тўрт бурчак ойна қутига қамашни.
Учқунли-чақинли бу истакка яқиндан қарашни.
Унинг кўкдан ерга шитоб тушиши мақсудини англашни.
Умидларимни, руҳимни унинг танасига тенглашни.

Мен истадим,
инсон, англа ахир, табиат сенинг хаёлингни
чегарасиз яратди — лекин атрофингга, йўлингга,
истакларингга тўсиқ, таъқиқ, чеклашларни қалаштириб
ташлаганлар кимлар?!

Мен истадим,
инсон, ўйла ахир: табиат туғилганингдан атиги бир
ой ўтмай, бошингни тиклаб, атрофга қарашни ўргатди.
Бир йил ўтмай тик оёққа қўйди, олдинга одим отқизди.
Сен энди бу қутлуғ инъомлар қадрини билмай,
умр бўйи бош тиклолмай, бир қадам олдинга жиллолмай,
эгилиб-букилиб яшамаяпсанми?

Мен истадим,
кўрликдан, қарликдан, ғафлатдан фориғлик истасанг,
рақамларни ўрган! Улардан мадад ол! Мен ҳисобни хўп
соддалаштириб бердимки, энди ялқов бўлсанг, ўзинг-
дан кўр: олганинг ва сотганинг, ёзганинг ва ўчирганинг,
айтганинг ва айтолмаганинг, алдаганинг ва алданганинг
— барининг ҳисоб-чамасини билмас экансан, бунга жа-
воб қилмаган экансан, демак дунёга келмабсан!

Хоразмий айтадики, сени ҳеч ким кўрмади! Хайр!

**ХОРАЗМИЙ ФАЛСАФА БИЛАН ҚУВЛИК, ҲИКМАТ
БИЛАН КИНОЯ АРАЛАШ МУНДОҚ БАШОРАТЛАР
АЙТАДИ:**

Рақамни чексиз кўпайтира ва камайтира оладиган тўрт амални туздим. Бунда имкон кенг. Лекин бу амални фақатгина оловга хизмат қилдирилса, олам ёниб кетади! Фақат сувга хизмат этилса, дунёни сув босади! Уни борлиқ замирида ётган тўрт унсурга тенг тобе этмак керак!

Разолат тўнғизга ўхшайди: туғса, кетма-кет, эгиз-эгиз туғаверади. Эзгулик — минг-минглик сурувда камёб туғиладиган, антиқа тери кўзичоқ.

Ҳамма бир таом истеъмол қиладиган даврада кучли ихтилофлар зоҳир бўлмас дейман. Аммо барчага бир хил сўзларни мажбуран такрорлатиб кўйилган анжуманлардан оқибат не гаплар чиқишига ақлим бовар қилмайди.

Ҳикмат дарахти! Ундаги меваларни кўролмайдиган кишилар ғаразли ва зиёнкор бўладилар. Улар, қўлларида бесўнақай хода, кечаси ўрик қоқишга чиққан кимсага ўхшайдилар.

Баъзи уйларга шундай меҳмонлар келадикки, аввалига уларга «давлат келди» деб қарайдилар, сийлайдилар. Лекин меҳмон кетишни ўйламайди, тўйдим ҳам демайди. Мезбон мард бўлмаса, ўз вақтида «сийнинг битди, сий халтанг тўлди, меҳмон!» — деган сўзни айтмаса, ўзидан кўрсин!

Истеъдод эгаси чалғиб, мансабга, давлатга интилса, устунга чирмашаётган илонга ўхшаб қолади. Билмайдикки, тенадаги кўвачада сут аллақачон қуриб битган, унда ўзидан аввал тирмашганларнинг аламли заҳри тўла! Бундан у изтироб чекади, тўлғанади... Кўвача чайқалиб, пастдагиларнинг бошига бот-бот заҳар тўкилади.

Эъзози имкони борида салтанатни ёш меросхўрга топширмай, салласига чувалиб, йиқилиб тушгунча тахтга ёпишиб оладиган шоҳлар замонда одамларда эътиқод ва истак ўти сусаяди, ёшларнинг ахлоқи бузилади.

Ҳамма саводхон бўладиган пайтлар келади. Худойим, ул замон кишиларга инсоф ва шафқат бер, токи билимдон кишиларнинг фитнаси ва шафқатсизлиги мислсиз ва даҳшатли бўлмайди.

Хоразмий айтадики, яхшилик огоҳини қилдим. Хонадонингиз ёруғ бўлсин!

Алқисса!

1983

ЙОГ МАШҚЛАРИ

Мен йогман.
Ойлаб ва йиллаб мисқоллаб,
бир қалбга йиғилган кучман, ирода.
Мақсудим — ўз шахсий ўзишлар эмас,
бир авлод раъйини этмак ифода.

Мен йогман.
Юраман, ялангоёқ, тик,
тунда, ойнинг кумуш синиқларида.
Гоҳ нафасни ютиб, қолиб кетаман
ойларнинг, йилларнинг саноқларидан.

Мен йогман.
Сўзларнинг кескир шамширин
юрагим зарбига поя айлайман.
Гоҳо не-не азиз сирлар чўғини
огиздан чиқармай, фўрсат пойлайман.

Гоҳида тасарруф этаман зумда
Бутун умрим учун берилган нурни.
Вужудлар йўқолур ҳаётдан, лекин
порлаб, шуълаланиб қолсин-да ўрни!

Инсон танасининг юксак бурчи бор
курашлар чоғида гаму андуҳга, —
энг мушкул пайтлар ҳам қолмай тор-тушқун,
хизмат этмаги шарт юракка, руҳга.

Дейлик, ҳаётнинг кўп жумбоқларига
ўзим куйиб-ёниб, изладим жавоб,
не-не тухмат, тазйиқ шамширларининг
дамида ўтказиб тунларни, азоб...

Камолот, бу — орзу. Камолот мумкин,
Аmmo танда кўндир бебошвоқ гаплар.
Ҳеч кимдан ҳадямас, лекин кўксимда
тошар бўйсунуқсиз ҳислар-талаблар.

Қачонки буюклик, нафосат кўрсам,
ҳеч кимнинг зугмимас, ўзим эгдим бош.
Не буюк чинорлар қулаган пайти
кўзларим синган шох ўрни, филт-филт ёш...

Имон дарёсида қурилган ГЭСман,
улуғ тоғларимга тикканман кўзни.
Тилим айланмади асло ёлғонга,
касбим порлатмоқдир юксак Ҳақ сўзни.

Ўзни қўлга олай, йўлга солай деб,
тўғриси, кўп азоб берибман жонга.
Билдимки, қанча кашф, сир очса инсон,
шунчалик чулганар сирри ниҳонга.

Қани, дўст, хоҳласанг сафга тур, ўрган,
оғиз чучимайди ҳалво дейишдан.
Бу — йог машқлари.

Дастлаб бошлаймиз
оқни оқ, қорани қора дейишдан...

1985

БИР ЖАНОБГА ЖАВОБ

Ғаройиб замон бу, дунёга боқсанг,
Бир ёқ чўл, бир ёғи бондек кўринур.
Тоғдай меҳнатингни гоҳ ҳеч ким айтмай,
Тариқдай иллатинг тоғдек кўринур.

Парижда бир жаноб гапириб қолди
Ўзбекни таниши, зўр билишини,
Яъни Москванинг бозорларида
Алламбало сотиб ўлтиришини!

Французлар бугун «Бобурнома»ю,
Навойини ўқир она тилида.
Шундоқ экан бу зот менинг халқимга,
Нега таъна қилар, не бор дилида?!

Балки бир эркинлик бозордир.
Лекин
Катта олди-сотди бошқа томонда:
Дейлик, инглизларга Жанна д'Аркни
Юртдошлари ўзи сотган, ёмон-да...

Икки Франция бор. Бу жаноб мени
Бир чўқиб кўрмоқчи бўлди-ёв рангсиз!
Лекин мен биламан: Гитлерга бир пайт
Қимлар сотганини Парижни, жангсиз.

Бул зот ёддан билар: бугун жаҳонда
Қайси музейларни қандоқ безарлар
Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқондан,
Сотиб олинганмас, таланган зарлар.

Ўзбек сотган эмас, лекин энг подир
Ёзмалар — Сиводан Бобурга қадар,
Ғарбдадир, ўқ ўтмас ойна остида.
Ватаним, ўқ ўтмас бўлсайдинг агар...

Сотишдан гапирар! Ўзбек еридан
Тотинса тўяди бутун ер юзи.
Шунча меҳнат билан пахта етказар
Асил баҳосига қарамай ўзи.

Ҳа, буларга мумкин, кимга ўқ-дори,
Кимга бомба сотса, кимга реактор,
Зулм, сохта дўстлик, қарамлик сотса,
Буларга мумкиндир, гўё керакдир!

Буларга уятмас Сан-дени бўйлаб
Ялонғоч қизлари танасин сотса,
Айб эмас, ҳар қайи ҳар ёндан кириб
Бечора афғонни ерида отса!

Ҳа, олди-сотдига устаси фаранг
Ўзидир! Минг хилин яна қилади.
Лекин Москвани ифорга буркаб,
Гул сотган ўзбекка таъна қилади!

Мен ҳеч вақт француз халқи даҳосин
Қўймайман бир-икки сотқин қатори.
Ўзбек халқига ҳам мисол бўлолмас
Миллатнинг бир-икки олибсотари.

Бугун Осиёнинг буюк тоғлари,
Икки дарё қўли Оролда тугун, —
Қучоқлаб турибди Ўзбекистонни
Ерини зўр жаннат этгани учун!

1985

КУМУШ УЧҚУНЛАР

Қишнинг, янги йилнинг баъзи дамлари
Кумуш учқунларга байрамдир гулгун.
Нурли бир тенгликнинг гўё самари
Борлиққа қор бўлури либоси мавзун.

Кўрдик, не булутлар ўтдилар бир-бир,
Сахарларни бузиб, иқлимни бузиб.
Гоҳи тош ёғдириб, гоҳ қизил ёмғир,
Гоҳ элда бесабаб ҳадик турғизиб.

Бу қорнинг учқуни аммо бежоғлик
Жажжи Галактика расмига ўхшар.
Олис дунёларга қуёшким боғлиқ:
Қишнинг қалбида ҳам бор бирон хабар...

Уни дарёларда пишитиб аввал,
Сўнгра юксаклардан жой бериб синаб,
Бахш этиб оқ, нафис талъат мукамал,
Биз сари йўллабди табиат сийлаб!

Бугун янги отган тонгдан, ёлқиндан
Келгандир бу кумуш ёруғлик, учқун,
Инсоннинг нур сари мағрур талпинган
Қўлларида қайта жон олмақ учун!

1984

БАХТИЁР

Дўстим Бахтиёр Машарипова

Бахтли одам ким бу кун? Бахт деб югурган бахтлидир,
Ҳам замон аҳли аро ўзлукда турган бахтлидир.

Етти осмон забтига одамда бор идрок кучи,
Ўз ҳаёлот қушларин юксак учурган бахтлидир.

Ҳамма халқ оламда тенг, ҳар эл замон гулдастаси,
Лекин аввал ўз ерин мақтаб гапирган бахтлидир.

Бағрида чашма ниҳон тоғлар бийик бўлди мудом,
Суврати олийжаноб маъно уфурган бахтлидир.

Улгурар ҳар кун қуёш минг бир вужуд бошин силаб,
Ҳар кун эл хизматин бир бор битирган бахтлидир.

Бесаводликдин келур одам учун охир замон,
Умр қасрин зар эмас, нур руъят қурган бахтлидир

Е элинг юлдузларин сев, ё ўзинг юлдузлиг эт,
Утруда орзу тўла кўзларни кўрган бахтлидир.

Ҳусни яктойи замонларни суйиб, жонига кир,
Тан била руҳни камолга тенг етурган бахтлидир.

Эй Омон, тонг отди, боқ, нурлар сени соғиндилар,
Янги кунга кўй умид бирла тикилган бахтлидир.

1984

«СЕН-МЕН...»

Яқинда қизиқ бир «сән-мен»нинг устидан чиқиб қолдим. Озодагина кийинган, ингичка мўйловчаси ярашиб турган йигитчага бир кимса дўқ қилар эди. У кимса қалин дўрдоқ лабларида сигаретасини у ёқ-бу ёққа алмаштириб, гоҳ тили тагига нос ташлаб олиб йигитчага бўлмагур надомат, алам, тухмат гаплар айтар, қўлидаги портфелини кўрсатиб: «Тани донин ту тумкада!» (Носкашлар тилидан таржимаси: «Сенинг жонинг шу сумкада, аввал юмалоқлаб ёзар эдим, энди очиқ ёзаверама!») дер эди.

Бу дўрдоқлаб катта одам бўлгиси келган, ўзи ҳақда олам-олам ширин хаёлилар қилган. Аммо ҳеч ким қиймаган ундан! Тош кўтарувчи чемпионликни орзу этган, лекин юрагидаги тош бошқа бирон нарсани кўтаришга қўймаган. Буюк математик бўлишни ўйлаган, лекин барча ҳисоб-китобни ўз фойдасига ағдариб чамалаган. Ўткир нафасли, кучли овозли ҳофиз бўлишни истаган, лекин бировнинг ютуғини эшитса нафаси ичига тушиб кета берган. Шоирлик ҳавасини қилган, лекин қўлига қалам олди дегунча ичидан нур ўрнига хусумат тўкилаверган...

Мен бу йигитчани, унинг элимиз ичидаги яхши обрўсини билар эдим. Анави «ҳамлакор» ҳам бир қадр ёқасини танитганлардан. Ҳар ҳолда четда турмай, беҳуда таъналар эшитаётган йигитнинг ёнига бордим, лозим бўлса, ҳимоя учун...

Аммо бу одобли йигитнинг иродасига қойил, рўпаразидаги кимсага қаттиқ-қуруқ гап айтиб ўтирмади. Чамаси, йигитча кимнинг кимлигини бир қарашдаёқ рентгенолог каби ёрқин кўрадиган истеъдодга эга! Лекин ҳалиги дўрдоқнинг гапларини атрофда бир-икки одам ҳам эшитиб турган эди-да, иззат-нафс устун келдими, йигит рақибига қарата аниқ, пухта қилиб шундай гапларни айтдики, қойил қолдим.

Мен-ку, жуда оддий инсон бўламан,
Лекин сени кўриб ҳайрон бўламан!

Сен кундуз ранг билмай, аламли кезсанг,
Мен тунда ҳам ёруғ осмон бўламан.

Қудуққа туфлайсан сен ном чиқарга,
Мен чашма очай деб сарсон бўламан.

Сен бировлар изин хит қаричлайсан,
Мен тоққа қўйилган нарвон бўламан.

Сен итсан ҳар ўтган, кетганга ҳурган,
Мен-чи, катта йўлда карвон бўламан.

Ўзгалар қўлида қўғирчоқсан сен —
Мен кулмайман, дилим вайрон бўламан.

Не-не пок жонларни сен хуноб этдинг,
Мен эл шодлигига майдон бўламан.

Шундан, икки жаҳон овворасисан,
Мен бир жоним билан жаҳон бўламан.

Сен ёзсанг, йиғлайди ўзбек имлоси,
Мен эса тилимга қалқон бўламан.

Чунки сен кин, фисқу фасод ёзасан,
Мен ёзсам — нур ичра жавлон бўламан.

Фожианг шу — ҳамма сендан қочади,
Мен ҳар уйда азиз меҳмон бўламан.

Сен жон сақлаш учун элни сотасан,
Мен-чи, элим учун қурбон бўламан.

Сен ўзни ҳар куйга солиб ўласан,
Мен эсам ҳар доим омон бўламан.

1985

ЖОМЕЪ МАСЖИДИ УСТУНЛАРИ

Хивада кимда-ким Жомеъ масжидин
Пастак қопусидан кирса ичкари,
Сезади иқлим тез ўзгарганини,
Довондан дарага тушган сингари.

Ҳа, оддий бир ҳовли, лекин кўрибоқ
Хаёлинг бўлади минг остин-устин:
Тумор қутисидек уйга жой бўпти
Икки юз ўн икки ўймақор устун!

Нимқоронги хилқат, захтоб айвонлар
Ва тор туйнук томга бу не маҳобат?!
Беш-ўнта теракми-тутнинг ишини
Шундоқ устунларга юклаш не ҳожат?!

Ҳар бири буюк бир уста дастхати,
Хоразм шонидан ўйма нақш ёдгор,
Бири юз йилларнинг ёрлиги бўлса,
Бирида минг йиллик тарих муҳри бор.

Қадим шаҳри Котни сув босганида
Дарё суриб келган булардан бири,
Шу устун қошида ўсмир Беруний
Олис юлдузларнинг айтган таъбирин.

Салкам йигирма йил Гурганжда бири
Ибн Сино бўйин бўйлаб бўйига,
Устунлиг этганин қўрган инсоннинг
Тиббиёт мулкига, Қонун уйига.

Паҳлавон Маҳмуддек бири савлатдор,
Бири нақ Алпомиш учун ёдгорлик...
Бў ерга бирпасга кирган-ов улар,
Зўр ишлар олдидан руҳий тайёрлик...

Афсуски, зол бир куч банд этиб барин,
Қолмишлар меҳробдан ошолмай доди.
Не хонлар ёнбошлаб давр сурди бунда,
Элга бир устунча тегмай имдоди.

Осиёнинг улкан қасрларини
Юксалтиб тургувдек поклаб номини,
Мағрур устунларга ким кўтардийкин
Майсиз, тўнқарилган ваҳдад жомини?!

Аслан азиз бўлса эътиқод уйи,
Нега даркор унга муңча кўп устун?
Инсоннинг хаёлот уфқи тўсилмай
Доим очиқ қолсин юлдузлар учун!

Гул отиб тўлдириб бўлмас зулматни,
Қуёш нур сочмаса — ой совуқ кесак.
Дўстлар, эл бахтининг устунлари — Сиз,
Азиз орзуларин кўтаринг юксак!

1985

* * *

Сендан хабар келтирса,
Мен ўпардим шамолни,
Йўқ бўлса ҳам лаблари,
Йўқ бўлса ҳам гаплари.

Сендан хабар келтирса
Амударё, Сирдарё,
Дердим, азиз диёрда
Менинг қўш бахтим бор-да!

Сендан хабар келтирса,
Тилло патли қушчалар,
Ишқ ёд айлагусим,
Зўр қанот айлагусим!

Сендан хабар келтирса,
Агар душманам, ёвим.
Тил сўзга келмас бўлур,
Гул бизга келмас бўлур.

Аммо орзуларимдан.
Туннинг умри қисқадир,
Кўкка юлдузим қайтар,
Осмона изим қайтар!

1984

БИРЛИК ҚУДРАТИ

Ғирвон жарлигининг қоқ ўртасида
Тиклаб ишончли ва мустаҳкам қўрғон,
Гўзал Наманганни селлардан тўсиб,
Кўкрак кериб турар уч тош паҳлавон!

Буларнинг биттаси Куч-қудрат рамзи,
Биттаси Юракдир, биттаси Ақл.
Шу учта оғайни бирлашган жойда
Бало юрак ютиб қиларми даҳл?!

Асло йўқ! Наманган бағрида бугун
Иш ва ижод билан банддир кўнгиллар,
Гўё ҳайиқади келмакка энди
Аввалда бебошвоқ қутурган селлар.

Дўстим, сен турмушнинг жабҳаларида
Гоҳи пайт топмасанг таянч ва таскин,
Ҳасад гармсели, жаҳолат сели
Орзуинг шаҳрини айласа босқин.

Қара, Ғирвон узра уч паҳлавоннинг
Шаҳди-шиддатида нечоғ маҳобат!
Йўлида қарши бир қудратни сезса,
Бостириб келолмас ҳар қандай офат!

1984

ОҚШОМ. ГАВЖУМ ПАРИЖ

Ярим тун.

Парижда беуйқу кезиб,
Гавжум бир ҳаётни кўрдим ногаҳон,
Гўё минг-минг рангли чироқлар тизиб,
Кўкдан ерга тушган эди Қаҳқашон.

Томоша, базмга шошилган олам
Парижни пойтахт этмиш чамаси.
Кун бўйи нурланган мавжларин бу дам
Кўчаларга солмиш Сена дарёси.

Бешарм фильмлар, шаҳват гуллари
Қадамда кўзларга зўрлик қилади,
Катта бир шаҳарнинг даҳа-йўллари
Гўё ҳаё учун торлик қилади.

Ҳеч тўй, ҳеч анжуман бўлмас беҳуда,
Нега парижликлар бедор бу чоғлар?!
Билсам, асил Париж ҳозир уйқуда,
Бу юрганлар эса — беғам сайёҳлар...

Не деб изоҳлашни билмадим бунди,
Лол кездим мен Париж кечаларида:
Қизиқ-да, ўз халқи уриб уйқуни,
Бошқалар сайр этса кўчаларида...

1984

ФОНТЕНБЛО ҚАСРИ ТОВУСЛАРИ

Фонтенбло қасри. Яшил чорвоқда
Тинчгина юришар гала товуслар.
Гўё тезкор аср бундан йироқда,
Гўё йўқдай учқур автолар, буслар.

Товус каби кезиб турфа оломон
Ҳар кўшк, ҳар равоққа боқади ютоқ,
Чиқиб қолар каби чақпаб ногаҳон
Бонапарт шонидан бирон-бир урвоқ.

Дейман, бу юрганлар кўрарми ўйлаб,
Чўнг мраммар маҳобат боғлаб ҳушини:
Бунда тош майдонга нағалин қайраб,
Дунёга қом урган фаранг қўшини!

Аммо ташқарида ўша боқчада
Нигоҳимни тортди бир тўп товуслар:
Дераза раҳига чиқиб, тоқчага,
Боқишар чиқариб сирли товушлар.

Қизик, ичкарида уларга не бор,
Ўргамчик, ризқнингми ё илинжида?
Ё булар тамагир қавмдан ёдгор
Тинчгина кун кўрган сарой пинжида?

Бу қушларни кўриб, жону танимдан
Бўлак безовталиқ ўтди ва ҳадик:
Босқинчи-зобитлар анжуманидан
Доим ташқарида қолар гўзаллик.

1984

СЕНА БҮЙИДА ҚУШ БОЗОРИ

Эйфель қовурғаси бўйлаб,
Лифтлар гуж-гуж жимирлар,
Сена суви тўрға тушган
Балиқлардек жимирлар.

Мундоқ боқсанг, Эйфель ажиб
Жимжимадор тўрқовоқ —
Одам унда баландлару
Учиб кетолмас бироқ.

Пастда дарё ёқасида
Қуш бозори растаси —
Сайроқининг минг тури бор,
Қафаснинг минг дастаси.

Бир ён кўча, бир ён дарё —
Эркин-тошқин оқади.
Қафаслардан митти кўзлар —
Жуфт умидлар боқади.

Баъзи қушлар сайраб-сакраб,
Тортса агар эътибор,
Баъзилар қунишган, жим,
Ўз ҳолидан этиб ор.

Қуш бозорин кезган киши
Бир ҳикматни кўп эслар:
Қушлар учун ҳамма ерда
Бир хил экан қафаслар...

1984

ТАРИХ МУЗЕЙИДА

Кўрганинг қолади деган бир гап бор,
Тарих музейига кирдик... кўргани.
Жаҳонни титратган соҳибқироннинг
Қизиқ-да, бирпасда маҳв бўлгани...

Мана эрк! Бир уйда, шоҳ билан қулнинг
Забаржад тожию чипта ковуши!
Аммо «мсье!» дея хаёлни бўлар
Бошловчининг ҳиссиз, силлиқ товуши!

Ботирлар ишидан шод турсак, аммо
Хушу хаёлларни бўғди бўлак ҳол,
Ҳамма нарса эркин бўлганда энди
Ўзимиз юролмай қолдик бемалол:

Бири: «Ҳеч нарсага қўл текизманг!» — деб,
Биттаси: «Секин юр!» «Жим!» деб дўқ урар.
Юриш-туришингни чекласа бири,
Бири гапиришни ман қилиб турар.

Чапга мумкин эмас, ўнгга сираям,
Ортиқча саволни жинлари суймас.
Узоқ қолдирмаслар бир ерда, аммо
Мундоқ илгари ҳам кетгани қўймас.

Ажабо! Битта халқ шунча жон чекиб,
Сўнгги, оғир жангни этганда тайин,
Зўрға ағдарганда битта подшони,
Ўрнига чиқибди мингта «хўжайин!»

1984

ЧУЧВАРАДАН ЧИҚҚАН ХАТЛАР

Нью-Йоркда

хитой ресторанига

Чучварахўрликка кирдик туш вақти.

Таом воситаси билан бу ерда

Фол кўрилар экан инсоннинг бахти.

Хонадон, дастурхон, нон тушунчаси

Ўзбекка бир олам ҳикматдир жоиз,

Камина, таомнинг таъми-тарҳини

Ҳидидан илғайди балки шу боис!

Чучвара ерканман, тишга тегди кўп

Қандайдир қоғозлар, қарасам, хатлиғ.

Дарҳол маъносига қизиқдим бунинг,

Гарчи таом эди анчайин тотлиғ.

Ташвиқ дунёсининг, пул дунёсининг

Ўйини эди бу сирли, ғалати:

«Хат чиққан кишининг: эмиш, умрида

Улкан ўзгаришлар содир бўлади!»

Эмиш, тез орада давлатим, халқим

Менга эътиборлик нигоҳин солар,

Аммо тухмат, ғийбат, ўч йўлин тутгай

Буни кўролмаган нопок кимсалар.

Эмиш, менга учрар гоят гўзал қиз —

Ошиқ орзусидай сирли, бокира!

Галлей кометаси янглиғ ўтгай у,

Қолдириб пок умид, ёрқин хотира...

Тушлар қора жилдли китоблар каби

Умрим жавонида қатма-қат бўлар.

Эмиш, бу поёнсиз изланишларга

Гўзалликни таниш мукофот бўлар.

Таомнинг йўллари қисқа.
Умримиз
Улчанур замонга берган нафлардан!
Сал ҳушёр бўлмасам аммо,
ёшанда,
Бебахр қоларканман шунча гаплардан.

1984

АЛЬБАТРОС

(Шарль Бодлердан)

Олис уммонлару сарҳадлар баъзан
Зериктириб қўйса хўп матросларни,
Тутиб ўйнар улар кема изидан
Келувчи улуғвор альбатросларни.

Хозиргина нилий кенгликни қамраб
Чарх урган қудратли қанотлар бу он
Кераксиз иккита эшкакдек, ё раб,
Шўрхок палубада судралар бежон.

Шаҳди булутларни, бўронни қирққан
Ботир қуш бир зумда майрилган, букур.
Денгизчилар унга ё тутун пуркаб,
Ё масхар ликонглаб, қилишар ҳузур.

Шоирнинг қалби ҳам олмос аланга —
Альбатросдек кўкка қўкрак керади,
Тубанда, судралиб яшашга унга
Улкан қанотлари халал беради.

ЗАМИН ТАҚСИМОТИ

(Фридрих Шиллердан)

Зевс инсонларга деди: «Мана ер!
Олинг, саховатим инъоми ушбу!
Муқаддас меросга соҳиби таъмир —
Мунда баҳамжиҳат яшанглар мангу!»

Дарҳол аломонга келди тўрт тараф.
Гувраниб кекса-ёш оёққа турди.
Дехқон кетди олтин қирларга қараб.
Овчи ўрмон сари йўлини бурди.

Тожирга мулк тегди, аббатга — шарбат,
Карвону йўлларда, қиролда тизгин,
Сарҳадларга соқчи кўйди беҳисоб:
«Қани, тижоратдан бож-хирож чўзгин!»

Бир пайт денг, элдан сўнг, олип йўлдандир,
Шоир етиб келар, не гап, беҳабар.
Замин тақсимоти ўтиб бўлгандир,
Унга кафтдек бир жой қолмабди магар.

«Воҳ, мен шўрпешона! Эй, исми қодир!
Содиқ бир ўғлингга наҳот ҳеч вақо?!» —
Оҳ уриб юзгубан тушаркан шоир.
Шундоқ ваъз айтади ул ҳукми якто:

«Беҳуда хаёллар сарҳадларида
Кезмишсан! Малолдир энди талабинг!
Қайда эрдинг тақсим соатларида?!»
«Сенинг бирлан эрди дилим, матлабим!»

Нигоҳи — мунаввар сиймога пайванд,
Нурли сўзларингга боғлаб имонни,
Афв эт, ҳислари олий комга банд,
Ерий инъомлардан беҳабар жонни!»

Шунда Зевс деди: «Иложи не, қани,
На мисқол ер қолди, на шаҳрим — кентим.
Мана, очдим осмон — Арши аълони,
Бунда қачон келсанг, азизсан энди!»

1975

РУБОИЙЛАР

Абу. Али ибн Синодан

* * *

Бир дўстим дўст бўлди душманим билан,
Бас энди, дўст эмас у маним билан.
Заҳар аралашган шакар заҳардир,
Морга қўнган пашша тенг ғаним билан.

* * *

Мен кимман, аён эт, эй олий самар,
Икки жаҳон аро этдинг дарбадар.
Бир замон эркимга қўй, янай шодмон,
Йўқса, йиғлаб кетай маҳшарга қадар.

* * *

Хаёлим ер-кўкни кўришга етди,
Зеҳним қилни қирққа бўлишга етди.
Қалбимда порлаган минг қуёш нури
Фақат ер остига киришга етди.

УЙҒОНИШ

Қуёшдан бир нурли қўчки қўзғотган,
Қишнинг муз чойшабин парчалаб отган,
Рафлат уйғусидан ерни уйғотган,
Бу баҳор эмасми,
Саволим шулдир?!

Тонгга ўчоқбоши сингари шошиб,
Эшикка қўшқанот бағишлаб очиб,
Фарзандин уйғотган меҳрлар сочиб,
Бу она эмасми,
Саволим шулдир?!

Даврабоши бўлиб алдов, хиёнат,
Бурчакка қисилган пайтлар диёнат,
Виждонни уйғотган, солган қиёмат,
Бу имон эмасми,
Саволим шулдир?!

Олам бирёқ, сени бирёқ этолган,
Вафони юракка байроқ этолган,
Тунни юлдуз билан уйғоқ этолган,
Бу севги эмасми,
Саволим шулдир?!

Лекин бир халқ мудраб, ётинқираса,
Хар кимга ўз тинчи ёқинқираса,
Шоирлари қўрқиб босинқираса,
Халқин ким уйғотар,
Саволим шулдир?!

1986. КУЗ

Ойдин куз оқшоми. Бир хаёл суриб
Ненидир истадим кўкданми, ердан.
Гарчи билар эдим, бу кўҳна равоқ
Сирларин очмайди ҳаммага бирдан.

Юлдузлар! Бу қандай мавж?! Не ҳаракат?!
Ким у машғал тутиб келаётганлар?!
Демак, бор, ҳув олис сарҳадларда ҳам
Мен каби безовта бўлаётганлар.

Ҳақ мақсадли одам доим безовта,
Умиднинг йўллари бўлмас унга берк,
Гўё эски лип-лип кинода ота
Без кетган ўғлин илғаб қолгандек...

Кўзим куртагидан учган капалак
Дарҳол чаманларга ураркан ўзни,
Демак, бизларга ҳам интизорлар кўп,
Демак, кимдир севиб асрайди бизни.

Оламда кечиккан баҳорлар йўқдир,
Кечиккан виждон бор, чалажон матлаб.
Шу боис табиат муаммони минг,
Ечимини эса берар битталаб.

Одамда геолог олим руҳи бор:
Тоғларнинг гранит жилдларин титиб,
Миллион йилги япроқ изини излар
Бугун олтин барғни жим босиб ўтиб.

Ойдин куз оқшоми. Хаёлга шундай
Минг хил ўй келади, минг турли сўзлар.
Аниқ бир ҳақиқат жамол очсин деб,
Тинмай игна урар тунга юлдузлар.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Яшаш, бу — орзулар қанотин кермоқ,
Яшаш, бу — муҳаббат гулларин термоқ.
Яшаш, бу — умрнинг гулгун дамларин
Эл учун яшамоқ, эл учун бермоқ.

1986

* * *

Шу йил ёз, Тўрткўлга қайиқда ўтиб,
Дилим тўлқинланди, кўзим ёшланди.
Амударё суви шўр эди, тахир —
Ҳовучимдан

кўз ёшидек ташладим.

1986

* * *

Тегмадим.

Чунонам қонимни сўрди

Бир пашша

шошилмай, обдон жойлашиб.

Қизиқ, бир ўзининг нафси шунчами

Ё бошқа бировлар билан бўлишиб...

1986

* * *

Мен булут бағрига син солиб боқсам
Селлари кўзимда бир намча йўқдир.
Ваҳшати тун ёрган йилдиримнинг ҳам
Бардоши титраган бир шамча йўқдир.

Қадимда бир юртнинг подон хоқони
Варрак кашф этганнинг тўкибди қонин,
Елғоннинг тахтдаги юз йил даври
Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир.

Тенглик йўқ жойларда ёмондир қисмат,
Тили омон бўлса ўлмайдилар миллат,
Дунёда ҳеч бир хил қуролда қудрат
«Тинчлик» сўзин ёзган қаламча йўқдир.

Табиат гўйиё биз билан сирдош.
Гулларнинг бағри доғ, оҳу кўзи ёш,
Дарёни опишиб турган тоғу тош.
Бари дард билган бир одамча йўқдир.

Жоним, бу одамлар бунчалар таянғ,
Олдинда-ку жанглар, орқада ҳам жанг,
Жаҳон йўлларини қилиб боқсак жам,
Иккимиз отган бир қадамча йўқдир!

1986

* * *

Сўнги пайтлар, қизик, сирли бир овоз
қулоғим остида янграб қолади.

Ялт қарайман: Ҳеч ким!

На телефон бу,
на эшик бонгини биров чалади.

Балки икков кеча ўтган йўлларга
бор-йўқ қумушларин тўқдимикан ой?!
Самарқанд, Улуғбек, Бронза кафтга
учар юлдуз келиб қўнди ҳойнаҳой...

Шундоқ жингирларди Истамбулдаги
олтин дўконининг ойна эшиги.

Ё бу қўшни уйда ёш келинчакнинг
бир текис чайқалган ясан бешиги.

Балки капалакнинг юкни туюлмайд
қўнғироқгул сарак-сарак қилдимми?!
Йўқ, бу бир ташқарий овоз эмас-ов,
буни, бир не дея,

юрак қилдимми?..

Жаранг

Кўп ёқимли. Мазали ҳатто.

Қани кўрсам: Нечук юзи-оразиди?!
Йўқ. Бу — ғофиллигим учун жазолаб,
менсиз кетаётган кунлар овози...

1986

МОСЛАШУВЧИГА

Ёлгоннинг яшаш тус-тарзи жуда кўп,
Ёлгон ҳар мақомга ўзини созлар.
Ҳақиқатга қийин: уни подшога
Айта билган жондан умиди озлар...

Аммо жонга унча озор бермай ҳам
Тил топса бўларкан ҳар ҳолат билан!
Кеча ёлгон билан даврон сурганлар
Бугун қўрқитарлар адолат билан.

1986

ҚИЙИН МУҲАББАТ

Бу кўзлар неча йил, неча бўлгандир,
Тумор ёзувидек дилга жойланган.
Кунлар ёна-ёна кеча бўлгандир,
Тунлар ёна-ёна ойга айланган.

Бу қандай оташдир, мен сал дил ёрсам,
Очиқ кон топгандек, тўзди ғанимлар.
Аmmo очилмади уларга, эркам.
Фақат иккимизга аён тилсимлар.

Ҳар ким ўз билгича ғасона айди,
Бизнинг ёнишларни, йўғу бор айлаб.
Ҳа, биз зардуштийлар посбони каби
Бу ўтни асрадик ифтихор айлаб.

Бугун инсоф, имон тилга қирмишдир,
Жонсўз фарзандларин йўқлайди элим.
Сенинг ёна-ёна кўзинг қолмишдир,
Менинг ёнишимдан қолгани — шеърим.

1986

* * *

Дилимнинг рангини гул билса бўлди,
Менинг кимлигимни эл билса бўлди.

Олис юлдузларга сиррим айтмирам,
Нолишимни тонгги ел билса бўлди.

Учарга ҳар қушдан пар топинмадим,
Парвозлар ҳадисин дил билса бўлди.

Жаҳолат меҳроби тошин ўлмадим,
Ўшал бағри тошим тил билса бўлди.

Дамлар шиквасига учма, омон бўл,
Фазлу камолингни эл билса бўлди.

1986

ВАВИЛОН ҚАЛЪАСИНИНГ ХАРОБ БЎЛИШИ

Вавилон, яъни Бобил қалъаси қадимда Ироқ мамлакатида жойлашган бўлиб, Нуҳ тўфонидан кейин вайрон ҳолга тушиб қолган, дейишади. Уч девор ўрамида мустаҳкам ва кўрнам, шунингдек, жуда машҳур бўлган бу шаҳар аслида миробларнинг суғориш тармоқларини **ногўрри** қурганликлари оқибатида захлаб, нураб кетган...

Энди маълум бўлди — буюк Вавилон

Қандай хароб бўлган,

нима сабабдан?!

Унга ҳарб этганмас зилзила, бўрон,

Ёв босиб келганмас бирон тарафдан.

Энди маълум бўлди: шундоқ давлатни

Понгвош мироблари йўқ этган хўрлаб.

Дарёларга қуриб беҳисоб садни,

Шаҳарлари захлаб, ерлари шўрлаб.

Ажаб боғлар кўрдим мен ёқа ушлаб,

Мевалар номини боғбони билмас,

Не карвонлар кўрдим, тизгини ташлаб

Қайга кетишларин сарбони билмас.

Фарғоний, Огаҳий, буюк мироблар —

Таёғин чизиғи — абадий дарё.

Бугун бир миробнинг бир хатосидан

Юртим манглайида қўш ажин пайдо.

Тарихим — Вавилон, Тилим — Вавилон,

Тупроғим — Вавилон, Ерим — Вавилон.

Боғларим — Вавилон,

Гулим — Вавилон.

Қўшиғим — Вавилон, Шеърим — Вавилон.

Олис Вавилонни ўйдасам шундоқ,

Бир сирқираш сезар кўксим — виждоним...

Сенга келаётган дарёлар покми,

Қалайсан, юрагим — Ўзбекистоним?!

КЎЗГУ ҚАРШИДА

Сен жим ўтирасан кўзгуга боқиб,
Мен буни қузатиб тураман.
Ким боқса кўрсатган бу рақиб
Рашкимни келтирар бир ёмон...

Тамом ишонасан сен унга,
Бағрига ташлайсан ўзингни,
Соатлаб сен унга қадайсан
Менга тик боқмаган кўзингни.

Кириклар ва қошлар устидан.
Сирпанар инжули бармоқлар.
Кўкрагинг устида шаршара —
Сочларинг — тим қора ирмоқлар.

Беғам мамнулик бор боқилингда,
Нафас олишларинг тўлиқ ва чуқур.
Билмайсан, сен жуда ишонган
Хуснинга, бахтинга бу кўзгу — сўқир.

Хотираси ўлган даврон ҳам шундай,
Бир халқни тўлиқ аке эткизар гўё,
Қалбининг, руҳининг тароватидан
Ҳеч нарса ошкора этмай мутлақо.

Гарчи юз жон севсин сени, балки минг,
Бахтинг шақли доим бир юракники...
Замон кўзгусидан ўчмасин расминг,
Демак гўзаллигинг Келажакники...

1987

* * *

«Бу — ёлғон!» — кўкракка муштиради кимдир.
«Ёлғон бу...» ингранди кимдир бағри қон.
«Хм-м... ёлғон...» ишшайди биров нечундир.
Ким: «Ҳа, ёлғон!» — деди. Кимдир: «Йўқ, ёлғон!»

Бири «Ёлғон!» дея кетди эрка, тўқ.
Бири «Ёлғончи!» деб оҳиста кўнди.
Шундоқ, битта рост сўз айтилгунича
Ким қанча жонларнинг умиди сўнди.

1986

СУҲБАТДОШ

Суҳбатдош, гапимиз ҳеч қовушмади,
Гўё бошқа-бошқа биз турган макон.
Ё мен — ўз гамида юрган йўлчима.
Ё сен — энди индан чиққан кўрсичқон.

Оғзи ола минг жон эл бўлолмайди,
Эл бўлар меҳрлиғ иккита одам.
Бир кўна вулқон бор ичингда, билдим,
Дуд-қуйқум пускургинг келар дамодам.

Билдимки, эл-кимми сал яхши кўрса,
Бу сенинг дилингни солади гапга;
Омон-ку ҳеч гапмас!

«Эркин, Абдулланг,

Фу-в...» — дейсан. —

«Бир-икки шеъридан бошқа...»

Сенга воҳа мундай, водий манақа...
Ўтмиш хатолардир, бугун — қусурлар...
Келажак жавҳарин ахир биз учун
Шу юрт йиғмаганми неча асрлар?!

Самарсиз новдани, букрини қирқсанг,
Қишга кўмиб қўйсанг, оғринмайди ток:
Баҳорги томчилар — фоже ёшлармас,
Бу — нур сари юриш, бу — шарбати пок.

Кўзингда на бир нур, на ҳайрат кўрдим,
Юзинг хира тортган кўзгудек заҳил.
Тўхта, сен кимларга йўл очмоқчисан,
Тоғни ҳам, боғни ҳам текислаб, баҳил.

Пиринг ким? Билмадим.

Мен сўз айтурман

«Хамса» билан ўлчаб халқимнинг қонин,

Беш юз йил ўзбекдай чўнг бир халққа у
Қутлуғ дастур бўлди, Асосий қонун!

Курашга ҳеч вақо қолмаса,

юртни

Ёқлар ҳофиз тори, шоирнинг сўзи.
Гарчи ҳеч бир азиз нарсанг йўқ экан,
Бунда юрмагинг на, сен кимсан ўзи?

Бу пинҳон адоват, кин қайдин, ажаб,
Тагин кимларнидир қилгудек изза?
Ўзинг шу халқ учун гурур бўлгудек
Яратиб қўйдингми бирон мўъжиза?!

Азиз туйғуларга шак келтирдинг сен,
Дилга солдинг нотинч, оғир ўйларни.
Қўрқдим, сендақалар сотмаганмикан
Жиндек айби учун қодирийларми.

1986

* * *

Мен хаёл суриб кетаман,
Кечалари туриб кетаман.
Уйғотар ул ой хаёли,
Покиза чирой хаёли.

Тушларим рангга ўрайман,
Гул-магул таъбир сўрайман.
Дарёга дардимни айтдим,
Тоғлардан садоси қайтди.

Мен хаёл суриб кетаман,
Кечалар туриб кетаман.
Уйғотар ул ой хаёли,
Покиза чирой хаёли.

Ҳижри фарёдим бўлибдир,
Васлида ёдим бўлибдир.
Хоҳишим ўнг келса бўлди,
Ёр ўзи сўнг келса бўлди.

Мен хаёл суриб кетаман,
Кечалар туриб кетаман
Уйғотар уч ой хаёли,
Покиза чирой хаёли.

ДЕНГИЗДАГИ ШАХМАТ УЙИНИ ЁКИ БИТТА ОРТИҚ ПИЕДА ҲАҚИДА

Кемамиз бир ойлик сафар сўнгида
Ўрта Ер- денгизи бўйлаб борарди.
Сув ости тоғлари чапу ўнгида
Қора ўркак тиклаб тўлқин ёрарди.

Биз-ку, денгиздамиз. Кўкдан боқилса,
Шахмат доналарга ўхшар бу тошлар.
Тарихда шу уммон узра, алқисса,
Порлаган, ўчандир неча қуёшлар.

Эртак кўп юнонлар қавми ҳақида,
Язон, Прометей излари шунда.
Балки Атлантида—еттинчи қитъа
Шу жойда йўқ бўлиб кетган очундан.

Денгиз нотинч эди.

Лекин кун очиқ,
Очиқ палубада кетарди ўйин.
Тахта устида ҳам ҳислар қоришиқ —
Ҳар юриш човуткор соларди тўлқин.

Сўзсиз, бу ўйинга мухлис кўп жуда,
Шахмат — Осиёнинг илк ҳаёт тарзи.
Неча ўзгарар шу мўъжаз тахтада
Шоҳнинг орзулари, гадонинг арзи...

Аммо бир ишқибоз, тинмай чакаги,
Ўйинни шангиллаб таҳлил этарди.
Жимжит дона сурган Эркин акага.
Ҳадеб ўз майлини таклиф этарди.

«Нега муни юрдинг?», «Ҳов, муни ҳайда!..»
«Анавини нега урмадинг, аттанг...»
«Шахмат кўрганмисан ўзи ҳеч жойда?..»
Хуллас, асабларни қилди тору танг.

Сал ўтмай навбат-ку бошқада эди,
Шоир таклиф этди ҳалиги зотни.
Ўн етти юришда мот қилди, деди:
«Бўқирмай ўйнашар бизда шахматни!..»

Каж одам. Бозиллаб, ўч, беқаноат,
Шоир, иборалар ижодкори, сур,
«Яна битта...» деди.

Тағин бўлди мот.
Шоир эса ҳамон сипо ва мағрур.

Мағлуб жон тинмасди: «Сал халал берди
Битта пиёдангнинг ортиқчилиги...»
Баҳс тинди.

Дилимга лекин ғув кирди
Бўлак, таҳликали ўйлар ҳадиги.

Ул зот тинчимайди: Бекиниб олиб,
Ажабмас, ҳаётга бурса ўйинни,
Шоҳу сиполарни терс ишга солиб,
Ёзса кўкрагида қолган тугунни!

Доналар қутида.

Денгиз — девопа.
Тошларга аламли сапчир, ваҳм уриб.
Ер нотинч.

Кун билан тун сураp дона.
Гоҳи бири голиб, гоҳ бири мағлуб...

Оқ кемамиз — ўша пиёда магар,
Қора тошлар аро ўтарди шитоб.
Уни гоҳ тўлқинлар, гоҳ таг оқимлар
Бошқа йўлга солмоқ бўларди шу тоб.

Кўп мушкул майдон бу...

Устозлар шундай
Жангдалар оқ, нузли ирода бўлиб.
Мен шулар сафида бўлмоқ истаيمان,
Сўнги,

битта,

зарур пиёда бўлиб!

1985

БИР КУНИ

Бир куни хаёлим, руҳим, дилимни
Алланечук губор қошлаб уйғондим:
Гўё қум кўмганди бурро тилимни,
Чувалиб қайтганди отган камандим...

Нима бу?
Кундузнинг тундан фарқи йўқ,
Шарқ ҳам хира эди, ғарб ҳам сим-сиё.
Юрагим тубида унсиз сирқириқ —
Тонг олдин ҳам порлаб отмаган гўё.

Бошқа қитъаларнинг қадамлашини
Ўзида йиғиб акс этдими ҳовлим,
Менга қайлардандир келиб илашди
Ўзга бировларнинг гўё дил ҳавли.

Тўғри, зўр синовлар маҳали Ерда
Жаъми қийматларнинг исми ягона,
Бугун беш ўғлининг феълени тەرғаб,
Сувратин берганми менга Ер-Она?!

Балки Монмартрда — ғурбатда юрган
Яна бир рассомин тондими ўлим?!
Ё яна бир боғни бевақт қор урган,
Ё мени туш кўрмай қўйган севгилим...

Ё шахсий ҳаётим галадонида
Беечим жумбоқлар тўлиб қолганми?
Юрак зарбларимни санамоқликдан
Замон мирзалари ҳориб-толганми?!

Хатоларим, ирқит мусичалардек,
Эшик ортидами ё деразада,
Янги купга менинг йўлим этиб берк,
Яна ризқ кутарми мендан, жонзада?!

Ёхуд, зўр дарёга кўприк тушган пайт
Сувлар анча лойқа оққанисимон,
Сомон йўлларида юз бериб бир шай,
Уфқни тутдими юлдузли туман?!

Самолётда учсак, ҳавосиз чоҳлар,
Юракка орзиқиш солгандек гоҳо,
Балки куррамиз ҳам тушар бир чоҳлар
Муаллақ ва мутлақ ўралар аро?!

Вазнсизлик пайти, бўшлиқда пайти
Нарсалар кўринар, бари жойида,
Лекин тортилиш йўқ,
амал қилмайди
Олма ерга тушган олтин қоида.

Тил бордир, гап бордир, аммо сас бўлмас,
Улкан юрак бордир — таралмас ҳарор.
Оёқ бор — истаклар олга кетолмас,
Қўллар бор — бўшлиқлар силкинар бекор...

Мен бундай кунлари қаддимни тутиб,
Бир ишқал ўзимдан ўтгандир дейман.
Оғир тошни, кўлдөк бағримга ютиб,
Юзимда нур синмай акс этсин дейман.

Аммо манглайимда изни кўрибоқ,
Қариш ваҳмасидан солмайман уввос.
Бу чизик қайси бир ечилмас жумбоқ,
Ё тарихий хато, ўйлайман холос.

Менинг идрокимга сололмагай дара
Галлей кометасин сирли чўмичи.
Мени шоир этган ўз ғамим эмас,
Бу — истиқбол ишқи, ўтмиш ўкинчи.

Ҳей, кимсан?

Тун бўлсанг, ойни сол сутга!
Кун бўлсанг, қўйвор-да кўкка қуёшни!
Дўст бўлсанг, олмос тиг ур-да булутга!
Ёв бўлсанг, аён от, бекитма тошни!

Чекил, эй хиралик, тўсма йўлимни,
Ўйлама — чидайди, ўйлама — билмас!
Йўқ! Мен бу нурташна умрим-дилимни
Сира асоратда қолдиргим келмас!

1986

ҚОР КУТИБ

Тўрт фасл ҳам хўбдир Ўзбекистонда,
Ҳар бири ўз феъли, йўриги билан.
Лекин бу йил қишда кўп кутдим қорни
Оқлиги, мўллиги, совуғи билан.

Андак тин оларди, куч йиғар эди
Хирмонлаб тўкин бир қор ёққанида,
Йил бўйи минг тилка бўлган далалар,
Кўкрагига опноқ малҳам ёпгандек.

Ким гарбдан, ким шарқдан пойлайди булут,
Биров кўкка боқиб бир фол кўради.
Орол — сувсизликдан чўчиб уйғонган
Шўрхок тўзонларда оқ қор кўради.

Хув тоғлар...
Уларга қор — сиёсий иш,
Баҳорда сўз сўрар ҳар битта чанма...
Олмос эговчалар минг-минг учсайди
Қирланган ҳавони поклаб-тарашлаб.

Аммо ҳафсаласиз деҳқондек, қуёш
Бир дала айланиб, қайтар кейинга.
Юлдузлар тун бўйи ниста чақади,
Ой ҳам кезинади юпқа кийимда...

...Тўпрогим, бир олам оқликни туғиб,
ҳориб-қорайгандир, билсанг эҳтимол,
ҳар галгидай, бириг минг бўлиб қайтгай,
озгина қорингни аяма, шимол!..

1986

БУ ДАРАХТ...

Қандай яхши,
 ҳамма ўз ишини қилса
бу Дарахт гирдида, бу Дарахт учун:
Икки дарё мўллаб сув ташиб турса,
қуёш ҳар баргига қависа учқун.

Боғбон ҳам ўз бурчин ўтаса билиб,
қачон совуқ келар, қачон шамоллар?
Қуриганин қирқиб, бачкисини юлиб,
томиридан асраб соғлом ниҳоллар.

Создир, бунда ҳар тонг полапонларга
муаллима булбул ўргатса наво.
Кузнинг самари ҳам муҳтож жонларга
улашиб берилса тенг ва мувасо.

Токи бобомерос бу боғ, бу Дарахт
янада оширсин кўрку сарватин,
Шоирлари олам кезсинлар пурбахт,
кўкрагига жойлаб ушинг сувратин.

1986

ТУН ҰЙЛАРИ

Галактикамизни юз миллиард юлдуз
марварид тўзон-ла безаб туради.
Шу олис нурларнинг анжуманидан
кўнгил доим бир не тусаб туради.

Самовотнинг сирли бу самарига
юмалоқ оловдек талпинар юрак.
Лекин ҳар юлдузга бир лаҳза боқиб,
йўқлаб чиқмоқ учун уч минг йил керак.

Тубсиз бу рифъатда хайрхоҳ бир эл
бизни илғаб қолсин десақим агар,
мулки бепоёнга миллион йил тинмай
йўллаб турмоғимиз керак сас, хабар.

Ҳар қандай мавҳум бир истак ё соғинч
ёрқин тасодифи балки дарақлар?!
Бизнинг ёнишларга аммо ҳеч боқмай,
мангу айланишдан тинмас фалақлар.

Оралиқ чексиздир. Ҳечса шу боис
қадрланса эди ерда ҳар учқун.
Шу осмон дахлсиз тинч қолса эди
бизнинг эркин орзу-хаёллар учун.

Ўн саккиз минг олам жилваларини
Бу қора кўзгуда ярқиратган ким?
Одамни пойидан ерга парчинлаб,
қалбини тўхтовсиз кўкка тортган ким?

1986

* * *

Бухорода, баъзи ёш болалар Баҳоуддин Нақшбанд дахмасининг рангин тошларини ушатиб, хорижий сайёҳларга сақичга алиштираётганликларини эшитиб...

Эй сен, Бухоронинг азиз нақшларин
Увнатиб, сақичга алишган бола,
Наҳотки, сезмадинг,
шаҳар ҳолидан
Хатто шу сайёҳнинг кўзида жола?!

Наҳотки, сен учун Улуғбек қурган
Илм дарвозасин бузасан ўзинг,
Толеинг рангларин кўра олмасанг,
Мусулмон бўлсанг-да, кўр бўлсин кўзинг!

Сендан каттароқлар улуғ Темурнинг
Яшил ёдгорига чўкич солган дам,
Кўрдик-ку, оламга ўтлар туташди,
Тарихи бузилса, бузилар юрт ҳам.

Темурларнинг, майли, ҳатто хатоси
Ўзини ҳимоя қилишга қодир.
Бил, бугун юртингга ҳар бир ғишт — илинж,
Ҳар донишмадд одам — ёдгордек нодир.

Ўзи қурмаса ҳам қурганлар қадрин
Асил одам англар улғайган сайин,
Ахиран бу бахшишталаб баччалар
Зарар юмушларин ташларлар тайин.

Аслику, Саодат уйи — бу юртни
Ўзимиз қўйганмиз балога чатиб:
Қачон кимгадир ёқмоқлик учун
Тилни, дин-имонни синдириб, сотиб...

Тарих варақласанг, сабоқларидан
Гоҳ алам, гоҳ овунч оласан, Омон,
Чора бор, юртини ким бирдан сотса,
Бир-битталаб, зимдан сотганлар ёмон...

1989

* * *

Яратганга шукур, сен яна келдинг,
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.
Мен сенга узундан-узун от қўйдим:
«Эй, эски дардларни янгилатувчи!»

Бармоқлар бармоқлар учини сизди,
Кўнгил бир илоҳнинг кучини сизди,
Юрак алланенинг ўчини сизди,
«Эй, узоқ йўлларни яқинлатувчи!»

Яна икки кўздан сирқилди намлар,
Биллурни ювдилар покиза ғамлар.
Қани ул Сир, Аму мавж урган дамлар,
Эй сен, денгиз тубин долғалатувчи?!

Асли, қайда бўлсанг, мен кўнгли тўқман,
Кунчиқарим ишқидир — нур ўчса йўқман,
Биламан, кимгадир жуда суюкман,
Эй сен, хотирани поклантирувчи!

Ким айтди, йўл анча ўтилди дея,
Келган кетди, кутган қутилди дея,
Шодман — яна менга дуч бўлди дея,
Ишқи омонларни яшартирувчи!

Яратганга шукур, сен яна келдинг,
Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.
Сенга мен узундан узун от қўйдим:
«Эй, кўҳна дардларни янгилатувчи!»

1989

* * *

Қиш армони кетди қорда шу кунлар,
Гул навбати навбаҳорда шу кунлар,
Ҳар келган қуш эътиборда шу кунлар,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Тилим шеърда, қўлим торда шу кунлар.

Қиш кетди-ю паст жойларда музи бор,
Хат ёзганнинг сиёҳимас, сўзи бор.
Ер эканнинг минг ранжи, бир ҳази бор,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Не умрлар пахтазорда шу кунлар.

Гулмих тегса, тош ҳам мазмундор бўлғай,
Қимми ошиғ ўлса, мажнунвор бўлғай,
Фақат ҳақ сўз элга маъжун, кор бўлғай,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Қадру қиймат номус-орда шу кунлар.

Ўзбекистон — жаннат устахонаси,
Не-не буюк инсонларнинг Онаси,
Сенга боқиб жаҳон кўзи ёнаси,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Менда зўр бир ғурур бор-да, шу кунлар.

1984

ЙИҒЛАБ КЕЛАЁТГАНЛАР

Кўрдим, куни кеча бир анжуманга
Хар ёқдан йиғилиб, йиғлаб келдилар.
Гўё сўнгги оғоҳ, сўнг наъра билан
Омон қолганларни йўқлаб келдилар.

Ойнинг ортиндами, куннинг ортинда
Бир ҳақиқат бўлса ерга аталган,
Юртимнинг тақдири не бўлар, айтсин,
Нурга чайилганми, шўрга қотилган?!

Халқим тарихининг баҳори бўлган
Самарқанддан келди бир дўст, ранг ўчиқ:
Азиз нақшларга офат дорибди,
Захлаб, шўрлаб, потраб, чатнаб ва кўпчиб.

Бухородан етган элчининг эса
Зарафшондек қизил эди кўз ёши.
Тангрининг хасмида турган мулкинг-да
Тезлаб ботаётган экан қуёши.

Орол бўйларининг хабарчисининг
Лаблари ёрилган, кўзида йўқ нам...
«Кўриб, бир файласуф йиғлаб юборди,
Борми Оролдан ҳам бўлак улкан ғам?!»

Кимдир ўкраб келди: «Архивда кўрдим.
Қодирийга кимлар қўл қўйган экан?!».
Биз буюк деб юрган нечалар, афсус,
Кўрқинч хатоларга йўл қўйган экан.

Биров Дашнободдан сўзлади додлаб,
Биров Бўстонлиқдан айтди хунбағир.
Биров Кўҳна Урганч, биров Хивоқдан...
Йиғлаб келаётган бу кимлар, ахир?

Юртининг бир шаҳри, йўқ, бир кентининг
Дардин бўзлаб айтган одам — пайгамбар!
Ҳеч бир ҳимоячи, хайрихоҳ топмай,
Қирилган элатлар озмидир магар?

Бир гувоҳ, бир суянч, бир рост сўзга зор,
Умри юрти учун тикилган зотлар
Оддий бир соқчидан қўндоқ еб кетса,
Дардин кимга айтар, кимлардан додлар?!

Шоирнинг ишимас ёмон гаплардан,
Ноқис хабарлардан шажар тузмаклик.
Лекин она ерни сотмак билан тенг
Ўз туққан жойингдан кўнгил узмаклик.

Куннинг ортинданми; ойнаинг ортиндан,
Наҳот бир нур бугун бизга айланган:
Қаранг, кўшлар ерим, тилим деб энди,
Тирик юрак билан жангга шайланган!

Ҳикмат шу: Шўрларга ҳали тўлмабди,
Ҳали қодир экан йиғлашга кўзинг,
Дардинг тингловчилар бор экан ҳали,
Ҳимоя қилиб қол ўзингни ўзинг!

1989

ЎЗБЕК ҒУЗАЛИ

Бу ҳусни тажалли осмондан эмас,
Кўкка бу нав ижод имкондан эмас.

Сўз очсанг, жарроҳлар бекитди тиғни,
Жоннинг бу малҳами Луқмондан эмас.

Лабингдан шакл олди бичиқчи баҳор,
Бу қирмизи ғунча бўстондан эмас.

Ҳикматлар ҳосили деҳқонникидир,
Дона холинг бўлак хирмондан эмас.

Яралдинг бир қатра соғинч ёшимдан —
Кўз остимдан ўзга уммондан эмас.

Омон ҳеч рост гапни қарзга олмайди,
Севдим деганларим ёлғондан эмас.

1989

ЭҲТИРОМ

Ер оҳиста кезар экан самода,
Тинчлик деган зўр неъматга бош эгдим.
Барча халқлар ҳур яшасин дунёда,
Эркин дўстлик, тенг қудратга бош эгдим.

Тонг босқони алвон нурлар учуриб,
Қир базмига лола отар жўш уриб,
Гоҳ хаёл, гоҳ ҳақиқатга тўш уриб,
Инсон яшар, бу ҳикматга бош эгдим.

Чақмоқ билан қайраб тоғлар зангини,
Ҳар бир гулга қайтарди ўз рангини.
Эскини ёд этди, қўллаб янгини,
Наврўз, Она табиатга бош эгдим.

Қалб — ойна, унда олам жамоли,
Севгидан руҳ олар инсон камоли,
Қўш кабутар қанотининг шамоли
Дилга тушди — муҳаббатга бош эгдим.

Елкасида тўрт фаслни ошичган,
Тупроғига юлдузларни оптушган,
Ҳар не мушкул чиқса мағрур олишган,
Танти ўзбек, мард миллатга бош эгдим.

ДУСТ УИИДА

Дўстимизнинг уйи бу, босаранжом кўзу қош,
Бойси, ҳурмат-ҳаё, киприқдадир ноёб тош.

Бунда бор аҳли аёл маҳраму пок, хизматдадир,
Дўст уйида ҳеч киши бегоналик қилмайди фош.

Батзилар бор, кўзлари ўйнайди ўз қавмига ҳам,
Бир хиёнат қайда бўлса излари шунга туюш.

Менга жаннатдек азиз нон-тузли ҳар ўзбек уйи,
Уя ўғирланган беҳишт олмаси бўлмас менга ош.

Ишқин изҳор этмайин Мажнун нега саҳро кезар,
Узсангиз бир лоласин, тоғлар қолурлар чашми ёш.

Боқ, бу олам қасрини юксак этибдир нақадар,
Тўртта устун: бу — меҳр, инсоф, адолат ҳам бардош.

Эй фалак, қатра меҳр бердинг, ани сақлай бутун,
Асрагач юлдузни тун, унга инъом бўлди қуёш.

1988

УЙҶУЧИЛАР МАМЛАКАТИ

Бир уйҶучи ўртоқ бор,
Дунё унга кенг, қойим,
Қасби ҳам аниқ, тайёр,
Яъни мудрамоқ доим.

Ҳали ишга келмаёқ,
Пиёдами-мошинда,
Унга эргашар мудроқ,
Туман турар бошинда.

Ишда аҳвол беш баттар:
Ўтирмаёқ курсига,
Оқ байроқ тиклар уйҶу
Бурчнинг ўнги-терсига.

Сўнг у беғам пишилар,
Мажлисларда, ҳайъатда.
На бир гапга қўшилар,
На бир гапдан ҳайратда...

Гоҳ тўғри келса минбар,
Қучар, айтар маъруза,
Элни-да ўзи қадар,
Торттириб кенг ҳомуза.

Уйга қайтиб яна шу,
«Ҳай, иш, бу—иш-да...» дейди
Шошилтиб турар уйҶу,
Нима қўйсалар ейди.

Ажабмас, хотин бесас,
Ярим тун, бир гап айтса,
Жавоби бўса эмас,
Хуррак қўшилиб қайтса.

...Шундоқ, ишлаб, кўп чарчаб,
Саёҳатлар қилади.
Буёгин узун ўлчаб,
Зап роҳатлар қилади.

Поезддами кемада,
Кўкдами тайёрада,
Иши йўқ ҳеч нимага,
Не гап бу сайёрада.

Пастдан, ёндан, тепадан
Олам ўта беради.
Ўртогимиз-чи, беғам —
Мудраб кетаберади.

Бу уйқучи ўртоқ ким,
Ишчи, деҳқон, зиёли?
Ҳар ерда у кўринар,
Турар йўқдай зиёни.

Ўйлаб кўринг, бир замон,
Мундоқ боқиб орқага,
Бақирар эди деҳқон,
Мол тушса томорқага!

Ҳатто чигиртка кўчса,
Ўт ёқиб, қоқиб довул,
Хуллас, ҳар ўзгаришга
Тик турарди эл-овул.

Хўш, бугун-чи, ким уйғоқ,
Деҳқонми, ишчи, раҳбар?
Дарёси йўлда чўлтоқ,
Денгизи ундан баттар.

Минг касб, минг ҳунар унут,
Кўртларга қолди боғлар...
Ажабмас тоғларида
Ухлаб қолса булоқлар.

Лекин... ҳар кун бор мажлис,
Ҳаммасида нотик бор,
Ҳаммасида мантиқ бор,
Лекин ҳаёт йўқ, эсиз...

Элимизни не замон
Уйқуда тутди дея,
Этди дея безабон,
Қўрқувда тутди дея,

Биз исломни сўкамиз,
Бир қарғаймиз рўзани,
Ва мудраб эшитамиз
Бугун кўп маърузани...

Кўникдик ҳар ҳолда биз
Сўзлардаги уйқуга,
Ишдаги, хаёлдаги,
Кўзлардаги уйқуга.

Ахир бу фалакиёт
Ҳаракат-ку, мисли ўқ.
Бир лаҳзада у—ҳаёт,
Бир лаҳзада яна йўқ.

Шундоқ қуюн муҳитда
Уйқу келаркин қайдан?
Зухродаги зил хилтдан
Ё ўчиб қолган ойдан?

Табиатда йўқ-ку ҳеч
Ибтидою интиҳо,
Бу уйқу, бу тун, бу кеч
Қаердан бунда пайдо?

Ё самода юз берган
Буткул паришон ҳолат
Ва юриш қилган ерга
Уйқу, ғафлат, мажолат?

Тарихчилар гунг, соқов,
Ухлар буюк эртақлар.
Эр-аёли қаровсиз,
Ош еб мудрар эркаклар.

Болалари бевош, каж,
Нима ўқийди, қандай,
Йўқ хабар оларга важ
Ва йўқ бирон ҳотамтой.

Эсноқ ҳам юқар аниқ
Ёнингдаги бировга,
Уйқу-чи, уни қани
Ким олади гаровга?

Узоқ уйқу—бу ғафлат,
Тенгдир ҳатто ўлимга?
Бу жим таъсир этар дард
Юқдимикан элимга?

Кўз — қўрқувда, қамоқда,
Тилда андиша — талқон.
Лоқайдлик — қулоқпахта,
Пойда—ялқовлик — арқон...

Нега урар юрагинг,
Турибсан гаранг, сўқир.
Узингга йўқ керагинг,
Кимга кераксан, ахир?!

Бу дунёга келдинг, бас,
Бил, бу дунё кимники.
Дунё — уйқуникимас,
Дунё уйғонганники!

Шеър тугади.
Хўш, айтинг.
Айни ушбу паллада
Уйғондимми бирон мунг
Юракдами, каллада?

Шундай бўлса, муборак
Сизга бахтли эҳтирос!
Бас уйқу! Турғунликдан,
Зулматдан қолган мерос!

1988

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

(Навойи ғазалига мухаммас)

Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас,
Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.

Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда,
Неча авлод йўлию уммидин айлаб беҳуда,
Давр мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,
Эмди қилса не ситам аввалгиларга ўхшамас.

Бул жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Воҳ, қуёш савдосига шамлар нечук бўлди ҳақим,
Ишқ, бу — ўз умрим, анга нечун қасамлар ичмаким,
Демангиз Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хўблиқда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Қай кишиким бир улуг ишга этибди жон нисор,
Шиддати насту баланд келганда ҳам бўлмайдди ор.
Эй фалак, ҳеч қимни этма бесамар йўлларда хор,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларга ўхшамас.

Она Шарқ тожин киюр! Зулматда ушлатманг мени,
Бодайи ҳақ мастиман, ёлғонга уйғатманг мени,
Ўз хаёлимга қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени,
Ким бў расвойи дажам аввалгиларга ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,
Айланур ойна бу, ҳеч битта иш топмас пана,
Нафс ишига боғлидур руҳ ишларин узган тана,
Қўйининг эҳромидан кўнглимни манъ этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларга ўхшамас.

Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,
Эй, Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийға карам аввалгиларға ўхшамас.

1988

* * *

Ўртамизда биргина олма —
Олам ичра юмалоқ илинж.
Ўртамизда биргина олма —
Балки ғам у ё балки севинч.

Ўртамизда биргина олма,
Ярми қизил, ярми оч-яшил.
Ҳаё туғёнидан қизил у,
У соғинчнинг рамзидир асил.

Ўртамизда биргина олма,
Бармоқ учи тегса товланар.
Алвон иффат, яшил ташналик
Бир сенга, бир менга довланар.

Ўртамизда биргина олма,
Гард тегмаган, бирам покиза.
Ҳозирча у рангин бир ҳавас,
Лаб тегса бошланар мўъжиза...

1987

ХОРАЗМЛИК ДҮСТИМГА ҲАЗИЛ МАКТУБ

Орол қуриса хоразмликлар Читага кўчар эмишлар,
деган миш-мишни эшитиб...

Табриклайман энди, дўстим,
Кетар бўлсан Читага!
Ундан кўра яхши эди
Борсанг Арктикага:

Читасиз ҳам беш-ўн ойда
Учрашардик икки, бир,
Ит қўшилган чаналарда
Қутиб олсанг, зўр, ахир!

Читанг неси? Ахир бир вақт
Мардикорга бермай эр,
Чор ҳукумат билан бобонг
Олишган-ку гўё шер.

Тўхта, фоже бу гаплар бас,
Янги ватан муборак!
Олтой, тува, сахаларга
Бир жону тан муборак!

Уй деб ёғоч излар эдинг,
Ёлчиб қобсан тахтадан.
Зўри — ўзинг, бола-чақанг
Қутилибсиз пахтадан!

Ҳай-ҳай шундоқ Хоразм-а,
Юрак титраб туради.
Бир томондан аммо офат —
Туз, шўр эшик уради.

Лекин ҳазил, ўйин-кулги
Бизни ҳеч вақт тарк этмас.
Иш бошласак иш етишмас,
Гап бошласак гап етмас.

Ҳов, у ёқда гурунч-шоли,
Қовун нима бўлади?
Ҳа, томорқанг олтин томир —
Женьшен билан тўлади.

Хўш, анави ёдгорлар-чи,
Минор, гумбаз дегандай?
Нечта барак қурволарсан,
Дуб кўп, эман, қарағай...

Шошма, бобонг ҳам момонгнинг
Қабрларин нетасан?
Суякларин қопга солиб
Балки олиб кетарсан?!

Ҳей, қўябер шу бобойни,
Тоза кўнглинг чўкканди:
Ичма, чекма, эрта тур, деб,
Бир пайт қанча сўкканди.

Хўш, момонг-чи, бизни кўрди —
Роса таъна қиларди:
«Дини йўқнинг ватани йўқ!»
Деб кўп шаъма қиларди.

Хоразмда қолдир хокин,
Олиб кетма Сибирга,
Қаргамасин руҳи энди
Кўмсапг қотган, муз ерга.

Хў-ўш, қўшиқсиз хоразмлик
Унда қандай ҳаз этар?
Хоразмнинг бор санъати
Энди битта кассета...

Қўшнаи, сурнай, буламоннинг
Керак бўлмас навоси,
Йўқолади ўз-ўзидан
Тўй-ҳашамлар гавгоси...

Керак бўлмас қўчқорвозлар,
Халфа, ҳуққа, паҳлавон...
Зўр шовқинга етмайдим
Кирза этик, самагон?

Ортиқ, Бекжон, Отажон ҳам
Қолмас ишсиз, панада —
Бирон тахта омборида
Ёки пилорамада...

Ҳаммадан ҳам зўр бўпти-да,
Аммо Самандаровга:
Газетасин у сафарбар
Этгандир-ов дарровда!

Чунки аъло сортли қоғоз
Барнаулдан чиқади,
Газетачи мард бўлади,
Ҳар довулдан чиқади.

«Искрист»лар, «правдист»лар
Бари ўтган Сибирдан,
Ким қочади бу тарихий
Анъанадан, тадбирдан?!

Тўхта, роса эҳтиросга
Берилдимми ўзиям,
Қуриса бир денгиз қурир,
Не қиларди тузиям?

Шунча олим туғилган юрт,
Наҳот, чизгаб қўлини,
Тузда, шўрда жим япашнинг
Топмаса бир йўлини?

Иби Сино ўқиган юрт,
Гап топади эгасин! —
Улаб чиқсин элга денгиз
Ҳайвонининг меъдасин!

Бир пайт Толстов қум остидан
Топган каби қўп ганжни,
Келажақда кимдир очар
Ахир, Хева, Урганчни.

Сув ўзгарса, жой ўзгарса,
Ўзгаради одам ҳам.
Қорда, музда сас бошқача,
Ғалат тушар қадам ҳам.

Томирида, аммо, кимнинг
Қолса ўзбекнинг қони,
Ҳар қайда ва ҳар қачон у
Туғаберад даҳони.

Биз-ку, у-бу деймиз, лекин
Ҳал қилардик нимани?
Хоразмлик чоллар, қаранг,
Олган-ов бир чамани:

Сибирми? Хўп!
Улар кўрган
Кўч-кўчларнинг кўпини:
Баранг, ёзда ҳам ечмаслар
Чўғирмани, гуппини...

1987—88

НЕГА МЕН?!

ДОСТОН

Бир куни, тонг отмай,
уйғониб ногоҳ,
(Баҳор ёзга келиб туташган кезлар),
Кўрдим: Шарқ уфқидан бир шуъла чиқиб,
Юксалди, сўнг пастга тўшалди тезлаб.

Уфқ иккиланган пайт,
қирлар оша
Тушган бу не нурдир, ундаб фалакка?
Дол эдим.

Бирдан шу олтин кўприкнинг
Бир тутам шуъласи тушди юракка.

Бу, тун, балки тонгдан енгилганини
Найзасини ерга ташлаб, билдирган?
Ё икков уфқда таланиб бўлиб
Заминга нур хабар элчи елдирган.

Сал ўтмай кун чиқди.
Нажиб ул шуъла
Кундуз оқлигига қоришиб кетди.
Назаримда шу тонг, шу куни олам —
Ўзгача бир тивик ёришиб кетди!

Юртнинг осмони ҳам — тақдирига мос,
Ундаги ҳар титроқ шоирга маълум.
Бир зумлик мўъжиза!

Нима эди ул?!
Эл уйқуда эди, кўрмади ҳеч ким.

Дерларки, гоҳи пайт ҳар бир юртга ҳам
Муборак тонг чоғи йўл солиб ерга,
Фаришталар тушар эмишлар кўқдан,
Ўзгаришлар олиб замонга, элга.

Эмиш, баъзи пайтлар ўзлари келмай,
Шу элнинг ичида бирон инсонни
Кўк сари шу йўлдан чорлар эмишлар,
Баландроқдан кўрсин дея жаҳонни:

Яъни ерда ҳаёт нечук? Эл нечук?
Тарихлар, тузумлар — пойингда, бир газ!
Юксаклик сарватин кўрсат элингга,
Ҳечса, осмонларда ўзингни кўргаз!

...Ҳа, сал ўтмай, қуёш ўз иши билан
Яна машигул кетди — одатий кундуз.
Уша зоҳирликни аммо, ул тонгни
Сўнг зинҳор кўрмадим.
Кўрмайман ҳануз...

Агар ушбу бизнинг воқелик, давр
Кўзидан чет бўлса яратувчининг,
Унда одамдаги минг ранг хислат не,
Не даркор сезги-ю гурур кучининг?!

Демак, ҳар шаҳарда, ҳар кентда, сўзсиз,
Кўк тубига кетган сирли йўллар бор.
Шундан балки кўкка интиқ боқамиз,
Сўнгни илинж билан зору умидвор?!

АЖАБ «НАМОЗХОН»ЛАР — ВАЪЗХОНЛАР

Эслаб етмишинчи йилларни энди,
Гоҳ таҳлика босар мени, гоҳ ҳайрат:
Нечун ўлган эди у йилларда руҳ,
Бўзгигача ерга қадалиб ҳайрат?!

Ҳар қандай ташаббус
ё қадаҳларнинг,
Ё гафлат тубида берар эди жон.
Амаллаб бир-бирин ёки ўз-ўзин
Уйғотганлар баттар эдилар сарсон.

Аммо дабдабали биллур қасрлар
Ишсиз эмас эди, сарбаланд эди:

Миллатнинг нишондор минг-минг зотлари
Сирли ибодатга бунда банд эди!

Бош имом алҳол бир қалом айтмаёқ
Қолганлар қўл тиклаб, такрорлаб яқдил,
Чапак чалардилар, «хўп-хўп!» дердилар,
Чеҳра ҳам, юз-кўз ҳам, тиллар ҳам бир хил...

«Ҳа-ҳа!» муридлари, «Хўп-хўп!» қуллари
Самолётга чиқиб ҳаммадан бурун,
Етиб келасолиб пойтахтларига
Мажлис бошлардилар шу кун кечқурун.

Ва ўз навбатида, чоғроқ тўралар
Областга, районга, қишлоққа бориб,
Боз кичикроқларга шу ваъзни ўқир,
«Яқдил», «бир овоздан», қўл кўтартириб.

Қаттиқроқ «Ҳа!» деса — районга номзод,
«Ҳа, ҳа! деса область,
Уч бор «хўп!» деса, —
Ундан-да юқори!

Бу ёқда эса
Халқ ўз гами билан — юраги гунтўп.

Тонгда турардилар улар! Ва лекин
Шафақда ўзни пок айлаш қайда?! Йўқ!
Сабуҳий ичмакни кўзлар эдилар,
Юз осиқ, қоғоқ қоқ, кўз қизил, юмуқ...

Қишлоқда сабоқ шу, мактабда шу — илм,
Дорилфунунларда ягона фан шу.
Шоирлар шу сўзни такрорлардилар,
Тангрини тоқлиқдан бездириб, ёҳу.

«План-н-н!!!»
Не йўл, не усул билан
Шуни тўлдирса бас, шуни «бажарса!»
Қоғоз ахборотлар, қоғоз вагонлар
Бас, уёқ-буёққа юргилаб турса!

Ҳамма ёдлар эди битта сўз айтса —
Кремлдан Суслов — туғма склероз!

Қоғоз кўкракларда қоғоз орденлар
Халқнинг қоғоз бахтин қиларди кўз-кўз.

Ўқувчи дарбадар, талабалар понг,
Янги гап айтолмай олимлар гаранг.
Инженер фаррошча иззатда эмас,
Колхозчи... тушроқдан кўринар аранг.

Шоирлар оқ умид билиб, илинган,
Пахтамиздан
 сирқиб қора толалар,
На тонгнинг, на куннинг фарқига бормай,
Қулонг, қора бўлиб қолди болалар.

Нишондорлар эса зеби зийнатнинг
Қадрию қимматин зап билардилар.
Ҳаёт, бу — мансаб деб ва ҳар байрамда
Бирон нишон олмоқ деб билардилар.

Энг бош «имом» эса,
 ҳали тарихда
Бу хил мўъжизани кўрмади жаҳон:
Нишон тақабериб ўзига ўзи,
Бу юкдан йиқилиб, таслим этди жон.

Биллур қасрларда биллур қандиллар
Шиллиқ қурт кирса ҳам сўзсиз жонланар,
Лекин тахт эгаси хира ақл эрса,
Юрт кимдан руҳ олар, кимдан жон олар?!

Не сўз, элнинг-юртнинг орзуларини
Ерга топтаганлар бугун бари хор.
Бирлари кўксини чангаллаб ўлди,
Бирлари осонроқ ўлолмай абгор.

Бундан ҳам баттари — уларга мурид —
Шогирдлик ё хизмат бурчин ўтаган
Минг-минг алп йигитлар бугун ҳибсда,
Беғуноҳ оила — уйда ўксиган.

Ҳа, ажаб ваъзхонлар қавми эди бу,
«План»дан бошқага ярамаганлар.

Лекин Москвада не-не эшикка
Закот ташимоқдан ҳоримаганлар.

Давроннинг бу қандай мўъжизасиким,
Не сирилиш бўлди фалакда бу он:
Шайтоннинг айбимас, жичча наф учун
Қўшилиб кетдилар «кофир»-«мусулмон».

Бу қавм албатта яхши биларди
Тонгни ҳам, нурни ҳам, ҳатто шафақни!
Лекин қуёш қадар юксак тутмасди
Ўз она халқига меҳр, шафқатни...

Балки фариштадар тушгандирлар ҳам,
Ҳайрон ҳам боққандир ердаги ҳолга:
Аммо кўк не берар, арш нима қилар
Ўзи қаддин тикка тутмаган элга?!

Йигирманчи йиллар — хун, ўттиз — қувғин,
Қирқда яна қиргин, эллиқда баттар.
Олтмишда сесканиш, етмишда тургуш...
Нақ портлаш олдидан... сукунат, ҳатар:::

Айтинг, саргардонлик топарми қўним,
Ноҳақликка кимдир берарми жазо?
Айтинг, ваҳиманинг ёши нечада,
Елғоннинг ўлимин кўрарми дунё?!

ЕСУМАНЛАР

Ногаҳон, бемаврид чаққандай чақмоқ,
Гўё ўша, тонгга яқин маснадда
Гўрўғлининг отин ўғирлаб қочмиш
Есуманлар чиқди бизнинг давлатда.

«Анор гумбази»дан ёруққа чиққан
Бағри қон доналар қандай пок, нажиб!
Аммо кафтдан сачраб, ҳарён бутрашса,
Оёқости бўлар титраб, қон очиб.

Бу қавм ҳам фаришта атади ўзни:
Гўё юртни нурга чиқармоқ истаб,
Она Шарқ юзидан сўнгги нур илинж —
Ҳаё пардасин ҳам сидирмоқ истаб...

Колхозчи аёллар бир паслик қаров,
Бир паслик оромга он кутардилар.
Шу юрт ўлмасин деб, ўнтадан туғиб,
Қилдек жонга қирқта жон тутардилар.

Булар ҳам ваъзхонлар қавмидан эди,
Она тилга, шеърга солмоқчи кишан...
Буям эл кўкрагин тешиш важҳига
Ўзининг кўксига кўзлаган нишон.

Булар ҳам, нақ Дажжол, нопок қавм йиғиб,
Танпри тиз чўкишин тусагансимон,
Фалакнинг инсонга нури совғаси —
Жоннинг азасини этмоқ бўлди манъ!

Асли, ҳар замонда фидойиларнинг
Жони тўлуғ бўлар қайғу-аламга.
Баттар жафоларни энди олдилар
Ўша жон деб жони куйган одамлар.

Бу пайт қайда эди ўша нур йўли,
Гарчи тинган эди қирғинлар, уруш?!
Балки сал тикланса басмиди бошлар?!
Аммо юрмай юрдик,
ишламасдан иш...

Ўз тилимда сўзлаб — миллатчи бўлдим.
Салом деган одам — Исломга бакор!
Ит солдик эшикка келган Наврўзга,
Юртни четлаб ўтди неча бор баҳор.

Ҳар устун нақшида Қуръондан сура,
Ҳар салла остида халифа кўрган
Разил тафтишкорлар ўзи ким асли,
Кимнинг жосуслари, юртимда юрган?!

Оқни оқ — қорани қора демас жой,
У буткул сотқиндир ё юфил бутун.
Озодлик шевасин билмаган жонлар
Қандай сўз айтсинлар озодлик учун!

Аслини олганда, тил нега керак,
Хусусан «Она тил?» Даҳмаза, иллат...
Тагин лаҳжалари кўплигин айтинг...
Нега керак ўзи минг туман миллат?!

РОБОТҚУЛ қандай сөз?! Тугмани боссанг,
Айтган томонингга югурса, борса!
Кимга керак, ахир, бир куни тонгда
Кимдир ўз тилида куйлаб юборса?!

Ҳа, худди шу ерда экан сир, қаранг:
Ҳар халққа ўз тили куйлашга керак!
Ўша тахтиравон йўлнинг бошида
Зумрад юлдузларни ўйлашга керак!

Юртнинг маънавият қасрин бузганлар
Ким ўзи, хўш, айтинг, бугун бир қараб?!
Худди шундай зотлар худди шу тахлит
Неча авлодларни этганлар хароб!

Аёлга фалак бахш этган сифатлар
Доим дилга солмиш ҳайрат ва ларза.
Лекин тиг ё қалам тутса ул қўллар,
Биламан, титраши мумкиндир ҳарса...

Аслида, ҳар миллат — ерида эркин,
Ўз урфи, ўз тили, шеърида эркин.
Ўзгалар мулкига ҳаддимиз йўқ ҳеч,
Бас, бўлсак улардан берида эркин!

ПАХТАДАМИ ФОЖИА?!

Ҳамма бало балки пахтамиздами,
Яъни, юзи оқу ичи қорадир?!
Асли, баъзи кўзлар ипак-майиндир,
Баъзиси бўялган бўздек оладир.

Ҳаҳонда, аслида, кимнинг кимлигин
Дарди-касалини, қалби борини
Ҳар кимнинг кўзидан аниқлаш мумкин,
Кўриб қорачуғи оламларини!

Пахтанинг ўзини тинглаб кўрдикми
Кўсак ўз эрки-ла тил ёрганида?
У нени сўзларди, зўрлик, зулм боис
Шунча заҳар ютиб юборганида?!

Пахта! Агар унга тил битса борми,
Балки, Иваново, балки Польшада,
Толалар тороққа тушган маҳали
Ўзбекчалаб: «Э воҳ...» дердилар зада.

Йиллар, ойлар, кунлар, кеча ва кундуз
Ўзбек ўз ноёнсиз ҳасратларини
Далада ўзига ўзи сўзларкан,
Кўсак жамлар унинг шу гапларини!

Ўзбекнинг беўхшов митти шодлигин
Акс этар гўзанинг жайдари гули,
Ҳи йиллар муаллақ эди бошида
«План» отлиғ жазо қиличин мили!

Ҳа-да! «План—қонун! Мажбурият — бурч!»
Хоҳлаган бир раҳбар бу мамлакатда
Ўз истагин Қонун этарди сўзсиз.
Қолганлар тилсиз қул эди, албатта!

Янги чингизхонлар, шундоқ, тугилиб,
Далаларга ҳайдаб миллион бояқишни,
Қориққа қадалган жажжи бошларни,
Билмадик, ким учун поя қилишди?!

Ҳар қандай инқилоб ўз фарзандларин
Охир барисини ютгани янглиғ,
Пахта ҳам пахта деб жон тиккашларнинг
Неча авлодини этди қурбонлик.

Мен бугун қўрқаман, йиллаб шу тахлит
Ёлғон қонунларга бош эгган авлод,
Энди Келажакнинг қаршисида ҳам
Эгилиб-букилиб қолмасмикин, дод?!

Юқорида айтдим, ҳибсададир бу кун
Минг-минг ота-ўғил, ака, куёв—йўқ...
Минг-минг хонадонда тирик етимлар
Кўзлари — ҳар нени отишга шай ўқ!

Мен ўша мингларга оқловчи бўлай,
Ўртоқ Прокурор, очинг қамоқни!
Бегуноҳ етимлар хун ёши билан
Баттар қизартирманг алвон байроқни!

Агар ўша минглар гуноҳкор бўлса,
Айбланг замонанинг ўзини айни!
Улар таржимаи ҳолин барчаси
Ёзганлар: «Бахтлиман замон туфайли...»

Ўртоқ Прокурор, барин бўшатиб,
Емонотлиг этманг бир халқнинг жонин!
Кўрдик, минглаб шиор ёзибсиз ҳар йил,
Ёзмасдан мукамал бир сатр қонун.

Жиноят, заҳарли замбуруғ каби,
Албат жуфти билан бўлади ошқор,
Ким ўгринча четга бир не сотганми,
Шу давлатда униг бир шөриги бор!

БОҒБОН ҚАЙДА, БОҒ ҚАЙДА?!

Боғлар ҳам камайиб кетди шу йиллар,
(Яшилликдан ер ҳам, кўк ҳам умидвор).
Одамнинг бир умри давоматида
Дарахтга боғланган ўн мингта ин бор.

Агар биз майсанинг устида ётиб
Чинор келбатига бўлсак маҳлиё,
Бизни ҳам сартапо ўз ўлчови-ла
Элаклаб туради допишманд дунё.

Эсимда, бир даста кўчат қўлтиқлаб,
Баҳор бозоридан чиқарканман шод,
Гўё келажагим қучоқда эди:
Ул нурли кўприкка чиққандек озод!

Худди, худди шу пайт юқори раста —
Баланд пештахтали айвондан сипо
«Буларниям кўринг! Барака топинг!»
Чорлади молига имлаб бир «бобо».

«Мана шу кўчатни қўшиб обкетинг...»
Қарасам бекорга таклиф этмаган,
(Мен кўчатга боқсам — у менга боққан!)
Назаридан ўтган не боғ, не чаман.

Ишондим.

У берган уч-тўрт ниҳолни
Ўз дастамга қўшиб кўтарсам бардам,
Ёқасида тўрт-беш тешик ўрни бор!
Юрагим шир этди: «Нишондорлардан!»

Бу нечук иш? Қандоқ? Қасб ўзгартириб,
Энди боғбонликка ўтгани недан?
Бир пайт қанча боғни пахта деб, чошиб,
Бугун бизга кўчат сотгани недан?

Ҳар кўчат ҳам нур-да!

Мен енгил уча
Бир қучоқ орзуни алқаб кетардим:
Ўшал Тонг йўлида, гўё боғбондек,
Четларига саф-саф ниҳол экардим!

Мўъжиза жуда кўп куттиргани йўқ,
Боғимда қад тутди дилшод ниҳоллар.
Аммо шодлик билан баравар боғда
Юз берди кўнглимни доғ этган ҳоллар.

«Нишондор» ул боғбон берган кўчатлар
Зарпечак заҳали экан, ишқалли.
Ёздаёқ боғимга совуқлик тушди.
Саргарди келмаёқ юк тутиш гали.

Йўқ. Ул «бозорчи»ни мен бекор сўкдим—
Ким не нишон тақса — шунинг бандиси.
Қушхона кўтса ҳам ўрнида узоқ
Қолади қузғунлар, қолар қон иси.

Демак биз нафақат ҳар бир фаслнинг
Ҳар кўчат чамасин олмоғимиз шарт,
Юрда чин боғбонлар борлигин сезсин
Умид гунчаларин туккан ҳар бир нарт.

БОЛАЛАРГА БИР НИМА БЕРИНГ...

Етмиш тўққизинчи йил.

Бухоро йўли.

Газета варақлаб бўлиб ногаҳон
Евтушенко боқди ҳайдовчига: «Айт,
«Кичик ер», «Тикланиш», ҳоказо айрон,

Бўтқа битикларни ўн йилдан кейин
Бирон одам олиб кўрадимиз? Йўқ!»
Шофёр елка қисди. У «Интуристдан».
Шоирга индамай боқди кўзи лўқ.

«Тагин мукофот ҳам берганлар! Даҳшат!»
Тўғриси, бу исён, бу баҳо, олов
Мени ҳам ўрнимга парчин этганди,
Бир не демакликка юрак бермай дов...

Ахир ўз буржида эди Қуёшлар!
Авжи порлаган пайт! Тик боқсанг — тамом!
Ўзбекистон айни «Социализмнинг
Шарқдаги машъали!» номин олган он...

Йўлда ҳайдовчига, ҳордиқ баҳона,
Дала чеккасида тўхташни айтдим.
Дефоляция ўтган. Пайкал — чипорак.
Пахта терим энди қизиган пайти.

«Мана бу — пахтазор! Келинлар, кўринг!
Эҳтиёт! Яқинда дори сепилган...»
Салкам одам бўйи гўзалар аро
Болалар ғимирлаб юрар эдилар...

«Заҳар?! Унда нега болалар кирган?
Болалар?!»
Шоирим жувбушга келди.
Уч-тўртта жужуқни ёнига тўплаб,
Бир нелар сўради, бир нелар деди.

Болалар, қўллари ёрилган, қора,
Кўпи ялангоёқ, жулдур, саранглаб,
Ўсняга, космосдан тушган одамдек,
Ҳайрон боқардилар ненидир англаб.

«Падарингга лаънат, Европа! Мана,
Не сабабдан «хб» модада экан!...»
Шоир сўнг анча вақт индамай кетди,
Обкомда заҳар бир ган айтди аранг.

«Ўзбек туржидан ҳам бой!» дейишганди,
«Остонасигача тўлган олтинга...»
Китоб ҳадя қилган арбоб-шоирга:
«Болаларга беринг... Керакмас менга...»

Ўзбекнинг юраги қай рангда, айтинг,
Не боис бу пахта шунча оқ, учқур.
Хирмон қанча баланд бўлса бошлардан,
Нега фожиаси шу қадар чуқур?!

Нега деҳқоннинг ўз юксак меҳнати
Тўсди ўз боласи келажагини?
Чексизлик эртаги нега тугади?
Ким билар эртанг не кўражагини?!

Ўшанда ул тонгга, Тилсим шуълага
Ўкуда яқин юрган эканмиз, ахир!
Чунки Евтушенко олган расмлар
Нурланиб, оқариб қолибди негадир...

ЯНА БИР САВОЛ

Ҳа, одам дунёга очиқ кўз билан,
Одил назар билан боқсайди доим,
Тарихчилар учун иш қолмас эди,
Ўз ерига ҳар ким бўларди ҳоким.

Хў, замон!
Арбоблар ўз бахтин ёзиб,
Бунга мукофот ҳам олар эдилар.
Халқнинг ва пахтанинг ҳолини битган
Шоирни қувғинга солар эдилар.

Шоҳ ўлса ўзгариш бўлар деб зора,
Неча авлод кутди, ҳар ҳолда кутди,

Аммо бу замонда шоҳ ўзгарса ҳам
Ҳеч нарса ўзгармас — ақлимиз етди.

Мундоқ олганда-ку тахтнинг гирдидан
Шоиру фозиллар жой олган ҳар вақт.
Навоий Бойқаро шаънин улуғлаб,
Оғаҳий Ферузни алқагани ҳақ.

Шоир шоҳ олдида бурчдор эмас ҳеч,
Лекин халқ олдида доим жавобгар.
Чунки халқни меҳнат эгган, сўзломас,
Мана шоир нечун шотиқдир магар!

Гоҳи пайт ҳаёлим зил қанотланиб,
Бардош қаламимни олсам қўлимга,
Мен жавоб тополмай қоламан мутлақ
Бир сирли ҳаётга, сирли ўлимга:

Шунча йил ким эди бизнинг отамиз?
Золим подшомиди ёки пайгамбар?
Москвага тилсиз қулмиди у, ё
Бесама давлатдан излаган самар?!

Нега у сўнги бор, не илинж ила
Хоразм сафарин айлаб муддао,
Ўтиб икки дарё оралигига,
Орол сари йўлда йиқилди танҳо?!

Ўлганлар ҳақида кўп бўлар эртак,
Аммо довишмандлар бермишлар хабар,
Сир ва Амударё оралигига
Келиб жон берганлар етти пайгамбар...

Терс ҳикматни қаранг:
Улуғ лойиҳа
Ўзи ўйлагандек келса ижрога,
У йиқилган жойда қуюлгай эди
Сибирь дарёлари Амударёга...

Очиқ айтилмаса агар давронда
Гадосининг феъли, шоҳнинг даҳоси,
Халқнинг келажаги, тарихи учун
Бошқа авлод, сўзсиз, бергай баҳосин...

НЕГА МЕН?!

Кўп оғир, серташвиш куннинг сўнгида
Ўзимни сўкаман гоҳида баттар:
Сенга нима ғам бу?! Сенга не ташвиш?
Нечун жонинг қийнаб, қўзғайсан хатар?

Орол фожиасин қачонлар айтдинг,
Заҳар дориларни сўкдинг ким қачон!
Тилинг, тарихингнинг, буюкларингнинг
Тақдирини ўйлаб чекдинг минг фиғон...

Сенга нима азоб, мингтама жонинг?
Ҳар кунни мукамал яшаш номумкин.
Ё ўзни ўйлатмай, халқни ўйлатиб
Мавҳум руҳ сўрарми ким учундир хун?!

Сенда не журъат бу? Қайдан шунча ўт,
Куймакликка қайдан шунча ёқилги?
Ё қул ва ё хожа эмассан-ку сен,
Зўрловчи куч борми: Қилма ё қилғил!

Бу тўхтовсиз тўлқин, аланга, шарор,
Нени ёндирмоқчи, нимани тоблаб?
Ё бир сирли қудрат олдида ўзни
Келажак учунми олурмиз оқлаб?

ҚАРАНГ, ЯНА НУРЛАР!

Эй дил, парвоздасан, ҳолингни рост айт,
Ҳайиқма, осмоннинг ўз фарзандисан!
Энди қўрқмоқликдан қўрқ! Бир ҳикмат бор:
Недан қўрқсанг — шунга абад бандисан!

«Бахт — у дунёда!» деб, ислон қутулди,
«Келажакда деб, бахт!» мажҳул этган ким!
Лекин «Бахт — шу куннинг адолати!» деб
Унинг асл номин айтмади ҳеч ким.

Мантиқ қоинотдан беради хабар:
Борлиқни қай тахлит қилмайлик баён,
Умр — юлдузларнинг ҳаракатидир,
Мазмуни — ортдаги изингдан аён!

Ғарчи бу дунёдан хор-залил ўтсанг,
Курашларга ҳушсиз кўнган, танбал, қул,
У дунёда мавҳум бахт талаб этиб,
Ҳақингни сўрамак илинжинг — бир пул!

Йўлни эртанг учун об қўйиб бўлмас,
Тўсилган бир дарё, бу — икки ўлим!
Бири сув ўлими!

Иккинчиси, бу—

Бўгганники! Кўлмак ичмакка маҳкум!

Тонг — Ернинг ўзини ўнглаб олиши,
Ер ўзин янгилар ҳар тонготарда.
Ерда Тонгга бефарқ қанча жон бўлса,
Ерда шунча жоннинг жони хатарда.

Балки бутун тонгда, балки эртага
Ер сари тўшалгай ул сўнгги ёгду!
Биздан унга кимдир юксалармикин?
Ҳа ё йўқ!
Қисмат шу.
Келажак ҳам шу!

Сирли шу кўприкни кўп сўйладим мен,
Дулдул мақтагандек азал бахшилар.
Сулув мақтагандек, боғ мақтагандек.
Полвонлар... Балки чин халоскор шулар?!

Достонлар, ёдгорлар, ботирлар умри,
Билмадим қайдадир узилиб қолди.
Бир офат қиличи тушиб, қон бўлди—
Юртим толейнинг орти ва олди.

Энди ким ямайди сўнгги ишаклар
Сийрак тортиб қолган қалб либосини?
Тубсиз жар бўлида ким тивглар энди
Йўллари кесилган карвон сасини?

Энди ким, ҳаммадан олдин уйғониб,
Ногоҳ кўриб қолса ўшал кўприкни,
Элини уйғотиб, «Тур, кўкка боқ!» деб
Ким тутиб беради елка, кўкракни?!

Модомики мана, мана ўшал он!
Мана биз асрлар хўи кутган асно!

Тонг ҳали отмади, аммо уфқда
Недир сазо берди — нурли, пурмаъно:

Ҳа! Қаранг!

Уфқнинг туман зирҳидан
Бир тола сирғалди ерга олтинсоч!

Бир дастаси кўкда! Бирини юрт узра!
Бу ўша! Умидлар кўприги! Меърож...

Ўйланг, кечагина ўз ҳақинг учун
Юз эшикда лозим эди тиланиш!
Етар! Мана кўприк! Бу сўнгги илинж!
Мисли кўрилмаган бир Янгиланиш!

Биринчи қадам зил... Уёғи енгил!
Унутинг хатолар, ваҳм, андишани!
Фурсат қўлдан кетса, тамом, яна тун!
Яна чархпалак қолгай пешана!

Қаранг! Йўлга ундаб, чорлаб имонни,
Бир овоз қалқмоқда ҳар бир юракка:
Бу умид тонгининг олтин торлари!
Бу илоҳий хабар — чорлар фалакка!

Бу овоз бир менмас, ҳар бир кўкракда
Олдин ҳам кўп балққан! Ҳамма эслайди!
Халқнинг юрагида аслан бор гапни
Шоирлар эслатар энг керак пайти!

Бу — аччиқ ҳақиқат.

Хўш, менга келсак,

Ҳеч қачон ўзгага қолдирмам юким.
Мард, ҳалол шоири айтган ҳар бир гап,
Бу — миллат ўзига чиқарган Хукм!

ТУРҒУНЛИК ЙИЛЛАРИ

Дунёга синчиклаб тикилган кўзлар
Мушкул бир ҳолатни пайқашга тушди.
Қай томонга боқманг, бари — йўлсизлар,
Толелар айқашу уйқашига тушди.

Етмиш йил эл яшаб қуръон, тавротсиз,
Эрлар ночор қолди, аёл авротсиз,

Замон дурадгори асбоб-яроқсиз
Илма-тешик томни ямашга тушди.

Қор қора ёғмоқда, ёмгир заъфарон,
Дарёлар ўрнида оқмоқда армон,
Хар подшо ўзича чиқариб фармон,
Қолганлар бир-бирин булғашга тушди.

Ёқиб бўлакелдик газни, кўмирни,
Зимистон айлаймиз тез она ерни,
Кўк ютар бундаин улкан қабрни,
Одамнинг сояси қуёшга тушди.

Хар ерда ҳоким ҳақ, арбоблар ғолиб,
Қонун шуларники, шуларда қолиб,
Энг катта айбдор бир ёқда қолиб,
Жазони бошқалар ўташга тушди.

На майхона қолди юртда, на меҳроб,
На муқаддас қаср, на азиз китоб,
Не-не олтин бошлар кўролмай офтоб,
Надомат тунда мудрашга тушди.

Ҳайронман сен ўзбек деган миллатга,
Ерингни тўлдирдинг мараз, иллатга,
Не жавоб айларсан бундай кулфатга,
Қара, пойдеворинг нурашга тушди?

Қани элни яктан этган донолар,
Қани уй файзини тутган момолар,
Қани «Бирлаш! Тиклан!» деган видолар,
Ғафлат оғусими ё ошга тушди?!

На шомда ишнинг бор, на тонгда ёдинг.
Ароқ, уйқу бўпти бор эътиқодинг,
Жаҳон саҳнасидан ўчмоқда отинг,
Номингдан бошқалар сўзлашга тушди.

Кўкда йўқ Улуғбек очган юлдузлар,
Кўҳна Урганчингни емоқда тузлар.
Ер ости ганжларинг бегона кўзлар
Излаб, ковлаб, ташиб, гизлашга тушди.

Нечун қоралайсан сен ўз ўтмишинг,
Амир ҳам ўз кишинг, хон ҳам ўз кишинг,

Кўрарманми сенинг униб-ўсишинг,
Нечун парвоналар оташга тушди?

Бойқаронг қотилмиш, Темуринг хунхўр,
Мангубердинг зобит, хор, манглайи шўр,
Не хароб миллатсан, борми бирон зўр,
Устунлар тикланмай қуланга тушди?!

Жаннат Ўзбекистон, жаннатинг қани,
Шунча меҳнат қилдинг, меҳнатинг қани,
Сиянган, суйнган давлатинг қани,
Ҳар дайди ит сени талашга тушди?

Ҳеч ким ўз молига қўёлмас баҳо,
Бору йўғимизни билмайди дунё,
Ҳеч кимдан сўрамай-нетмай не юҳо
Бу юртдан қурбонлик ямлашга тушди.

Ўзинг бўлсанг эдинг ўзингга қози,
Ҳар оғир-енгилга бўлардик рози,
Етти ётлар қўйиб носоз тарози,
Оқу қорангни каж ўлчашга тушди.

Билганинг-кўрганинг пахта бўлибдир,
Ақлинг, тафаккуринг ахта бўлибдир,
Юз сариқ, жигаринг сўхта бўлибдир,
Наслинг шажараси бутрашга тушди.

Ўзин, элин, тилин нақд сотган ким у,
Бир танда уч сотқин яшагани шу,
Буни шараф билиб нечалар ёҳу,
Даврондан мукофот тилашга тушди.

Давр деворида Қодирий қони,
Шимолга қулади жануб Чўлпони,
Заҳр ичди биллур жом тутган Усмонинг,
Қонли базм соқийни сўрашга тушди.

Хўш, бугун-чи, йўқми ҳеч пок тийнат жон,
Ун жойга хатланар сал фаол инсон,
Ким у, ҳар сўқмоққа қўйиб юз қопқон,
Ҳар йўлни ким обдон боғлашга тушди?!

Киммиш! Ўзимизнинг булар палидлар,
Булар ўзимизнинг абдуллатифлар,

Юлдузлар таъмидан бебахра итлар
Ойни ялоқ билиб увлашга тушди.

Ким эмиш! Барин гоҳ сотган ўзингсан,
Бир-бирингни ғажиб ётган ўзингсан,
Ким бош тикласа тош отган ўзингсан,
Ахир, ўз бошинг ҳам шу тошга тушди.

Келди Маҳтумқули айтган бир замон,
Унутди «Яхшилик» сўзини ёмон,
Обру талаймоқда қурт билан илон,
Филлар пашипа билан саванга тушди.

Илм, бу аслида тангрининг нури,
Ҳаммага тенг аён эмасдир сири,
Кўпни олим этиб қамчининг зўри,
Шогирд устоз билан курашга тушди.

Кимнинг эри қаттол, кимнинг аёли,
Шундан бир-бирида эмас хаёли,
Ром этиб ўткинчи тулпорнинг ёли,
Кўпларнинг кўзлари ўйнашга тушди.

Азиз нимамиз бор аёлдан бошқа,
Қуйиб бўлсалар-да ишда, қуёшда,
Нечун кирмакдалар яна оташга,
Қандай шармандалик бу бошга тушди?!

Тортилиш кучидан собитдир олам,
Қуёш теграсида сайёралар жам,
Аслида меҳрдан яралган одам
Бурч юкидан бўйин товлашга тушди.

Инсон бир туғилар, қайта туғилмас,
Азал бунёдкори қайта уринмас,
Асли рост нарсалар қайта қурилмас,
Ахир, сув бошқаю ўт бошқа тушди.

На кўрдинг Сталин бўлганда «отанг»,
Не берди довдирбой, парфеъл Никитанг,
Гўё Брежнев ҳам сенинг ўз хатонг,
Тирноғингни кимлар қовлашга тушди?!

Руснинг уйига ҳам кирди дарғ, алқаш,
Шунданми режалар, йўллар кўп чалқаш,

Шунданми ўз жойин ташлаб беоташ,
Қайда иссиқ кўрса тарқашга тушди.

Умидсиз шайтон деб такрорлаб оят,
Елгиз умид билан яшаш жиноят,
Чунки Елгон яна тўқиб ривоят,
Ўзин «янгилаш»га, бўлашга тушди.

Шунча сабоқ етар! Ўзингга ишон!
Ўз ақлинг, хулосанг, кўзингга ишон!
Сўнгги бор ўз ўгил-қизингга ишон!
Бугун шулар сени ўйлашга тушди!

Асли сендан зўрроқ қандай киши бор?!
Бугун Сайёрада «Ўзбек иши» бор!
Ҳали ўзбекнинг бир ҳайқирими бор,
Қара, томирларинг титрашга тушди!

Бузиб сарҳадларни, говларни олиб,
Бори дунё билан қилгил ошнолик,
Йўқса, ўтмишнинг ҳеч кўрмай рўшнолик,
Келажак бир жойини топташга тушди.

Қаранг Янгиланиш деган пешани,
Арти у Халқ Руҳи маҳкум шипани,
Бугун қайта англаб Азал ишини,
Кўшлар орқа-олдин ўнглашга тушди.

Азизлар, дўстларим, қавму қардошим,
Истиқбол не бўлар, қотди-ку бошим,
Кўзимга гилтиллаб келмақда ёшим,
Деманг: «Шоир яна йиғлашга тушди!»

Шоир жола тўкса ўшинг манглайин,
Унинг хабари бор бир гапдан тайин,
Кимнингки дийдаси қотгани сайин,
Билингни, қалби ҳам музлашга тушди!

Шеърдаги тушқунлик дил гавҳаридир,
Садаф мавқеи ҳам денгиз қаъридир,
Ким деса: «Бу гаплар мендан наридир»,
Умрини бошқалар яшашга тушди.

Нега мен бу ўтга жонни тикамен,
Нега мен бу ўтни бекор титамен,

Ҳақнинг дийдорини ўтдан қутамён,
Ўзи олов қўнглим не гашига тушди?

Истагим, бугунми-эртагами, бас,
Ўзбекнинг йўлими-қўлидами, бас,
Юрагим рангида бир не бўлса бас,
Қўнглим шунга фақат тилашга тушди.

1987

«ЕНИБ, ЎЗГАЛАРНИ УЙҒОТМОҚ НЕ БАХТ!»

(Омон Матжон шеърятига бир назар)

Бугун — Омон Матжон 50 ёшлик умр довоидан ошган дамларда шоир китобларини қайта варақлаб, у босиб ўтган салкам ўттиз йиллик ижод йўлига назар ташлаб хаёлга толаман... Кейинги пайтларда адабиётимизнинг «қизил империя» истибодиди давридаги, жумладан 60—70-йиллардаги ривож теварагида қизгин баҳслар кетяпти. Сўнги ўн йилликлар адабиёти устида гап борганда ўша кезлари яратилган асарлар, хусусан шеърятга хос етакчи хусусиятлар, чунончи, шеърятдаги ижтимоий гражданлик руҳи, ошкора публицистик талқин, «гап айтиш»га, даврнинг ўткир масалаларини кўтариб чиқишга мойиллик тамойиллари хусусида гоҳо бирёқламароқ фикрлар ҳам билдириляпти; адабиёт, шеърят кундалик ҳаёт муаммолари билан ҳаддан ташқари банд бўлиб кетиб, инсон қалбининг илоҳий, сирли-сеҳрли томонлари таҳлили, мангу умуминсоний, думбашарий қадриятлар ифодаси эътибордан четроқда қолган демоқдалар; бизда ўша кезлари Оврупо тараққийшарвар адабиётида кенг урф бўлган модернистик йўналишлардаги каби инсонни янгича тушуниш, унинг қалбини кутилмаган томонлардан таҳлил этиш усуллари шаклланмаганлигини писанда қилмоқдалар.

Бундай таъна ва танқидий мулоҳазаларда муайян асос бор. Шуниси қизиқки, бу хил таъналар кўпроқ ёш қаламкашлар томонидан айтилмоқда. Адабиёт босиб ўтган йўлга, унинг муайян даврига баҳо бераётганда ўша кезлардаги тарихий вазиятни, адабий ҳаётдаги аҳволни, замоннинг талаб ва эҳтиёжларини, Қодирий ибораси билан айтганда «халқнинг завқини, руҳини» ҳам назарда тутмоқ даркор. Омон ва унинг тенгқурлари шеърятга кириб келган ва қизгин ижод қилган йиллар адабиёт учун хийла мураккаб, зиддиятли давр эди. Ўша замоннинг руҳи, асл қиёфаси биринчи галда ўша даврнинг пешқадам адиблари, жумладан, Омон Матжон асарларида гоят ёрқин, ҳаққоний акс этган. Узоқ давом этган зулмат — даҳшатли зўравонлик сиёсати, таъқиб ва қатагонлардан кейин 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларида рўй берган, тарихда «эрувгарчилик» деб ном олган ижобий жараёнларни Омон «муборақ наврўз»га қиёс этади; таниқли тенгқур дўстига бағишланган бир шеърида бу жараён моҳиятини шарҳлаб, ниҳоят, юртда қора зулматнинг беписанд кезиши сал барҳам топгани, қўрқа-писа бўлса-да, нурлар ҳам оздроқ кўриниш олгани, ҳар томинг, ҳар бир бўғотнинг ҳадеб қовоқ уюши тингани, сонсиз найза-киприк сумалаклари эриб тушгани, ё чил-чил сингани, йўлларни кенг қошлаб ётган яхмалаклар битгани, энди бир жойда топталиш, сирпанишлар йўқлигини айтади. Бироқ нисбий эркинликка эришиш масаланинг бир томони, холос. Масаланинг бошқа томони шундаки, сиёсатда юз берган баъзи ижобий ўз-

гариллар, барибир, тоталитар тузум ички зиддиятларини барҳам
этолмади, ижтимоий-маънавий ҳаёт тобора чигаллашиб бораверди.
Омоннинг «Гаплашадиган вақтлар» шеърӣ қиссасидаги эзулик
элчиси нигоҳи орқали маъхум, мужмал бир замонга берилган
мана бу таъриф-тавсифлар аини 60—70 йиллардаги биздаги иж-
тимоий-маънавий ҳаётнинг аниқ-равшан тавсифномаси бўла олади:

Осмон тиниқ, қуёш бирдек бўлгани билан
бир жойларда пайқар эди, бунда кўп нарса
чалкаш, ғовлаб кетганини, айниганини.
Яхши киму ёмон кимдир, ҳеч ким билмайди,
ҳақ сўз қайси, ёлғон қайси, ҳеч ким билмайди,
ўтмиш қайси, келажак-чи, ҳеч ким билмайди.
Китобдаги тўғрими, ё оғиздагиси,
буюрганнинг гапи чинми, ё бажарганининг,
мақтаганининг лофи чинми, ё йиғлаганининг...

Омон ана шундай чалкаш бир замонда қалам тебратди. Омон
Матжон ижоддаги дастлабки қадамларидаёқ ўз олдига улуғ
муддаоларни қўйган илк шеърларидан бирида «Ўзим ўз қалбим-
нинг бўлсам Колумби» дея орзу қилган, хаёли бу кўҳна дунёнинг
боқий сехри жумбоқлари билан банд эди. Бироқ ҳаёт уни ўзга
йўллarga бошлади. Омоннинг йигирма йил бурун чоп этилган
«Карвон қўнғироғи» китобида «Шуълалардан ҳайратланиш» деган
шеъри бор. Бу шеърни шоирнинг маънавий-ижодий таржимаи
ҳоли деб аташ мумкин. Дастлаб ўзи кўрган, таний бошлаган дунё
ғўзалликларидан ҳайрат ва завқ-шавқларга тўлиб-тошиб юрган
ўғлон бу ҳаёт гирдобига кириб борган сари бошқача ҳолга туша
бошлайди:

Ўзга-ўзга бир аҳволга келаман дучор,
Ўзга бўлиб кўринади мен кўрган дунё!
Мен кечирган умр буткул кўринур бекор,
Кимларгадир фақат кулку бўлибман гўё.

Кимдир бойлик йиғиб, куну тун айш қуради, ўзгалар билан
мутлақо иши йўқ; кимдир ҳатто севгилисини ўз куни учун ги-
жимланган бир сўмликдай гаров қўяди; кимларнингдир уйида
ҳаёти танг, боши узра қора қушлар бот-бот чарх уради; гўдак
қонин талаб қилган аждаҳо янглиг қора бир маҳлуқот пок туп-
роққа тумшуқ чўзади... Бу каби нохушликларни кўриб шоир дили
вайрон бўлади:

Менинг нурли ўйларимга шулар қоришар,
Кўкка учган хаёлимни шу тортор пастга.

Жамият ана шундай «оғир дард» билан оғриётган, олдинда
яна кўп хатарлар кутилаётган бир пайтда виждони уйғоқ шоир
нима қилиши мумкин?! Омоннинг «Ёнаётган дарахт» шеърисида бу
аламли саволга аниқ-лўнда жавоб бор. Шеърда шундай бир рам-
зий романтик лавҳа қаламга олинади: тунда яшин тушиб, богнинг
четидаги эркин қушларга зангор пойтахт саналимиш салобатли

дарахт ёна бошлайди. Бошқалари қолиб нега айни шу дарахт ёнди, дея савол қўяди шоир, чунки у «уйғоқ эди, ўзи илк зарбян олди Ёнаётган дарахт!» дея хитоб қилади. Демак, уйғоқ дарахт онгли равишда бу ишни қилди, ўзини бало-қазога тутиб бериб, ўзи ёниб, бошқаларни бу даҳшатли хавфдан огоҳ этди! Шоир бу рамзий ташбеҳдан асл муддаога кўчиб дейди:

Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда
Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ, не бахт!
Дўстларимдир барча ёнаётганлар,
Дўстларимдир — ЁНАЁТГАН ДАРАХТ!

Бошқа бир шеърда шоир бу фикри давом эттариб, «Шоирлик — ҳақ дея ёниш», дейди. Ўт-олов бўлиб одамлар кўнглига олов солиш, одамларни бедор этиб, ўзлигини; ўзи яшаётган дунёни, замонни англашга ундаш, хатарлардан огоҳ этиш — шоирнинг ижодидаги бош муддаосига айланади. Шоир бор овоз билан дейди:

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.
Ўтнинг алвон шоирлари, олов лаҳжаси
Қалбимдаги ёнишлардан сўйлар безабон!

Омон Матжон шеърининг бош хусусияти шунда, унинг кучли ва ожиз жиҳатлари, фазилатлари ва кам-кўстлари айни шу жиҳат билан изоҳланади.

Хўш, ана шу қалбдаги ёнишларнинг, дарду армонларнинг бадий ифодаси, талқини қандай? Қайноқ ҳаёт қучоғида туғилган, шу ҳаётнинг изтиробли муаммо-жумбоқларига жавоб, даво ястаб битилган мисралар санъат мулкига айлана олганми? Шоир кундалик реал турмуш чигалликлари ифодаси орқали катта умумлашмалар, ҳамма даврлар учун муҳим маъно-ғояларни топа билганми?

Табиийки, Омон Матжон ижодида, ўз тенгдошларида бўлгани каби долзарб, аммо ўткинчи кайфиятлар маҳсули бўлган шеърлар, яланғоч декларатив мисралар ҳам бор. Ҳар қанча ҳақиқатпарвар, исёнкор бўлмасин, адолат, ҳақ йўлида куйиб-ёнмасин, гоҳо давр сиёсати, ҳукмон мафкура билан тиллашган, уларнинг йўриғи билан иш кўрган пайтлари ҳам бўлган. Шунингдек, ўз даврида катта «шов-шув»ларга сабаб бўлган айрим шеърлари бугун анчайин «жўн» асарлар бўлиб кўрилади... Сўнгги йиллар ижодкор учун қаттиқ синов даври бўлди, не-не қаламқашлар, ўз даврида кўкларга кўтариб мақталган, ҳар хил мукофоту совринлар билан тақдирланган «шоҳ» асарлар бу синовга дош беролмай эътибордан четда қолди. Омоннинг ижоддаги бахти, омади шундаки, унинг китобларида бугун ўқиганда ҳар кишини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган асарлар талайгина. Бунинг сирини шундаки, кўн ҳолларда шоир дилидаги гапларга мос бетакрор бадий ифодалар, оригинал, ташбеҳ, тимсоллар топа билган, қаламга олинган ҳодисалардан фақат шу кун эмас, ҳамма даврлар учун бирдек қадри, ноётик ҳулосалар чиқара билган.

Омон Матжон ижодда фақат замонаси, ўз юрти воқеа-ҳодисалари, тенгдош замондошлари дарду ташвишлари изҳори — ифодаси билан чекланмайди; кечмиш, тарихий сиймолар тасвири ҳам ижодида салмоқли ўрин тутади. Омон — жаҳонгашта шоир, унинг сафар таассуротлари асосида битилган туркум шеърлари ҳам мавжуд. У тарихий ўтмиш ёки сафар таассуротлари ҳақида ёзганда ҳам биринчи галда замондош-юртдошлари учун зарур, қизиқарли, ҳаяжонли бирор жиддий, ибратли гап айтишга тиришади. энг муҳими, ана шу «замонавий гап» энг яхши асарларида бошқалар ва ҳамма даврлар учун ҳам керакли, ибратли гапга айланади. Шундай асарлардан баъзиларини кўздан кечирайлик.

Шукур Бурхон ҳақидаги алам-ўқинчларга тўла шеър эълон этилганида буюк актёр ҳаёт эди. Бу шеър ўша кезлари кўпчиликни зўр ҳаяжонга, изтиробга солган, ўйга толдирган эди. Шеърдаги поэтик лавҳа ёдда бўлса керак: Шукур Бурхон «Ҳамза»дан чиқиб, аста пиёда кетмоқда; бир ён гавжум кўча, бир ён расталар, оломон ўз иши, ташвиши билан овора, ҳеч ким актёрга эътибор бермайди; ҳозиргина у улуг Шоҳ Эдип эди, эди фуқародан багтар фуқаро; кечагина театрда йиғлаб унга талпинган жонлар бугун кўчада уни тапимасдан ёнидан ўтади, бугина эмас, йўлда уни туртиб-суриб ўз ишларига пошилади... Қалтабин «илмқаш» бу салт юришини кўриб «Даҳо халқ ичра!» деб жўшиши мумкин. Аслида эса вазият ўзгача: «даҳога йўл бермас ҳеч ким, базўр бормоқда у; қисилиб, мулкиб». Шоир қалби бу ҳолдан титроққа тушади. оломон, халқ ҳақида жўшқин баҳсга киришади; шу ҳодиса баҳонасида чархи кажрафторнинг ажиб бир савдоси хусусидаги аламли ўйларини тўкиб солади: Халқми шу, кўчани, расталарни тўдириб, фақат ўзини ўйлаб югуриб-елганлар? «Халқми шу, бировнинг ҳақини гизлаб, беш-ўнчи юлишини пойлаб турганлар? Халқми шу, нуроний сий-молар қолиб, сохта сўбатларни сийлаб турганлар? Халқми шу, хаёлу орзуларини ўзидан балаandroқ тиклолмаганлар. Халқми шу, халқнинг помидан сўзлаб, мингдан бир ваъдасини оқлолмаганлар?» Шоир эътиқодича:

Халқ улким, ўзининг пешонасида
юлдузлар борини сезса, қувонса!
Халқ улким, ғурури бўлса ўзида,
асилга ишонса, сохтадан тонса!

Афсус, минг афсус, халқ ҳали бундай маънавий камолотга эриша олгани йўқ. Шеърдаги энг муҳим бадний топилма шуки, томошабин-оломон театрда улуг актёрлар саъياتига тан беради, актёр сифатида улуглайди, лекин кўчада — ҳаётда эса уни тапимайди, улуг инсон сифатида ардоқлашни билмайди, қадрига етмайди. Буюк актёрнинг фожеий тақдири шоир фикрини тўла тасдиқлайди. Бу ерда гап фақат аниқ бир сиймо — Шукур Бурхон қисмати ўстида бораётгани йўқ. Фақат яқин ўтмишда эмас, ҳамма замонларда ҳам халқ пешонасидаги юлдузларни, гарчи улар фаолияти самараларидан, яратган кашфиёт-мўъжизаларидан баҳраманд бўлса-да, ҳаммаша ҳам муносиб қадрлай билмаган. Тарихда бунга мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Шундай кўнгилсиз ҳолатларга бугун ҳам дуч келаётимиз. Кўпчилик — оломон эмас, ҳатто халқнинг виждони, овози саналмиш ижодий зиё-

дилар ҳам гоҳо кўра била туриб шундай кўнгилсиз ҳодисалар олдида сукут сақлайдилар. Неча йиллар бурун яратилган Шукр Бурхон ҳақидаги шеър бугун ҳам бамисоли бонг бўлиб янграйди, одамларни ўзлигини англашга, ҳушёр тортишга чорлайди.

«Амир Олимхоннинг сўнги илтимоси» шеърдаги поэтик хулоса сабоқлар ҳам гоят ҳаяжонли, ибратли. Бугун маълум бўлиптики, Амир Олимхон хийла мураккаб сиймо экан: унинг эл-юрт, жамият олдидаги гуноҳлари билан баробар айрим савоб ишлари ҳам бор экан. 1980 йилда ёзилган шеърда Омон Амир Олимхонга умумий баҳо беришни мақсад қилиб қўйган эмас. Шеърда сўз кўпроқ Амирнинг гуноҳлари ва бу гуноҳлар учун сўнги тавба-тазаррулари устида боради. Толотумлар пайтида юртини, халқини ташлаб хорижга қочган, умри Афғонда муҳожирликда кечган, охири кўзи ожиз бўлиб қолган Амир ўғилларини чорлаб, Жайхун бўйига элтишларини илтимос қилади. Шоир шу илтижо хусусидаги ўз таҳмиллариини ўртага ташлайди, одатдагидек, қизгин баҳсларга киришади; шоир дилидан бири-кетини аламли саволлар ёғилади; «Улоқ-талаш бўлган Бухоро — замин» ҳижратда юрган сўнги амирнинг бу сўнги истагини қабул этдимикан?! Қийин пайтда салтанат тизгинини шамолга ташлаб қочган зотнинг юртдан не тамаси бор? Кечикиб бўлса ҳам дарё қирғонига бош эгиб тўлқинларнинг тарқоқ қобирғасидан халқнинг юрагини — улкан Қуёшни кўрмоқчимиз?! «Лекин «Амир келди!» деса дарёдан Чикмасми кўк сари солиб ох-фарёд, Ҳарамлар, зиндонлар, таъқиблар хасми — Ҳуқуқсиз, бебаҳра, тўзгиган авлод!»

Маъсул сиймоларнинг кечикиб бўлса-да, ўз гуноҳларини англаб етиши, тавба-тазарру қилиши яхши иш. Бироқ бундай гуноҳларнинг олдини ола билиш гоят катта савоб иш. Шеърдаги баҳс-муҳокама, ташбеҳлардан чиқадиган энг муҳим поэтик сабоқ — хулоса ҳам шу:

Халқим! Тилсиз бардош ҳам умид билан
Кимники кўтарсанг тахти аълога,
Ҳали кўзлари кўр бўлмасдан бурун
Тавобга олиб бор Амударёга!

Шоирнинг ривоятлардан ташкил топган «Ҳаққуш қичқирғи» тўпламига кирган «Муаллақ тўрғай» асарини эслайлик. Ундаги мажозий ифодадан келиб чиқадиган фикр-хулоса муҳим ижтимоий аҳамиятга молик. Эмишкни, зўр ўрмонда тўрғайлар тиңч-тотув, фаровон, оқилona умр кечиряшади, беҳуда ишларга ўзларини урмайдилар. Бирдан уларнинг қонида исён жўш уради, улар қавмидан ёш даҳо чиқадию, қавминини мавжуд ҳаёт тарзига қарши исёнга чорлайди — кўкда шаҳар қуриб, самовотда овоз-эркин, шод-хуррам яшаш аҳдини изҳор этади. «Зўр гап!» дея кўплар даҳони қўллаб-қувватлайди. Шунда оқил бир бузруквор журъат этиб бу ният яхши, аммо уни рўёбга чиқариш мумкин эмаслигини айтганида даҳо уни хурофотга берилганликда, тескаричиликда айблайди, ниҳоят гумроҳ оломонни ўз ортидан эргаштиришга эришади:

Даҳо тўрғай бир юксакка
Чиқиб турди муаллақ.
«Ишга олға, тез бўл!»ларга

Тўлиб кетди ҳаммаёқ.
 Бир кун ўтди, ҳафта, ўн кун
 Утди шу хил неча ой.
 Даҳо тўрғай ҳамон кўкда,
 Ҳамон сўрар сув ва лой.
 Шунча меҳнат, қон, тер кетди,
 Лекин... биров самар йўқ.
 Кўкда ёлғиз «меъмор» бору
 Шаҳардан ҳеч асар йўқ...
 Эсиз, шунча эмгак, умр,
 Бари кетди билинмай,
 Ердаги кўп зарур ишлар
 Қолиб кетди қилинмай...

Бу саргузашт етмиш йил давомида қанчадан-қанча калтабин «даҳо»ларнинг беҳуда ташаббуси билан амалга оширилган самарасиз тадбирларга назоратчи ишора, пичинг-киноя эмасми?! 70-йиллар шароитида «қизил империя» «даҳо»ларига нисбатан бундай пичинг-киноялар қилини катта жасорат эди. Қолаверса, шеърдаги рамзий-мажозий маъно доираси фақат «қизил империя» «даҳо»лари сиёсатини фош этиши билангина чекланмайди. «Амир Олимхоннинг сўнгги илтимоси» каби шу шеър ҳам одамларни шундай кўнгилсиз машмашалардан сабоқ олишга, ҳаётдаги жараёнларга, исёнкор «даҳо»ларнинг ваъда, даъватларига сергак мулоҳазатда бўлишга ундайди.

Омон Матжон ижодида рамзий-мажозий образлар, табиат ва жонзотлар — дарахтлар ва қўшлар билан боғлиқ ташбеҳ, тинч-соллар кўп учрайди. унда тинчсоллар тили билан сўз айтиш, фикрнинг ифодалашга мойиллик кучли. Мана бу мисраларга қаранг:

Қайдан келиб қолдинг, қайин, оқ қайин,
 Бу турфа дарахтлар тизиз ўрмонга?!
 Нега керак экан назик вужудинг
 Бу қорлар мулкига, бу қаҳратонга?!

Бу назик-ниҳол, сўлим қайиннинг бўғиқ муҳитдаги танг, но-чор аҳволини тафтиши этиши, сўроқларини давом этади: бир ёнда жодугар игнабарг арча қайинни зимдан чимчилаб-чақишга ури-нади; бир ёқдан чўнг эман зўғм этади, беҳаё қарағай тап ялан-ғочлайди; боз устига шафқатсиз кимсалар кумуш баданга қора тамға ўйиб кўз ёшларини хун қилади. Қайин учун қанчалар қийин бўлмасин, шундай бўғиқ муҳитда яшаш — зарурат, кўзига у бу қора ўрмонда мағрур ёлқин бўлиб туюлади. Шундайлар бўлмаса олам мутоқ зулматга айланарди. Шоирнинг аламли хулосаси шу: «Азалдан-да поклик, нафосат. Шундай шароитда яшашга мажбур». Шеърни ўқиб киши кўнгил ҳам ҳазин, ҳам аламли туйғулар оғушида қолади.

1986 йили чоп этилган, кейинчалик Давлат мукофоти билан тақдирланган «Ганлашадиган вақтлар» китоби шоир ижодида муҳим воқеа бўлди.

Омон Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар» китоби чиқиши биланоқ одатдагидек, хилма-хил касб эгалари, ҳар хил савиядаги шеър мухлислари билан суҳбатлашишга тўғри келди. Шеършунос олим ҳам, ижод аҳли ҳам, оддий китобхон, талаба ҳам — барчаси бир фикрни айтишди: китобга кирган аксари асарларни бир ўқишда дарҳол тагига етиш қийин; шоирнинг ўша кезлари матбуотда эълон қилинган шеърлари ҳам шундай.

Дарҳақиқат, «Гаплашадиган вақтлар»дан жой олган талай асарлар, шунингдек, шоирнинг 80-йиллари матбуотда эълон этилган кўпчилик янги шеърлари маъно, лирик тўйгу-кечинмалар ва уларнинг ифода тарзи, изҳор оҳанги жиҳатидан хийла мураккаб. Хўш, бу фазилатми ёки нуқсон? Шоир асарларидаги мураккаблашиш жараёни боиси нимада? Гапнинг очиги, Омоннинг бу давр шеърларидаги мураккаблашиш ҳодисасини камчилик санайдиганлар ҳам, уни фазилатга йўядиганлар ҳам бор, ammo шоир изланишларига бефарқ қарайдиганлар учрагани йўқ. «Гаплашадиган вақтлар»даги шеърини қисса, дoston-хроника, жиддий публицистик шеърлардан тортиб, интим-ишқий лирика-ю, ҳазил-мутойибаларгача — барчаси ўқувчини баҳсга чоргайди. Уларда шоир ҳаётнинг хилма-хил муаммолари, узоқ ва яқин кечмишнинг аччиқ сабоқлари, инсон табияти ва қалбининг дарҳол тушуниш ва тушунтириш қийин бўлган сирли асрорлари, алоҳида шаҳс ва бутун бошли халқнинг кучли ҳамда ожиз жиҳатлари, инсоний камолот ва унинг кушандалари, ҳақиқат, ижтимоий адолат фидойилари ва уларнинг ганимлари, турли эътиқодлар орасидаги қураш, зиддиятлар устида, қисқаси, ҳаётнинг мураккаб, чигал зиддиятли ҳодисалари ҳақида баҳс юритади. Эҳтимол, шоир ҳаёли шу хилдаги ҳаёт мураккабликлари билан банд бўлгани учун ҳам унинг асарлари мураккаб тус олаётгандир. Энг муҳими, муаллиф ҳаёт жумбоқлари устида баҳс юритганда диалектик поэтик мушоҳада йўлидан бориб, ҳодисага хилма-хил томондан ёндошади, бир хилдаги жўн ҳукм-хулосалар чиқаришдан қочади, ҳақиқатнинг турли қирраларини очишга интилади; шоир кашф этган ҳақиқат ҳар доим ҳам барча баробар осонгина қабул этиши, қўшилаверини мумкин бўлган оддий гаплар эмас, улар қизғин руҳий баҳслар, изтиробли ўйлар, минг хил қийин тахминлар, бир сўз билан айтганда, чинакам поэтик таҳлил ва тадқиқ эвазига рўёбга чиққан бадиий ҳақиқатлардир.

Эътибор берилса китобдаги шеърларнинг кўпчилиги суҳбат-баҳс асосига қурилган, аксари шоир муайян ҳодиса баҳонасида кимлар биландир баҳслашади, гоҳо персонажлар ўзаро бир-бирлари билан тортишади, олишади; суҳбат, тотишувлар эътиқодлар жангига айланиб кетади ва мана бундай ошкора тус олади:

Сен жон сақлаш учун эли сотасан,
Мен-чи, элим учун қурбон бўламан.

Гап фақат асарларнинг суҳбат-баҳс асосига қурилганлигида эмас, умуман Омон Матжоннинг кейинги йиллар ижодида поэтик мушоҳаданинг ўзи кескин баҳс-мунозара тусини олаётганлигидадир. Шуниси диққатга сазоворки, шоирнинг сиртдан қараганда суҳбат-баҳс тарзидан холи кўринган шеърларида мунозара руҳи яна ҳам кучлироқ. Шундай бўлиши табиий, зотан чинакам лирика — қалбдаги катта инсоний дард тўлғоқлари самарасидир.

Ҳодисаларга хилма-хил томондан ёндошиш, ҳаёт муаммолари гирдобига шўнғиб кетинининг хавфли томонлари ҳам йўқ эмас; бунда шоир «ўтлаб кетиб қолиши», чигалликлар ичда калаваннинг учини йўқотиб қўйиши, асар эса бош концепция — нафосдан холи бўлиб қолиши ҳам мумкин. Китобдаги айрим шеърларда шу хавфнинг кўланкаси кўзга чалинади. Бироқ шоирнинг етук шеърларида жумбоқлар ечимини берадиган, зиддиятли ўй-мушоҳадаларга яқин бўла оладиган, умуман шеърда бош маёқ родини ўтайдиган гоյ илғари сурилади; бу бош гоյни ўзида ташувчи сатрлар гўё классик шеърятимиздаги шоҳбайтлар сингари ўқувчи хаёлини чақмоқдек дарҳол ўзига тортади, қалбларни титроққа солади.

Тўпламдаги «Динозаврлар қабристони» шеърини эслайлик. Унда шундай манзара чизилади: Гоби саҳросининг қўрғошин зирҳли сўнгсиз, бепоён яйдоқ кенгликлар; шу бўшлиқда топилган динозаврлар қабристони, бир-бирига қалашиб ётган ўнлаб баҳайбат маҳлуқлар устихонлари... Шу заҳоти саволлар устига саволлар ёғилади: улар нечун бу ерда тутқин этилган, улар нечун бу ғурбат чўлни маскан тутганлар, қайси ёвуз кучга қарши бош тикиб бари бирга бирдан ўлимга маҳкум этилган? Бу не шайтанат?! Шоир хаёли хилма-хил тахминлар, аламли ўй-мушоҳадалар қанотида олисларга сайр этади: уларни балки ўз туғилган масканларидан беомон боқин ҳайдаган ёки майда риекор фитнаси учини чўл, буларни қувгин айлаган; балким йўлбошчисиси янги ҳаёт, ризқ ваъда айлаб уларни чалғитиб, бир муҳмал йўлларга бошлаб, манзилга етолмай ўзи ўлиб кетган ёки буларни ташлаб қочган; балким бу ерлар бир вақтлар обод бўлгану буржлар қўзғолиб, сафо иқлимини остин-устун, гулзорларни яқсон этган; аҳтимол, бир пайтлар Гобининг ўзида буюклар қадрсиз қатағон бўлган... Шоир мана шу хилма-хил азобли ўйлар гирдобидида ўзида динозаврларга қариндошлик сезади, не-не насткаш зотлар қилган жабр олдида ўзини уқувсиз, ночор ҳис этади; шоирни фаңдаги динозавр зоти қирилиб, ундан қушлар пайдо бўлган, деган умидбахш таскинлар ҳам асло қаноатлантирмайди, чунки бояги тахмин унга тинчлик бермайди—золим, тубан кимсаларнинг қўлидан ҳамма нарса келиши мумкин, улар ҳаддига сиққанини қилаверадилар. Шоир ўйна динозаврлар қабри қаршисида туриб, бутун ер юзидаги улуг зотларга қарата ҳайқиради, бугунги нотинч давр сиймоларини кечмишининг ана шу сирли ва аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб олишга, курашга чорлайди:

Азизлар! Ногаҳон, гафлатда топиб,
бир офат етмасин юракка, ерга!
Энди ҳушёр туринг ва лозим бўлса
динозаврлардек жон беринг бирга!

Ана сизга шоҳбайтга тенг сатрлар, шеърнинг авж пардаси, шоир айтмоқчи бўлган бош гап! Оддий сафар таассуроти, кечмишда яшаган маҳлуқлар устихони устида туғилган ўй-мушоҳадалар шеърда шу тариқа бугунги куннинг ўткир ижтимоий-ахлоқий масалалари даражасига кўтарилади! Шеър охиридаги чақирқиқ, деклоратив-риторикадан, шеърдаги поэтик хулосалар эса дидактик ақлғўйликдан бутунлай холи: улар, кўриб ўтганимиздек, чуқур поэтик таҳлил, қалбдаги туғёнлар ҳосиласи, бадий ман-

тиқ тақозосидир. Худди шу ҳолни тўпلامдаги «Йоғ машқлари», «Жомеъ масжиди устунлари», «Бир жанобга жавоб», «Илҳом парисига», шунингдек, шoirнинг газеталарда чиққан кейинги етук шеърларида ҳам кузатамиз. Чунончи, «Йоғ машқлари»да инсон тани ва маънавиятининг чексиз имкониятлари, инсоний камолот ҳақида баҳс юритиб, гоят хилма-хил ўй-мушоҳадалардан сўнг муаллиф камолотнинг биринчи шarti «оқни оқ, қорани қора дейишдан» бошланади, деган хулосага келади, «Илҳом париси» шеъриси бу азалий жумбоққа жавоб излаб шoir турлитуман хаёлларга, фикр-мулоҳазаларга боради, ниҳоят «Илҳом, бу — элнинг зўр эҳтиёжидан шoir юрагига тушган гулгула» деган фикрни айтадики, айни шу гап сизда хайрихоҳлик уйғотади; ҳақиқат баҳсига бағишланган яна бир шеъриси «Ёлғоннинг тахтадаги юз йил даврони Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир» сатрли шoirнинг энг эзгу эътиқоди, муқаддас шиори каби жаранглайди.

Омон Матжонни биз кўпинча шеъриятда нуқул анъанавий йўллардан борувчи ижодкор деб биламиз. Дарҳақиқат, шoirда анъанавийликка мойиллик кучли, у халқ оғзаки ижоди тажрибаларига, буюк Навоий даҳосига мурожаат этиб, кўп ва хўп асарлар битган, XX аср ўзбек шеъриятининг яхши тамойилларини изчил давом эттирган. Шу билан баробар унда ҳозирги жаҳон адабиёти, санъатидаги янгича йўналишларга ҳам меҳри, иштиёқи баланд, тараққийпарвар модернистик санъат кашфиётлари олдида лол қолади, кўплар бу мўъжизалар сеҳрини англаб етолмаётганлигидан афсусланади. Америка сафари таассуротлари асосида битилган «Клод Моне чизган манзара» шеъри бу жиҳатдан ибратли. Моҳир рассомнинг кўплар учун тушуниксиз туюлган санъатини ўзича кашф этиб, қувончдан лол қолади:

...Нафис тонг ипаги,

Титроқ симоб кўл.

Ой нурин ёпинган боғ тинч уйқуда.

Кўлда эса акси...

Бу гўзалликни

Бир не бузмаса деб қотдим қўрқувда.

Беқийс истеъдод маҳсули бўлмиш бу манзарани шoir сеҳрли бир назокат билан «Илоҳий ҳаё гўшаси» деб атайтиди. Афсус, минг афсус «Бу шошқин одамлар, бу тезкор аср Унга этиб бориши қийин!»

Шу тариқа бу ерда ҳам шoirни доимо қийнаб келадиган ҳаёт жумбоғи — нафосат билан дағаллик, даҳо билан оломон ўртасидаги зиддият баҳси, бу борадаги аламли ўйлар...

Омон Матжоннинг мухлислари ундан яна кўп шу хилдаги ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган янги сеҳрли шеърлар, достонлар кутади, шoir қалбидаги олов яна кўп мўъжизалар инъом этишига ишонади.

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

МУНДАРИЖА

«Қуш йўли» китобидан, 1993

«Доим шу иштибоҳ...»	3
Уй	4
2—3 январь, Хоразм	6
«Кузда мен...»	7
Нур қиссаси	9
«Бу боғлардан бизлар ўтдик...»	11
Хориждаги ўзбекларим	12
Бу — Машраб, Машраб!	13
Бозор ҳазили	15
«Болаликда ўч олишга ўч эдим жуда...»	16
Илоҳийлик хусусида	17
«Ишқдан ҳол сўрдим...»	19
Қисқа мулоқотлар	20
Қуш йўли (Достон)	25
Қўҳна ҳикматлар	77
«Бугун юрт уфқида бир нур...»	79
Душанбада танклар	80
Уچار тарелкага	82
Ажойиб ғалабалар	84
Ғатагон қилинган қозон хусусида	86
Содда қорачуқлига ҳазил	87
Барранг бут бўлсин, юртим	88
«Толемда сирли хатлар кўринди...»	90
«Қатор-қатор минор кўрдим Хивада...»	91

«Очиқ деразалар» китобидан, 1970

«Кимнидир ахтардим..»	92
Очиқ деразалар	93
«Кўзларингни яширгил мендан...»	94
Мезон	95
Шеърят	96
«Беланчақда ётар коинот...»	97
«Бошқалардек севишдик биз ҳам...»	98
Бобур	99
Фируза	100
«Чирой ахтарса ким...»	101
Шар	102
Дўстларим	103
Бугдой	104
«О туни сўлим денгиз...»	105
Капалагим, жон ҳалагим...»	106
Акс-садо	107

Ирмоқ	110
«Жала қуйиб берса бепарво эдинг...»	111
«Тун чўкди...»	112
Эшигиндан ўтурман	113
Манзара	114

«Карвон қўнғирогги» китобидан, 1973

Ойбек	115
Она деган сўз	116
Бир қадам олға	117
Деворлар	119
«Хаёлимда яшар бир наргис...»	121
Хотира	122
«Тун қучоғи турли нурлар...»	123
Ўн учинчи эшик	124

«Қуёш соати» китобидан, 1974 128

«Енаётган дарахт» китобидан, 1977

Сирларим	139
Мен шеър ёзсам	141
Табиатнинг «Қизил китоби»га	142
Енаётган дарахт	144
«Мен истайман...»	145
Бахшига	146
Гўдак феълли дўстимга	148
«Бугун ой ботганда...»	149
«Кўнглим менинг парвоз истайди...»	150
Оғаҳий газалига мухаммаси мулоқот	151
«Кўзингда мунаввар дунёлар...»	153

«Ярадор чақмоқ» китобидан, 1979

«Киши кайфияти, руҳига қараб...»	154
Чарли Чаплинни эслаб	156
«Умр ўтган сайин...»	158
Китобга сўз боши излаб	159
«Меҳр кўзда эмас...»	161
Ҳазил	162
Баҳор арафаси	163
Айрилдиқ	164
Февраль	165
Янги йил жом сўзи	166
Икки қалъа	168
«Шалола» шеърят клуби қатнашчисига	169
«Мен ишқимни айтолмасам ўзингга...»	172
«Йиғладинггу кулдинг...»	173
«Сен кетурсан, изингдан...»	174
Руҳнинг жажжи сувратлари	175
Сахро	176
Куз	177

«Ҳаққуш қичқирғи» китобидан, 1979

Одамнинг ёши	178
Алла	181
Мангуликнинг ўлчови	187
Нуржон ботир	189
Муаллақ тўрғай	193
Комил Хоразмийнинг Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) дан Россия билан сулҳ тузишни сўрагани	196
Энг сўнгги хазина	199
Аждар қудуқ	203
Ёр тавлаш	208
Давроншоҳнинг суврати	212

«Сени яхши кўраман» китобидан, 1981

Учрашув	217
«Қайдан келиб қолдинг, қайин...»	220
Сени яхши кўраман (Туркум)	221
Дала шийпонда ухлаётган гўдакка	228
Плайнликларнинг антиқа ирими	230
Клод Моне чизган манзара	232
«Нью-Йоркда мендан бир зот...»	233
Жавоб	236
Учинчи дарё	237
Ёзувлар	238
«Бир оз маънос тортиб иқроф бўламан...»	240
Амир Олимхоннинг сўнгги илтимоси	242
Тилсиз нарсалар	243
«Қайси йил кўкламда...»	244

«Дарахтлар ва гиёҳлар» китобидан, 1984

«Дарахтлар ва гиёҳларнинг тарҳи...»	246
Илҳом нарисига	248
«Кўрдим, Шукур Бурхон...»	250
«Ўқишга боришман...»	252
Тунда оқарган дарахтлар...	253
Ёлгончи дунё ҳақида Жуманиёз Қўзиёв монологи	254
Микеланжело	256
«Безовтасан, шоир...»	258
«Қор босган оқ-оппоқ далада...»	259
«Мен нени билмайман, ўртоқ...»	260
«Гоби майдонида жазира раққос...»	261
Динозаврлар қабристови...	262
Лабиринт	264
Қўшиқ	265
«Симоб устунига жо бўлган жонман...»	266
«Бир афсунгар келиб...»	267
«Кетиб, ҳолимни сиз...»	269
«Кетишим шарт эди...»	270
Аёлга мақтов...	271
«Сақили наво»	272
Фалончининг фикри	274

Тажрибакашга	276
«Хой, қаргавой...»	277
«Шоир, сен намулча ҳақ деб...»	278
Ал-Хоразмийнинг Византиядаги Эфест форига саёҳати	279

«Гаплашадиган вақтлар» китобидан, 1986

Йог машқлари...	285
Бир жанобга жавоб	287
Кумуш учқунлар	289
Бахтиёр	290
«Сен-мен...»	291
Жоме масжиди устунлари	293
«Сендан хабар келтирса...»	295
Бирлик қудрати	296
Оқшом. Гавжум Париж	297
Фонтенбло қасри товуслари	298
Сена бўйида қуш бозори	299
Тарих музейида	300
Чучварадан чиққан хатлар.	301
Альбатрос (Ш. Бодлер)	303
Замин тақсмоти (Ф. Шиллер)	304
Рубойлар (Сино)	306

«Минг бир ёгду» китобидан, 1989

Уйғонини	307
1986. Кўз	308
Тўртликлар	309
«Мен булут бағрига син солиб боқсам...»	310
«Сўнгги пайтлар, қизиқ...»	311
Мослашувчига	312
Қийин муҳаббат	313
«Дилимнинг рангини гул билса бўлди...»	314
Вавилон қалъасининг хароб бўлиши	315
Кўзгу қаршида	316
«Бу — ёлгон...»	317
Сухбатдош	318
«Мен ҳаёл суриб кетаман...»	320
Денгиздаги шахмат ўйини ёки битта ортиқ пиёда ҳақида	321
Бир куни	323
Қор кутиб	325
Бу дарахт	326
Тун уйлари	327

«Ўртамизда биргина олма» китобидан, 1990

«Эй, сен, Бухоронинг азиз нақшларин...»	328
«Яратганга шукур, сен яна келдинг...»	330
«Қиш армони кетди...»	331
Йиғлаб келаётганлар...	332
Ўзбек гўзали	334
Эҳтиром	335
Дўст уйида	336

Уйқучилар мамлақати	337
Аввалгиларга ўхшамас	341
«Ўртамизда биргина олма...»	343
Хоразмлик дўстимга ҳазил мактуб	344
Нега мен?! (Достон)	348
«Ениб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!» (Умарали Норматов).	369

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Омон Матжон

ИЙМОН ЕҒДУСИ

Сайланма

Шеърлар, дostonлар

Муҳаррир **Ж. Субҳон**

Рассом **А. Бобров**

Расмлар муҳаррири **А. Кива**

Техн. муҳаррир **Т. Смирнова**

Мусаҳҳиҳ **Ш. Собирова**

ИБ 5305

Босмаҳонага 03.10.94 да берилди. Босишга 07.02.95. да руҳсат этилди.
Бичими 84×108^{1/2}. 1-нав босмаҳона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори
босма 20,16. шартли босма тобоқ. 14,5 Нашр босма тобоғи **Жами**
10000 нусха. 540 буюртма. Баҳоси шартнома асосида 47—94 рақамли
шартнома.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент
Навий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал
фабрикасида chop этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси,
1-уй.

Матжон, Омон.

Иймон ёгдуси: Шеърлар, дostonлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёт: 1995.—384 б.

Шеърлар ҳам одамлар каби йиллар синовидан ўтади, ўз муаллифи, замондошлари билан тақдирдош бўлади. Даврлар алмашинуви, вақт жилолари, жамиятдаги ларзалар, мураккаб жараёнлар шоир қалбининг, иймонининг шаҳодатномаси ўлароқ унинг шеърларида муҳрланади.

Одам учун гоят зарур бўлган, сотиб олиб, қарзга сўраб, ё вақтинча фойдаланишга олиб бўлмайдиган бир сифат борким, у табиат, ҳақ ато этган иймон ёгдусидир.

Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳамда республика ҳаётидаги ҳалол ва серқирра ижтимоий фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 12 феврал фармонида асосан «Ўзбекистон халқ шоири» Фахрий унвони билан мукофотланган Омон Матжон турли йилларда ёзилган шеър ва дostonларини ушбу китобга саралашда, жойлаштиришда лутфан ва бевосита қатнашди. Мазкур тўплам муҳтарам ўқувчига шоирнинг эрк, истиқлол сари чизилган қатъий, олий йўлини, соғинч ва изтиробларини, умид нурларини аниқ кўриш, ошино бўлиш имконини беради.

Ўз 2